# АЛИШЕР НАВОИЙ



# ҲИКМАТЛАР

ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2011

УДК: 821
ББК 84 (5ў)1
Н 14

Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:
филология фанлари номзоди
Эргаш ОЧИЛОВ

Тақризчилар:
филология фанлари доктори, профессор Н. КОМИЛОВ,
филология фанлари номзоди С. ОЛИМОВ

Алишер Навоийнинг катта-кичик ҳикматлар мажмуалари кўп марота[illegible] нашр қилинган. Йигирма жилдлик Мукаммал асарлари тўплами ас[illegible] тайёрланган ушбу китоб шоирнинг ҳикматли сўзларини имкон қадар[illegible] камраб олгани билан алоҳида қиммат касб этади. Адабиёт ихлосмандла[illegible] ундан буюк мутафаккирнинг олам ва одам, шахс ва жамият, ҳаёт моҳияти [illegible] инсон умрининг мазмуни, тириклик ва ўлим, маърифат ва жаҳолат, ҳақиқат ва ёлғон, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик ва душманлик, муҳаббат ва садоқат, диёнат ва хиёнат, савоб ва гуноҳ, ҳалол ва ҳаром, сахийлик ва бахиллик, самимият ва риё, қўйингки, инсоният ақлию кўнглини банд этиб келган барча азалий ва абадий мавзулар, қадрият ҳамда тушунчалар, фазилат ва иллатлар ҳақидаги шаклан гўзал, мазмунан теран ва бадиий юксак фикр-мушоҳадаларини топишлари шубҳасиз. Бу тафаккур уммонида сузган ҳикмат дурларини, бу ҳикмат бўстонида кезган маърифат гулларини қўлга киритишига ишончимиз комил.

Навоийнинг ҳикматлар оламига саёҳатингиз муборак бўлсин, азиз ҳикматсевар дўстлар!

ISBN 978-9943-01-628-6

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

# ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Биз Алишер Навоийни мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Мутафаккир сўзининг маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлган киши дегани. Бу иш ҳар қандай иқтидорли қалам аҳлининг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам дунёда шоиру ёзувчи кўп ўтган бўлса-да, улардан жуда оз қисмигина бу шарафли номга лойиқ кўрилган.

Мутафаккир адиб, биринчидан, чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши, иккинчидан, ҳаёт, инсон ва умрнинг маъно-мазмуни, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳалол ва ҳаром, фано ва бақо, нафосат ва қабоҳат, дўстлик ва душманлик, диёнат ва хиёнат каби азалий ҳамда абадий тушунчаларнинг моҳиятини теран англаб етиши ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қила олиши, учинчидан, фикр-мулоҳазаларини турли бадиий тасвир воситалари ёрдамида аниқ, лўнда ва таъсирчан ифодалаш маҳоратини эгаллаши керак. Бу эса ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайдиган буюк мақом.

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўққи, у қаламга олмаган бўлса! Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда: «Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз»[1].

[1] Президент Ислом Каримовнинг Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутки // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2001, 5-сон, 4-бет.

Дарҳақиқат, ҳеч нарса Навоийнинг теран нигоҳидан четда қолмаган. Айтайлик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунгға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Мазмуни: «Отангнинг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган қуёш деб бил».

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмаса керак: дунё учун ой билан қуёш қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шунчалик қимматга эга! Чиндан ҳам, ой туфайли тун, қуёш сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд ҳаётининг тунини ёритса, она кунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузнинг ярми ёруғ, ярми коронғидай туюлади.

Мутафаккир устоз ва шогирд муносабатлари хусусида фикр юритар экан, «Ҳақ йўлида кимки машаққат чекиб, сенга биргина ҳарф ўргатган бўлса, юз хазина бойлик билан ҳам унинг ҳақини адо этолмайсан», дейди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Бу – устоз ва шогирднинг ўзаро муносабати тўғрисидаги шоирнинг фалсафий хулосаси. Дарҳақиқат, устознинг мақоми буюк – уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. «Устоз отангдан улуғ», деган мақол бежиз айтилмаган. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида: «Чунки отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устоз ердан яна кўкка кўтарди», – деб жавоб берган экан.

Ёшларга қарата эса шундай дейди:

Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи сарф қилғил ани.

Аввало, ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Қолаверса, кейин ҳаёт ташвишларига

кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, «хотира ҳам айтганни қилмайди».

Мутафаккир шоир инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида – жамиятга фойдали касб билан шугулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг огирини енгил қилишида деб билади. Унинг халқ ғамини ўз ғами деб билмайдиган одамни одам қаторига қўшмаслиги бежиз эмас:

Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Бу – Навоийнинг инсон ҳақидаги қарашлари тизимида энг муҳим нуқта. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам халққа қанча кўп фойданг тегса, бу нарсанинг ўзингга фойдаси кўпроқ, деган ақида билан яшаган:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Навоийнинг нуқтаи назарига кўра, молу дунёни йиғиш эмас, балки хайрли ишларга, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш керак. Унинг ўзи шундай йўл тутади ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади. Шоирнинг ёзишича, пулу бойликнинг қулига айланган, жонини тикиб молу дунёга интилган киши ҳеч қачон азиз бўлмайди:

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб, сийм харидори азиз.

Халқ ҳаётини энг чуқур қатламларигача, икир-чикирларигача яхши билган, халқ оғзаки ижодидан тўла хабардор шоир ўз асарларида халқ мақол-маталлари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, кундалик турмушдан олинган ҳаётий ташбеҳларни кўп қўллайди. Ўз навбатида, замонасининг барча илмларини эгаллаган, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган донишманд шоирнинг кўрган-кечирганларининг хулосаси сифатидаги теран мазмунли, лўнда ҳикматлари халқ орасига шунчалик сингиб кетганки, уларнинг қайси бири халқники-ю, қайси бири Навоийники эканлигини ажратиб бўлмайди. Мисоллар:

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

* * *

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

* * *

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

* * *

Сиҳҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема.

* * *

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур.

Алишер Навоий илк девони «Бадоеъ ул-бидоя»га ёзган дебочасида адабиёт – тарбия воситаси эканлигига урғу бериб, ҳар қандай бадиий асар маърифий фикрлар ва панд-насиҳатдан холи бўлмаслиги кераклигини қайд этиб, шундай ёзади: «Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай»[1].

Шундан кейин ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Айни жиҳатдан шоир мероси – маънавий-ахлоқий тарбиянинг кучли қуролларидан бири. Инсон тарбияси, камолоти масалаларини ўзбек адабиётида ҳеч ким Навоий каби аъло

[1] *Алишер Навоий*. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. – Т.: «Фан», 1987, 21-бет.

даражада куйламаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу – етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажратмаслик, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, Ватанга содиқ фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини барча нарсадан устун қўйиш ва ҳоказо.

Навоий орзу қилган ва барчадан талаб этган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кенгки, уларни санаб адо қилолмайсиз. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ панд-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос дастур, қўлланма вужудга келади.

Аслида Шарқ халқлари қадимдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд ота-боболаримиз битта ҳикматли сўзни бир тиллага сотиб олганлигидан шоҳидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Луқмони ҳакимдан: «Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?»– деб сўраганида, у ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканки, барча пайғамбарлар унинг панд-насиҳатларига муҳтож бўлган эканлар. Шунинг учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривожланган. Бу ўринда «Калила ва Димна», «Қобуснома», Шайх Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл» ва «Гулзор», Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя. Панд-насиҳат мумтоз адабиётимизнинг қат-қатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган.

Алишер Навоий ижодининг барҳаётлиги шундаки, у азалий ва абадий мавзуларни юксак маҳорат билан қаламга олган: муҳаббат, вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик, яхшилик каби инсоний фазилатларни улуғлаган бўлса, ёмонлик,

зулм-зўрлик, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлғон, тама, хасислик сингари иллатларни кескин танқид қилган. Айтайлик, Алишер Навоийнинг ўзи эзгуликни умрининг мазмунига айлантириб, бир умр одамларга яхшилик қилиб ўтди. Лекин чаён ўз халоскорига ҳам нишини санчгани каби, унинг яхшилигига ёмонлик қайтарганлар ҳам кўп бўлди. Мана шундай одамлардан аламзада пайтларида у зуваласига инсонийлик уруғи қўшиб қорилмаган кимсаларни ҳар қанча тарбия қилма, барибир одам бўлмайди, деган хулосага келади:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами –
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

Дарҳақиқат, одам боласи тарбия туфайли илму ҳунар эгаллаши, баъзи яхши фазилатларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг табиатидаги ёвузлик, кин, ҳасад, бахиллик, гаразгўйлик, туҳматчилик, ёлғончилик каби туғма иллатларни дунёнинг жами донишмандлари бир бўлиб тарбияласалар ҳам йўқотолмайдилар. «Биров тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчирибди, деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта тугма феълига қайтур»[1], – дейилади ҳадисда. Шоир шеърларидаги дунё ва замонга нисбатан танқидий руҳнинг кучлилиги, бани башардан норозилик оҳангларининг кўплиги худди шу билан изоҳланади. Инсон мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу даражада яшайди. Бинобарин, Навоий каби ҳассос шоирларнинг эзгуликни улуғлаш, ёвузликни қоралашга йўналтирилган асарлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қилаверади.

Алишер Навоий кўп қиррали теран фикрларни лўнда ва аниқ шаклда ифодалайди, ўз фикрининг таъсирчанлигини ошириш учун ҳаётий ташбеҳлар топади. Фикр, нарса ва ҳолатни

[1] Минг бир ҳадис (Араб тилидан Абдулазиз Мансур таржимаси). – Т.: «Мовароуннаҳр», 1998, 14-бет.

ўхшашига нисбат бериш, ё зиддига қиёслаш орқали ибратли хулоса чиқаради. Чунончи:

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

Бу ерда шоир ўз фикрини қарама-қарши қўйиш – тазод санъати орқали ифодаламоқда: ҳозир бутун дунё тама қулига айланган, агар сен тамани тарк этсанг, оламдаги барча одамлар бир тарафу сенинг ёлғиз ўзинг бир тараф бўласанки, бу ниҳоятда улуғ ишдир.

Қуйидаги ҳикмат эса ташбеҳ – ўхшатиш асосига қурилган: бир синиқ кўнгилни кўтариш Каъбани обод қилишга тенглаштирилади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Бу тасаввуфдаги кўнгилни улуғлаш анъаналарига бориб тақалади. Кўнгилнинг ҳамма нарса, ҳатто Каъбадан ҳам устун қўйилишининг сабаби шундаки, тасаввуфда Оллоҳдан кейин кўнгил туради. Тўғри, Каъба – Оллоҳнинг уйи, лекин у зоҳирий, рамзий уй, унинг ҳақиқий уйи – инсоннинг кўнгли. Дунё ва нафс ғуборларидан покланган, кўзгудай мусаффо ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ жамоли жилваланади. Шунинг учун ҳам Умар Хайём лойдан бино қилинган юзта Каъба битта кўнгилнинг ўрнини босолмайди, деган. Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр» достонида оламнинг қибласи бўлишига қарамай, Каъбанинг кўнгил каъбасичалик қадри йўқ, деб лутф этади:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи, кўнгул каъбаси.

Навоий олам ва одам моҳияти ҳақида кўп бош қотирган, тириклик ва ўлим сабаблари устида муттасил мулоҳаза юритган, инсон ҳаётининг мақсади, маъно-мазмуни хусусида бир умр ўйлаган, табиат ва жамият сирларини ечишга интилган. Унинг чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба, теран тафаккур ва шоирона ўткир нигоҳ билан уйғунлашган фикр-мулоҳазалари, фалсафий хулосалари ҳикмат каби жаранглаши

шундан. Чунончи, шоир оламнинг яратилиши тўғрисидаги кўп йиллик мушоҳадаларининг натижаси сифатида дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканлигидандир, деган теран ва ҳаққоний бир фикрни баён этади:

Бу коргаҳда хато келмади чу бир сари мўй,
Хато менинг назаримдиндурур, хато кўрсам.

Дунё отлиқ Ёсуман ҳарчанд Фарҳоддек асл одамларни жувонмарг қилувчи бўлмасин, Хусрав каби нокаслар ҳам ундан вафо умид қилиши хатодир, чунки ҳаёт тегирмони навбати билан яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз комига тортади. Умар Хайём айтганидек, бошқалар ўлиб, ўзингнинг тирик юрганингга мағрур бўлмаки, бир куни албатта сенинг ҳам галинг келади:

Даҳр золи нечаким Фарҳодкушдур, турфа кўр –
Ким, хатодур тутса гар андин вафо Парвез кўз.

Бу ерда «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг Хусрав ёллаган Ёсуман макри билан ўлдирилганлигига ишора қилинаяпти. Ҳолбуки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормайди – Ширинниинг васлига етолмай, ўгли Шеруя томонидан ўлдирилади. Ўз навбатида, падаркуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотади.

Халқдан бошингга ҳар қанча жабру жафо ёғилмасин, мен учун бошқа халқ ярат дейиш жоиз эмас, чунки еру кўкнинг Парвардигори нимани қандай яратишни ўзи билади. Шунингдек, дунё мукаммал эмас, дейиш ҳам қайсидир маънода Яратувчига таъна қилиш ҳисобланади. Аввалу охирни билгувчи улуғ зот дунёни ҳозирги ҳолатида яратибдими, шуни маъқул кўрган – бунда худонинг нимани кўзда тутганини эртага не бўлишини билмайдиган бандалар қаердан билсин:

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярот.

Навоий умрни шамолга ўхшатади: ҳар қанча югуриб, шамолга етиб бўлмагани сингари, шиддатли умр оқимини ҳам тўхтатиб

туриш мумкин эмас. Шундай экан, қўлингдан келганча уни шод-хуррам ўтказ, токи сўнгги лаҳзада бу олам айвонини афсусу надомат билан тарк этма:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.

Бошқа бир газалида изтироб билан ёзганидай, гуллаган ёшлик бўстонини ҳарчанд игнабанд девор билан ўраб олма, кексалик қўшини – куз барибир унга бостириб киради:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

«Девони Фоний» ҳам шоир адабий меросининг ажралмас қисми. Навоийнинг форсий шеърлари ҳам бадиий баркамоллиги, теран маъноли фикрлар ва ҳикматли сўзларга бойлиги билан ўзбекча шеърларидан қолишмайди. Шунинг учун унинг чуқур мазмунли фалсафий-ахлоқий фикр-мушоҳадаларини ўзида мужассам этган қитъа, рубоий ва байтларини таржимаси билан бирга келтирдик. Бусиз мутафаккир адибнинг ҳикматлар китоби ҳам, унинг тафаккур кўлами ва ижодий олами ҳақидаги тасаввуримиз ҳам кемтик бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунончи, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига татаббуъ сифатида ёзган «Туҳфат ул-афкор» қасидасида бегуноҳ кишининг кўнглини тил тиғи билан жароҳатлаш соғлом томирга наштар уриб, уни майиб қилиб қўйиш билан баробардир, деб ёзади:

Бегунаҳро сохтан озурда аз теғи забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст.

Кишиларга хайру саховат, карам кўрсатишдан жавонмард камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар эҳсон қилгани учун эмас, чунки сепган билан дарёнинг суви, сочган билан қуёшнинг нури камаймайди, дейди:

Жавонмард аз карам муфлис нагардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нукс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстонидир. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиянгизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган донишманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши-ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун «ўру қир»ини обдан кузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарса-тушунчаларни ақл тарозисида ўлчаб, кўнгил дафтарига дарж этган. Шоир ҳикматлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан юксак эканлиги учун ҳам ҳеч вақт ўз аҳамиятини йўқотмай, барчага маъқул бўлиб келаяпти.

Биз кўпдан буён Алишер Навоийнинг барча ҳикматли сўзлари, теран маъноли фикрларини бир ерга жамлашни мақсад қилиб юрган эдик. Улуғ шоир йигирма жилдлик Мукаммал асарларининг чоп этилиши, шубҳасиз, маданий-адабий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Албатта, Алишер Навоий ижоди – муаззам уммон. Бу уммонга шўнғиган ҳар бир ғаввос ўз имкони даражасида маъно марваридларини қўлга киритиши шубҳасиз. Ҳикматсевар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур марваридлар шодаси мутафаккир адибнинг деярли барча асарлари ичидан териб олинган ҳикматли сўзлари ҳамда чуқур фалсафий мушоҳадалари ва теран ҳаётий кузатишларини ўзида мужассам этган пурмаъно фикрларидан иборат. Бинобарин, Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан тайёрланган ушбу тўпламни буюк мутафаккир ҳикматларининг тўла нашрини амалга ошириш йўлидаги ўзига хос уринишлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

*Эргаш ОЧИЛОВ,*
*филология фанлари номзоди*

## «БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ»дан

Бировки, ишқу май илгида[1] мубтало бўлғай,
Не тонг[2], ағар анга ҳар лаҳза юз бало бўлғай.

* * *

Кулмакка ўрганур эл ҳар сўзки деса мажнун[3],
Ул сўзни жамъ қилса, кулмакни истар афзун[4].

* * *

Девонаки, маст бўлса дойим,
Кулмакка эрур сўзи мулойим.

Ўрганса улус[5], эмас таҳайюр[6],
Гоҳи керак элга ҳам тамасхур[7].

* * *

Тухм[8] ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!

---

[1] *Илиг (Илик)* – қўл.
[2] *Не тонг* – не ажаб, ажаб эмас.
[3] *Мажнун* – жинни, телба.
[4] *Афзун (Фузун)* – кўп, ортиқ, зиёда.
[5] *Улус* – эл, халқ.
[6] *Таҳайюр* – ҳайратланиш, ҳайронлик.
[7] *Тамасхур* – масхара бўлиш.
[8] *Тухм* – уруғ, тухум.

* * *

Гарчи бас тийраруйдур[1] ул зулумот,
Ғам эмас, чун бор анда оби ҳаёт[2].

* * *

Шўхеки, ўкуш[3] ҳусну жамол ўлғай анга,
Бир ҳусн яна ҳусни мақол[4] ўлғай анга.
Лаъли[5] аро дурларида гар бўлса қусур,
Сўз дерда керакким, инфиол[6] бўлғай анга.

* * *

Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гулу суман[7] бўлса керак,
Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,
Ҳар қайда тикан, ранжу миҳан[8] бўлса керак.

* * *

Гул бўлса, тикан доғи[9] бўлур бўстонда,
Дур бўлса, садаф[10] доғи бўлур уммонда.

* * *

Юз гул аросида бир тикан бўлса, не тонг?!
Юз яхши ичинда бир ёман бўлса, не тонг?!
Минг соғар[11] ичилса, ўйлаким оби ҳаёт,
Бирнинг таҳида дурдидан[12] бўлса, не тонг?!

---

[1] *Тийраруй* – қора юзли.

[2] *Оби ҳаёт* – Хизр алайҳиссалом ер ости – зулмат қаъридан излаб топган ва бир қатра ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган мангулик суви.

[3] *Ўкуш* – кўп, анча, талай.

[4] *Ҳусни мақол* – хушмуомалалик, ёқимли ва чиройли сўзлаш.

[5] *Лаъл* – қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош.

[6] *Инфиол* – 1) ҳаяжонланиш; таъсирланиш; 2) хижолат тортиш.

[7] *Суман* – оппоқ гуллайдиган жасмин гули, ёсуман.

[8] *Миҳан* – меҳнатлар, машаққатлар.

[9] *Доғи (Даги)* – яна, тағин, ҳамда.

[10] *Садаф* – ичида гавҳар етиладиган ҳуккa.

[11] *Соғар* – май ичадиган идиш, пиёла, жом, кадаҳ.

[12] *Дурд* – май қуйқаси, қолдиғи.

* * *

Айб истагучики, сўзидур барча хилоф,
Ферузани[1] хармуҳра[2] дебон сурса газоф[3],
Чун жавҳарини[4] зоҳир[5] этар, айла маоф[6],
Мундоқ жавҳарийға[7] Тенгри бергай инсоф.

* * *

Ким қилса иморатеки, мақдур[8] ўлғай,
Чун исми китобасида мастур[9] ўлғай.
Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,
Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.

* * *

Зоҳид хуш эмастурур харобот[10] ичра,
Фосиқ не тилар аҳли муножот ичра?
Ғурбатки, қотиқ тутубтур они бори халқ,
Будурки, тушар киши сурук ёт ичра.

---

[1] *Феруза (Фируза)* – кўк тусли қимматбаҳо тош.

[2] *Хармуҳра* – эшакмунчоқ.

[3] *Газоф* – ёлғон, беҳуда, асоссиз.

[4] *Жавҳар* – 1) гавҳар; 2) асос, моҳият; 3) нодир, ноёб; 4) ҳаёт.

[5] *Зоҳир* – 1) кўриниб турган, очиқ-ошкор, аён; 2) ташқи кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши.

[6] *Маоф* – афв этиш.

[7] *Жавҳарий* – жавҳаршунос: қимматбаҳо тошларни ажратувчи.

[8] *Мақдур* – бу ерда имконият маъносида.

[9] *Мастур* – бу ерда ёзилган, битилган маъносида.

[10] *Харобот* – тасаввуф истилоҳида майхона; комил инсон ҳузури.

## «ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»дан

Комин[1] қилур эрмиш одамизод хаёл,
Нақш айлар эмиш кўнглига юз фикри маҳол,
Мундин ғофил қолибки, ҳаййи мутаол[2],
Келтургуси тонгла[3] анинг оллиға не ҳол.

* * *

Ҳам демагида йўқ эътиборе кишига,
Ҳам қилмоғида йўқ ихтиёре кишига,
Тақдир аро чун йўқ иқтидоре кишига,
Не қилганиға, не эрк боре[4] кишига.

* * *

Уйки, адно[5] тебранур, сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн[6] йўқтур гунбади гардон[7] аро.

* * *

Чархи дойир[8] баҳридин[9] эл тутмасун соҳил умид –
Ким, қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

---

[1] *Ком* – мурод, мақсад, орзу, тилак.
[2] *Ҳаййи мутаол* – Худонинг сифати: олий даражали.
[3] *Тонгла* – 1) эрта; 2) қиёмат.
[4] *Боре* – лоақал, бир марта.
[5] *Адно* – бу ерда: озгина.
[6] *Амн* – тинчлик, осойишталик.
[7] *Гунбади гардон* – айланувчи фалак.
[8] *Чархи дойир* – айланувчи, сайр этувчи фалак.
[9] *Баҳр* – дарё, денгиз.

* * *

Ғурбат суубатин[1] киши билмас ватан аро.

* * *

Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Ғайри ғадр аҳли[2] не бўлғай олами ғаддор аро.

* * *

Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида[3].

* * *

Эй Навоий, ақлу дин яғмо[4] қилур даврон майи,
Чиқ равон бу базмдин, филжумла[5], ҳушунг борида.

* * *

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин[6] қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун[7] бу золи[8] маккор оллида.

* * *

Даҳр[9] элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар[10] йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.

* * *

Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо[11] бўлған бало.

---

[1] *Суубат* – қийинчилик, азоб.

[2] *Ғадр аҳли* – муттаҳамлар, хиёнаткорлар.

[3] *Ашжор* – дарахтлар.

[4] *Яғмо* – талон-торож, ғоратгарлик, бузғунчилик.

[5] *Филжумла* – хуллас, қисқасини айтганда.

[6] *Арус (Арус)* – келин, келинчак.

[7] *Забун* – ожиз, заиф, бечора, мағлуб.

[8] *Зол* – қария (чол, кампир). *Золи маккор* – кекса фирибгар, яъни дунё маъносида.

[9] *Даҳр* – дунё, олам.

[10] *Ар* – агар боғловчисининг қисқарган шакли.

[11] *Қазо* – тақдир, қисмат. Оллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандай бўлишини азалдан билиши.



ИНВ. № 329330

* * *

Танаъъум[1] даст бермас кимсага, бўлмай дирам[2] пайдо.

* * *

Не муҳлик[3] водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда
Қадам урған дам-ўқ[4] кўзга бўлур мулки адам[5] пайдо.

* * *

Не чамандур буки, ҳасрат суйию[6] дард ўтидин
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким, бор обу тоб[7].

* * *

Кимки саркашрак[8], ҳаводис[9] ўқиға кўпрак ҳадаф...[10]

* * *

Толиб[11] улким, топмасанг дағи бу баским, айламас
Бир нафас ғофил сени матлуб[12] ёдидин талаб.

* * *

Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум[13], ё Раб?!

* * *

Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхшиким,
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб[14].

---

[1] *Танаъъум* – баҳраманд бўлиш.
[2] *Дирам* – дирҳам: кумуш танга.
[3] *Муҳлик* – ҳалокатли, ўлдирувчи.
[4] *Ўқ* – кучайтириш юкламаси.
[5] *Мулки адам* – йўқлик олами.
[6] *Су (й)* – сув.
[7] *Обу тоб* – товланиш, яшнаш.
[8] *Саркаш* – ўжар, қайсар, итоатсиз.
[9] *Ҳаводис* – ҳодисалар, воқеалар.
[10] *Ҳадаф* – нишон.
[11] *Толиб* – солик, мурид, йўловчи.
[12] *Матлуб* – маҳбуб, маъшуқ, севилган зот.
[13] *Тааззум* – кибру ғурур.
[14] *Хўб* – 1) яхши; 2) гўзал.

* * *

Нафсинг этса шўхлуғ, чарх эмгагидин[1] қил адаб,
Тифлни[2] андоққи, зажр[3] айлар фалак бирла адиб[4].

* * *

Ҳусн аро ишвау ноз эл кўнглин
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.

* * *

Ким, ҳунар[5] ҳам бор эмиш нодон киши оллида айб.

* * *

Эй Навоий, сендек эткан зоеъ айёми шабоб[6],
Суди[7] йўқ анжум[8] киби ашки надомат шоми шайб[9].

* * *

Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳою ҳуй
Ҳарза[10] кезмакдур ҳаётинг кушларини уркутуб.

* * *

Шаръсиз[11] хошок аро хашхошдекдур[12], эй ҳаким,
Кўкка чиқсанг жайбинг[13] ичра субҳайи[14] парвин[15] солиб.

---

[1] *Эмгак* – машаққат, қийинчилик.
[2] *Тифл* – бола.
[3] *Зажр* – бу ерда: панд-насиҳат.
[4] *Адиб* – тарбиячи, мураббий, ўқитувчи.
[5] *Ҳунар* – фазл, фазилат.
[6] *Айёми шабоб* – ёшлик даври.
[7] *Суд* – фойда, наф, манфаат.
[8] *Анжум (Нужум)* – юлдузлар.
[9] *Шоми шайб* – қарилик шоми.
[10] *Ҳарза* – беҳуда.
[11] *Шаръ* – шариат: ислом дини қонун-қоидалари.
[12] *Хашхош* – кўкнори.
[13] *Жайб* – 1) чўнтак, кисса; 2) ёқа.
[14] *Субҳа* – тасбеҳ.
[15] *Парвин* – ҳулкар.

* * *

Нуктайи тавҳидни[1] билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки, қилмайдур билиб.

* * *

Молдин умрунгга осойиш агар етмас, не суд
Нуҳ[2] умрин ҳосил этсанг, ганжи[3] Қорун[4] қозғаниб.

* * *

Шабнам эрмас, наргис[5] ашкидур, недин қон йиғламас,
Кўз юмуб-очқунча гулшан умри поёнин кўруб.

* * *

Навоий кунда чун бир қурси[6] мақсум[7] ортмас, не суд
Фалакдек бўлмоғинг саргашта[8] тун-кун эҳтимом[9] айлаб.

* * *

Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз[10] бутмади,
Гар десангким кўрмайин бемеҳрлик, бу сўзга бут[11].

---

[1] *Нуктаи тавҳид* – тавҳид сири, моҳияти. *Тавҳид (Ваҳдат)* – Оллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси – намоён бўлишидан иборат.

[2] *Нуҳ* – энг узоқ умр кўрган пайғамбар. Унинг 1000, ҳатто 1600 йил умр кўргани нақл қилинади.

[3] *Ганж* – 1) бойлик, хазина; 2) олтин-кумуш.

[4] *Қорун* – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. Бу такаббур кимсани охир-оқибат бутун мол-дунёси билан бирга ер ютган. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

[5] *Наргис* – бўтакўз; мажозан маъшуқанинг кўзи.

[6] *Қурс* – кулча.

[7] *Мақсум* – тақсимланган, бўлинган, ажратилган; мажозан тақдир, қисмат. *Курси мақсум* – тақдир қилинган ризқ.

[8] *Саргашта* – овора, сарсон, саргардон.

[9] *Эҳтимом* – аҳамият бериш, диққат қилиш.

[10] *Ҳаргиз* – асло, сира, ҳеч қачон.

[11] *Бут* – санам; мажозан гўзал маҳбуба.

* * *

Шаҳди[1] айшинг заҳр[2] этар гардун[3], сен ушбу жомдин[4]
Хоҳ комингни[5] ачит, хоҳи мазоқингни[6] чучут.

* * *

Чекма ун, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале[7] парвона[8] бўлди оқибат.

* * *

Кўп Масиҳодин[9] дам урма, қил ҳаётингни туфайл[10]
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.

* * *

Не воқеъ ўлса чу тақдирдин эмас хориж,
Бас ўктадур[11] қилуридин кишига бермак ўгут.

* * *

Бу чаман ичра хазон сарсаридин[12] сарв[13] киби
Ғами йўқ тузлук[14] ила кимки шиор этти сабот.

* * *

Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст[15].

---

[1] *Шаҳд* – 1) асал, бол; 2) ширинлик, лаззат.

[2] *Заҳр* – заҳар.

[3] *Гардун* – 1) дунё, олам; 2) осмон, фалак.

[4] *Жом* – қадаҳ, май пиёласи.

[5] *Ком* – бу ерда: оғиз, танглай.

[6] *Мазоқ* – таъм билиш аъзолари.

[7] *Вале* – ва лекин.

[8] *Парвона* – кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

[9] *Масиҳо (Масиҳ)* – Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан – силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масиҳ – силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқага ҳам Масиҳ сифатини беришади.

[10] *Туфайл* – сабаб, баҳона.

[11] *Ўкта* – беҳуда, кераксиз.

[12] *Сарсар* – кучли ва совуқ шамол, даҳшатли бўрон, довул.

[13] *Сарв* – қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб турадиган игнабаргли дарахт.

[14] *Тузлук* – тўғрилик.

[15] *Донадўст* – донни севувчи, мажозан нафс қули.

* * *

Айб эрурким, аҳли дониш[1] қилса нодон бирла баҳс.

* * *

Ориф[2] эрмас, ҳар кишиким қилса ирфон[3] бирла баҳс.

* * *

Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.

* * *

Кишики нақдини[4] вазн[5] айлабон қилур мадфун[6],
Бу ғуссасанждур[7], олған киши – фароғатсанж[8].

* * *

Йилон киби, не ажаб, ганж асраған кишининг
Ҳамиша комида гар заҳр эрур, танида шиканж[9].

* * *

Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.

* * *

Эрур чун олам ичра жоҳ[10] фоний[11], яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла ўзунгни комрон[12] кўргач.

---

[1] *Аҳли дониш* – донолар, олимлар.

[2] *Ориф* – маърифат соҳиби, Оллоҳни таниган киши, комил инсон.

[3] *Ирфон* – маърифат, Оллоҳ моҳияти ҳақидаги илм.

[4] *Нақд* – пул, бойлик, қимматбаҳо нарсалар.

[5] *Вазн* – оғирлик, ўлчов; миқдор, қадр.

[6] *Мадфун* – кўмилган, яширилган.

[7] *Ғуссасанж* – ғам чекувчи, қайғурувчи.

[8] *Фароғатсанж* – роҳат қилувчи.

[9] *Шиканж* – 1) букилиш, буралиш; 2) ранж, азоб.

[10] *Жоҳ* – 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шавкат.

[11] *Фоний* – ўткинчи, омонат, йўқ бўладиган.

[12] *Комрон* – 1) бахтиёрлик, мақсадга эришганлик; 2) қудратлилик, ҳукмронлик.

* * *

Ҳавас ишқ айлаган озода[1], кечкил бу хаёлингдин –
Ки, чиқмас бу тикан кўнглунгда ногаҳ устувор ўлғач.

* * *

Қани Ҳотам[2], қани Қорун, қани Жамшиду[3] Афридун?[4]
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.

* * *

Ғурури жаҳл[5] жоми бирла маст ўлмаки, ўлмақдур,
Маозаллаҳ[6], бу майға чарх давридин[7] хумор ўлғач.

* * *

Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

* * *

Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

* * *

Тенгри раззоқ[8] келди – рўзи[9] учун
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.

---

[1] *Озода* – 1) эркин, озод, дунёвий боғлиқликлардан қутулган; 2) жавонмард, эзгу хислатлар соҳиби.

[2] *Ҳотам* – сахийлиги ва олижаноблиги билан Шарқ мамлакатларида донг таратган шахс. Ямандаги Той қабиласидан бўлганлиги учун Ҳотами Той номи билан шуҳрат қозонган.

[3] *Жамшид* – қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи. У «Жоми жаҳоннамо» – жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан.

[4] *Афридун (Фаридун)* – қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У адолат тимсоли ҳисобланади.

[5] *Жаҳл* – 1) билимсизлик, нодонлик; 2) ғафлат, жаҳолат.

[6] *Маозаллаҳ* – Худо сақласин.

[7] *Чарх даври* – фалак айланиши.

[8] *Раззоқ* – Худонинг сифатларидан бири: ризқ берувчи.

[9] *Рўзи* – ризқ, насиба.

* * *

Соқиё[1], тутқил сабуҳий[2] бодаким[3], бу дайрдин[4]
Биз кетиб, бу навъ толеъ бўлғуси бисёр[5] субҳ[6].

* * *

Эй Навоий, истасанг баргу наво[7] бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ[8] кеча, булбул киби бедор субҳ.

* * *

Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзға даҳри дун[9] қадаҳ.

* * *

Юз қадаҳ қилғил мурассаъким[10], чекарсен жоми марг[11],
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ.

* * *

Бало ичра далир[12] урма қадам то ошиқ ўлмай сен,
Самандар[13] бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох[14].

---

[1] *Соқий* деганда сўфийлар Оллоҳни, Муҳаммад алайҳиссаломни, маъшуқани, пир ёки комил инсонни назарда тутадилар. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб маърифатидан баҳраманд этадилар.

[2] *Сабуҳий* – эрталабки бош оғриғи учун ичиладиган май.

[3] *Бода* – май, шароб, маст қилувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади.

[4] *Дайр* – оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради. Дунё, олам маъносида ҳам келади.

[5] *Бисёр* – кўп, ортиқ, зиёда.

[6] *Субҳ (Сабоҳ)* – тонг, эрталаб.

[7] *Баргу наво* – ризқу рўз, тирикчилик воситалари.

[8] *Рокиъ* – рукуъ қилувчи, бош эгувчи.

[9] *Даҳри дун* – тубан дунё.

[10] *Мурассаъ* – безаш, зийнатлаш.

[11] *Жоми марг* – ажал қадаҳи.

[12] *Далир* – қўрқмас, довюрак, ботир.

[13] *Самандар* – афсонага кўра, олов ичида туғилиб, олов ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

[14] *Густох* – одобсиз, андишасиз.

* * *

Чу[1] топмас ҳар неким тақдирдур бу дайр аро тағйир[2],
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

* * *

Биҳишт[3] ичинда лиқо[4] бўлмаса эрур дўзах.

* * *

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг[5] заҳри бирла они даҳри нофаржом[6] талх[7].

* * *

Ғам шоми борди ул қуёш андоққи, гардини
Топмас тилаб ўкуш кўз ила тўтиёға[8] чарх.

* * *

Май тутки, фоний ўлди фалакдин басе[9] бино,
Ҳаргиз халал етурмади дайри фаноға[10] чарх.

* * *

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида[11],
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

---

[1] *Чу (Чун)* – 1) ки, чунки, шу сабабдан; 2) агар; 3) вақтики, модомики; 4) ўхшаш, монанд, бамисоли.

[2] *Тағйир* – ўзгариш, ўзгартириш.

[3] *Биҳишт* – жаннат.

[4] *Лиқо* – учрашиш, кўришиш, восил бўлиш.

[5] *Марг* – ўлим.

[6] *Нофаржом* – охири хайрли тугамаган, натижасиз, беҳуда.

[7] *Талх* – аччиқ.

[8] *Тўтиё* – кўзни равшан қилиш учун ишлатиладиган мураккаб дори, сурма тоши.

[9] *Басе (Бас, Басо)* – кўп, бениҳоя.

[10] *Дайри фано* – фоний дунё. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар давраси, мажлиси.

[11] *Жавф* – ич, курсоқ; бир нарсанинг ичи.

* * *

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт –
Ким, сен киби забун эрур амри қазоға чарх.

* * *

Шаҳларға гадо андоқким келди бу кун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

* * *

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

* * *

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

* * *

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

* * *

Бўлуб нафсингга тобеъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман – қила олсанг ани қил банд.

* * *

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма –
Ки, бедилларни[1] аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд[2].

* * *

Жаҳон лаззотини[3] ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду[4] қанд эрур монанд.

---

[1] *Бедил* – дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало.
[2] *Шаккарханд* – ширин, чиройли табассум қилувчи.
[3] *Лаззот* – лаззатлар.
[4] *Қайд* – боғланиш, банд, занжир.

* * *

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини[1] юлуб, бергали барбод.

* * *

Эй кўнгул, куйдур тамаъ тухмин, таманно[2] мазраъин[3],
Бу экинни чунки ҳаргиз қилмади доно писанд.

* * *

Кеч бу боғу гулларидин ҳам, Навоийким, эмас
Аҳли таҳқиқ[4] олдида дунёву мофиҳо[5] писанд.

* * *

Куйдурур албатта ҳар доруки, бўлғай судманд[6].

* * *

Ҳар не нофеъдур[7], маризи[8] нотавон кўрмас лазиз.

* * *

Зулмат аҳли ғафлат истарларки, олам комини
Уйқуча шабгир[9] қилган корвон кўрмас лазиз.

* * *

Қути[10] ботин истаким, зоҳир ғизоси[11] бирла табъ
Бир замон гар топса лаззат, бир замон кўрмас лазиз.

---

[1] *Пару бол* – пар ва қанотлар; мажозан кўлу оёқ.

[2] *Таманно* – орзу, мақсад, истак, хоҳиш.

[3] *Мазраъ* – экин экиладиган жой, экинзор, майдон.

[4] *Аҳли таҳқиқ* – билимдонлар, ҳақиқат изловчилар.

[5] *Мофиҳо* – ундаги, унинг ичидаги; *дунёву мофиҳо* – дунё ва ундаги нарсалар.

[6] *Судманд* – фойдали, нафли.

[7] *Нофеъ* – фойдали, нафли.

[8] *Мариз* – касал, бемор, хаста, бетоб.

[9] *Шабгир* – 1) кечаси ҳамла қилувчи; 2) кечани уйқусиз ўтказувчи.

[10] *Қут* – озиқ, емак. *Қути ботин* – руҳ озиғи, маънавий неъмат.

[11] *Ғизо* – озиқ-овқат, егулик, таом. *Зоҳир ғизоси* – нафс озиғи; ноз-неъмат; мол-дунё.

* * *

Ор этар пашминадин[1] аблаҳ тилаб зарриштани[2] –
Ким, эшак ҳалвони андоққим сомон кўрмас лазиз.

* * *

Ҳар не элдин қутқарур, лаззатлиғ улдурким, фақир –
Меҳр[3] қурсин, уйлаким, бир пора нон кўрмас лазиз.

* * *

Дунё аруси зулфини тутқан не огаҳ фақрдин[4],
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

* * *

Меҳр иси бу мижмари[5] ферузадин кўз тутмаким,
Барча қад шамшоди[6] бу мижмар ичинда дуд[7] эрур.

* * *

Эйки, қаддинг бўлди хам, олам била қил хайрбод[8] –
Ким, хам этмак қад ҳамиша лозими падруд[9] эрур.

* * *

Эй басо макруҳким[10], зимнида бир беҳбуд[11] эрур.

---

[1] *Пашмина* – жундан тикилган мато, чакмон.

[2] *Зарриштa* – зар ип.

[3] *Меҳр* – қуёш. *Меҳр қурси* – қуёш шакли, доираси.

[4] *Фақр* – тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш.

[5] *Мижмар* – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш, манқал. *Мижмари фируза* – кўк манқал; мажозан чарх, фалак.

[6] *Шамшод* – кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк бўлиб турадиган дарахт.

[7] *Дуд* – тутун, ғубор.

[8] *Хайрбод* – хайрлашиш, видолашиш.

[9] *Падруд* – хайр-хўш, видо, хайрлашиш.

[10] *Макруҳ* – нохуш, ёқимсиз.

[11] *Беҳбуд* – яхшилик.

* * *

Бу чаман гулбарги хушранг ўлса, майл этмангки, ул
Ғоза[1] булбул қонидин суртарки, ранги ол[2] эрур.

* * *

Сендадур мақсуд ганжи, лек жисмингдур тилисм,
Ваҳки, бу ганж ул тилисм ичра ажаб ноёб эрур.

* * *

Чун қуёшдек ерга киргунг, не осиғ[3], гар юз қуёш
Маснадинг[4] тоқида ҳар ён шамсайи[5] девор эрур.

* * *

Биҳишт меҳнат[6] эмас, бўлса ваъдайи дийдор,
Висол умиди бор эрса, жафо не бўлғусидур?

* * *

Навоиё, чу аламсиз мурод мумкин эмас,
Десангки, васл топай, ҳажр ўтиға ёқилакўр.

* * *

Ғам ўлса, солма гириҳлар[7] қошингғаким, қилмас
Ғализ[8] ўлуб бу қора манъи хомайи[9] тақдир.

---

[1] *Ғоза* – упа-элик.

[2] *Ол* – қизил, тўқ қизил.

[3] *Осиғ (Асиғ)* – фойда, наф.

[4] *Маснад* – ўрин, тахт.

[5] *Шамса* – иморатнинг девор ва пештоқларига қуёшга ўхшатиб ишланган нақш; зарланган, ярқироқ қубба.

[6] *Меҳнат* – 1) қийинчилик, машаққат; 2) бало, мусибат; 3) дард, ғам.

[7] *Гириҳ* – тугун, чигил.

[8] *Ғализ* – қуюқ, қалин.

[9] *Хома* – қалам. *Хомаи тақдир* – тақдир қалами; қисмат, ёзиқ.

* * *

Фалак дақойиқидин[1] кимса бош чиқармади ҳаргиз –
Ким, ушбу риштанинг асру[2] тугунлари чигилибдур.

* * *

Ишқ сиррин неча кўнглум ичра пинҳон асрасам –
Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач[3], элга фош эрур.

* * *

Қайси гул базминки суға, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут саққо[4], сабо[5] фаррош эрур.

* * *

Эй кўнгул, Фарҳод ила Вомиқ доғи Мажнун қани?!
Бўлмағил ғофилки, бир-бир бордилар ҳамроҳлар.

* * *

Даҳр боғи ичра барбод ўлмаган гул чиқмади.

* * *

Танни чун симоб[6] этар бу чархи ахзар[7] оқибат,
Тўн агар симобий[8] ўлсун, гар яшил, бир ҳукми бор.

* * *

Чарх шабгардиға[9] гўё нақди умрунгдур ғараз[10],
Тегрангга ҳар тунки икки букрайиб[11] айлонадур.

---

[1] *Фалак дақойиқи* – қисмат чигалликлари.

[2] *Асру* – жуда кўп, беҳисоб.

[3] *Забона чекмоқ* – тил чиқармоқ, алангаланмоқ.

[4] *Саққо* – сув ташувчи, мешкоб.

[5] *Сабо* – Шарқ томондан эсадиган тонгги шамол.

[6] *Симоб* – кумушранг кимёвий элемент. Мумтоз шеъриятда бетоқатлик, беқарорлик рамзи ва кўзёши тимсоли бўлиб келади.

[7] *Ахзар (Хазро)* – кўк, яшил. *Чархи ахзар* – мовий осмон; фалак.

[8] *Симобий* – симобранг.

[9] *Шабгард* – тунда айланувчи.

[10] *Ғараз* – максад, ният.

[11] *Букраймоқ* – букилмоқ, эгилмоқ.

* * *

Даҳр бўстонида бош чеккан ниҳол атрофида
Шох эмас, новак[1] дегил, яфроғ эмас, пайкон[2] эрур.

* * *

Ростларға чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш[3],
Шамъ, бас, ҳар тун недин йиғлаб, куюб афғон[4] қилур?

* * *

Не елланмакдур[5], эй шаҳ, мўр[6] хайлидек[7] черикдинким[8],
Сулаймондек[9] бу водий ичра барбод ўлди чандинлар[10].

* * *

Навоий, бўлмайин зору заиф ўлмас наво топмоқ,
Бу эрмиш пири чанг авторидин[11] дайр ичра талқинлар.

* * *

Эйки, истарсен саломат, ишқ кўйин сўрмағил –
Ким, бу йўлға ҳар кишиким тушти, саргардон бўлур.

* * *

Жаҳон маккораси дилкашдур, аммо кимки ақд[12] этса,
Ипак жон риштаси ёрмоқ[13] анга, дин нақди кобиндур[14].

---

[1] *Новак* – ўқ, камон ўқи.

[2] *Пайкон* – 1) ўқнинг учи; 2) тиконнинг учи.

[3] *Сарзаниш* – маломат, озор, таъна.

[4] *Афғон* – фиғонлар, нолалар, фарёдлар.

[5] *Елланмак* – югурмоқлик.

[6] *Мўр* – чумоли.

[7] *Хайл* – 1) тўда, гуруҳ; 2) эл, жамоа.

[8] *Черик* – қўшин, лашкар.

[9] *Сулаймон* – шон-шавкатли подшоҳ ва пайғамбар. Сеҳрли узуги воситасида у нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, қушлар, барча инсу жинсларга, табиат ҳодисаларига ҳам ҳукмини ўтказа олган.

[10] *Чандин* – кўп, беҳисоб.

[11] *Автор* – торлар.

[12] *Ақд* – никоҳ.

[13] *Ёрмоқ* – пул, танга, олтин.

[14] *Кобин* – маҳр, мол, маблағ.

* * *

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмаса жон, ўйлаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур.

* * *

Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,
Сийм[1] нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

* * *

Гўр учун очмоқ недур ҳар лаҳза баҳромий каманд[2],
Чун сени Баҳромдек[3] айлар ажал гўри шикор.

* * *

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сарғарур.

* * *

Гавҳари мақсуд чун вобастайи тавфиқ эрур,
Деса бўлмаским, мунунг саъйи, анинг эҳмоли[4] бор.

* * *

Бода ичким, чарх жоми сиррини Жам[5] билмади,
Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг[6] даврин билур.

* * *

Хуш гулшан эрур даҳр, будур айбики, анда
Пайваста[7] хазон елидин озурдадур ашжор.

---

[1] *Сийм (Сим)* – кумуш танга, пул.

[2] *Каманд* – ҳалқа, сиртмоқ, арқон, тузоқ.

[3] *Баҳром Гўр* – гўр – қулон овига ўч бўлгани учун шундай ном олган қадимги Эроннинг сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ (ҳукмронлик йиллари – 421–438).

[4] *Эҳмол* – бепарволик, сусткашлик, хушёқмаслик.

[5] *Жам* – Жамшид исмининг қисқарган шакли.

[6] *Майхора* – майхўр.

[7] *Пайваста* – боғланган, уланган, туташган.

* * *

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида[1] ғам эмас,
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

* * *

Замона ўқ киби тузларни[2] синдуруб ёдек[3],
Аларки эгридурур, шаҳға муҳтарам қиладур.

* * *

Меҳрнинг кўрма шафақ ичра шуъоий[4] хатларин –
Ким, сипеҳр[5] осибидин[6] мужгони[7] хунполойи[8] бор.

* * *

Пар уруб, бошингға тутма авжким, ҳар неча мўр –
Ким, қанотланғай, қачон учмоқ анга мақдур[9] эрур.

* * *

Даҳр торожи қилур урён[10] чаман раъноларин,
Елдин ун чекмас йиғочларким[11], чаман афғонидур.

* * *

Тавсани[12] гардунни маркаб[13] қилмаким,
Ер била рокибни[14] охир тенг қилур.

---

[1] *Журм* – гуноҳ, айб.
[2] *Туз* – тўғри, тик.
[3] *Ё (й)* – ёй, камон.
[4] *Шуъоий* – нурли.
[5] *Сипеҳр* – осмон, фалак.
[6] *Осиб* – зиён, зарар.
[7] *Мужгон (Мижгон)* – киприк, мижа.
[8] *Хунполой* – қонга буланган, қонли.
[9] *Мақдур* – 1) имкон; 2) тақдир.
[10] *Урён* – яланғоч.
[11] *Йиғоч* – дарахт, ёғоч.
[12] *Тавсан* – арғумоқ, шўх, ўйноқи от. *Тавсани гардун* – фалак арғумоғи.
[13] *Маркаб* – улов: от, туя.
[14] *Рокиб* – отлиқ, суворий.

* * *

Бўлма эмин[1] чарх давридин мураққаъпўш[2] деб –
Ким, қуёшдин бу мураққаъ[3] ичра ўтлуғ тоси[4] бор.

* * *

Ғариб қисса эрур ишқким, туганмади ҳеч,
Агарчи бўлғали олам биноси айтиладур.

* * *

Эй Навоий, маъсият[5] узрида ўлсанг яхшироқ,
Зуҳд[6] ужбидин[7] мукаддар[8] бўлғуча лавҳи замир[9].

* * *

Нуҳ умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо.

* * *

Эрур бедод боринда тараҳҳум[10] дўстдин, юз ҳайф
Ангаким, шукр боринда иши доим шикоятдур.

* * *

Фалак арусида йўқ меҳру дилраболиғ кўп,
Нечукки, ҳусну жамол аҳлиға вафо била ноз.

* * *

Ки, йўқтурур бори оламда бир кўнгул ғамсиз.

---

[1] *Эмин* – тинч, осуда.
[2] *Мураққаъпўш* – жанда кийган, дарвешона кийинган.
[3] *Мураққаъ* – дарвешлар киядиган жанда.
[4] *Тос* – тоғора, жом; осмон, фалак. *Кўк тоси* – осмон гумбази.
[5] *Маъсият* – гуноҳ.
[6] *Зуҳд* – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик.
[7] *Ужб* – ўзига бино қўйиш, манманлик.
[8] *Мукаддар* – хира тортган, занг босган.
[9] *Лавҳи замир* – дил, кўнгил.
[10] *Тараҳҳум* – раҳм қилиш, шафқат айлаш.

* * *

Ҳуш улки, ёр фироқию ё кўнгул ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

* * *

Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,
Лола қонин тўккучи онинг нифоқидур ҳануз.

* * *

Фақр нахлидин[1] гули мақсуд узмак истама,
Етмай анда оҳу ашкингдин ҳавову нам ҳануз.

* * *

Ком еткурмак ғанимат англа ҳожат аҳлиға,
Эй ғаний[2], бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

* * *

Пил ўлса сенинг хасминг[3], десангки, зарар топмай,
Бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз.

* * *

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким, ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

* * *

Улки, эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса ҳусн,
Уйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз.

* * *

Десанг замона ситезини[4] ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

---

[1] *Нахл* – дарахт, ниҳол, кўчат.
[2] *Ғаний* – бой, бадавлат.
[3] *Хасм* – душман, рақиб, мухолиф.
[4] *Ситез* – хусумат, адоват, душманлик.

* * *

Пок лафз айтурға оғзинг пок қилким, ҳайфдур
Яхши сўз боринда сургай нуктайи[1] мазмум[2] оғиз.

* * *

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш[3] эмас,
Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас.

* * *

Уй бино айлаб, ажабтур элни меҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас.

* * *

Меҳр тожу чарх тахтинг бўлса ғофил бўлмаким,
Меҳр бемеҳру фалак номеҳрибоне беш эмас.

* * *

Агарчи қон ютар булбул, вале не ғам анга, чунким
Навола[4] ғунчадин айрую гулдин ўзга хон[5] эрмас.

* * *

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро
Сиз киби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

* * *

Ғунчаким, очилди, буткармак[6] ани имкон эмас.

* * *

Кимдурур бу коргаҳ[7] вазъиғаким[8] ҳайрон эмас.

---

[1] *Нукта* – нозик ва теран маъноли сўз, ҳикмат.
[2] *Мазмум* – ёмон; хато. *Нуктаи мазмум* – ёмон сўз.
[3] *Беш* – кўп, ортиқ, зиёда.
[4] *Навола* – ризқ, насиба.
[5] *Хон* – дастурхон.
[6] *Буткармак* – бутун қилмоқ, эски ҳолига келтирмоқ.
[7] *Коргаҳ* – 1) ишхона, корхона; 2) дунё; фалак.
[8] *Вазъ* – ҳол, аҳвол, шакл, тузилиш, тартиб. *Коргаҳ вазъи* – дунё аҳволи.

* * *

Тори уммид аро ҳарисни бил
Риштаи анкабут[1] ичинда магас[2].

* * *

Бу чаманнинг гулларига йўқтур, эй булбул, вафо,
Авло[3] улким, айласанг гулбонг[4] чекмакликни бас.

* * *

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин[5] эмин,
Хушо ул чуғзким[6], вайрона кунжин ихтиёр этмиш.

* * *

Умри жовид[7] истасанг фард[8] ўлки, бўстон Хизридур
Сарвким, даъб[9] айлади озодалиғ[10] бирла маош[11].

* * *

Югурма ризқ учун, не етса Ҳақдин, англаким, комил
Не келтургил демиш, не ғайбдин келганни қайтармиш.

* * *

Тут фақр этагин, атласу зарбафт[12] сўзин қўй –
Ким, ул дағи тан ҳифзида[13] мошобдек[14] эрмиш.

---

[1] *Анкабут* – ўргимчак.
[2] *Магас* – пашша; чивин.
[3] *Авло (Авли)* – афзалроқ, яхшироқ.
[4] *Гулбонг* – хуш овоз билан сайраш, фарёд чекиш.
[5] *Шаст* – қармоқ, чангак.
[6] *Чуғз* – бойқуш, бойўғли.
[7] *Жовид (Жовидон)* – мангу, абадий.
[8] *Фард* – ёлғиз, якка.
[9] *Даъб* – одат, расм.
[10] *Озодалиғ* – поклик, покизалик.
[11] *Маош* – ҳаёт, тирикчилик.
[12] *Зарбафт (Зарбофт)* – зардан тўқилган мато, кимхоб.
[13] *Ҳифз* – сақлаш, муҳофаза қилиш.
[14] *Мошоб* – жундан тўқилган кийим.

* * *

Даҳр боғи ичра чун бир гулга йўқ бўйи вафо,
Қилмағай эрди ҳаво кўнглум қуши ул гулга кош.

* * *

Иш вафо қилмоқ эрур гар қила олсангки, эмас,
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.

* * *

Ишқ аро қочма, кўнгул, хору забунлуғдинким,
Ошиқ ўлғанға забунлуқ бўлуру хорлиғ иш.

* * *

Олам аҳли, билинғизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунғ бир-биринғизгаким, эрур ёрлиғ иш.

* * *

Қўзғама булбулни кўп, эй гулки, даврон боғида
Қолмамиш қўзғалмайин улким, бировни қўзғамиш.

* * *

Эй Навоий, ҳар не олам ичра бўлғай саҳл[1] тут,
Лек матлубунг таманносида бўлғил сахткўш[2].

* * *

Сахткўш элға дема охир фалакдур сахтғир[3],
Арзимас оламда ҳеч иш худ бўлурга сахткўш.

* * *

Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жаҳд қилғил хос.

---

[1] *Саҳл* – осон, енгил.

[2] *Сахткўш* – қаттиқ ҳаракат қилувчи, тиришқоқ.

[3] *Сахтғир* – қаттиқ ишловчи.

* * *

Кўнгул алил[1] эса фориғ эмас хавотирдин,
Жароҳат узра йиғилмоқдурур чибинга хос.

* * *

... маҳрум бўлур ҳар кишиким, бўлса ҳарис.

* * *

... кириб вайронға бўлмас кимса тўфондин халос.

* * *

Хизрға[2] зулмат тилардин оби ҳайвондур[3] ғараз.

* * *

Манзил этсанг, бу работ[4] ичра иқомат[5] қилмаким,
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур работ.

* * *

Не тўшарсен тахти жоҳинг фаршин[6] олтун хишт ила –
Ким, сенингдек шоҳни кўп ўткариптур бу бисот[7].

* * *

Забт айлай олмас аҳли ишқ кўнгли кишварин[8]
Хисравеким[9], айлай олғай сарбасар[10] дунёни забт.

---

[1] *Алил* – касал, бемор, хаста.

[2] *Хизр* – зулмат қаъридан оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади.

[3] *Оби ҳайвон* – оби ҳаёт, оби бақо, зулоли ҳайвон, Хизр суви, Хизр чашмаси номлари билан юритиладиган мангулик суви.

[4] *Работ* – карвонсарой, мажозан дунё.

[5] *Иқомат* – яшаш, истиқомат.

[6] *Фарш* – тўшак, гилам, палос.

[7] *Бисот* – бу ерда жой, яъни дунё.

[8] *Кишвар* – мамлакат, ўлка, вилоят.

[9] *Хисрав* – подшоҳ, ҳукмдор.

[10] *Сарбасар* – бошдан-оёқ, бутунлай.

* * *

Қўйма кўнгулни даҳрнинг эски работиға,
Сойирға[1] чун маҳалли иқомат эмас работ.

* * *

Асрадинг каттон[2] кафан қилмоқ учун, не судким,
Ҳашр[3] бозорида беқийматдурур мундоқ матоъ.

* * *

Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармакдурур
Мадфанинг[4] айвониға кўк гунбазидин иртифоъ[5].

* * *

Гулханийдин[6] гулхан олотин[7] тамаъ қилмоқдурур,
Ҳар киши дунёлик этса аҳли дунёдин тамаъ.

* * *

Навоий, воқиф ўл гардун арусидинки, қасдингға
Очар гаҳ шомдин гесу[8], кияр гаҳ субҳдин миқнаъ[9].

* * *

Эл насиби чу азал қисматида топти рақам,
Сенки саъй ортуқ этарсен, нечук ўлғай нофеъ.

* * *

Топса ҳирмон[10] зулмати ичра, не тонг, ҳайвон суйин,
Кимгаким бўлса ҳидоят[11] нуридин ҳамроҳ шамъ.

---

[1] *Сойир* – сайр қилувчи, кезувчи.
[2] *Кат(т)он* – каноп дан тўқилган мато, кийимлик.
[3] *Ҳашр* – қиёмат.
[4] *Мадфан* – гўр, қабр.
[5] *Иртифоъ* – кўтарилиш, юксалиш, баландлик.
[6] *Гулханий* – ўт ёқувчи, гўлах.
[7] *Олот* – асбоблар, яроғлар.
[8] *Гесу (Гису)* – соч, зулф, кокил.
[9] *Миқнаъ* – хотинлар юзини ўраб юрадиган парда; сарандоз.
[10] *Ҳирмон* – маҳрумлик, бенасиблик.
[11] *Ҳидоят* – тўғри йўл топиш, тўғри йўлга кириш.

* * *

Меҳрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ[1],
Йўқса невчун дафн этар ҳар кун қуёштин ерға тиғ.

Тиғи зулми захмидин[2] ҳар шом андоққим шафақ
Қону туфроғ ичрадур хуршидоразлар[3], дариғ[4].

* * *

Андоқ иш қилким, пушаймон бўлмағайсенким, эмас
Ҳеч осиғ чун иш хато бўлди пушаймонлиғда ҳайф.

* * *

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қора туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қора туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони[5] йўқ.

* * *

Қўйди бир ўтлуғ фатила[6] доғ учун ҳар ғунчадин,
Чарх то гулшанни кўрди сабзу[7] хуррам, эй рафиқ![8]

* * *

Ич дағи тутқил Навоийға қадаҳким, арзимас
Бир нафас ҳушёр бўлмоғлиғқа олам, эй рафиқ!

---

[1] *Бедариғ* – аёвсиз, шафқатсиз.
[2] *Захм* – 1) яра, жароҳат; 2) озор, хафалик.
[3] *Хуршидораз* – қуёш юзли, гўзал.
[4] *Дариғ* – афсус, надомат.
[5] *Маҳи тобон* – порлоқ ой.
[6] *Фатила* – пилик, пилта.
[7] *Сабз* – яшил; яшнаган.
[8] *Рафиқ* – дўст, ўртоқ, биродар.

* * *

Ўз эрки бирла не мумкин киши ўз кўнглин олдурмоқ.

* * *

Шаҳ ёнин фарзин[1] киби кажлар[2] мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар[3] арсадин[4] гар тутсалар рухдек[5] қироқ[6].

* * *

Эй Навоий, шоми ғамдин айру йўқтур субҳи васл.

* * *

Бўлмаса маъшуқи пок, охир, не осиғ ишқи пок.

* * *

Кимга бир мажлисда оҳу дард ила сўзе[7] керак,
Мундоғ ўт ёқмоққа аввал мажлисафрўзе[8] керак.

* * *

Бир хизрваш[9] ҳимматин берма илигдин, негаким,
Дашти ҳирмон қатъига[10] охир қуловузе[11] керак.

* * *

Йўлни осон қатъ этар солик[12] енгилрак бўлса юк.

---

[1] *Фарзин* – шахмат доналаридан бири.
[2] *Кажлар* – эгрилар, қинғирлар.
[3] *Ростравлар* – тўғри юрувчилар, тўғрилар, ҳалоллар.
[4] *Арса* – майдон.
[5] *Рух* – шахмат доналаридан бири.
[6] *Қироқ* – чет, чекка.
[7] *Сўз* – 1) олов, аланга; 2) куйдириш, ўрташ.
[8] *Мажлисафрўз* – мажлисга зеб берувчи, базмни қизитувчи.
[9] *Хизрваш* – Хизр каби, Хизрга ўхшаган.
[10] *Қатъ* – босиб ўтиш, юриш.
[11] *Қуловуз* – йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо.
[12] *Солик* – тариқат йўлига кирган киши.

* * *

Чу кўмдинг ерга, Қорун ганжи ҳукми тутти, эй мунъим[1],
Тутайким нақд ила бўлди хизонанг[2] ганжи Қорундек.

* * *

Вафо айлаб, вафо кўз тутма олам дунларидинким[3],
Вафосиз келди олам дунлари ҳам олами дундек.

* * *

Эй фалак, қайси куёш юзлукни бир кун чарх уза
Жилвагар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг.

* * *

Ризқ чун мақсум эрур, бир курс учун ҳар кун недур
Чархдек саргашталик кўйида новардим[4] менинг.

* * *

Не суд бўлса амал номаси қора гар худ
Отинг нишон уза Жамшид ё Қубод[5] эттинг.

* * *

Кулар, эй боғбон, ҳар ғунча гўё –
Ки, ғофилдур хазондин гулситонинг.

* * *

Умр даврининг бақосин билмаганлар ҳар тараф,
Суда ёмғур нуқтасининг даври паргорин[6] кўрунг.

* * *

Қафас қайдидадур булбул, буким вайрона тутмиш чуғз,
Вафоси йўқ эканни билди гўё аҳли дунёнинг.

---

[1] *Мунъим* – неъмат берувчи, ризқ улашувчи.
[2] *Хизона* – хазина; сандиқ.
[3] *Дун* – пасткаш, разил, ярамас.
[4] *Новард (Навард)* – уруш, жанг, жанжал.
[5] *Қубод* – қадимий Эрон шоҳларидан бири.
[6] *Паргор* – циркуль.

* * *

Даҳр боғининг гулида йўқтурур бўйи вафо,
Ўзни, эй булбул, агар парканд-парканд[1] айладинг.

* * *

Ростлар маъманидур[2] дайр, туз ур ул сари гом[3],
Кимки ул эгри қадам урди, иши келмади ўнг.

* * *

Теванинг[4] кўнгли кичикдур гар эрур пайкари[5] чўнг[6].

* * *

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано селобидин[7] вайрону гар обод бил.

* * *

Сарсаредур ҳар даминг мақсуд изин гум[8] қилғали,
Гар бу водий ичра ғафлат бирла юз минг йил тирил.

* * *

Фиғони ўқидин булбулнинг, эй гулбун[9], ҳазар қилким,
Тикан пайконига гул жавшани[10] ҳаргиз эмас ҳойил[11].

* * *

Не меҳр иси, не вафо ранги топқунг, эй булбул,
Бу боғ гулларига берма зинҳор кўнгул.

---

[1] *Парканд-парданк* – парча-парча, майда-майда.
[2] *Маъман* – 1) тинчлик, омонлик ери; 2) макон, ватан.
[3] *Гом* – қадам, одим, оёқ.
[4] *Тева* – туя.
[5] *Пайкар* – 1) жусса, вужуд; 2) юз, чеҳра; 3) сурат, шакл.
[6] *Чўнг* – кўп, катта, улкан.
[7] *Селоб* – кўзёши.
[8] *Гум* – йўқолиш, ғойиб.
[9] *Гулбун* – гул, гул бутаси.
[10] *Жавшан* – совут.
[11] *Ҳойил* – ғов, тўсиқ, монеълик қилувчи.

* * *

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

* * *

Ғайрдин[1] сафҳангни[2] қилғил пок, яъни айлама
Хотиринг лавҳини[3] ҳар хат бирла маъюб[4], эй кўнгул.

* * *

Куч била чиқмоқ не имкон реша[5] беркиткан ниҳол.

* * *

Луъбати[6] даҳр фириби била бозий[7] емаким,
Бермади кимсага бу шоҳиди[8] маккора кўнгул.

* * *

Сарсабз[9] эрур ҳамиша бу гулшанда сарвдек,
Озодаеки, бўлса мизожида эътидол[10].

* * *

Бу чаман раънолари саркашлик этгандин не суд –
Ким, хазон торожидин эмин эмастур бир ниҳол.

* * *

Ҳусн сотма шафақинг рангидин, эй золи сипеҳр[11] –
Ким, ани қўймағуси гардиши айём[12] қизил.

---

[1] *Ғайр* – бошқа, ўзга, ёт, бегона.
[2] *Сафҳа* – саҳифа; бу ерда кўнгил лавҳи.
[3] *Лавҳ* – бу ерда юз.
[4] *Маъюб* – айбли, нуқсонли.
[5] *Реша* – илдиз, томир.
[6] *Луъбат* – ўйинчоқ, қўғирчоқ.
[7] *Бози(й)* – ўйин, фириб, ҳийла.
[8] *Шоҳид* – бу ерда гўзал, маҳбуба маъносида.
[9] *Сарсабз* – кўкарган, яшнаган.
[10] *Эътидол* – 1) келишганлик, ярашиқлик; 2) тик, тўғри.
[11] *Золи сипеҳр* – кекса фалак.
[12] *Гардиши айём* – замона ўтиши, кунлар ўтиши.

* * *

Бир насиҳат қилғум, эй ишқ аҳли, айланг истимоъ[1],
Солмангиз ҳар сори кўз, то бўлмасун ҳар ён кўнгул.

* * *

Қўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни
Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.

* * *

Ғанимат англасун булбулни гул етгачки, бўстондин
Учар гул яфроғи ҳам, қолмас учмай ғарчи булбул ҳам.

* * *

Гар малак тасбеҳи дона, ҳур зулфи дом эрур –
Ким, бу дому донаға зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.

* * *

Даҳр боғининг ҳавосидур самуму[2] суйи заҳр,
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.

* * *

Май ўти бирла димоғингғни қизитмаким, бу ўт
Эл димоғида пиширмайдур бажуз[3] савдойи хом.

* * *

Нилуфар нақш айлаб айвонингға мағрур ўлмағил,
Йўқ вафо нақши чу бу нилуфарий айвонға ҳам.

* * *

Заъфароний[4] юзда гулгун ашк тўкмак не осиғ,
Ишва кўрған даҳр боғининг гули раъносидин.

---

[1] *Истимоъ* – эшитиш, тинглаш.
[2] *Самум* – гармсел.
[3] *Бажуз* – ...дан бошқа, ...дан ташқари.
[4] *Заъфароний* – сариқ ранг; синиққан.

* * *

Эй Навоий, даҳр боғидин қутулмоқ истаким,
Булбул учқан яхшироқ зоғу заған[1] маъвосидин.

* * *

Бировким, даҳр боғининг фирибин билди, наргисдек
Қадаҳдин бош кўтармай сурди ишрат бирла давронин.

* * *

Юзунг кўп очма, гоҳе сўз дегилким, ақл деҳқони
Не гул исрофини яхши демиш, не ғунча имсокин[2].

* * *

Ишқ комил бўлса, меҳнат ўқларидин бок эмас,
Не зарар булбулғаким, бўлғай тикандин ошён.

* * *

Шамъни парвона куйдурмакдин, эй гул, қилма айб,
Булбул эрмастурму кул, ё сен эмассен оташин.

* * *

Навоий, чархи ахзардур сияҳкор[3],
Тамаъ сарсабз бўлмоқ қилма андин.

* * *

Олам аҳли, ишқ аро расволиғим таън этмангиз,
Кимдурур ошиқ бўлуб, расвойи олам бўлмаған?

* * *

Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин.

---

[1] *Зоғу заған* – қарғаю қузғун.

[2] *Имсок* – 1) сақлаш, парҳез; 2) қўлдан чиқармаслик, бахиллик.

[3] *Сияҳкор* – бадкирдор, ичи қора.

* * *

Ҳар оқар суни хазон тиғи қилибдур зарфишон[1],
Кескали меҳру вафо нахлин жаҳон гулзоридин.

* * *

Ким кафанни ёд этар, андин ўлук огоҳроқ.

* * *

Ҳар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон бўлмасун.

* * *

Воқиф ўл, эй боғбонким, ҳар тараф гул шаклидин
Сендек элнинг қабридурким, зоҳир этмиш бу чаман.

* * *

Ўйлаким, тожир[2] тенгиз[3] ранжин чекар савдо учун.

* * *

Гулханийдекдурки, истар гулхану олотини,
Сифлаким[4] меҳнат чекар дунёву мофиҳо учун.

* * *

Ҳар не ёзмиш оллингга килки қазо[5] кўрмак керак,
Эй Навоий, қочмоқ ўлмас Тенгрининг тақдиридин.

* * *

Азал наққоши[6] тарҳ айларда гул барги намудорин[7],
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин[8].

---

[1] *Зарфишон* – зар сочувчи.
[2] *Тожир* – савдогар.
[3] *Тенгиз* – денгиз
[4] *Сифла* – пасткаш, тубан, ярамас.
[5] *Килки қазо* – тақдир қалами.
[6] *Азал наққоши* – Худо.
[7] *Намудор* – зоҳир, намоён.
[8] *Минқор* – тумшук.

* * *

Шаҳ эгнида мурассаъ тугмалиг хилъатқа[1] бермасмен,
Йиғочлар бирла оллин теврабон кийган фано шолин[2].

* * *

Жаҳон забунунг эрур, бўлмасанг жаҳонга забун.

* * *

Даҳр боғида гулу булбулға йўқ баргу наво,
Солмади бу ғуссадин наргис илигдин соғарин.

* * *

Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру,
Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру.

* * *

Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар, андин эркинким,
Бу эски тоқ аларға ёғдурур гарди бало асру.

* * *

Табиат чоҳидин руҳунгни қутқарким, хуш эрмастур
Қафас қайди аро булбулга бўлмоқ мубтало асру.

* * *

Даҳр хисравлигин улким тилади, чарх анинг
Бошига қўйди туганким[3], дер улус Кайхусрав[4].

* * *

Эй Навоий, хуш эрур хилват, агар бўлса киши
Дилбари бирла иков, бўлмаса лек анда бирав.

---

[1] *Хилъат* – кийим, ёпинчиқ, сарпо.

[2] *Фано шоли* – фонийлик либоси.

[3] *Туган* – доғ, из, яра ва жароҳатнинг доғи.

[4] *Кайхусрав* – каёнийлар сулоласига мансуб Эрон ҳукмдорларидан бири.

* * *

Оташин гул гарчи зийнатдур жаҳон бўстониға,
Барқ[1] эрур ҳар ел учурған барғи булбул жониға.

* * *

Гарчи шамъ ўлди шабистон[2] зеби, кўрким, шуъладин
Тил чиқармиштур сусаб парвоналарнинг қониға.

* * *

Зулм аҳли халқ қони учун тил узатмоги
Бор уйлаким, сибоъ[3] ичар суни тил била.

* * *

Барг эвурмай[4] лавн[5], гул сўлмай, тўкар эрмиш хазон,
Боғлама кўнглунгни, эй булбул, жаҳон гулзориға.

* * *

Кўкарди чун экин, гум бўлди дона.

* * *

Эй Навоий, қилдилар дунёни рад аҳли қабул,
Гар десанг мақбул ўлай, ёр ўлма бу мардуд[6] ила.

* * *

Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмасун.

* * *

Ким ушатса шишани, бутмас яна пайванд ила.

---

[1] *Барқ* – чақмоқ, яшин.
[2] *Шабистон* – тунги ётоқ, ётоқхона.
[3] *Сибоъ* – йиртқич ҳайвонлар.
[4] *Эвуриш* – ўгириш, буриш; айлантириш.
[5] *Лавн* – ранг, бўёқ, нақш.
[6] *Мардуд* – рад қилинган, ҳайдалган, номақбул.

* * *

Кўҳи[1] дарду тешайи ҳижронни сўр Фарҳоддин,
Англамас Хусравки, Ширин бирладур дойим била.

* * *

Шоҳу сойилға[2] насиб ар кўпу оздур, не тафовут,
Тенг насиб ўлди, чу туфроққа агар сойил, агар шаҳ.

* * *

Навоий, даҳрнинг кун юзи, тун сочиға майл этма –
Ки, охир умр нақдин мухтал[3] айлар ушбу муҳтола[4].

* * *

Бемаҳал гулбонг ила ёлқитма[5], булбул, элниким,
Даҳр боғи гуллари хуштур, вале чоги била.

* * *

Қалам[6] ёзған балодин муҳтариз[7] бўлган зиҳи[8] нодон,
Муқаррар бўлмаған рўзи талаб қилғон зиҳи аблаҳ.

* * *

Шоҳ додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро –
Қадри олий шоҳ ила тенгдур ғадойи хоки роҳ[9].

* * *

Шоҳлиқнинғ дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида –
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун[10] ашк, ўтлуғ оҳ.

---

[1] *Кўҳ* – тоғ.
[2] *Сойил* – гадо, тиланчи.
[3] *Мухтал* – сочилган, тўзгиган, зиён топган.
[4] *Муҳтола* – маккор, ҳийлакор.
[5] *Ёлқитмоқ* – безор қилмоқ.
[6] *Қалам* – 1) ақли аввал; 2) муфассал илм.
[7] *Муҳтариз* – бу ерда эътироз қилувчи.
[8] *Зиҳи* – 1) гўзал, ёқимли, кўнгилга матлуб; 2) яхши, қандай яхши, офарин.
[9] *Хоки роҳ* – оёқ ости тупроғи; хор, бечора.
[10] *Лаългун* – лаъл рангли, қизил.

* * *

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай – ишқ эмас,
Кимки ошиқдур, анга зору забунлуғдур гувоҳ.

* * *

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур, фарқи бор,
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

* * *

Мусаллам[1] ёрлиғ ул ёрғаким, қўймағай миннат,
Гар ўз ёри учун ағёрдин[2] минг можаро чекса.

* * *

Замона аҳлидин кўз тутмасун меҳру вафо подош[3],
Киши юз йил аларға гар вафо айлаб, жафо чекса.

* * *

Гар кўнгулнинг ошкор ўтиға таскин берса ашк,
Ким қила олғай илож онинг бу пинҳон ўтиға?!

* * *

Тун балосидин қатиқроқ йўқтурур ошиққа ҳол,
Хоссаким бемор ҳам бўлғай муҳаббат онида.

* * *

Бўлма бўстону саро қайдида олам ичраким,
Йўқ вафо қилсанг назар оламсаро[4] бўстонида.

* * *

Ишқ аро, эйким, дединғ, ҳар лаҳза фарёд этма, вой,
Ўт туташқан чоғ бўлурму кимса фарёд этмаса?!

---

[1] *Мусаллам* – 1) муносиб, лойиқ; 2) тан бериш, қойил қолиш; 3) тобе бўлган, таслим бўлган.

[2] *Ағёр* – 1) ўзгалар, бегоналар; 2) рақиблар, душманлар.

[3] *Подош* – 1) эваз; 2) ҳамроҳ.

[4] *Оламсаро* – олам уйи.

* * *

Ҳўбларға[1] чун вафо йўқ, авло улдурким, кўнгул
Ўзни ул қаттиғ кўнгуллугларга муътод[2] этмаса.

* * *

Дер эсангким соя янглиғ[3] бўлмайин туфроққа паст,
Ул қуёшқа боқмағил, эй сарв, саркашлиғ[4] била.

* * *

Вужуди зарранинг мумкин эмас то собит ўлмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотиға исботе.

* * *

Гулзор даҳр шўъбадасин[5] гўйий англамиш,
Ичинда заъфарондин[6] эмас ғунча кулгуси.

* * *

Натижа куймагу ашкимдин ўзга топмағай, улким
Бу гулшан шуълаву дудин гулу сунбул[7] гумон эткай.

* * *

Тилар юз лахт[8] қон эткай насибин даҳр деҳқони
Қаю булбулниким, гул хони узра меҳмон эткай.

* * *

Юз ғариб аҳвол бекасликда[9] ҳар дам бор эмиш.

---

[1] *Ҳўблар* – 1) гўзаллар; 2) яхшилар.

[2] *Муътод* – одат, ўрганиш.

[3] *Янглиғ* – каби, сингари, ўхшаш.

[4] *Саркашлиғ* – ўжарлик, итоатсизлик.

[5] *Шўъбада* – ўйин, найранг.

[6] *Заъфарон* – саргиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; сариқ ранг.

[7] *Сунбул* – ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўнғироқсимон ва хушбўй ўсимлик.

[8] *Лахт* – бўлак, парча.

[9] *Бекаслик* – ёлгизлик, ғариблик.

* * *

Чуғздин рам[1] айласа не айб дуррожу[2] тазарв[3],
Хосса бўлса мастлиғдин ўзгача оламлари.

* * *

Шиша бирла боданинг бир-бирға кўптур нисбати.

* * *

Яхшироқ бедорлиғидин бўйла[4] ғаммоз[5] уйқуси.

* * *

Шукуфа[6] сийм чиқарғач, бу гулшан ичра хазон
Ҳавоға баргини сочмоқ била ситам қилди.

* * *

Қайдаким лаъл ўлса, атрофида бўлур хораси[7].

* * *

Совуруб тифли хазон туфроғ ила тенг қилмаган
Қайси бир гулдаста бу боғ ичра деҳқон боғлади?

* * *

Ҳар гул ушбу боғ аро кўрсанғ тикан осибидин,
Ғарқайи хуноб[8] ўлуб, юз чок эрур пироҳани[9].

* * *

Чоғирни[10], оқил эсанг лаъл деб қизитма димоғ –
Ки, ўтни исламади гул дебон хирадманде[11].

---

[1] *Рам* – чўчиш, ҳуркиб қочиш.
[2] *Дуррож* – қирғовул.
[3] *Тазарв* – тустовуқ.
[4] *Бўйла* – бундай, бу хил, бунақа.
[5] *Ғаммоз* – чақимчи.
[6] *Шукуфа* – гул, чечак, ғунча.
[7] *Хора (Хоро)* – тош.
[8] *Хуноб* – қонли ёш.
[9] *Пироҳан* – кўйлак.
[10] *Чоғир* – май, шароб.
[11] *Хирадманд* – оқил, донишманд.

* * *

Ки, пашша қайдиға йўқ эҳтиёжи занжире.

* * *

Чун не тақдир ўлса, тағйир ўлмас эрмиш саъй ила.

* * *

Навaруси[1] даҳр ақдин истама, кўпким арус,
Охири ифрит[2] ўлур, гарчи паридур аввали.

* * *

Десамким, Ҳақдурур мавжуду ашё[3] ҳар недур нобуд[4],
Ҳубобу[5] мавжи баҳр узра эрур онинг намудори.

* * *

Хотирни жамъ истар эсанг, аввал хавотир дафъин эт,
Кимда хавотир бўлмаса, осудахотир бўлғуси.

* * *

Сарву гул мафтуни бўлмаким, нигору зеб учун
Синдуруб ҳар дам узар они фалак маккораси.

* * *

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

* * *

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

---

[1] *Наварус* – янги келин.
[2] *Ифрит* – дев, шайтон.
[3] *Ашё* – нарса, буюм.
[4] *Нобуд* – бу ерда йўқ, йўқлик маъносида.
[5] *Ҳубоб* – сув юзида пайдо бўладиган пуфакча, кўпик.

Лофи ишқ урған кўнгул ғам дўзахидин қочмасун –
Ким, самандарға ёлиндин[1] ўзга маскан бўлмади.

* * *

Чу мозий[2] ўттию мустақбал[3] ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам[4] не ҳол ўлғай.

* * *

Бу дамни, ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши
Етишмагангаву ўтганга қилу қол[5] ўлғай.

* * *

Жаҳон маккораси шўхедурур, бас дилфириб[6] охир,
Не эрким, бошидин кечгай анинг мардонае бўлғай.

* * *

Даҳр бўстони аро саркаш ниҳоле кўрмадук,
Соя янглиғ бўлмаған ер бирла яксон оқибат.

* * *

Ҳеч ким мулки бақо султони бўлғонму экин?

* * *

Бир улким, чу сўздиндур инсон шариф,
Чу ҳайвонға сўз йўқтур, улдур касиф[7].

Кўнгул дуржи[8] ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.

---

[1] *Ёлин* – учқун, ёлқин, аланга, олов.
[2] *Мозий* – ўтмиш.
[3] *Мустақбал* – келажак.
[4] *Муғтанам* – ғанимат.
[5] *Қилу қол (Қолу қил)* – сўзлаш, гап-сўз, мубоҳаса.
[6] *Дилфириб* – кўнгилни алдовчи, йўлдан оздирувчи.
[7] *Касиф* – 1) касофат; 2) ифлос, нопок.
[8] *Дурж* – садаф, қимматбаҳо тошлар сақланадиган қутича.

Эрур сўз фалак жисмининг жони ҳам,
Бу зулумотнинг оби ҳайвони ҳам.

Агар жон эмас, бас недурким, Масиҳ
Ўлук тиргузур, деб каломи фасиҳ?[1]

Агар оби ҳайвон эмас, бас нечук,
Топар жон зулолидин[2] анинг ўлук.

Не бўлғай анинг васфида эл сўзи –
Ки, ҳар неки дерлар эрур чун ўзи.

Бу сўз к-офаринишдин[3] ашрафдурур[4],
Анинг даҳи мавзуни алтафдурур[5].

* * *

Жавоҳир неча хўбу дилкашдурур,
Вале назм силки аро хушдурур.

* * *

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд[6],
Чу назм эттилар, қилди доно писанд.

* * *

Эмас эрди мақсуд жуз[7] одамий –
Ки, Ҳақ сирринг бўлғай ул маҳрами.

Баридин гараз гарчи инсон эди,
Анга даги мақсуд ирфон эди.

---

[1] *Фасиҳ* – чиройли ва равшан гапирувчи, сўз устаси.
[2] *Зулол* – 1) тиниқ, тоза, ширин сув; 2) жом, шароб.
[3] *Офариниш* – яратилиш, вужудга келиш.
[4] *Ашраф* – шарафли, иззатли, улуг.
[5] *Алтаф* – латифроқ, нафисроқ, нозикроқ.
[6] *Нописанд* – номаъқул, ёқимсиз.
[7] *Жуз* – бошқа, ўзга.

* * *

Ҳақ зотиға биравки, хирад[1] бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона[2] айлабон.
Миқдорини тенгиз суйининг истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона[3] айлабон.

* * *

Кунжи қаноат арчи[4] эрур салтанат валек
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак.

* * *

Лаззоти нафс тарки самари офият[5] берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ керак.

* * *

Қаноат тариқиға[6] кир, эй кўнгул –
Ки, хатм[7] ўлғай ойини[8] иззат санга.

* * *

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.

Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Дамингдин йироқ тутмағил ҳушни –
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.

---

[1] *Хирад* – ақл-идрок.
[2] *Фарзона* – оқил, доно, донишманд.
[3] *Паймона* – қадаҳ, май пиёласи.
[4] *Арчи* – гарчи, агарчи.
[5] *Офият* – соғлик, тинчлик.
[6] *Тариқ* – тариқат; тасаввуфда инсонни камолотга олиб борувчи йўл.
[7] *Хатм* – тамомлаш, тугатиш.
[8] *Ойин* – 1) расм-одат; 2) йўл-йўрик .

Бу тўрт иш била рубъи маскун[1] аро,
Чалинмоқ не тонг кўси давлат[2] санга.

Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.

* * *

Биравким, бўлур бир аёқ[3] ош учун қул,
Юзига керактур қазоннинг қароси.

* * *

Кимки махлуқ[4] хизматиға камар
Чуст этар[5], яхшироқ ушалса бели.

Қўл қовуштирғунча бу авлодур –
Ки, анинг чиқса эгни, синса эли.

Чун хушомад демакни бошласа кош –
Ким, тутулса дами, кесилса тили.

* * *

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок[6] чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом[7] ўтмак биайниҳ[8],
Эрур ҳаммомдан нопок чиқмоқ.

* * *

Агарчи фаннида соҳибкамол эрур сайёд[9],
Қачон балиғ тута олғай сув мавжи доми била.

---

[1] *Рубъи маскун* – ер шарининг аҳоли яшайдиган қуруқлик қисми.
[2] *Кўси давлат* – давлат ноғораси.
[3] *Аёқ (Аёг)* – коса, қадаҳ.
[4] *Махлуқ* – яратилган, одам, инсон.
[5] *Чуст этмоқ* – боғламоқ.
[6] *Ғамнок* – ғамгин, ғамли, қайғули.
[7] *Нотамом* – қусурли, комил эмас.
[8] *Биайниҳ* – худди, айнан.
[9] *Сайёд* – овчи.

* * *

Қулоқда асра гаронмоя[1] сўзнию фикр эт –
Ки, дурсиз ўлса, не бўлғусидур садаф ҳоли.

Сўзунгни дағи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф –
Ким, уйла дуржни гуҳардин эткасен холи.

Бу дуржу икки садафни тўла дур этканга,
Зиҳи улувви[2] гуҳар, балки гавҳари оли(й).

* * *

Не раҳравеки[3], тожи ҳидоят бошидадур,
Йўқ бок анга ҳаводиси афлок[4] тошидин.
Ҳудҳудки[5], қўйдилар азалий тож бошиға,
Тушкайму жола[6] ёғқан ила тожи бошидин.

* * *

Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳғилемга[7] албатта меҳр айлама фош –
Ки, қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал[8],
Қуёш чароғиға парвона бўлмади хуффош.

* * *

Чу душман ўлди қадимий, зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.

Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа офат эрур.

---

[1] *Гаронмоя* – қимматбаҳо.
[2] *Улув (в)* – баландлик, юқорилик; олий.
[3] *Раҳрав* – йўловчи, солик, мурид.
[4] *Афлок* – фалаклар, осмонлар.
[5] *Ҳудҳуд* – попишак.
[6] *Жола* – шабнам, шудринг; мажозан кўз ёши.
[7] *Сияҳғилем* – бадбахт.
[8] *Жуал* – қоракўнғиз.

* * *

Виқор гавҳарию ҳилм[1] маъдани[2] бўлакўр,
Десангки, қилғай итоат санга гадо била шоҳ.

Бу шева[3] тоғда зоҳирдурурки, даврондин
Қачонки тафриқа[4] етти, улуска бўлди паноҳ.

* * *

Бийик[5] мақомиға улким тилар сабот, керак –
Ки, эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.

Туз ўлса, соясида эл тиниб манор киби,
Сипеҳр уйида турар қарнлар[6] нечукки сутун.

Гар эгридур, ёғибон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабақ[7] йиғочидек беш-ўнча кунда нигун[8].

* * *

Ростлар кўнглини айлар тийра нодон ёвадин[9],
Шамъни ул навъким, жоҳил ўчургай дам била.

* * *

Тўнни зарбафт айлабон хиффатдин[10] учқан ҳар тараф,
Йўқ ажаб, гар бор эса дунё матоъи ком анга.

Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ ишнар[11] хилъати,
Кўпраги, билким, нажосат узрадур ором анга.

---

[1] *Ҳилм* – мулойимлик, юмшоқлик.

[2] *Маъдан* – кон, манба.

[3] *Шева* – одат; ҳунар.

[4] *Тафриқа* – бўлиш, айириш, ўртага низо солиш.

[5] *Бийик* – буюк, улуғ, юксак, олий.

[6] *Қарн* – аср, давр.

[7] *Қабақ* – ёй билан машқ қилиш учун узун ходанинг учига ўрнатилган қовоқ – нишон.

[8] *Нигун* – 1) эгилган, букилган; 2) чаппа, тескари.

[9] *Ёва* – ёлгон, беҳуда сўз.

[10] *Хиффат* – енгиллик, енгилтаклик.

[11] *Ишнамоқ* – ялтирамоқ.

* * *

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус[1].

Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун
Қилур тожварлар[2] била дастбўс[3].

Неча тожвардур, кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз[4] нағма тортар хурус[5].

* * *

Кўмирни ўтқа солиб, лаъли оташин этсанг,
Натижа бўлғай анға қайда тушса куйдурмак.

* * *

Бийик мақомлиғ эл тифл эканда ҳам бўлмас –
Ки, тийра қилғай ани жаҳлу зулмат аҳли тили.

Қамар[6] чароғи агар бўлса барча бир кечалик,
Не навъ ўчурғай ани шабпарак[7] қаноти ели.

* * *

Не рўза бўлғай анғаким, очуқ бўлуб оғзи,
Даме кам ўлмағай андин калому ҳарзакалом[8].

* * *

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,
Нукта ўрниғаки тортар харрос.

---

[1] *Фусус* – афсус.
[2] *Тожвар* – тождор, тож кийган.
[3] *Дастбўс* – қўл ўпиш.
[4] *Ҳангом* – пайт, фурсат, вақт.
[5] *Хурус (Хўрўс)* – хўроз.
[6] *Қамар* – ой.
[7] *Шабпарак* – кўршапалак.
[8] *Ҳарзакалом* – беҳуда сўз.

Бир эшакдурки, тағофул[1] юзидин
Қилғай изҳор паёпай[2] аррос.

* * *

Қарилар хотири нозукдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох:

Унуттунгмуки, атфол[3] ўйнағанда,
Синар оз майл кўргандин қуруқ шоҳ.

* * *

Лекин гар инжу сочса киши дона ўрниға,
Товусни қачон қилур ўргамчи[4] доми сайд.

* * *

Кийиб самур[5] ила киш[6] қилма асру раънолиқ,
Ипак либос ила тутма ғурур жоми тўла.

Тийиннинг[7] ўз туки-ўқ бўлди жониға офат,
Фарисанинг[8] паридин келди ўз бошиға бало.

* * *

Ҳикмат аҳли оллида совуқ сифат йўқ кимсада
Субҳи козибдек[9] маҳалсиз айлагон кулгу киби.

Лек мундин кўп совуқдир ашк тўкмак зўр ила
Дай[10] елида қатра-қатра муз томизған су киби.

---

[1] *Тағофул (Тағофил)* – ўзни билмасликка солиш, эътиборсиз бўлиш, бепарволик.

[2] *Паёпай* – кетма-кет, муттасил.

[3] *Атфол* – ёш болалар.

[4] *Ўргамчи* – ўргимчак.

[5] *Самур* – қундуз.

[6] *Киш* – қундуз пўстин.

[7] *Тийин* – олмахон.

[8] *Фариса* – чиройли ов қуши.

[9] *Субҳи козиб* – ёлғончи тонг.

[10] *Дай* – қиш.

* * *

Қаноат гўшасин тутқилки, чун анқо[1] бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда қурб[2] Қофида[3] нишимандур[4].

Чу парворий[5] товуғнинг оғзи тинмас туъмадин[6] гарчи,
Ўлар охир, анга аввал катак зиндони маскандур.

* * *

Ҳиммат аҳлики, эрур тузлук аро сарв киби,
Даҳр бўстонида сарсабздуру озода.

Улки, су янглиғ эрур пастниҳоду[7] кажрав[8],
Чекиб афғон, анга тинмаслиғ эрур омода[9].

* * *

Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин[10] изтироб эмастур маҳсуб[11].

Сидқ эрса, худ[12] этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб[13] эрса, маломат дағи бордур матлуб.

* * *

Гар ошиқ эсанг, зебу такаллуфни[14] унут,
Яхшию ёмон ишда тахаллуфни[15] унут,

---

[1] *Анқо* – Қоф тоғида яшайдиган афсонавий қушнинг номи; мажозан топилмас, нодир, ягона.

[2] *Қурб* – яқинлик.

[3] *Қоф* – аждодлар тасаввурига кўра бутун дунёни ўраб олган тоғ.

[4] *Нишиман* – ин, уя, ошиён.

[5] *Парворий* – боқилган, хонаки.

[6] *Туъма (тўъма)* – озиқ, луқма, овқат.

[7] *Пастниҳод* – таги паст.

[8] *Кажрав* – эгри, тескари юрувчи; мажозан: маккор, ҳийлагар.

[9] *Омода* – жиҳозланган, тайёрланган.

[10] *Фақр аҳли* – фақр мақомига мансуб кишилар, сўфийлар.

[11] *Маҳсуб* – ҳисобга олинган, шерик.

[12] *Худ* – 1) албатта, ҳақиқатан; 2) ёлгиз, фақат; 3) ўзи, ўзгинаси; 4) худди, каби.

[13] *Кизб аҳли* – каззоблар, ёлғончилар, найрангбозлар.

[14] *Такаллуф* – заҳмат, ташвиш, тараддуд.

[15] *Тахаллуф* – ихтилоф, қаршилик.

Ўткан гар эрур ёмон – таассуфни[1] унут,
Келган ғар эрур яхши – тасарруфни[2] унут.

* * *

Ким истаса салтанат, саходур[3] анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт,
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

* * *

Ким кўрди экин жаҳонда оё[4] хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

* * *

Бераҳмдурур оламу золим афлок,
Бемеҳрдурур анжуму даврон бебок[5],
Қай сарви чаманки, жилва қилди чолок[6] –
Ким, ерга тўкулмади нечукким хошок.

* * *

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояйи[7] дармон бўлғил.

* * *

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам[8],
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,

---

[1] *Таассуф* – афсусланиш, надомат қилиш.

[2] *Тасарруф* – ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш.

[3] *Сахо* – сахийлик, саховат.

[4] *Оё* – ёки, мабодо, балки, магар.

[5] *Бебок* – 1) ботир, қўрқмас; 2) золим, тошбағир, шафқатсиз; 3) ҳаёсиз, андишасиз.

[6] *Чолок* – чаққон, тез.

[7] *Моя* – 1) асл, моҳият, асос; 2) сабаб, боис.

[8] *Зам* – қўшиш, жамлаш.

Кўзларни олишмоққа чекиб тиғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.

* * *

Гар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,
Ул журмға бўлса узрхоҳи[1] тавба,
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳе тавба,
Бу журм ила тавбадин илоҳи тавба.

* * *

Ғурбатда ғариб шодмон[2] бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу[3] меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

* * *

Дебон берган киши эрдур валекин
Демай берганга эрлик бил мусаллам.
Не деб, не берса билгил они хотун,
Дебон бермасни хотундин доғи кам.

[1] *Узрхоҳ* – узр сўровчи, афв тиловчи.
[2] *Шодмон* – шод, хурсанд
[3] *Шафиқ* – шафқатли, марҳаматли.

## «НАВОДИР УШ-ШАБОБ»дан

Оташин гул чунки булбул куйдурур юз важҳ ила,
Не осиғ фарёду афғон бирла минг дастон[1] анга.

* * *

Ўзлугининг[2] ҳижобидин[3] кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга.

* * *

Истасанг душманинг ўлғай санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.

* * *

Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,
Даҳр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон оллида.

* * *

Нечаки бўлса йигитликда шўхлиқ матлуб,
Вале адаб била хуштур ҳаё йигитларга.

* * *

Ишқ аро кўрдук ниҳоятсиз балият[4], эй кўнгул,
Ҳажрдин душвор[5] лекин кўрмамиш эрдук бало.

---

[1] *Дастон* – 1) макр, ҳийла; 2) наво, нағма.
[2] *Ўзлук* – инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги.
[3] *Ҳижоб* – парда.
[4] *Балият* – бало, ранж, азоб.
[5] *Душвор* – кийин, мушкул, оғир.

* * *

Кимга умр этти вафоким, ул манго қилгай вафо.

* * *

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб[1] –
Ким, гули шуълайи гам, ғунчасидур хори[2] тааб[3].

* * *

Бу чаманда су масаллиқ[4] покрўни[5] чархдин
Кўрмадикким, кўнгли синмай қолди андоққим ҳубоб.

* * *

Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшиттим, гўйиё
Ҳеч қайси одамийлиғда эмас инсонча хўб.

* * *

Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

* * *

Чун рақибимға рақиб эрди ҳабиб[6], эрдим тирик,
Найлай ўлмайким, ҳабибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.

* * *

Ўз диёринда ғариб элдин етар чун жавру зулм,
Эл диёринда ғариб ўлмоғлиғим эрмас ғариб.

* * *

Гулда чун ранги вафодин рангу бўе йўқ эмиш,
Ўтмагай эрдинг бу гулшан сори кош, эй андалиб[7].

---

[1] *Тараб* – шодлик, хурсандлик.
[2] *Хор* – тикан.
[3] *Тааб* – қийинчилик, машаққат.
[4] *Масаллиқ* – ўхшаш, каби.
[5] *Покрў* – покиза юзли, тўғри, ҳалол.
[6] *Ҳабиб* – 1) дўст; 2) маҳбуба.
[7] *Андалиб* – булбул.

* * *

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елға етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.

* * *

Майли дунёки, солур кимсани тинмасликка,
Тинибон кўнгли анинг кимки, кўнгулдин чиқариб.

* * *

Қутулғайму ўлумдин умриға эл эътимод[1] айлаб.

* * *

Бода тутким, бу улуғ коргаҳ аҳволиндин
Ҳеч фаҳм ўлмади ҳар неча хаёлот айлаб.

* * *

Қўйғил ўзлукни гар одам эсанг, инак[2] шайтон
Кибр ила найлади, кўр, онча ибодот айлаб.

* * *

Ганж уммиди била туфроққа эл кирди басе,
Умр зоеъ қилибон фикри маҳобот[3] айлаб.

* * *

Чекма кўп ранж, Навоийки, киши топмайдур
Ўзидин халқни хушнуд муроот[4] айлаб.

* * *

Навоий, десангким замоне тинай,
Замон аҳлидин айлагил ижтиноб[5].

---

[1] *Эътимод* – ишонч, суянч, таянч.
[2] *Инак* – бу ерда энди маъносида.
[3] *Маҳобот* – хавф-хатар, қўркув.
[4] *Муроот* – лутфу марҳамат, ҳурмат-эҳтиром.
[5] *Ижтиноб* – узоқлашиш, четлашиш.

* * *

Жаҳонни бир кесак англа, ҳавоси – гарди бало,
Бу гарддин қутулуб ҳар киши они йироқиб.

* * *

Ишқнинг шиддати кўп, ҳусннинг ар иффати кўп.

* * *

Эй Навоий, чу ўтар яхши-ёмон, ғам емадег,
Улки давронда эрур ишрати кам, меҳнати кўп.

* * *

Чун ҳумоға[1] тўъмадур охир бошингда ҳар сўнгак,
Ул ҳумо бошингга беш кун соягустар[2] бўлди, тут[3].

* * *

Афсарингни[4] шоми туфроққа урар чун даври чарх,
Субҳ заррин тожини бошингга афсар бўлди, тут.

* * *

Чун лагадкўби қазо[5] паст эткуси тавсанлигинг[6],
Тавсани гардун рикобингга[7] таковар[8] бўлди, тут.

* * *

Қад чу хам бўлди эмас ҳеч иш муносиб жуз рукуъ[9],
Сажда ўрнин оҳ ила, хошок ила хасдин арит.

---

[1] *Ҳумо* – кимнинг бошига сояси тушса, ўша киши бахтли бўлади, деб эътиқод қилинадиган давлат қуши.

[2] *Соягустар* – соя солувчи.

[3] *Тут* – бу ерда: билмоқ, ҳисобламоқ.

[4] *Афсар* – тож, хилъат.

[5] *Лагадкўби қазо* – тақдир зарбаси.

[6] *Тавсанлиг* – шўхлик, ўйноқилик.

[7] *Рикоб* – узанги.

[8] *Таковар* – йўрға от.

[9] *Рукуъ* – намозда икки букилиб туриш.

* * *

Ичингда сирри ҳақиқатни ёшурай дер эсанг,
Улустин ул гуҳари бебаҳони пинҳон ют.

* * *

Шом туфроққа кирардин чора йўқтур, гарчи субҳ
Кимки секриткай қуёшдек бу бийик айвонға от.

* * *

Чархнинг меҳрига мағрур ўлмағилким, ғадри[1] бор,
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.

* * *

Чиқарға бу вайронадин чора йўқтур,
Гар Одам[2] вагар Нуҳу гар Сому[3] Ёфас[4].

* * *

Жаҳон шуғли[5] сари талаб қилма мужиб[6],
Анинг таркини тутқали иста боис.

* * *

Муҳлик маразға қилмади эл панд ила илож.

* * *

Бу чаманким, тўкилур шом гул, очилса сабоҳ.

---

[1] *Ғадр* – макр, ҳийла, алдов.

[2] *Одам* – Одам алайҳиссалом.

[3] *Сом* – Золнинг отаси, Рустамнинг бобоси. «Шоҳнома» қаҳрамонларидан бири.

[4] *Ёфас* – Нуҳ пайғамбарнинг ўғли.

[5] *Шуғл* – иш, машғуллик.

[6] *Мужиб* – сабаб, боис.

* * *

Жаҳони хокий[1] эрур бир кесак, вале нопок,
Этак етурмамак авло мулаввас[2] ўлса кулух[3].

* * *

Арит сиришк[4] била ботинингда бор эса чирк[5],
Ю[6] тавба суйи била бўлса ботининг аро шух[7].

* * *

Шарбати сабр, дер, ич носиҳу[8] юз войки, бор
Оби ҳайвон била ҳал айласа бу шарбати талх.

* * *

Хўблар лаъли хаёлиға чу чурканмаки[9], бор
Ўзи ҳар неча чучук, ҳажри аро меҳнати талх.

* * *

Зарраға юз минғ қуёш моҳиятин билмак не ҳад.

* * *

Мўр қатлин аждаҳокушлар[10] қачон айлар писанд.

* * *

Ким, булутқа дуд етмас нечаким чиқсун баланд.

---

[1] *Хокий* – тупроқдан яратилган.
[2] *Мулаввас* – ифлос.
[3] *Кулух* – кесак.
[4] *Сиришк* – кўзёши.
[5] *Чирк* – кир, ифлос.
[6] *Ю* – юв.
[7] *Шух* – кир, ифлос.
[8] *Носиҳ* – насиҳатгўй.
[9] *Чурканмоқ* – куймоқ, ёнмоқ, қовурилмоқ.
[10] *Аждаҳокуш* – аждаҳони ўлдирувчи, паҳлавон.

* * *

Булбулни ғаминг қўзғаса шод ўлмағил, эй гул –
Ким, ўт ҳам ўчар, кулни фалак айласа барбод.

* * *

Ёрдин гар истасангким кўрмагайсен ғайри васл,
Ғайр васлин мутлақо ёд айламакни қилма ёд.

* * *

Чун азалда сарнавишт[1] ўлғанни кўрмай чора йўқ,
Ҳар замон айлаб шикоят қилма даҳри дунни ёд.

* * *

Замона боғи гулу сунбулини исламаким,
Димоғ офатидур шуъла фарз қил, гар дуд.

* * *

Ишқ лол эткан кишида қайси ҳушу не хирад.

* * *

Эй хирадманд, англамассен ҳолатин ушшоқнинг[2],
Не учунким ишқ таврида эрур Мажнун хирад.

* * *

Қазо не ҳукмки айлар жаҳонгадур нофиз[3],
Жаҳону бас демаким, инсу жонғадур нофиз.

Жаҳон аро бани Одам нетиб халос ўлғай –
Ким, ул малойикайи осмонғадур нофиз.

* * *

Ширин ҳадисдин[4] етар инсонға илтизоз[5].

---

[1] *Сарнавишт* – тақдир.
[2] *Ушшоқ* – ошиқлар.
[3] *Нофиз* – нуфузли, таъсирли.
[4] *Ҳадис* – сўз, калом.
[5] *Илтизоз* – лаззат, лаззатланиш.

* * *

Қуёшни кўрмаса хуффош[1] бордурур маъзур.

* * *

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ –
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

* * *

Ўт ўчар, лекин асар ёнған макон ичра қолур.

* * *

Гар забун бўлсам ажаб эрмаски, тушса ишқ аро,
Аждаҳолар хоксор ўлмоқ тариқин ўрғанур.

* * *

Иқомат истама бу манзил ичраким, ҳар кун
Мусофир анда нечаким келур, юз онча борур.

* * *

Не келса оллинга кўп қилма дафъиға кўшиш[2] –
Ки, жидду жаҳд ила тағйир топмади тақдир.

* * *

... азал қисматин эл коми била қилмадилар.

* * *

Бир нафас умрға бўлмас мутааҳҳид[3] бўлмоқ,
Эй Навоий, не бало ғофил эрур аҳли ғурур.

* * *

Не тонг, кетурса манга ишқ ҳар дам ўзгача ҳол –
Ки, шуъла вазъи аро дам-бадам эрур тағйир.

---

[1] *Хуффош* – кўршапалак.

[2] *Кўшиш* – саъй-ҳаракат, жидду жаҳд.

[3] *Мутааҳҳид* – ваъда берувчи, бирор ишни ўз зиммасига олувчи.

* * *

Сен ўзлугунг бутин[1] аввал ушатқил, эй зоҳид[2],
Ҳамиша дайри фано аҳлини эткуча такфир[3].

* * *

Навбаҳори ҳусндин топма фириб, эй шўхким,
Чарх даври навбаҳор ўтмай хазонин еткурур.

* * *

Мисри иззат истабон зиндони ғамдин қочмаким,
Моҳи Канъон[4] тахтиға боис мазаллат[5] чоҳидур.

* * *

Чарх меҳру кинасидин не азиз ўл, не залил[6],
Нечаким гоҳе сени излолу[7] гаҳ эъзоз этар.

* * *

Эй Навоий, истиқомат[8] йўқ чун даврон табъида,
Ғам ема гар гоҳ меҳру гоҳ ситам оғоз[9] этар.

* * *

Ишқнинг савдоси жонимға зиёндир демаким,
Ҳар киши мундоқ зиён ишқ ичра қилса судидур.

* * *

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун[10] эттим,
Вафо нахли экканга бажуз ғусса бар йўқтур.

---

[1] *Ўзлук бути* – манманлик ҳавоси.

[2] *Зоҳид* – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши.

[3] *Такфир* – кофирга чиқариш.

[4] *Моҳи Канъон* – Канъон гўзали, яъни Юсуф алайҳиссалом.

[5] *Мазаллат* – хорлик.

[6] *Залил* – хор, тубан, паст.

[7] *Излол* – хорлаш, таҳқирлаш.

[8] *Истиқомат* – барқарорлик, тўғрилик.

[9] *Оғоз* – бошланиш, киришиш.

[10] *Озмун* – синаш, имтиҳон.

* * *

Даъвийи ҳиммат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,
Қилмоқ олуда нажосатқа ўзин ҳимматмудур?

* * *

Аждаҳо гар бўлса вайрона ичра, махзан[1] ҳам бўлур.

* * *

Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур.

* * *

Дуд равзандин[2] кирар уйнинг биноси нам бўлур.

* * *

Қуюнни кимса англармуки, қай сори шитоб айлар.

* * *

Қачон заррот[3] хайли манъи нури офтоб айлар.

* * *

Тоғ киби торт қаноат этаги ичра оёғ,
Даври фалакдин сенга бир қурс ағар шом етар.

* * *

Хизр умрию Скандар[4] мулки топқан ёрсиз,
Оби ҳайвон ичса, заҳр бегумондурким, ичар.

* * *

Ким майи васл ичтиким, ҳижрон хуморин чекмади,
Хорсиз ғул даҳр боғи ичра не имкон эрур.

---

[1] *Махзан* – хазина, ганж.

[2] *Равзан* – туйнук, дарча, тешик.

[3] *Заррот* – зарралар.

[4] *Скандар (Искандар)* – македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр Македонский (милоддан аввалги – 356–323).

* * *

Кимки онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одамий эрса, пари бирла малакдин ори бор.

* * *

Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар
Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот[1] изҳори бор.

* * *

Баҳор айёмини беш кун ғанимат англа, эй булбул –
Ки, мунча сўзу тобинг[2] оташин гул мижмаридиндур.

* * *

Даҳрнинг бегонаваш золиға бўлма ошно –
Ким, сени то ошно этти, ўзи бегонадур.

* * *

Гар саломат истасанг, неким етар таслим бўл –
Ким, ситез аҳлиғадур андин етар кўпроқ ситез.

* * *

Эй Навоий, чун заруратдур бу маскандин раҳил[3],
Хоҳ тутқил гўшае, хоҳи жаҳон мулкини кез.

* * *

Эрур мазлуму золим қатли ишқ оллида кўп осон,
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез?!

* * *

Ҳариф[4] бўлмаса, зинҳор майға сунма илиг –
Ки, заҳрдур, кишиким бодани ичар ёлғуз.

---

[1] *Нашот (Нишот)* – шодлик, хурсандчилик.
[2] *Сўзу тоб* – ёниш-ўртаниш ва ҳарорату иситма.
[3] *Раҳил* – кетиш, ўлиш.
[4] *Ҳариф* – ўртоқ, улфат, шерик.

* * *

Юз туман[1] дардға даводур васл.

* * *

Бу кўҳна дайр ичра десанг, ранжа[2] бўлмайин,
Бўлғил ризо мақомидаву қилмағил ситез.

* * *

Ишқ дарёсиға, эйким, кирдинг,
Билки, бу баҳр эрур поёнсиз.

* * *

Жуд[3] эмас кўп базл[4] учун кўп мол қилмағлиғ ҳавас,
Ким берур кўптин кўп, оздин оз ани бил жуду бас.

* * *

Эй Навоий, ишқ сиррин ким ҳавас қилса, дема –
Ким, эшитмакка бу сўз лойиқ эмас ҳар булҳавас[5].

* * *

Дақойиқ[6] ишқ илми ичра кўптур –
Ки, тафҳимида[7] ожиздур мударрис.

* * *

Ёр улдурким, тилию кўнгли онинг бўлса бир –
Ким, тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас.

* * *

Кимки кўнглин истамас ғамгин, тилини асрадег –
Ким, тилин тийған кишининг кўнглида озор эмас.

---

[1] *Туман* – ўн минг; кўп, беҳисоб.
[2] *Ранжа* – ранжиган, қийналган.
[3] *Жуд* – сахийлик, инъом, эҳсон.
[4] *Базл* – 1) сарф, харж; 2) инъом, эҳсон.
[5] *Булҳавас* – бекарор, енгилтак.
[6] *Дақойиқ* – 1) чуқур ва нозик маънолар; 2) чигалликлар, мушкулликлар.
[7] *Тафҳим* – англатиш, тушунтириш.

* * *

Аждаҳодин тонг эмастур мўрға бўлмоқ ҳарос[1].

* * *

Ёрдин ҳар неча бедод ўлса айлармен қабул,
Лек бўлса гайр бирла мултафит[2] мақбул эмас.

* * *

Эй Навоий, ишқ атворида будур зулмким,
Гул мақоми боғ ўлуб, булбул ери бўлғай қафас.

* * *

Дард аро ўлсанг, даво аҳли замондин истама –
Ким, топилмас даҳр аро бечораларға чорарас[3].

* * *

Эрур бир нукта ишқу олам ичра,
Деб ўлмас ҳаргиз андин можаро бас.

* * *

Ишқ бозорида савдо аҳлиға жуз нақди васл
Ҳар нафас бир ганж агар учрар зиёндур, суд эмас.

* * *

Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,
Элдин ғайри жафо қилма ҳавас.

* * *

Не ерсен даҳр золининг фирибин,
Вафо чун элга ул маккора қилмас.

---

[1] *Ҳарос* – қўрқув.
[2] *Мултафит* – илтифот қилувчи, эътибор берувчи.
[3] *Чорарас* – чора топувчи, илож қилувчи.

* * *

Оҳким, биз рубъи маскундин чиқиб, кўп бўлғуси
Жилвагар тўртунчи торамдин[1] Масиҳосо[2] қуёш.

* * *

Хасни қавмоққа насиме[3] бас, эмас ҳожат уруш.

* * *

Билким, бу йўлда зод[4] эрур аъмоли[5] хайру бас,
Йўқ илму фазлу[6] мансабу молу уруғ-қаёш[7].

* * *

Ком вақти тарки дунё айлаган топмиш ҳаёт,
Йўқса етканда ажал худкому[8] ноком[9] айламиш.

* * *

Ранжа бўлма тилаб ортуққи, эрур осуда
Улки, Ҳақ ҳар не насиб айлади хурсанд ўлмиш.

* * *

Бўлма кун қурсин тилаб афлокдек саргаштаким,
Бир фатири хом ила осон ўтар ҳар кун маош.

* * *

Ғарраи[10] ҳусн ўлдунг, эй гул, билмадинг бу боғ аро
Ҳар баҳори келса, андин сўнг хазони бор эмиш.

---

[1] *Торам* – осмон.
[2] *Масиҳосо* – Масиҳ каби.
[3] *Насим* – ел, шамол, тонг шабадаси.
[4] *Зод* – озуқа.
[5] *Аъмол* – амаллар, ишлар, қилмишлар.
[6] *Фазл* – етуклик, устунлик.
[7] *Қаёш* – қариндош-уруғ.
[8] *Худком(а)* – фақат ўз манфаатини кўзловчи.
[9] *Ноком* – мақсадига етмаган, бебаҳра, маҳрум.
[10] *Ғарра* – ғурур, мағрурлик.

* * *

Гул чоғи боғингғаким йўл бермадинг, эй боғбон,
Чинмудур дай бўлғали, дерлар, сафоси қолмамиш.

* * *

Висол истар эсанг қочма балиятдинки, кўргузмиш
Ниёз аҳли вафо, ҳар неча ноз аҳли жафо қилмиш.

* * *

Ки, кулгу боисидур қилса фил ўзин раққос.

* * *

Гарчи билдимки, ҳарис ўлди жаҳонда маҳрум,
Бўлмамоқ мумкин эмас ёр висолига ҳарис.

* * *

Чархдин заъфим ила бўлса малолим не ажаб,
Кўрар ул Зол[1] била Рустами достон[2] танқис.

* * *

Ҳар не оллингға келур Ҳақдин эрур чун ориз[3],
Бас таҳаммул[4] қилибон айлама ҳар дам эъроз[5].

* * *

Жаҳл айбини Навоий нетибон ёшурғай,
Эл кўзи очиқ эрур, гар ўзи эткай иғмоз[6].

---

[1] *Зол* – Рустамнинг отаси. «Шоҳнома» достони қаҳрамони.

[2] *Рустами Достон* – Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари оғзаки ижодида ва мифологиясида шаклланган қадимий образ. У паҳлавонлик, халоскорлик ва жўмардлик тимсолидир.

[3] *Ориз* – воқе бўлган.

[4] *Таҳаммул* – сабр, бардош, чидам.

[5] *Эъроз* – қочиш, узоқлашиш, ўзини узоқ тутиш.

[6] *Иғмоз* – яшириш, бекитиш.

* * *

Кишики зоҳири ошуфтадур[1], замириға[2] бок,
Басоки маъни эрур поку лафз номарбут[3].

* * *

Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳни[4] бот, эй воиз.

* * *

Иззат тамаъ ким айласа, тарк этмайин тамаъ,
Ул хорликка мужиб эрур азза ман қанаъ[5].

* * *

Тухми тамаъки, хорлиқ ўлмиш анинг бари[6],
Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

* * *

Руҳунгға сиҳҳат ўлса, малойик[7] бўлур сипоҳ[8],
Нафсингга қувват ўлса, шаётин[9] бўлур табаъ[10].

* * *

Тут ғаниматким, йигитлик фаслидур фасли рабиъ[11].

* * *

Саркашлик этма шуъладек ўртарга элниким,
Асру бод[12] инҳитот[13] топар андоқ иртифоъ.

---

[1] *Ошуфта* – гирифтор, мубтало, ошиқ.
[2] *Замир* – кўнгил, қалб.
[3] *Номарбут* – боғланмаган, алоқаси йўқ.
[4] *Тафзиҳ* – расволик, шармандалик.
[5] *Азза ман қанаъ* – кимки қаноат қилса, албатта азиз бўлади.
[6] *Бар* – мева, ҳосил, самар.
[7] *Малойик* – фаришта.
[8] *Сипоҳ (Сипаҳ)* – аскар, лашкар.
[9] *Шаётин* – шайтон, иблис.
[10] *Табаъ* – тобелар, бўйсунувчилар.
[11] *Рабъи* – баҳор.
[12] *Бод* – ел, шамол, шабода.
[13] *Инҳитот* – тубанлашиш, пастлашиш.

* * *

Гумон қилма ишқ аҳлини хоксор –
Ки, ҳимматларидур фалакдин рафиъ[1].

* * *

Қадам қўйма адабсиз бу хазон кўрган чаман ичра –
Ки, бир гулранг юзнинг сафҳасидур ҳар сариғ яфроғ.

* * *

Йўқ бу гулшан ичра имкони фароғат бўйлаким,
Баргидин ҳар ён чекибтур савсани[2] озод тиғ.

* * *

Улки, дўзах ўтидин ишқ аҳлини тахвиф[3] этар,
Ишқ ўтин чун кўрмамиш тутмоқ бўлур они маоф.

* * *

Йигитлар ичра қари неча хиффат этса эрур,
Сақил[4] авло эрур улки, айлагай тахфиф[5].

* * *

Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ,
Ани тўрт мазҳабда қил уч талоқ.

* * *

Улки, кофур[6] бўлуб, мушки қилур раънолиқ,
Оқ соқолиға кулар халқ, зиҳи расволиқ.

---

[1] *Рафиъ (Рафеъ)* – юксак, баланд.
[2] *Савсан* – гулсапсар.
[3] *Тахвиф* – қўрқитиш.
[4] *Сақил* – оғир, вазмин.
[5] *Тахфиф* – енгиллатиш.
[6] *Кофур* – оқ хушбўй модда.

* * *

Ким йигитликда қилур товба, йигитлик улдур,
Қари булғор соқолин қилса қадаҳпаймолиқ[1].

* * *

Тенгридин қўрқмай улким, қарибон бода ичар,
Яхшироқдур бу мусулмонлиғдин тарсолиқ[2].

* * *

Қила олмас қори[3] дебо[4] кийиб ўзни зебо,
Шол[5] ҳам кийса йигитка ярашур зеболиқ.

* * *

Қариликда ики иштин киши бор элга азиз,
Бири зуҳду бириси халқ аро нопайдолиқ.

* * *

Эй Навоий, қаридинг, гўша тутуб, тоат қил,
Бўлмайин хор десанг, айлама базморолиқ[6].

* * *

Агар ҳусн ўлса қотил, зор не дарвешу не султон,
Вагар ишқ ўлса комил, ёр не ҳиндуву не ўзбек.

* * *

Жамолу ноз то кўпрак, ниёзу[7] шавқ ҳам кўпрак.

---

[1] *Қадаҳпаймо* – майхўрлик, майга берилиш.

[2] *Тарсо* – христиан, насроний.

[3] *Қори* – қари.

[4] *Дебо* – нафис ипак мато, ҳарир.

[5] *Шол* – жундан тўқилган мато.

[6] *Базморолиқ* – базм зийнати бўлиш, базмни безаш.

[7] *Ниёз* – 1) эҳтиёж, муҳтожлик; 2) ялиниш, ёлвориш, илтижо; 3) аташ, назр қилиш.

* * *

Одамилиқ туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

* * *

Расм бўлмас қушни олиб, ошиённи ўртамак.

* * *

Тиканда гул очилур, андалиб янглиғ анга –
Ки, ишқи ўлса табиат хиёнатидин пок.

* * *

Олам аҳлиға ўлумдин чора чун имкони йўқ,
Ўлма олам фикридин бу лаҳзаким борсен тирик.

* * *

Эҳтироз[1] эткай балодин гар кишига жон керак.

* * *

Сипеҳр ком ила эврулмаса, ҳазин бўлма,
Кишига бермади чунким Ҳақ ихтиёрин анинг.

* * *

Навоий, ул киши топти фароғ[2] оламдин –
Ки, ҳиммати кўзи тенг кўрди йўқу борин анинг.

* * *

Бу боғ гулларини ерга сочмайин қўймас,
Хазон елини кўрунг, чархи бевафога боқинг.

* * *

Тонгла жаннат ҳуридин кеч, эй кўнгул, ноком ила,
Гар бу кун дунё аруси васлини ком айладинг.

---

[1] *Эҳтироз* – сақланиш.

[2] *Фароғ* – 1) тинчлик, хотиржамлик; 2) роҳат, хурсандчилик.

* * *

Қисмдин ортуғ тилаб хор этма ўзни, эй азиз –
Ким, қаноатдиндурур иззат, тамаъдин барча зул[1].

* * *

Не тафовут сифла элдин хорлиғ ё эҳтиром –
Ким, баҳойимдин[2] эрур тенг хоҳи иззат, хоҳи зул.

* * *

Тут ўзунғга фарду бекаслик балою эмгакин,
Ё бировга ўрганиб, айру тушуб эмганмагил.

* * *

Ажал гар сўнгғи дам бўлса, бу дам коминг Хизр умри,
Бу номаълум мавъудқа[3] бино қўйғон зиҳи ғофил.

* * *

Дарддин беморға парҳез эрур кўпроқ малол.

* * *

Чарх саррофи[4] қошинда бирдурур дур бирла тош,
Тошдек сўз келса, дурдек лафз ила қилма бадал[5].

* * *

Мазраъи ишқ ичра сочмоқ қобилият донасин,
Айлади кўк тосидин[6] гўё қазо деҳқони[7] кайл[8].

* * *

Каъба истарсен, муғилон[9] чекса тил қайғурмағил,
Бемаломат топмади кимса саломат, эй кўнгул.

---

[1] *Зул* – хорлик, пастлик.
[2] *Баҳойим* – тўрт оёқли ҳайвонлар.
[3] *Мавъуд* – ваъда.
[4] *Сарроф* – пул алмаштирувчи.
[5] *Бадал* – эваз, айирбош, алмаштириш.
[6] *Кўк тоси* – кўк гумбази, осмон, фалак.
[7] *Қазо деҳқони* – Худо, тақдир.
[8] *Кайл* – ғалла ўлчайдиган идиш.
[9] *Муғилон* – тиканли дарахт.

* * *

Хурдаи[1] розингни асра ғунча янглиғ қон ютуб.

* * *

Турғони бирла қулоқдур, лек эшитмас панд гул.

* * *

Қиблаи мақсад тиларсен, дард ўқидин ғам ема,
Истаган тавфи ҳарам кўрмас мугилондин малол.

* * *

Бу чаманда не вафо бўлғайки, ҳар ён ғунчаси
Зоҳир этмиш булбул аҳволиға кулгу сори майл.

* * *

Ўзға қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам.

* * *

Доғи ҳирмон жонда хушроқким, арозилдин[2] дирам.

* * *

Бир қадам нафс узра қўйғил, бирни мақсадға дедим,
Йўл узун деб ема ғамким, асл эрур аввал қадам.

* * *

Гар оқибат аҳволиға мен воқиф эмасмен,
Кимдурким анга қолмади бу масъала мубҳам[3].

* * *

Не қазодин келса таслим ўлмоқ авло, чунки йўқ
Суди гар қилсам ситез, ар ўзни кўп зор айласам.

---

[1] *Хурда* – сир, яширин сир.
[2] *Арозил* – нокаслар.
[3] *Мубҳам* – ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган.

* * *

Қилма зоҳир давлатию меҳнатиға эътибор –
Ким, анинг доғи вафоси йўқ, мунунг бунёди ҳам.

* * *

Ким вафо аҳлин синуқтурса[1], билурмен ончаким,
Кўп зиён қилмаса, боре қилмағай кўп суд ҳам.

* * *

Эрур ҳар зарранинг моҳияти хуршиддин[2] мубҳам.

* * *

Су урғоч ўтқа ортар дуд, топса шуъла таскин ҳам.

* * *

Неча насринбару[3] гулрух[4] эсанг, қилғил вафо майли –
Ки, гул ҳам бевафолиғ кўрди бу гулшанда, насрин ҳам.

* * *

Навоий, жаҳондин не нафъ олса бўлғой –
Ки, зиндоне эрур марг айлаб камин[5] ҳам.

* * *

Бу чаманда кўнглакин гул чок айлардин иши
Булбул аҳволиға ҳар кун шеван[6] эрмиш англадим.

* * *

Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим.

---

[1] *Синиқтурмоқ* – ранжитмоқ, озор бермоқ.
[2] *Хуршид* – қуёш, офтоб.
[3] *Насринбар* – оқбадан.
[4] *Гулрух* – гул юзли.
[5] *Камин* – пистирма.
[6] *Шеван* – нола.

* * *

Эй кўнгул, айлама даҳр эски работин маскан –
Ким, работ ўлмади ҳаргиз сафар аҳлиға ватан.

* * *

Ишқ водийси ажаб водий эрурким, ҳар мўр
Анда шерафкану[1] ҳар пашша эрур пилафкан[2].

* * *

Ҳусн айёмида хуш тут зарраларни, эй қуёш –
Ким, бу кунларни бағоят қисқа айлар чархи дун.

* * *

Қўркутуб элни тамуғ[3], лекин мени қисми азал[4],
Элга ваҳм анжомдин[5], аммо манға оғоздин.

* * *

Эй Навоий, билки бўлмас чеҳраи мақсудни
Пардадин кўрмак, хусусан пардаи пиндордин[6].

* * *

Дуд қилмай найлагай ахгар уза тушкан сомон.

* * *

Ким, замонға мумкин эрмас ҳеч ким бўлмоқ зимон[7].

* * *

Оташин гул била булбул дай ўлуб кетса, не тонг,
Бўйла кўп ўт била кул ёд билур бу бўстон.

---

[1] *Шерафкан* – шерни йиқитувчи.
[2] *Пилафкан* – филни йиқитувчи.
[3] *Тамуғ (Томуғ)* – дўзах, жаҳаннам.
[4] *Қисми азал* – тақдир, қисмат.
[5] *Анжом* – оқибат, охир, интиҳо.
[6] *Пиндор* – кибр, ғурур, такаббурлик.
[7] *Зимон* – кафил.

* * *

Даҳр элидин зинҳорким вафо қилмон тамаъ –
Ким, тамаъдин кимсага юзланур доим ҳавон[1].

* * *

Йилда бир ой васл ила гул хушдил айлар булбулин.

* * *

Ҳуснунг авроқиға, эй гулшан, қувонма асруким,
То хабар топқунг, совурмиш тонг ели гул дафтарин.

* * *

Кеча тонг откуча равшан бўлур ой ўлса тўлун.

* * *

Кўнгул узмаклик иши саъбдурур ўрганибон.

* * *

Ҳар не Ҳақ амридурур шукр ила қилким, қилмоқ
Бандадин яхши эмас хўжа иши кўнгранибон.

* * *

Муроди гар эмас дилбар муроди,
Илоҳи, бермагил ошиқ муродин.

* * *

Ростлиқ озодалар ойинидур, фаҳм айлагил,
Бу чаманнинг сарви бирла савсани озодидин.

* * *

Даҳри фоний, эй Навоий, туштурур ёхуд хаёл,
Давлати боқий умидинг бўлса кечгил боридин.

[1] *Ҳавон* – хорлик, тубанлик.

* * *

Қуш қутулмас дардлиғ афғон чекиб сайёдидин.

* * *

Топмағунг бу боғ аро якранг[1] бирла якзабон[2],
Не гули раъносидин, не савсани озодидин.

* * *

Чеҳраи мақсуд кўрди улки, қилди тўтиё
Гармрав[3] соҳибназарлар[4] соҳати[5] майдонидин.

* * *

Келмаса равшан зулол, албатта, бўлур чашма кўр.

* * *

Даҳр боғи лола бирла сабзасидин[6] кечки, йўқ –
Ғайри қону заҳр бу шингарф[7] ила зангоридин[8].

* * *

Ошиқи содиқ вафо бирла жафони толғамас[9],
Хуш келур кўнглига ҳар неким келур дилдордин.

* * *

Чарх даврин ўйла[10] паргор урди меъмори қазо[11] –
Ким, қадам чиқмоқ эмас мумкин хати паргордин.

---

[1] *Якранг* – бир тусли, яъни ўзгармайдиган.
[2] *Якзабон* – бир сўзлик, вафодор.
[3] *Гармрав* – чаққон, тезюрар.
[4] *Соҳибназар* – ориф, каромат эгаси.
[5] *Соҳат* – даргоҳ, майдон, кенг.
[6] *Сабза* – яшиллик, кўкат, майса.
[7] *Шингарф* – қизил ранг.
[8] *Зангор* – 1) яшил; 2) занг.
[9] *Толғамоқ* – ажратмоқ, фарқ қилмоқ.
[10] *Ўйла* – шундай, ўшандай.
[11] *Меъмори қазо* – Худо.

* * *

Бу чаман гулбунларида хор эканму ё магар,
Зор булбул жонининг қасдиға ништарму экин?

* * *

Улки, маънидин хабар топти, яна дам урмади,
Англамон аҳли жадал ичра не қилу қол экин.

* * *

Даҳр иши олудалиғдур[1], эй хушо, ул покрав[2] –
Ким, ўтар бу жифаға[3] кўнглини мойил қилмайин.

* * *

Тонг йўқ ўлдум эса ишқ ичра жаҳон расвоси,
Кимдурур ошиқ ўлуб, оқили даврон бўлған.

* * *

Сарнавиштинг ҳар не бўлса, кўрмакига чора йўқ,
Кимса бош чекмак не мумкин оллиға мастурдин[4].

* * *

Ёрким ёри учун чекса жафо бил они ёр,
Ўлса оздур кимса андоқ ёри меҳросор[5] учун.

* * *

Бағир парголасин[6] айлаб ғизо, қонин қилиб шарбат,
Таваққуъ[7] қилма олам аҳлидин ўтса маош андин.

---

[1] *Олудалиғ* – ифлослик, нопоклик.
[2] *Покрав* – ўзини тўғри олиб юрувчи.
[3] *Жифа* – ўлимтик.
[4] *Мастур* – бу ерда яширин, пинҳон, махфий маъносида.
[5] *Меҳросор* – меҳрибон, ғамхўр.
[6] *Паргола* – парча-парча.
[7] *Таваққуъ* – кутиш, умид, орзу.

* * *

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон,
Бўйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.

* * *

Кўрунур шамъ равшанроқ зуҳур[1] эткач қоронғудин.

* * *

Бу гулшандинки, булбул зоғ ила тенгдур, фироқ авло,
Нетай ул ердаким, йўқтур арабға фарқ ҳиндудин.

* * *

Ўларда тенгдурур шоҳ айласун гулшан гулин мафраш[2],
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош[3] ўлсун.

* * *

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру[4],
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

Ва гар ҳар тийраликка[5] бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом, доғи субҳдин кулгу.

* * *

Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

* * *

Бақо нақди ҳаётингға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

---

[1] *Зуҳур* – кўриниш, пайдо бўлиш.
[2] *Мафраш* – шол, палос, кигиз.
[3] *Соҳибфирош* – бемор, касал.
[4] *Ўтру* – қарши, рўпара.
[5] *Тийралик* – қоронғилик, хиралик.

* * *

Чу даврон бевафодур, неча соҳибжоҳ[1] эсанг, эй шаҳ,
Гадолар хотирин асраю мағрур ўлмағил асру.

* * *

Ёруқ гар ўлмади шамъи муродинг, айтма кўп сўз,
Киши қазо била бўлмас уришмоқ айлама ёрғу[2].

* * *

Суға, йўқса кўзгуга солғил назар,
Гар этсанг ўзунгга мисол орзу.

* * *

Қуёшдек манозил[3] тай этмак[4] керак,
Не раҳравки, қилғай камол орзу.

* * *

Фасона[5] боиси ғафлатдур элга воиздин,
Нединки келтурур афсонаваш калом уйқу.

* * *

Қайси гумраҳ комили раҳбар аёғи туфроғин,
Тўтиё қилдики, қилмас раҳнамолиғ орзу.

* * *

Бору йўқнинг меҳнатин чекмас, бу давлат басдурур,
Ҳар киши оламда қонеъ бўлса йўқу бор ила.

* * *

Раззоқ Ҳақни англа ҳар вақту ҳар маконда,
Ҳар кимға рўзи ўлса ҳар хонда, ҳар навола.

---

[1] *Соҳибжоҳ* – мансаб соҳиби, давлат эгаси.
[2] *Ёрғу* – қабул; ҳукм; муқобиллик.
[3] *Манозил* – манзиллар.
[4] *Тай этмак* – босиб ўтмоқ.
[5] *Фасона* – 1) афсона, эртак; 2) воқеа, ҳодиса.

* * *

Қачон ёғинда қилибтур киши булутни паноҳ.

* * *

Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард аҳлиға, невчун
Ажал Мажнунни асраб, айлағай Лайлини овора?

* * *

Малак таслими шайтон кибридекдур буки, ақл ўзин
Қилиб маъмури амр истар аморат[1] нафси аммора[2].

* * *

Замони ҳуснға чун бўлмади расми вафо ҳаргиз,
Вафо расмин ғанимат англағил ҳуснунг замонинда.

* * *

Мурувват ранғию инсоф иси кўз тутмағил элдин,
Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда.

* * *

Буюрди тавба йигитликда ишқу майдин шайх,
Киши чекарму риёзат нишот чоғинда.

* * *

Буд[3] ила нобуд чун ҳузну[4] тарабқа арзимас,
Шод бўлма буд ила, ғам ҳам ема нобуд ила.

* * *

Уммидеки, Ҳақ эткай анинг саъйини ботил[5],
Ҳар кимки ниҳон айлади ботилни ҳақ ичра.

---

[1] *Аморат* – амирлик, ҳокимлик.
[2] *Нафси аммора* – ёмонликка ундовчи нафс.
[3] *Буд* – борлиқ, мавжудлик.
[4] *Ҳузн* – ғам, қайғу, хафалик.
[5] *Ботил* – 1) бузуқ, бўш; 2) беҳуда, ноҳақ, асоссиз, нотўғри.

* * *

Ишқ ўтида гар ақлни хас деди Навоий,
Йўқ кимсага сўз масъалаи муттафақ[1] ичра.

* * *

Кўп тажаммул[2] сотмағил, эй чархким, ҳар кавкабинг[3]
Бир дирамча йўқтуру дайри фано қаллошиға[4].

* * *

Даврон фалакка чекса сени эмин ўлмағил –
Ким, еткурур завол куёшнинг камолида.

* * *

Даҳр бўстони аро барку булутдин англадим,
Йигламоқ юз қатладур бир қатла кулгу ўрнида.

* * *

Чун азал қисматидин ҳеч нима хориж эмас,
Айламас фоқасидин[5] воқифи асрор[6] гила.

* * *

Кимса юз йил комронлиқ[7] қилса, билким, арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоғлиқ биров коми била.

* * *

Заҳрни ўз коми бирла ичса андин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

---

[1] *Муттафақ* – иттифоқлашган, келишилган.
[2] *Тажаммул* – шукуҳ, дабдаба, ҳашамат.
[3] *Кавкаб* – юлдуз, сайёра.
[4] *Қаллош* – ҳийлагар.
[5] *Фоқа* – камбағаллик, муҳтожлик, бечоралик.
[6] *Асрор* – сирлар.
[7] *Комронлик* – бахтиёрлик, мақсадга эришганлик.

* * *

Юз дилором айлагандин равза ҳабси[1], яхшироқ
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

* * *

Эй кўнгул, эл субҳи айши сори боқма, хўй[2] қил
Фардлиқ вайронида меҳнат қаро шоми била.

* * *

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлиғ,
Бўлғанидан банд аро сайёд ипак доми била.

* * *

Бўлмоқ итлар мунъими тан тўъма айлаб яхшироқ,
Танни қилғунча самин[3] нокаслар инъоми била.

* * *

Дедимки, умр вафо қилса, даҳр ҳам килғай,
Валек баҳсдур ул иккининг вафосинда.

* * *

Бевафолиғ тонг эмас элдинки, деҳқони азал,
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида.

* * *

Чун фалак давронига йўқ эътимоде, эй қуёш,
Меҳр кўргузмакни хўй эт хўблиқ давронида.

* * *

Базл илгин юқори, сойил қўлин кўргил қуйи,
Тенг бўлурму термаку сочмак хирад мезонида[4].

---

[1] *Равза ҳабси* – гулшан асири.
[2] *Хўй* – одат, феъл, табиат, характер.
[3] *Самин* – қимматбаҳо.
[4] *Мезон* – ўлчов, тарози.

* * *

Эй Навоий, умри боқий истасанг, Ҳақ бирла бўл,
Боқий ўлким, вола[1] ўлма олами фоний била.

* * *

Биров ўзни фалак озоридин озод қилдиким,
Фано туфроғи ичра тушти беозорлиғларға.

* * *

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуруб ашкин, тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.

* * *

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ мағарким ком учун боштин ёроткой оламе.

* * *

Гул сочиб, юз йил агар гулранг май нўш айласанг[2],
Арзимас бир кун тикон нешиға[3] даврон гулшани.

* * *

Даҳр бўстониға зийрак қуш, не қилсун майлким,
Ғунча жуз қонлиғ кўнгул очмас бу гулшан гулбуни.

* * *

Кимки истар жониға даврон жафоси етмағай,
Кўнглини даврондин узсин, аҳли даврондин доғи.

* * *

Боғбони даҳр ҳар нахлки пайванд айлади,
Хўб эди гар бўлмаса эрди яна синдурмағи.

---

[1] *Вола* – мафтун, шайдо.
[2] *Нўш* – 1) ичиш; 2) асал.
[3] *Неш* – 1) ўткир нарсанинг учи; 2) тиғ, найза.

* * *

Чу ҳусн даври вафосиздур, эй гули раъно,
Қил илтифот гаҳи андалиблар сори.

* * *

Билмайин ҳусн аҳлидин қилдим тамаъ расми вафо,
Йўқ алардек бевафо, андокки нодон мен киби.

* * *

Эй Навоий, даҳрдин кўз тутма жуз нокомлиқ,
Ком ким топмишки, сен топқайсен андин комни.

* * *

Бу гулшан гулларида чунки йўқ бўйи вафо, невчун
Тилаб они таманно ўтидин ҳар дам димоғ ўртай.

* * *

Даҳри дунни айла рад, невчунки қилмайдур қабул,
Улки, даҳр аҳлиға муқбил[1] айламиш иқбол ани.

* * *

Эй Навоий, сен киби маҳрум қолғай, кимки ул
Олам аҳлидин вафойи аҳду паймон истағай.

* * *

Эй кўнгул, бир лаҳза ҳижрон шиддатиға арзимас,
Гар висол ичра киши юз йил танаъъум айлагай.

* * *

Эй Навоий, ишқ сиррин ҳеч маҳрамға дема –
Ким, бунинг ҳам маҳрами бўлғай, анинг ҳам маҳрами.

[1] *Муқбил* – бахтли.

* * *

Ул киши умри баҳоридин терар гулбарги айш –
Ким, кафида лолагун[1] май бирла бўлғай соғари.

Дўстлар бирла тутуб ишрат баҳорин муғтанам,
Бир нафас осуда бўлғай жони меҳнатпарвари[2].

Кимгаким бир дам бу ком ўлса муяссар яхшироқ,
Бўлғуча юз қарн анинг ҳукмида олам кишвари.

Эй Навоий, фақр мулкин тут ғанимат зинҳор –
Ким, ғинову[3] салтанатнинг кўптурур дарди сари[4].

* * *

Ҳусн боғидин вафо варди[5] таваққуъ қилмангиз –
Ким, бу гулшан гулбунида бўйла гул очилмади.

* * *

Оғу ичкондин не воқиф оби ҳайвон ичкучи.

* * *

Мезбон зоҳид хуш эрмас бўлса меҳмон ичкучи.

* * *

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

* * *

Васл аро парвона ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

---

[1] *Лолагун* – лоладек қизил.

[2] *Меҳнатпарвар* – зуваласи ғам билан қорилган, қайғу билан парвариш топган.

[3] *Ғино* – бойлик.

[4] *Дарди сар* – бошоғриқ, ғам-ташвиш.

[5] *Вард* – атиргул, қизил гул.

* * *

Ошиқеким, бўлғай ул бир шўхи гулрухсорсиз,
Ўйла булбулдурки, қолмишдур гулу гулзорсиз.

* * *

Даҳр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ,
Айш субҳин истама бешоми офат, эй рафиқ –
Ким, эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиқ,
Шуълаи ишрат қани бедуди меҳнат, эй рафиқ,
Кимки васли ичра ёқсанғ шамъи улфат, эй рафиқ,
Кўз тут ул шамъ ўтидин-ўқ доғи фуркат, эй рафиқ.

* * *

Бевафодур бу қадимий давр уза бу эски тоқ,
Кўрсанғ анда нўши ишрат неши ғам зимнида боқ,
Ким ичарга васли жомин зоҳир этти иштиёқ –
Ким, анга талх этмади дарди фироқ охир мазоқ,
Васл софий мумкин эрмас, чунки бедарди фироқ,
Зинҳор ул бода сори қилма рағбат, эй рафиқ.

* * *

Тори ишқингни, десангким, чарх даври узмасун,
Хаста кўнглинғ жуз навойи дарду меҳнат тузмасун,
Жон уйида ғайри жонон ишқ ўлтурғузмасун,
Чарх умрунг қасриға, десанг, халал кўргузмасун,
Боқма гулдек юз уза хай шабнаминким бузмасун,
Ақл ила сабринг биносин сели офат, эй рафиқ.

* * *

Жаҳон қасриғадур су узра бунёд,
Чу йўқ бунёди андин бўлмоғил шод.

Не шод ўлғай киши бир қасрдинким,
Ани Тенгри яратмиш меҳнатобод[1].

[1] *Меҳнатобод* – кулфат уйи, ғамхона.

* * *

Жаҳон шўхидин олмиш Ҳақ вафони,
Не олмаққим, анга бермайдур они.

Буким, йўқтур вафоси, бас эмастур –
Ки, дарду меҳнатидур жовидони[1].

* * *

Ки, Ҳақ тақдиридиндур олам ичра,
Ёмону яхшининг яхши ёмони.

* * *

Жаҳон фонийдурур, эй хожа, зинҳор –
Ки, сен боқий тасаввур қилма они.

* * *

Начукким, бўстоннинг йўқ вафоси,
Хусусанким, хазон ели эсар чоғ.

Анинг ҳам нисбатин гар истар эрсанг,
Анингдекким, хазон айёмида боғ.

* * *

Жаҳон нўши аро қилмиш ниҳон заҳр,
Сен они нўш этарсен, уйлаким қанд.

Топиб лаззатким, айларсен табассум,
Эрур ул заҳрханд[2], эрмас шакарханд.

* * *

Ғараз ирфон экиндурким адамдин[3],
Сени мавжуд айлабтур Худованд.

---

[1] *Жовидони(й)* – доимий, абадий.
[2] *Заҳрханд* – заҳарханда, аччиқ кулги.
[3] *Адам* – йўқ, йўқлик.

* * *

Сени ғофил қилиб асли ишингдин
Сарову боғу роғу завжу[1] фарзанд.

* * *

Жаҳон жоҳилға маҳбуб ўлди, лекин
Анинг оллинда ким бўлғай хирадманд?

* * *

Жаҳон жоми тўладур заҳри қотил,
Анга майл айламас ким бўлса оқил.

Ажаб ишдурки, мундоқ заҳр ичарга,
Жаҳон аҳли эрур жон бирла мойил.

Ажаброқ буки, ичкан сою бўлмас,
Бу заҳр ичканга ичмак ҳирси зойил.

* * *

Жиҳатсиз, эй кўнгул, севдунг жаҳонни,
Менинг пандимдин айлаб ўзни отил[2].

Чу бердинг барча сармоянгни барбод,
Пушаймон бўлмогинг эмди не ҳосил.

Магар ёдингда йўқтурким, санга мен
Дедим юз қатла: «К-эй мажнуни ғофил,

Бақосиздур, жаҳон раъноси, валлоҳ[3],
Жаҳон раъноси йўққим мосиваллоҳ»[4].

---

[1] *Завж* – жуфт, эр, хотин.
[2] *Отил* – ялқов, бўшанг.
[3] *Валлоҳ* – Худо ҳаққи.
[4] *Мосиваллоҳ* – Худодан бошқа.

* * *

Жаҳон айёрасидин[1] тут канора –
Ки, макру фанниға[2] йўқтур шумора[3].

* * *

Дединг кечмоқ начук бўлгай жаҳондин,
Не ҳожат хайр ишига истихора[4].
Демон ёлғуз жаҳондин тут каноре[5] –
Ки, тутқил мосиваллоҳдин канора.

* * *

Даҳр боғики, жафо шориъидур[6] ҳар чамани,
Жуз вафо аҳлиға сончилмади онинг тикани.

* * *

Золи гардун кишига майли вафо айламади,
Кимда-ким кўрди вафо, ғайри жафо айламади.

Қайси бир васл кунин меҳр ила қилди равшан –
Ким, яна ҳажр туни бирла қаро айламади.

* * *

Сангаким, равзаи ризвонда[7] фароғат бўлғай,
Даҳр вайрон чамани ичра не улфат бўлғай.

Сенки, кавсар[8] суйидин қилғасен ўзни сероб,
Бу сароб ичра санға қайда иқомат бўлғай.

---

[1] *Жаҳон айёраси* – маккор дунё.
[2] *Фан* – бу ерда ҳийла, найранг маъносида.
[3] *Шумора (Шумор)* – ҳисоб, саноқ.
[4] *Истихора* – фол кўриш ниятида ухлаш, фол кўриш.
[5] *Канор (Канора)* – соҳил, қирғоқ.
[6] *Шориъ* – катта кўча, тўғри йўл.
[7] *Ризвон* – жаннат. *Равзаи ризвон* – жаннат боғи.
[8] *Кавсар* – жаннатдаги ҳовуз, булоқ.

* * *

Дўстлар, даҳр вафосини хаёл айламангиз,
Буржу[1] коҳиға[2] тамаъ ғайри завол айламангиз.

* * *

Турфа маҳбубдурур умру вафоси йўқ анинг,
Андин истарга вафо фикри маҳол айламангиз.

* * *

Ҳар киши комил эрур, бас анга Ҳақ бандалиғи,
Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.

* * *

Йўқ жамол ичра вафо ҳусниға доғи бунёд,
Ғаррои ҳусн бўлуб, арзи жамол айламангиз.

* * *

Олами фоний учун ранжу машаққат чекманг,
Мол учун ғам емангиз, фикри манол[3] айламангиз.

* * *

Тенгри хонин очуқ ақида қилиб,
Халқдин рўзи истаган гумроҳ.

Ўйладурким, тенгиз қироғинда,
Рўза очмоққа кимса қозгой чоҳ.

* * *

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар –
Ким, ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.

Гаҳ топар ғаввос[4] бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг[5] оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур.

---

[1] *Бурж* – куёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бири.

[2] *Кох* – кўшк, сарой, қаср.

[3] *Манол* – мулк, хазина, уй-жой.

[4] *Ғаввос* – сувга шўнғувчи, сузувчи.

[5] *Наҳанг* – катта балик.

* * *

Кўп олтун, кумуш сори қўл сунмоғил[1] –
Ки, тутсанг кафингни қаро занг этар.

Кўнгулда доғи майлини асрама –
Ки, кўнғлунгни доғи ҳамул[2] ранг этар.

* * *

Аҳли маъни[3] гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин –

Ким, буларға гадолиғ ортуғдур,
Аҳли сувратқа[4] подшолиғдин.

* * *

Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи.

* * *

Байт ул-ҳазанға[5] кирсам улустин қочиб даме,
Атрофдин ғубори малолат[6] манго ёғар.

Силкай деб ул ғуборни чиқтим чу кулбадин,
Эл жавру зулмидин бошима юз бало ёғар.

* * *

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин они ёшурмоқ.

---

[1] *Сунмоқ* – қуймоқ, узатмоқ, чўзмоқ.

[2] *Ҳамул* – ўша-ўша.

[3] *Аҳли маъни* – маъно эгалари, сўфийлар, орифлар.

[4] *Аҳли сувpат* – сурат эгалари, яъни нарса-ҳодисаларнинг моҳиятига эмас, зоҳирига қараб баҳо берувчилар.

[5] *Байт ул-ҳазан (Байт ул-аҳзон)* – ғам уйи, қайғу кулбаси, ҳасратхона. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзонга нисбат бериш бир анъана тусини олган.

[6] *Малолат* – малоллик, азият, гам-ғусса.

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ.

* * *

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо –
Ки, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.

* * *

Уй ичра ҳам китоба[1], ҳам изора[2]
Заруратдур туганган чоғда қилмоғ.

Йўқ эрса ул уй ўхшар бир кишига –
Ки, анда бўлмағай иштону белбоғ.

* * *

Ҳар иморатким туганди, гарчи шўхедур жамил[3],
Бўлса кошикорлиғ[4] айлар жамолин бирга ўн.

Бу яқиндурким[5] жамол аҳли ёлонгликдин[6] басе,
Яхшироқдур бўлса коши[7] нақшлиқ эгнида тўн.

* * *

Сиймни сочқучи минғдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.

Ул жиҳатдин будурур одатким,
Олмоқ осондуру мушкил бермак.

---

[1] *Китоба* – ёзув, бино пештоқига зийнатли қилиб ёзилган хатлар.
[2] *Изор(а)* – уй деворининг ер билан токча орасидаги қисми.
[3] *Жамил* – чиройли, гўзал.
[4] *Кошикорлиғ* – кошин билан безаш.
[5] *Яқин* – қатъий ишонч, шубҳасиз ҳақиқат.
[6] *Ёлонглиқ* – ёлғончилик, алдамчилик.
[7] *Коши* – безакли, зийнатли.

* * *

Сафиҳ[1] золим ила бўлма хон уза ҳамдаст[2],
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақликка.

Ўзунга аблаҳи нодонни айлама ҳамроз[3] –
Ки, яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақликка.

* * *

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг.

Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор[4],
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

* * *

Юқори ўлтурурни ким тиласа,
Кишиликдин ани йироқ билгил.

* * *

Нокасу ножинс[5] авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами –

Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло одами.

* * *

Тавозуъ яхши, аммо яхширокдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.

---

[1] *Сафиҳ* – паст, тубан.
[2] *Ҳамдаст* – қўлдош, ёрдам берувчи.
[3] *Ҳамроз* – сирдош, якин дўст, улфат.
[4] *Исор* – сочиш, бағишлаш, инъом.
[5] *Ножинс* – ярамас, ёмон.

Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул –
Ки, зоҳир бўлғай эл топқанда қудрат.

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йўқтур анинг ёнида миннат.

Ҳаким инсони комил дебтур они –
Ки, бўлғай зотида бу неча хислат.

* * *

Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от.

## «БАДОЕЪ УЛ-ВАСАТ»дан

Даҳрнинғ гулшанидин бўйи вафо тутма тамаъ –
Ким, сабо машшотаси[1] сепмади бу накҳат[2] анга.

Улким, замона аҳлидин истар вафову меҳр –
Ким, нақши меҳр кўрди мунга ё вафо анга.

* * *

Даҳр аро тушкан ҳаводис ўтидин монеъ эмас.

* * *

Дема кўп, эй нафским, дунё арусин ақд қил,
Уйда баъзидек соғин[3] маккорае бордур манга?!

* * *

Бу фано дайрин бақосиз эрканин то англадим,
Эл суруди[4] ишрати мотам фигонидур манга.

* * *

Булбул ўлса, зог ҳам бўлур гулистонлар аро.

* * *

Иста йиртуқ жанда[5] кийганларда маъни махзанин –
Ким, бу янглиғ ганж ўлур ул навъ вайронлар аро.

---

[1] *Машшота* – қиз ва келинларни кийинтириб, безантирадиган махсус пардозчи аёл.

[2] *Накҳат* – хушбўй ҳид.

[3] *Соғинмоқ* – бу ерда: ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ.

[4] *Суруд* – куй, оҳанг.

[5] *Жанда* – дарвешлар тўни.

* * *

Атласу зарбафт аро нодон анингдек ҳашв[1] эрур –
Ким, хатойи сафҳада сабт[2] ўлди афшонлар[3] аро.

* * *

Дўзахни ағар ишқ ўти бирла қизитурлар,
Дард аҳлиға учмоқдин[4] эрур бас тамуғ авло.

* * *

Ҳажр жонин олғон элга васли жонондур даво.

* * *

Зулмати куфр ичра элга нури имондур даво.

* * *

Шох узра бўлур доим гул кетса, самар пайдо.

* * *

Киши солмайдурур вайронға яғмо.

* * *

Фалак бошингга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб[5].

Ажаб йўқ одамилиғни унутсанг,
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.

---

[1] *Ҳашв* – беҳуда айтилган, ўринсиз сўз.

[2] *Сабт* – ёзилган, қайд қилинган.

[3] *Афшон* – қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, сочилган, сочувчи, тарқатувчи, ёғдирувчи маъноларида келади. Бу ерда сочиш, багишлаш маносида келган.

[4] *Учмоқ (Учмоғ)* – жаннат.

[5] *Санжоб* – силовсин терисидан тикилган пўстин.

* * *

Кўп аччиғланма, ағар бўлсанг улустин талхком[1],
Улча қисмингдур қазодин, кимга айларсен ғазаб.

* * *

Дема бу оламда ул ой хўб ё жаннатда ҳур,
Кўрмамишмен андағин, бори эрур мундоғи хўб.

* * *

Тут йиғитликни ғаниматким, қариғач англадим –
Ким, йиғитлар ишқи бор эрмиш, йигитлик чоғи хўб.

* * *

Даҳр аро, эйким, дединг: айлаб вафо, кўрдум жафо,
Ким вафо аҳлидурур, бу сўз анга бордур ажиб.

* * *

Демон даврон аро йўқтур вафо айлаб вафо кўрган –
Ки, йўқтур минг жафо тортиб, қутулған бир вафо айлаб.

* * *

Манга йўқ, ўзгага бори вафо қилғанни гар топсам,
Бошиға эврулай, оллида жонимни фидо айлаб.

* * *

Гадоларга гаҳе лутф эт, шаҳо, бу шукр учунким, Ҳақ –
Сени лутф айлабон шоҳ айлади, бизни гадо айлаб.

* * *

Даҳр бўстони аро сўр боғбондин, эй рафиқ,
Жуз балият меҳр нахлиға самар бўлғайму деб.

* * *

Хошок ичинда шуълани бўлғайму ёшуруб.

[1] *Талхком* – аламзада, қайғули.

* * *

Умр қасрин неча кун тутқил ғаниматким, дариғ,
Хуш бинодур, пойдор эрмас вале бунёди кўп.

* * *

Ҳеч иш ўлмас айру Холиқ[1] амридин,
Илтижо махлуққа келтирма кўп.

* * *

Қарибон қилма йигитлар суҳбатин ҳар дам ҳавас –
Ким, қарини истамас базм аҳлиға дохил йигит.

* * *

Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.

* * *

Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма[2] дўстдин,
Чун санга бўлмиштур ул юз минг таманно бирла дўст.

* * *

Навоий, то жаҳон аҳлиға сен вобаста[3], кўнгронма,
Алар жавридин ўлса хотиринг афгор[4] ҳар соат.

* * *

Меҳр нурин не билур шаппараки тийрамизож[5].

* * *

Ишқ уйларни йиқар, ошиққа кин қилмоқ недур,
Мўр хайлиға қачон пил айламиш изҳор куч.

---

[1] *Холиқ* – Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири: яратувчи.
[2] *Ёнмоқ* – қайтмоқ.
[3] *Вобаста* – боғлиқ, алоқадор.
[4] *Афгор (Фигор)* – жароҳатланган, мажруҳ.
[5] *Тийрамизож* – нодон, жоҳил.

* * *

Даҳр уйи ичра иқомат тилама,
Чиқмамоқ анда не имкон киргач.

* * *

Рўзгоринг[1] бузуғ эткан эса чарх,
Сен киму айламак они ислоҳ.

* * *

Жаҳонға чунки вафо бўлмаса, ажаб эрмас –
Ки, бўлса аҳли жаҳонға доғи жафода русух[2].

* * *

Камолдин неки ўтти, яна топар нуқсон –
Ки, кўп яшаб, кирар атфол чаргасига[3] шуюх[4].

* * *

Дуруштхўй[5] қилур элни чирки дунёлиқ,
Нечукки, қилғай ирик[6] жамъ бўлса узвида шўх.

* * *

Чу сифла ганж топар, мужиби ҳалоки эрур –
Ки, ҳайзадур[7] мушук илгига чун тушар маслух[8].

* * *

Ишқи комил гулшани ичра гули раъно недур,
Билҳақиқат[9] бўлмаса маъшуқу ошиқ муттаҳид[10].

---

[1] *Рўзгор* – 1) давр, замон; 2) тақдир, қисмат; 3) турмуш, ҳаёт.
[2] *Русух* – маҳкам туриш, барқарор бўлиш.
[3] *Чарга* – тўда, гала.
[4] *Шуюх* – қариялар, чоллар.
[5] *Дуруштхўй* – қўполтабиатлик.
[6] *Ирик* – қўпол, дағал.
[7] *Ҳайза* – таомнинг меъдада ҳазм бўлмаслиги.
[8] *Маслух* – териси шилинган.
[9] *Билҳақиқат* – ҳақиқатан.
[10] *Муттаҳид* – бирлашиш.

* * *

Жаҳон раъносиға берма кўнгулким,
Анга олдурмамиш кўнглин хирадманд.

* * *

Халқнинг қайди Навоийни паришон айлади,
Кимки жамъият[1] тилар, қилмоқ керактур ўзни фард.

* * *

Нобуду буд фикрин маҳв эт замирдинким,
Не буд қолгусидур охир санга, не нобуд.

* * *

Умру давлатдин вафо тутмайдурур доно умид.

* * *

Шамъ агар парвонани ўртар, ўзи ҳам ўртанур.

* * *

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдига йўқ эътибор, эй дўстлар.

* * *

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукур айлангиз –
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

* * *

Меҳрдин юз қилсаким, гардун аруси Золдур,
Рустам они ақд қилса, нақди жон бергуси маҳр.

* * *

Ишқ кўйида кўнгул ҳоли паришонроқ бўлур,
Офият мулкидаги жамъиятин чун ёд этар.

[1] *Жамъият* – хотиржамлик, осудалик.

* * *

Эй Навоий, они бил озода олам аҳлидин –
Ким, ўзин олам эли ғавғосидин озод этар.

* * *

Эйким, жаҳон салитасини[1] айладинг никоҳ,
Билгилки, хасмкушдур[2], агарчи жамиладур.

* * *

Не келса оллинга, тут саҳлким, жафо кўрар ул,
Биравки, даҳр инодин[3] кўруб инод этадур.

* * *

Шуълананинг ахгар уза бир дам қачон ороми бор.

* * *

Бағридин қон томғучи ушшоқ захмин билмагай
Тиғидин қон томғучи бераҳм олийжоҳлар[4].

* * *

Ҳусни зоҳирдин не ҳосил, эй хуш улким, ҳар нафас
Шоҳиди[5] маъни юзидин ўзни фаррухфол[6] этар.

* * *

Чун азалда ҳар не қисмат бўлди, кўрмай чора йўқ,
Халқ ўз комин ўзидекдин таваллоси недур!

* * *

Такаббур айлама, деҳқон, деким, бу гулшанда
Қачон гуле очилибтурким, ул сочилмайдур.

---

[1] *Салита* – уятсиз, нопок.
[2] *Хасмкуш* – душманни ўлдирувчи.
[3] *Инод* – қасдма-қасдлик.
[4] *Олийжоҳ* – юкори мартабали.
[5] *Шоҳиди маъно* – маъно гўзали.
[6] *Фаррухфол* – бахтиёр.

* * *

Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғким,
Чархдин ул саркаш ўлди, бу доғи помолдур.

* * *

Замондин аҳле ё аҳли замондин истаган эҳсон,
Ёнар ўтдин тиларким су чиқарғай, хордин гавҳар.

* * *

Неча йиғсам сабр авроқию[1] тоат хирманин,
Сарсари ишқинг етишкач, сарбасар барбод эрур.

* * *

Меҳр то айлар таҳаррук[2] – соя доги тебранур.

* * *

Сабзхатлар[3] васли ҳоло[4] муғтанамдур, эй кўнгул –
Ким, билурким, иқтизои[5] чархи зангори недур?

* * *

Чун замон аҳли замона ранги тутмоқдур зарур,
Даҳр нофаржом учун эл ҳоли нофаржомдур.

* * *

Эй Навоий, чун замона аҳлида йўқтур вафо,
Ҳар неким йўқтур, тамаъ тутсанг, хаёли хомдур.

* * *

Манга вафо қилур эрсанг, шитоб қил, эй умр,
Нединки, умр деган бевафо шитобдадур.

---

[1] *Авроқ* – варақлар.
[2] *Таҳаррук* – ҳаракат, тебраниш.
[3] *Сабзхатлар* – гўзаллар.
[4] *Ҳоло* – ҳозир, шу даврда, ҳалигача.
[5] *Иқтизо* – тақозо, талаб, зарурат.

* * *

Ҳисоб айлама умрунгниким, неча ўтмиш –
Ки, умр ғафлат ила ўтса, не ҳисобдадур.

* * *

Даҳр шўхи макриға берма кўнгул – йўл баргин[1] эт,
Сен киби ҳар гўшада невчунки бир меҳмони бор.

* * *

Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

* * *

Даво чу мумкин эмас ишқ дардиға, ваҳким,
Илож топмади бу дарди бедаво ҳаргиз.

* * *

Кўнгулни даҳрдин ошуфта қилмаким, хуштур –
Ки, тийра бўлмаса жоми жаҳоннамо ҳаргиз.

* * *

Не келса, хуш тут ўзунгники, халқ кўнгли учун
Рақам ҳақ айламади котиби қазо ҳаргиз.

* * *

Сўрманг, эй ушшоқ, мендин найлоли деб ишқ аро,
Гар қила олурсиз, аввалдин кўнгул олдурмангиз.

* * *

Чун вафо йўқ даҳр гулзорида, эй тонг қушлари,
Саҳвдурким[2], бесамар ашжорида ўлтурдунгуз.

---

[1] *Йўл барги* – сафар анжоми.

[2] *Саҳв* – хато, янглиш.

* * *

Тушар чун ҳар кишининг қадди туздур, сояси ҳам туз.

* * *

Қачон равшан кўнгулни нафс ўти дуди қилур тийра,
Нубувват[1] шамъини не навъ ўчургай Булаҳаб[2] ҳаргиз.

* * *

Даҳр золиға кўнгул бермаки, Рустамларни
Макр ила айлади ожиз бу ситамгора ажуз.

* * *

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор –
Ким, кўнгулдин тилга они ошкора қилмангиз.

* * *

Не рост қад била мағрурсиз, йигитларким,
Сипеҳр айлар ул ўқларни мисли ёлар кўж[3].

* * *

Асо тутуб не илож айлагай гадоки, бўлур
Чу вақт етти – фалаққадр подшолар кўж.

* * *

Даврон гулию гулшани хориға арзимас.

* * *

Минг йил киши жаҳон элиға қилса шоҳлиқ,
Бир дам алар иҳонату[4] ориға арзимас.

---

[1] *Нубувват* – пайғамбарлик.

[2] *Булаҳаб* – Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси ва ёвуз душмани Абд ал-Уззо ибн Абдулмуталлибнинг лақаби.

[3] *Кўж* – эгилган, букилган.

[4] *Иҳонат* – таҳқирлаш, хўрлаш.

* * *

Офоқ[1] мулки фатҳи[2] учун тортмоқ сипаҳ,
Билким, сипоҳ гарду ғубориға арзимас.

* * *

Юз қарн олам аҳли аро айламак нашот,
Бир дам алар нифоқу ниқориға[3] арзимас.

* * *

Чун фалак жавфин қазо қилмиш ҳаводис ҳуққаси[4],
Бўйла ерда фитнадин қочмоқ зиҳи нодон улус.

* * *

Даҳр боғи гулларида йўқ вафо, эй андалиб,
Зийрак эрсанг, тутмағил бу турфа бўстон бирла унс[5].

* * *

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд[6] этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

* * *

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин[7] ўзга бўйнунгға каманд этмас.

---

[1] *Офоқ* – дунё, олам.
[2] *Фатҳ* – эгаллаш, забт этиш.
[3] *Ниқор* – ихтилоф, кек, гина.
[4] *Ҳуққа* – кутича.
[5] *Унс* – улфат, якин дўст.
[6] *Аржуманд* – азиз, кадрли, шарафли, лойик.
[7] *Сарриштa* – калаванинг учи, ишнинг асоси.

* * *

Гар десанг қоттиқ балога қолмағайсен чархдин,
Олам аҳли бирла юмшоғлиғ била қилғил маош.

* * *

Ҳусн чун жилва қилур, оқу қарода йўқ фарқ,
Кишиға келса бало – хоҳи хито, хоҳи ҳабаш[1].

* * *

Ризо берким, қазоға йўқ тафовут, кимса юз қатла
Не келса оллиға хурсанд ёхуд бад[2] писанд этмиш.

* * *

Ғайри сиҳҳат не ҳавас бўлғуси беморға иш.

* * *

Жуз вафо аҳлиға саргашталик этмак ойин,
Гўйиё қисмат эмас гунбади давворға[3] иш.

* * *

Олам аҳлида чу йўқ ёрки, меҳр ўлғай иши,
Сен қиёс айлаки, не бўлғуси ағёрға иш.

* * *

Эй Навоий, ўзунгга олам ишин осон тут,
Гар десанғ тортмасун эл бўйла душворға иш.

* * *

Замон аҳли замона ранги бирла бевафодурлар,
Замона аҳлиға гўё замон ўз феълин ўргатмиш.

[1] *Ҳабаш* – қора танли, занжи.
[2] *Бад* – ёмон, ярамас, зарар келтирувчи.
[3] *Гунбади (Гунбази) даввор* – айланиб турувчи фалак, ўзгариб турувчи дунё.

* * *

Чекар гул оллида булбул фиғон, магар билди –
Ки, ўтса васл баҳори, хазони фуркат эмиш.

* * *

Биравким, жаннату дўзах сўзин шарҳ айламиш, гўё
Киноят важҳи бирла васлу ҳижронни адо қилмиш.

* * *

Ойини қаноат тут, иззат тилар эрсангким,
Эрмиш тамаъ аҳлидин ҳар кимки залил эрмиш.

* * *

Даҳр аро маст ила ҳушёр тамаъ зоридурур,
Негаким ғолиб эрур усрук[1] ила соғиға ҳирс.

* * *

Ботину зоҳиринг аҳволини кўрким, қилмиш
Зоеъ ул бирни хавотир, бу бирисин ағроз[2].

* * *

Қирғовул қорда ёшунған кибидур айбларинг,
Элга бас зоҳир, агарчи сен этарсен иғмоз.

* * *

Ишқ зўр эткач вале ботил бўлур бисёр шарт.

* * *

Тавба қилмоқ истар эрсанг, қилма даъво ошкор,
Тенгрига топшур ўзунгни, қилмағил изҳор шарт.

---

[1] *Усрук (Асрук)* – маст, сархуш.
[2] *Ағроз* – моддалар.

* * *

Бўлмағил озурдаву озурда қилма кимсани,
Фақр ойинида невчунким эмас озор шарт.

* * *

Боғлама кўнглунгни бу манзилға, невчунким, эрур
Бир янги меҳмон ери ҳар лаҳза бу эски работ.

* * *

Эй Навоий, даҳр аро не келса, бўлғил мунбасит[1],
Гарчи лаззатсиз бўлур куч бирла қилмоқ инбисот[2].

* * *

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ.

* * *

Мазмумдур қаноатидин қонеъ[3] этса фахр,
Томеъ[4] хисолидин[5] киши не айлагай тамаъ.

* * *

Бир дардманд кўнглида кўрсанг важаъ[6], анга
Гар кўнглинг оғримас, ул эмас, будурур важаъ.

* * *

Нафс ўлса тобеъинг кишисен, йўқса бўлмағунг
Ҳаргиз киши, бўлуб санга юз минг киши табаъ.

---

[1] *Мунбасит* – очиқ чеҳрали, шод, хурсанд.
[2] *Инбисот* – шодлик, хурсандчилик.
[3] *Қонеъ* – қаноат қилувчи.
[4] *Томеъ* – тамагир.
[5] *Хисол* – хусусият, одат.
[6] *Важаъ* – дард, оғриқ, ғазаб.

* * *

Даҳр бўстониға мағрур ўлма кўп, эй боғбон,
Охир эткунг, чун гулу сарви равон[1] бирлан видоъ.

* * *

Ишқ аро ўзни манга ўхшатма, эй булбулки, бор
Лаҳну оҳанг ўзга навъу оҳу фарёд ўзға навъ.

* * *

Биравки жон бериб, элдин вафо тамаъ тутти,
Пишурди кўнглида савдои хом мен янглиғ.

* * *

Қўйма бу манзилу масканга кўнгулким зинҳор,
Англа йўл ўткучидек ўзнию меҳмон янглиғ.

* * *

Қайда топқай аҳли маъни ҳолидин нодон вуқуф[2].

* * *

Истасанг беш кун фароғат, гарчи кобин умр эрур,
Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилғил уч талоқ.

* * *

Жаҳон базмида меҳмонсен, ики-уч соғар ичкач, кўп –
Ки, мунжар[3] бўлмагай ногаҳ малолатқа бу меҳмонлик.

* * *

Бори душворликларни ўзунгга айласанг осон,
Бори душворликлар доги бўлгай шояд осонлиқ.

---

[1] *Сарви равон* – юрувчи, хиром этувчи сарв.
[2] *Вуқуф* – воқиф, хабардор, огоҳ.
[3] *Мунжар* – бориб етмоқ, бориб тақалмоқ.

* * *

Ҳам даҳр бақосиздур, ҳам умр вафосиздур,
Хуштур нафасе ўзни аҳбоб[1] ила хуш тутмоқ.

* * *

Чу руҳ хайлиға нафс истар ўлса ортуғлуқ,
Етур иложиға тақво сипоҳи бирла кўмак.

* * *

Айш вақтин бил ғаниматким, эрур дам ушбу дам,
Чарх эрмас фавт[2] бўлған вақтни ёндурғудек[3].

* * *

Йўқ ажабким, паст ўлур соя, қуёш бўлғач бийик.

* * *

Бир эшик боғланса ишқ ичра, очилғай юз эшик.

* * *

Учқил, эй булбул, бу гулшандин, нединким ҳар неча
Гул вафода кунд[4] эрур, жавр ичрадур хори итик[5].

* * *

Ишқ агар бўлса ҳавойи нафсдин пок, эй кўнгул,
Йўқ тафовут, дилбаринг гар бека[6] бўлсун, гар мирак[7].

* * *

Тутай жаҳонда Сулаймон сени ва ё Жамшид,
Не мунга жом вафо айлади, не анга узук.

---

[1] *Аҳбоб* – дўстлар.
[2] *Фавт* – қўлдан бериш, йўқотиш.
[3] *Ёндурмоқ* – қайтармоқ.
[4] *Кунд* – ўтмас.
[5] *Итик* – ўткир.
[6] *Бека* – бек наслидан.
[7] *Мирак* – амирзода.

* * *

Қувонма давлати ҳуснунгға, эй паривашким,
Замона давлатидек йўқтур эътибори анинг.

* * *

Бу гулшан гулларининг чун вафоси йўқтур, эй булбул,
Не очилғай тутайким, сен фиғонинг кўктин ошурдунг.

* * *

Ки, қолдинг корвондин, гар тинарға бир нафас турдунг.

* * *

Сотма, эй гул, ноз кўп, боққил хазон боғиғаким,
Бор эмиш гулранг бир кун чеҳраи зарди[1] анинг.

* * *

Даҳр бўстонида буким чок эрур гул кўнглаки,
Булбул аҳволиға гўёким азосидур анинг.

* * *

Айта олмон, асрай олмон ишқ сиррин, оҳким,
Саъб[2] эрур ихфосию[3] мушкилдур изҳори анинг.

* * *

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок[4],
Каъба топти бўлмағай хори муғилондин малул.

* * *

Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил, валек
Кимни хушҳол этсанг, андин тут ўзунгга юз малол.

---

[1] *Зард* – сариқ.
[2] *Саъб* – қийин, оғир.
[3] *Ихфо* – яшириш, сир тутиш.
[4] *Бок* – хавф, ваҳм, қўрқув.

* * *

Мумкин эрмас қисмат ўлған ризқнинг афзунлиғи,
Бас халойиқ миннатин, то бўлғай имкон, чекмагил.

* * *

Бу боғ гуллари чун бевафодур, эй булбул,
Хуш ул қушеки, тааллуқдин[1] ўлди фориғбол[2].

* * *

Умрға ҳеч эътимоде йўқтур, эй ғофил кўнгул,
Ою йилни неча маст ўткаргасен, бир ҳам ойил[3].

* * *

Ҳар не даврондин келур, таслим хуштур, эй рафиқ,
Нафъ чун йўқ, ўзни гар юз қатла тавсан айлагил.

* * *

Реву ранг[4] аҳли мурид[5] бўлмағилким, Хизр эмас,
Хирқасин[6] ҳар аҳмақ этса бақли ҳамқодек[7] яшил.

* * *

Ки, на Жам қолдию на Искандар,
Итти ул жом ила ул кўзгу ҳам.

* * *

Шод бўлким, икки олам коми
Арзимаским, егасен бир дам ғам.

---

[1] *Тааллуқ (Тааллуқот)* – дунё ва нафсга боғлиқлик.
[2] *Фориғбол* – хотиржам, кўнгли тинч, беташвиш.
[3] *Ойилмоқ* – ўзига келмоқ, ҳушёр бўлмоқ.
[4] *Реву ранг* – макру найранг.
[5] *Мурид* – толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи.
[6] *Хирқа* – жанда.
[7] *Бақли ҳамқо* – семизўт.

* * *

Бу чаман савсану сарвиға бақо чун йўқтур,
Бўлса гул гаштидин онинг, не ажаб, икроҳим[1].

* * *

Ёшурди одам агар Тенгри сиррини, кўрунгуз –
Ки, халқ сиррини тутмас ниҳон бани одам.

* * *

Даҳр боғининг гули ўтдур, бийик ашжори дуд,
Елга бер ул гулни ҳам, ўт солғил ашжориға ҳам.

* * *

Эй Навоий, даҳр йўқу бори тинмаслиғдурур,
Тинғасен, ғар қилмасанғ парво йўқу бориға ҳам.

* * *

Даҳр боғидин, кўнгул, нафъи вафо кўз тутмаким,
Бесамардур сарви ҳам, саркашдурур шамшоди ҳам.

* * *

Мен вафо кимдин топай, бу шевани чун топмади
Офаринишда пари жинси, башар авлоди ҳам.

* * *

Қил зулоли васл ила булбулни, эй гул, шодким,
Бу чаманда доимо шодоблиқ[2] йўқтур гумон.

* * *

Навоиё, неки олам ишида мушкилдур,
Десангки қилгасен осон, ўзунгга тут осон.

---

[1] *Икроҳ* – ёмон кўриш, ёқтирмаслик, жирканиш.
[2] *Шодоб* – шод, хуррам.

* * *

Жаҳон осойишин оллингда мушкил қилмаким, бордур
Тутай мушкил десанг – мушкил ва гар осон десанг – осон.

* * *

Кўп, эй гул, урма булбул жониға бедод хоринким,
Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.

* * *

Умр торин чун кесар даврон жафо тиги била,
Жазм билгилким, анга бўлмас кўнгулни боғлабон.

* * *

Тамаъ элдин вафо қилғон судин ўт истадинг чиқмоқ,
Агар топсанг, доги куйгунг бу савдои маҳолингдин.

* * *

Даҳр аро йўқ нўшу юз минг ниш ҳар дам, эй рафиқ,
Етмагай йўқ нўш учун юз ниш оқил ҳар замон.

* * *

Бодаи софу ҳарифи содаю мушфиқ[1] рафиқ,
Гар муяссар бўлса бас оламда айш асбобидин[2].

* * *

Тенгдур шаҳу ғадо хатиким[3], дуда бирдурур
Шаҳ базми шамъидин, доги гулхан чарогидин.

* * *

Гулда вафо йўқин қаю бир қушки англади,
Ҳаргиз вафо гули тиламас даҳр богидин.

---

[1] *Мушфиқ* – меҳрибон, шафқатли.

[2] *Айш асбоби* – айш-ишрат, хурсандчилик учун зарур нарсалар.

[3] *Хат* – бу ерда ҳукм, фармон маъносида.

* * *

Амал сарриштасин қилма мутаввал[1], келганин хуш кўр.

* * *

То тирикдурсен, қадаҳ[2] даврин ғанимат тутки, чарх
Эврулур тегрангга нақди умр яғмоси[3] учун.

* * *

Эй Навоий, тарки дунё айла иззат истасанг –
Ким, мазаллат келди саъй онинг таманноси учун.

* * *

Олам асбобидин ўт, гар истасанг кўнглунгни жамъ –
Ким, паришонлиғдин ўзга етмас ул асбобдин.

* * *

... бода бўлмас ранг қилгон бирла су.

* * *

Қуёш ҳусниға не машшота ҳожатдур, не даллола[4].

* * *

Қатаротини[5] ёгиннинг ким этибдурур шумора.

* * *

Бу чаман аро гаҳи овла ҳазор[6] кўнглин, эй гул –
Ки, тешкуси хазон чопқуни ўйлаким ҳазора[7].

---

[1] *Мутаввал* – узун.
[2] *Қадаҳ* – тасаввуфда пирнинг илоҳий маърифат майига лиммо-лим қалби.
[3] *Яғмо* – талон-торож, ғорат, вайронгарчилик.
[4] *Даллола* – даллол хотин, воситачи хотин.
[5] *Қатарот* – томчилар, қатралар.
[6] *Ҳазор* – булбул.
[7] *Ҳазор(а)* – минг.

* * *

Оқибат қабр эшиксиз уйига чун киргунг,
Эмди гиря[1] сенга не суд, очуқ дарвоза.

* * *

Кўнгул олам уйига боғлама кўп –
Ки, байтедур[2] санга ул истиора[3].

* * *

Давр аёғидин вафо аҳлин унутма, соқиё –
Ким, вафо йўқ жуз унутмоғлиқ фалак давронида.

* * *

Дониш аҳли каффасида[4] келтурур нодонни чарх,
Фикри йўққим, рост келмас бу хирад мезонида.

* * *

Ки, чархи мунқалиб[5] давронни истар инқилоб[6] ичра.

* * *

Чарх айвони мунаққашдур[7], вале наққоши сунъ[8]
Чекмади нақши вафо бу тоқи минокорда[9].

* * *

Эй Навоий, айладим ҳар кўй аро сайру сулук[10],
Келмади оллимга ишқ ойинининг душворича.

---

[1] *Гиря* – йиғи.
[2] *Байт* – уй, манзил.
[3] *Истиора* – омонат.
[4] *Каффа* – тарози палласи.
[5] *Мунқалиб* – тескари.
[6] *Инқилоб* – ўзгариш.
[7] *Мунаққаш* – нақшланган, зийнатланган.
[8] *Сунъ* – яратиш, маҳорат.
[9] *Мино* – бу ерда яшил, кўк маъносида.
[10] *Сулук* – йўл, тариқат.

* * *

Олам аҳли ичра одам демак ўлмас ониким,
Жоҳ ила бўлгай анга қонуни атвор ўзгача.

* * *

Эй Навоий, даҳр гулзоридин ўтким, ҳар гули
Кўргузур юз хору ҳар хорида озор ўзгача.

* * *

Эй кўнгул, чун олам аҳлиға вафо йўқтур, киши
Авло улким, ўзни бекасликка муътод айласа.

* * *

Сифлаға жон ўйнасанг, меҳнат замони тонимас,
Даҳр эли бу навъ эрур, сен ҳам оларни тонима.

* * *

Кўнгулни гар десанг олдурмай, аввал кўзни олдурма.

* * *

Кимса чун ўтканга етмас, ҳолни тут муғтанам,
Умрни ўткарма, ўткан ҳайф ила афсусда.

* * *

Бало чоҳи гирифтори ҳалокин, ваҳ, қачон билсун,
Сиёсатгоҳида[1] тутқунлариға улки қозғай чаҳ.

* * *

Не огаҳ улки, ҳашматдин[2] қуёшни заррача кўрмас,
Қуёш ҳижронидин саргашта бўлса заррае ногаҳ.

* * *

Гар камол истарсен, ўзни тортқил комилғача.

---

[1] *Сиёсатгоҳ* – жазо майдони.

[2] *Ҳашмат* – салтанат, шону шавкат, буюклик.

* * *

Кимки ёмонлар била бўлди, ёмон бўлдило.

* * *

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,
Тортмай найлагай ниёз аҳли.

* * *

Қайси гул бедоди бир булбул парин совурдиким,
Чарх зулми ҳам онинг яфроғларин совурмади.

* * *

Агарчи келмади бемеҳр ёр жаври ёмон,
Чу яхши боқсанг, эрур ёри меҳрибон яхши.

* * *

Эй Навоий, гар десанг кўп инжимай давр аҳлидин,
Ҳар не дерлар ё қилурлар, қилмағил парво басе.

* * *

Замона аҳлига гарчи ўюнчиликдур иш,
Енгар ҳам охир аларни замонанинг ўюни.

* * *

Даҳр гулзорига, эй кўнглум қуши, майл этмаким,
Анда булбул қонидин рангин эрур гул яфроғи.

* * *

Даҳр богида нечук васл гули бутсунким,
Ҳажр ўқидур ёғини, ашк суйидур жувуни[1].

* * *

Гар фалак хиргоҳи[2] бўлса пешхонанг[3], не осиғ,
Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.

---

[1] *Жувун* – ювиниш, тозаланиш.

[2] *Хиргаҳ* – чодир, манзил.

[3] *Пешхона* – шоҳларнинг сафар чоғида тикиладиган чодири.

* * *

Бақо чун эмас мумкин, мудом ўзни хуш тутқил –
Ки, қайғурғали қилмас гари[1] олами фоний.

* * *

Булбулға, эй гул, айла вафо тоза-тозаким,
Серобу тоза доим эмас даҳр гулшани.

* * *

Ўзин пок айламай ошиқки, ёр оллинда қўйғай бош,
Эрур ул навъ зоҳидким, таҳоратсиз намоз эткай.

* * *

Даҳр боғинда неча кунким тириксен, айш қил –
Ким, яна топмоқ эмас маълум бу бўстон киби.

* * *

Давронда камол ичра қуёштин бийик ўлди,
Ҳар зарраки, бир комили давронға йўлуқти.

* * *

Кимки бир кўнғли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

* * *

Тушта су ичкан била лабташна ҳарғиз қонмади.

* * *

Ўлмак осондур, кўнгул узмак биравдин саъб эрур,
Эй хуш улким, кўнғли бир бадмеҳр ила ўргонмади.

* * *

Барқи раҳмат чоқилурда тоғ эмас хошокча,
Тавба вақти ғам йўқ, ар журмум нечукким тоғ эди.

[1] *Гари* – лойиқ, муносиб.

* * *

Даҳр боғида тикандин айру чун гул бутмади,
Гар тикан жонкоҳдур[1], аммо эрур гул жонфизой[2].

* * *

Ким, ёшурғон бирла бўлмас мушкнинг пинҳон иси.

* * *

Ҳақ таоло махзанин англабки холи бўлмамиш,
Халқдин ҳар кимки жамъиятқа асбоб истагай.

Меҳр оламни мунаввар айлабон ул кулбасин
Ёритурға тийра тундин кирми шабтоб[3] истагай.

* * *

Бу йўлда кимки наби шаръидин чиқарди қадам,
Йўл озди, чунки мутеъ ўлди ақли жоҳилиға.

Таваккул аҳлики, чиқмас сафарда жодадин[4],
Яқиндурурки, етар гом бирла манзилиға.

* * *

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ[5],
Деди: ал-косибу Ҳабибуллоҳ[6].

Маъни айтур бу сўзга пири комил –
Ки, сўз эрди Ҳақ сори шомил[7].

Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал[8] эрур касбдин мурод фано.

---

[1] *Жонкоҳ* – жонни қийновчи.
[2] *Жонфизой* – жонга роҳат берувчи.
[3] *Кирми шабтоб* – ёнар қурт.
[4] *Жода* – йўл.
[5] *Ҳабибуллоҳ* – Оллоҳнинг дўсти: Муҳаммад алайҳиссалом.
[6] *Ал-косибу Ҳабибуллоҳ* – «Косиб пайғамбарнинг дўстидир» (ҳадис).
[7] *Шомил* – бу ерда ҳаммасини қамраб олувчи маъносида.
[8] *Бал* – балки.

* * *

Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййиди Қура(й)ший[1].

Бормағай дўзах ичра ҳеч сахий
Филмасал[2] бўлса бандаи ҳабаший.

* * *

Чун ғараз сўздин эрур маъни анға,
Ноқил[3] ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўргилким не дер.

* * *

Тузлукка мойил ўлки, ишинг борғай илғари,
Юз мушкил ўлса, йўқса минг оллинғда ҳар замон.

Юз сафҳа бир қалам била котиб қилур рақам,
Минг қўйни бир асо била ҳар ён сурар шубон[4].

* * *

Тирик чу охир ўлар, бас, ўкуш ғами муҳлик,
Чекиб ажал мададиға бу изтироб недур.

Чу ҳар кишики туғар, ўлмайин йўқ имкони,
Не ишки бўлмайин имкони йўқ, шитоб недур.

* * *

Ажал чун муқаррардур, ўлмак учун, бас, тамаъдин
Недур юз ғам ўтиға куйдурмак ўзни,

Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас, не яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.

---

[1] *Саййиди Қура(й)ший* – қурайш сайиди, яъни улуғи.
[2] *Филмасал* – масалан, гўё.
[3] *Ноқил* – нақл қилувчи, ровий.
[4] *Шубон* – чўпон.

* * *

Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санға арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тундлуғ[1], ғанидин бухл[2],
Молға майлу ҳирс донодин.

* * *

Ано[3] ўрнин ато тутмас ўғулға.

* * *

Яхши хотунлар сафойи зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош,

Йўқ ажаб, чунким араб алфозида[4]
Истилоҳ ичра муаннасдур[5] куёш.

* * *

Розни[6] асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.

Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.

* * *

Биравким хирадмандниng нуктасин
Қулоғиға олмас, не нуқсон мунга.

Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамағлиғ худ осон мунга.

---

[1] *Тунд* – ўткир, ғазабли.
[2] *Бухл* – бахиллик, хасислик.
[3] *Ано* – она, *ато* – ота.
[4] *Алфоз* – сўзлар, иборалар, жумлалар.
[5] *Муаннас* – аёлликни билдирувчи жинс категорияси.
[6] *Роз* – сир, асрор.

* * *

Ҳарза кўп сўздин ўлмаса тийра,
Баҳр ел касратидин[1] ўлмас лой.

* * *

Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур, далир айтур,
Қулоққа ёқмаса, манъиға танбиҳ айламак бўлмас.

Эшак савти[2] Каломуллоҳда[3] келди анкар ул-асвот[4],
Анинг савтиға тақрибу[5] таҳоши[6] истамак бўлмас.

* * *

Чу разл[7] ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногаҳ
Етишса мукнат[8] анга, аржуманд тутқай ўзин.

Чу сукр[9] боиси нисён[10] эрур, ажаб эрмас –
Ки, жоҳ ани чу маст айлагай, унутғай ўзин.

* * *

Совуқда қочибон ўт шуъласидин,
Тезак дуди сари қилмоқдур оҳанг.

Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,
Нашот андин хаёл айлаб емак банг[11].

* * *

Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутғай.

---

[1] *Касрат* – кўплик, мўллик.
[2] *Савт* – 1) куй, оҳанг; 2) овоз, товуш.
[3] *Каломуллоҳ* – Оллоҳнинг каломи, яъни Қуръони карим.
[4] *Анкар ул-асвот* – энг хунук овоз.
[5] *Тақриб* – восита, баҳона.
[6] *Таҳоши(ӣ)* – қочиш, қутулиш.
[7] *Разл* – разил, паст, тубан.
[8] *Мукнат* – қудрат, бойлик.
[9] *Сукр* – мастлик.
[10] *Нисён* – унутиш, эсдан чиқариш.
[11] *Банг* – ҳинд нашаси, канопи.

Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳамул дам тийралик оламни тутғай.

* * *

Хўбким, йўқтур шамойил[1] бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати.

Хилъатин зарбафт дебодин гар этсун бил яқин –
Ким, намудор ичрадур зарбафт дебо суврати.

* * *

Гар тийралар тақаддуми[2] аҳли сафоға бор,
Бу нуктани муомаладин кўрма ташқори.

Даврон ароки, кўрайи[3] сўзу гудоз эрур,
Шуъла эрур ҳамиша қуйи, дуд юқори.

* * *

Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир[4],
Саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар.

* * *

Улки, ифлосдин аёгинда
Кафш йўли азми чоги йўқтур онинг,

Шукр қилдик боқиб бирав сори –
Ки, юрурға аёғи йўқтур онинг.

* * *

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

---

[1] *Шамойил* – феъл-атвор.
[2] *Тақаддум* – илгарилаш, олдинда бўлиш.
[3] *Кўра* – ўчоқ.
[4] *Ом* – бу ерда умумий, баробар маъносида.

* * *

Илми дин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.

Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

* * *

Шаҳни доноким қуёш дебтур, анға будир далил –
Ким, қуёш янғлиғ эрур файзи жаҳон аҳлиға ом.

Ойдин ансаб[1] йўқ нима хуршиддин файз олғали,
Кўрки, ул доғи эрур гоҳи ҳилолу[2] гаҳ тамом.

Бир кеча-кундузда даврон гаҳ қоронғу, гаҳ ёруқ,
Чарх анинг бир даврасинда гоҳ субҳу гоҳ шом.

Чун қуёшқа будурур ҳолат, ажаб йўқ, шоҳ ҳам
Бўлса ўз тобеъларидин гаҳ рамида[3], гоҳ ром.

* * *

Дунё аҳлидин ағар топти тамаввул[4] бириси,
Ўзгалар ҳасрат ила моли ҳадисин дерлар.

Бири ҳуд ботти нажосат ичига бўғзиғача,
Ўзгалар ушбу нажосатқа ҳасад ҳам ерлар.

* * *

Замона аҳли эмаслар атолариға шабиҳ[5],
Эрур замонга мушобиҳ[6] аларға ҳар хислат.

Мутеъ эрурлар ангаким, замондин олғай ком,
Аду[7] ангаки, етишкай замонадин шиддат[8].

---

[1] *Ансаб* – энг лойиқ, энг муносиб.
[2] *Ҳилол* – янги чиққан ой.
[3] *Рамида* – қўрққан, чўчиган.
[4] *Тамаввул* – бойлик, бадавлатлик.
[5] *Шабиҳ* – ўхшаш, монанд.
[6] *Мушобиҳ* – ўхшаш, монанд.
[7] *Аду* – душман, ғаним.
[8] *Шиддат* – қийинчилик, машаққат.

* * *

Ҳар кимки кўнгул махзанида ёшура олмай,
Сочқай тилига келтурубон махзани розин,

Топшурғай эшитгангаки, фош айламагайсен,
Ҳам нуктаи таҳқиқину ҳам сирри мажозин[1].

Чун ганж иёси[2] нақдни ҳар ён ўзи сочқай,
Бемузд[3] ажаб йўқтур, агар сойғаса[4] хозин[5].

* * *

Менинг абнойи жинсимдин[6] шикоят бу эди элга –
Ки, номақдур[7] олурлар, бу шикоят худ ажаб эрмас,

Ажаб будурки, мендин ҳам шикоят зоҳир айларлар –
Ки, номақдур олам аҳли ҳар неким тилар, бермас.

* * *

Навоий, тамаъ тухмини сочма кўп,
Риё ашкидин анга су очма кўп,

Амал мазраъин эккали берма ер,
Ҳавову ҳавас хирманин елга бер.

* * *

Ниҳоний игна санчар ёрлардин
Адувваш[8] новакафганлар[9] кўп ортуқ.

Мунофиқшева[10] золим дўстлардин
Мухолифтабъ[11] душманлар кўп ортуқ.

---

[1] *Мажоз* – ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз.

[2] *Иё* – эга, соҳиб.

[3] *Бемузд* – бекорга.

[4] *Сойғамоқ* – сарфламоқ, харжламоқ.

[5] *Хозин* – хазиначи, қўриқчи.

[6] *Абнойи жинс* – ҳамжинслар, одамлар, ҳамфикрлар.

[7] *Номақдур* – ўлчовсиз, миқдордан ташқари.

[8] *Адувваш* – душмансифат.

[9] *Новакафган* – ўқ отувчи.

[10] *Мунофиқшева* – мунофиқ, иккиюзламачи.

[11] *Мухолифтабъ* – феъли тескари.

## «ФАВОЙИД УЛ-КИБАР»дан

Ўздин қутул, Навоию мақсадга етки, қуш
Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало.

* * *

Эй, нечукким, дурни махфий асрабон уммон аро,
Гавҳари ишқини пинҳон асраған инсон аро?!

Чунки инсонни бу гавҳар бирла айлаб баҳраманд,
Сарфароз[1] айлаб малойик хайли бирла жон аро.

Алламал инсонға чун айлаб мушарраф ер бериб,
Тахти жоҳу ишрат узра равзаи ризвон аро.

Уйлаким, тахт аҳлиға душмандин ўлмайдур гузир[2],
Ул халифа[3] бирла душманлиғ солиб шайтон аро.

Макридин хориж қилиб, мулки дин у айлаб насиб,
Қарнлар саргаштаю оворалиғ даврон аро.

Ғурбати ёлғузлуғу маҳзунлуғу ҳасрат била
Ҳар замон юз минг бало ичра солиб ҳижрон аро.

Бўйла чун рад айлагандин сўнг яна айлаб қабул,
Волий[4] айлаб олам отлиғ кулбаи аҳзон аро.

---

[1] *Сарфароз (Сарафроз)* – мағрурлик, ғурур.
[2] *Гузир* – чора, илож, тақдир.
[3] *Халифа* – ўринбосар.
[4] *Волий* – ҳоким.

Бу қабулу рад аро ҳикматни кимса англамоқ
Хайли инсон ичра сиғмас ҳаййизи имкон[1] аро.

* * *

Кишики истасаким, етмагай малолат анга,
Керакмас аҳли жаҳон бирла завқу ҳолат анга.

Гар одаме малак ўлсаки, қилмасун таъриф,
Агар киши десаким, етмағай хижолат анга.

Ёмонни демаки, излол этар экин шайтон,
Дегил: фасодда мундин етар залолат[2] анга.

Чу дерлар инсонни муштақ ўлди нисёндин,
Ўзину аҳдин унутмоқ этар далолат анга.

Билурки, рўзи анга Ҳақ берур, ўзидекнинг
Бўлур чу бандаси, боис эрур разолат анга.

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун –
Ки, девдин доғи афзун эрур жаҳолат анга.

Биров амонатини асрай олмас, арчи эрур
Худой амонатини асрамоқ ҳаволат[3] анга.

Чу бўлди нутқ ила мумтоз барча ҳайвондин,
Ҳам охир ул ҳайвондин эрур мақолат[4] анга.

Бу зулмларки, ул айлар, не айлагай ногаҳ
Анинг ҳисобида Ҳақ айласа адолат анга.

* * *

Тортасен исён юкин, хам қил қадинг тоатқаким,
Юк оғир бўлса, рукуъ ул дам бўлур ночор анга.

---

[1] *Ҳаййизи имкон* – имкон доирасида.
[2] *Залолат* – гумроҳлик, йўлдан озганлик.
[3] *Ҳаволат* – ҳавола.
[4] *Мақолат* – сўз, нутқ.

* * *

Умр ғафлат уйқуси бирла тиларсен кечса оҳ,
Кўз юмуб-очқунча кимнинг эътимоди бор анга.

* * *

Даҳр хуш гулшан эрур, найлайким,
Йўқ вафо гулларидин зевар[1] анга.

* * *

Маст ўлуб бир дам шабоб айёмини тут муғтанам –
Ким, йигитлик дам-бадам ўтмакдадур айём аро.

* * *

Бир замон айрилма аҳбоби некуфаржомдин[2] –
Ким, эрур охир жудолиг даҳри нофаржом аро.

* * *

Даҳр нўши комиға бўлма, Навоий, ғарраким,
Тегмасун нокомлиғнинг неши андин ком аро.

* * *

Хуштурур бу навъ амният[3], вале ақшомғача
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишиға умрида бу навъ бир кун берса даст[4],
То абад ғам йўқ агар бўлса яна, ё бўлмаса.

* * *

Умр базмида нашот асбоби дилкашдур, басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин[5] анда яғмо бўлмаса.

---

[1] *Зевар* – безак, зийнат.
[2] *Некуфаржом* – оқибатли, яхши.
[3] *Амният* – тинчлик, омонлик, хотиржамлик.
[4] *Даст бермоқ* – муяссар бўлмоқ.
[5] *Шаҳна* – посбон.

* * *

Яхшироқ тоғ остида қолмоққи, қайғу остида.

* * *

Олам асбоби учун ғам емагил,
Арзимас бунчаға олам гўё.

* * *

Недур учмоқ жоҳ ила, охир фалак Намруднинг[1]
Осмони тахту жоҳин ганжи Қорун қилдило.

* * *

Ажал қасрин ҳакими сунъ[2], бас, мушкил тилсим этмиш –
Ки, ҳар ким анда кирди, бўлмади андин хабар пайдо.

* * *

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,
Таажжуб, кўрки, бу гулшанда эрмас боғбон пайдо.

* * *

Ҳазар қилмоқ қазо жаллодидин бўлмаски, йиллардур
Қилур қатл, уйлаким, не тиғ ўлур пайдо, не қон пайдо.

* * *

Умр елдек ўтмакин дебсен магар, эй боғбон –
Ким, яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.

* * *

Шоху баргеким, қуруб сарғарса, ким кўрмиш даво!

* * *

Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо!

---

[1] *Намруд* – Иброҳим пайғамбарни ўтда ёққан афсонавий золим шоҳ.
[2] *Ҳакими сунъ* – Худо.

* * *

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳаттур кимки истар бу гулистондин вафо.

* * *

Рўзи ортуқ бўлмағин ҳар кимки билгай чархдин,
Зол янглиғдурки, розиқ[1] чархини қилғай хитоб.

* * *

Ҳайфдур буки, ўтар уйқу била субҳи шабоб[2].

* * *

Ҳою ҳуй айлабон ўзни нафасе хуш тутким,
«Ҳай» деганча не сен ўлғунг арода, не аҳбоб.

* * *

Хастаға кўпрак ўлур кеча тааб.

* * *

Даҳр аро айшу нашот истасанг, ўлғунг маҳрум,
Негаким, анда насиб ўлмади жуз ранжу тааб.

* * *

Бил, Навоийки, талаб бирла топилмас мақсуд,
Лек топқанда доғи бор эди албатта талаб.

* * *

Ҳусн офатдин эмас холи, бу дамким хўб сен,
Саъй қил, жоноки, ўтсун хўблуқ даврони хўб.

* * *

Даҳр элидин жуз вафо мумкин эмас топмоқ киши,
Лек ҳар бирга вафолар ончаким имкон қилиб.

---

[1] *Розиқ* – ризқ берувчи.

[2] *Субҳи шабоб* – ёшлик тонги.

* * *

Ёр кўп қилса жафо, кам қил, Навоий, нолаким,
Гулга булбул ўргата олмас вафо афғон қилиб.

* * *

Кимга даврон бир аёғ май бердиким, бўлди халос
Сўнгра онинг юз қадаҳ бедоди заҳрин сипқориб.

* * *

Навоий улча қазодин келур, бўйинсунғил –
Ким, улки бош чекибон, сўнгра кечгасен қошиб.

* * *

Кўп кучунг бирла қувонмаки, ажал жоми майи –
Ки, тутуб Рустами Достонни ҳамул лаҳза йиқиб.

* * *

Йигитлигингда қариларға қилмадинг хидмат,
Қарилиғингда йигитларга бермагил заҳмат.

* * *

Қарилиғ истар эсанг, қариларни ҳурмат тут,
Қаридинг эрса, йигитлардин истама суҳбат.

* * *

Қуруқ яғочқа эрур боғламоқ шукуфаю барг,
Қарики, истаса киймак қизил, ёшил хилъат.

* * *

Қариға тавбаю тоат керак шиор ўлса,
Ўзин йигит ясаса, айлар ўзига туҳмат.

* * *

Саодат аҳли эди, ул йигитки, айламади
Юзини дуд била тийра шуълаи шаҳват.

* * *

Олам аҳлидин етишмас ғайри захм,
Эй жароҳатлиғ кўнгул, бу сўзга бут[1].

* * *

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярот.

* * *

Истасанг, қилмағасен жонинга меҳнатни зиёда,
Бўлғил ўз қисминга хурсанду тамаъ қилма зиёдат.

* * *

Улуглардин насиб истар эсанг, касби камол этгил,
Нединким, анбиёға[2] илмлиқ инсон эрур ворис.

* * *

Намоз адосига қилғил кўнгулни Тенгрига туз:
Кўнгул туз ўлса, эмас бок, бўлса қибланг каж.

* * *

Қуёшни улки ёруғ дер, не ҳожат анга ҳужаж![3]

* * *

Олам аҳлидин вафо муҳтожи бўлмаким, алар –
Ҳам чекарлар бу матоъи бебаҳоға эҳтиёж.

* * *

Қушни ким озод этибтур бастаи дом[4] айлагач.

---

[1] *Бутмоқ* – ишонмоқ, қабул қилмоқ.
[2] *Анбиё* – пайғамбарлар.
[3] *Ҳужаж* – ҳужжатлар, далиллар.
[4] *Бастаи дом* – тузоққа тушган, гирифтор.

* * *

Камол касби қилур бўлсанг, озмундин ўт,
Гар истифода[1] ғараз бўлса, имтиҳондин кеч.

* * *

Сен эътирозни қўйғилки, барча Ҳақдиндур.

* * *

Навоий, оллинга ёзғанни кўрмайин бўлмас,
Эрур Ҳақ оллидин ар солиҳ[2] ўл ва гар толиҳ[3].

* * *

Ёр васли хуштурур, гар зулф, агар юз кўргузар,
Васл даври айшдур, гар шом бўлсун, гар сабоҳ.

* * *

Икки кун бир навъ бўлмайдур гули бўстонга нарх.

* * *

Азалда чун не насиб ўлди, ўзга бўлмади ул.

* * *

Чархдин не келса, жуз таслим йўқтур чорае –
Ким, қавий[4] оллида хўб эрмас забунлардин инод.

* * *

Шак эмаским, бўлғусидур ёрлар беэътимод,
Ҳар қачан ёр оллида ағёр бўлса муътамад[5].

* * *

Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур,
Хоҳ шоҳи чархқадру[6] хоҳ моҳи сарвқад.

---

[1] *Истифода* – фойдаланиш.
[2] *Солиҳ* – тўғри, яхши иш қилувчи киши.
[3] *Толиҳ* – ёмон иш қилувчи киши.
[4] *Қавий* – кучли, қудратли.
[5] *Муътамад* – ишончли, ишонарли.
[6] *Чархқадр* – осмондек баланд, юксак.

* * *

Ишқ жонбахш насими не чаманғаки эсиб,
Юз ниҳол анда бўлуб лолаузору[1] гулхад[2].

* * *

Бирдурур асли адад, кимки ҳақиқатбиндур[3].

* * *

Бўлмади тоатқа хам қаддинг йигитликда, не суд
Ракъат[4] эмдиким, букулмак айлади бунёд қад.

* * *

Дардманд эл ҳолин ул билгайки, бўлғай дардманд.

* * *

Чун фалак тоқидек охир бўлғусидур сарнигун[5],
Рифъатинг[6] тоқин, не суд, этмак фалакча сарбаланд[7].

* * *

Истасанг олам эли мақсуди ўлмоқ, зинҳор
Ема юз оламча элга Тенгри бергандин ҳасад.

* * *

Ишқ амрига эрур кавну макон[8] ичра нафоз[9],
Шоҳнинг ҳукмига андоққи жаҳон ичра нафоз.

---

[1] *Лолаузор* – лола юзли.
[2] *Гулхад* – гул юзли.
[3] *Ҳақиқатбин* – ҳақиқатни кўрувчи.
[4] *Ракъат* – намозда ётиб туриш.
[5] *Сарнигун* – тўнтарилган, остин-устун.
[6] *Рифъат* – баландлик, юксаклик.
[7] *Сарбаланд* – боши баланд, юксак.
[8] *Кавну макон* – борлиқ, коинот.
[9] *Нафоз* – нуфуз, таъсир.

* * *

Қарида гарчи сабукруҳлуғ[1] фаровондур,
Вале йигитлар аро чун кирар, гаронжондур[2].

* * *

Шабобнинг[3] ҳавасидин сақолни ранг этма,
Оқорса сабза, кўкармак яна не имкондур.

* * *

Қари йигитлар ишин чун қилур, эрур мабҳут[4],
Йигит қарилар ишин пеша[5] қилса, нодондур.

* * *

Асо юрурга мададдур, вале асо аҳли
Чу найза тутти, ҳамул йўл юрурга нуқсондур.

* * *

Боғи даврон гуллари чун бевафодур, тонг эмас,
Кеча гар тонг қушларининг нолаи шабхези[6] бор.

* * *

Кимки олам халқи бирла ошнолиг қилмади,
Они де фархундаахтар[7], муни билгил бахтиёр.

* * *

Бу гулшан аро бўйи вафо етмади гулдин,
Булбулгаки, минг навҳа[8] била даъби фиғондур.

---

[1] *Сабукруҳ* – ҳушҳол.
[2] *Гаронжон* – босиқ, вазмин.
[3] *Шабоб* – ёшлик, йигитлик.
[4] *Мабҳут* – ғурурга берилган.
[5] *Пеша* – касб, ҳунар.
[6] *Шабхез* – тунда уйғонувчи, бедор ошиқ.
[7] *Фархундаахтар* – бахтли, саодатли.
[8] *Навҳа* – нола, йиғи-сиғи.

* * *

Чун бу гулшан бевафодур, жом давриға тўкар,
Неча пора сиймким, умрида наргис қозғанур.

* * *

Бу дашт сатҳида жоми Жам ичра кўп боқтим,
Қадаҳ кетурки, не Баҳром зоҳир ўлди, не гўр.

* * *

Куйдурурга элни ҳам гоҳе қилурлар иттифоқ,
Йўққи, ёлғуз олам аҳлининг нифоқи куйдурур.

* * *

Кўнгул боғида дарду ғам ниҳолин эккали гўё,
Қазо деҳқони ҳар ён ўқи захмидин мағок[1] айлар.

* * *

Бу гулистон аро булбулға раҳм қил, эй гул –
Ки, ҳай дегунча хазон юзланиб, баҳор борур.

* * *

Не навъ булбули зор этмасун фиғонки, сипеҳр –
Бу гулшан ичра, баҳор ўлмайин, хазон соладур.

* * *

Гул висоли бир неча кун, беш эмас, эй андалиб,
Йўқса андин бенавосен, қишдурур гар ёздур.

* * *

Даҳр боғининғ гулида йўқ вафо, бу турфаким,
Сарзанишқа хори юз минг тил билан танноздур.

* * *

Даҳр гулзори аро ҳасрат елидин ҳар тараф
Томди булбул кўнгли қони, дема гул яфроғидур.

[1] *Мағок* – тешик.

* * *

Эрмас ул фарзонаким, тарк этти дунё ҳосилин,
Балки ҳосил қилғали майл этмаган фарзонадур.

* * *

Гарчи ишқ ичра басе мушкил бор,
Васл уммидидин осон кўринур.

* * *

Бу боғ аро қолмайдур ажал елидин озод,
Ҳар гулгаки, савсан киби қомат етилибтур.

* * *

Чун вафо аҳлиға даврон тутмади жоми мурод,
Ким мурод андин тамаъ айлар, хаёли хоми бор.

* * *

Подшоҳеким, қаноат махзанин истар, эрур
Бир гадодекким, хаёли ганжи Қорун соридур.

* * *

Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун
Ҳар кишиким, майли ушбу дунёи дун соридур.

* * *

Йўлдин охир сурма султонмен дебон дарвешни,
Ёд эт: ул йўлдинки ҳам дарвешу ҳам султон борур.

* * *

Афгонки, хазон меҳнатидин қолмади солим[1]
Ҳар сарви гуландомки, бу гулшан ародур.

* * *

Май ичса тез ўлур эл, соғда гар ёвош кўринур.

[1] *Солим* – соғ, омон.

* * *

Кесак қаноти синуқ қуш кўзига тош кўрунур.

* * *

Ҳуллаи[1] тоат этар дўзах ўтин даф, йўқ эрса,
Ул ҳароратқа не дафъ, кафанинг гарчи катондур.

* * *

Воизеким, ўзи қилмас амалу элга берур панд,
Гар эмас уйқуда, бас, мунчаки дер, не ҳазаёндур[2].

* * *

Гулда йўқ бўйи вафо, шамъда йўқ шуълаи меҳр,
Ўзни булбулвашу парвона мисол айламангиз.

* * *

Эйки кўнглунг сирин истарсенки, пинҳон асрасанг,
Даҳр боғи ичра очма ғунчадек зинҳор оғиз.

* * *

Кўзгу эгри бўлса, солур аксини рухсор кўж.

* * *

Эгридин жуз эгрилик ҳаргиз асар бўлмас аён,
Ким солур албатта соя нахли ноҳамвор[3] кўж.

* * *

Лоларухлар[4] васлида юз йил киши қилса нишот,
Бир замонлиғ, билки, доғи фурқатига арзимас.

* * *

[1] *Ҳулла* – нафис матодан тикилган кийим.
[2] *Ҳазаён* – беҳуда, бемаъни сўз айтиш.
[3] *Ноҳамвор* – нотекис.
[4] *Лоларух* – лола юзли, гўзал маҳбуба.

Баҳру кон нақдин агар йигдинг, вале еткач ажал,
Барчани солиб кетарнинг шиддатиға арзимас.

* * *

Ҳар неча терсанг йигитликнинг баҳори гулларин,
Бир хазони шайбу[1] оҳи ҳасратиға арзимас.

* * *

Тахти иззат узра насб[2] этса бировни даври чарх,
Азл[3] кўйининг ғубори зиллатиға[4] арзимас.

* * *

Ҳар неча давлат саҳоби[5] сочса гавҳар бошинга,
Англаким, бир қатла барқи офатига арзимас.

* * *

Танурдин киши қушқа бўлурму қилса қафас.

* * *

Қориғанда тавба хушроқдур йигитлар ишқидин,
Беадаблиғларки кўргуздунг йигитлик чоғи – бас.

* * *

Эмин ўлма, меҳр кўргузган била афлокдин –
Ким, бу кажравлар иши ғаддорлиғларму эмас.

* * *

Чу умр ўтар, бу кун ўзни нишот ила хуш тут –
Ки, тонгла нафъ етурмас дариғ ила афсус.

---

[1] *Шайб* – кексалик.
[2] *Насб* – бунёд этиш.
[3] *Азл* – бўшатиш, четлатиш.
[4] *Зиллат* – хорлик, тубанлик, пастлик.
[5] *Саҳоб* – булут.

* * *

Чарҳдин не келса, хуш бўлким, сенинг кўнглунг учун
Айламас даврини ҳаргиз гунбади даввор бас.

* * *

Олам аҳли сустпаймондурлар, эй аҳли вафо,
Даст агар берса, тутунг бир аҳди маҳкам бирла унс.

* * *

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиг эмиш боришу келиш.

* * *

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил,
Кишики, ёй киби қадга асодин этти кериш[1].

* * *

Йигитлик ўлди баҳору куҳулат[2] ўлди хазон,
Деган бу сўзни қарилиғни қишқа ўхшатмиш.

* * *

Не турфа ишки, бирав чун торикти[3] умридин,
Деса узун яша, қаргишдур анга бу алқиш.

* * *

Жон бериб, даврон элидин истаманг меҳру вафо –
Ким, басе топмиш зиён, ҳар ким бу савдо айламиш.

* * *

Хурда[4] сочқандин чаман мулкида султон бўлди гул,
Ғунча қонлиг кўнглига солган гириҳ имсок эмиш.

---

[1] *Кериш* – ёй ипи, камон тори.
[2] *Куҳулат* – ўрта ёш.
[3] *Торикмоқ* – зерикмоқ, сиқилмоқ.
[4] *Хурда* – бу ерда нозик, латиф маъносида.

* * *

Мулку кишвар бузмайин не бўлғуси тўфонға иш.

* * *

Биравким, сарвдек озодаваш[1] бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони ҳам сарсабз ани, ҳам сарбаланд этмиш.

* * *

Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут[2],
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут[3].

Руҳ ул нурдурурким, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя ҳубут[4].

Руҳ раҳмоний[5] эрур, нафс эрур шайтоний,
Иккисин бир-бирига қўшмақ эмастур машрут[6].

* * *

Чарҳдин не келса, хуш тут ўзниким, қилмас қазо
Бир сенинг раъйинг учун бу гунбади гардонни забт.

* * *

Эски оламға кўнгул кўп боғлама –
Ким, мусофирға ватан бўлмас работ.

* * *

Сўзда маъни била кўп лафзға майл айламаким,
Зоҳир оройишини айлади одат лаффоз[7].

---

[1] *Озодаваш* – қадди баланд, сарвқомат.
[2] *Мазбут* – маҳкам, мустаҳкам.
[3] *Махлут* – аралашган, аралаштирилган.
[4] *Ҳубут* – тушиш, жойлашиш.
[5] *Раҳмоний* – илоҳий.
[6] *Машрут* – шарт қилинган.
[7] *Лаффоз* – сўзамол.

* * *

Давлати боқий тилар кўнглунг, фано касб айлаким,
Даҳри фоний сори майл айламас фарзона табъ.

* * *

Ишқ ўтин тарк этмасам носиҳ сўзи бирла, не тонг,
Панд ила парвона куймактин бўлурму мумтанеъ[1].

* * *

Ёр истасанг, Навоий, сабр истагилки, доим
Келди висол ишига жаҳду шитоб монеъ.

* * *

Қилурни айла риоят, демакда асра адаб –
Ки, дўст феълингу қавлингғадур[2] басиру[3] самеъ[4].

* * *

Бўлма гулзорингға кўп машъуф[5], эй деҳқонки, йўқ
Тонгла рангидин бу гулларнинг чаманосорлиғ[6].

* * *

Ҳусн даврига вафо йўқ, бу қуёш бот уёқур,
Хўблардин хуш эрур яхшилиғу яхши қилиғ.

* * *

Олгали дунё арусин, эйки, соттинг нақди дин,
Умр сотиб, марг олмоқ англа бу сотиғ-олиғ.

---

[1] *Мумтанеъ* – ман этилган, маҳол.
[2] *Қавл* – сўз, гап.
[3] *Басир* – кўрувчи.
[4] *Самеъ (Сомеъ)* – эшитувчи, тингловчи.
[5] *Машъуф* – мафтун, ошиқ.
[6] *Чаманосор* – чаман рангу бўйи.

* * *

Ғанимат англа вафо булбулунгга, эй гулким,
Хазон ели етишур ҳажр сарсари янглиг.

* * *

Дунё асбоби нажосат кибидур мазбалада[1],
Покравлар начук ўзни анга қилғай машъуф.

* * *

Ҳар не Ҳақ амрини дер муршиди[2] комил, ани қил,
Гар сифотуллоҳ[3] аро ўзни тиларсен мавсуф[4].

* * *

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф –
Ки, зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин[5] яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти[6] зебу такаллуф[7].

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат –
Ки, анда риё йўл топар бетаваққуф[8].

Эрур маҳз[9] тақвою лекин риёсиз
Убудият[10] сарфу айни талаттуф.

Не эл қавлу феълиға андин таадди[11],
Не Ҳақ амри наҳйиға[12] андин тасарруф.

---

[1] *Мазбала* – ахлатхона.
[2] *Муршид* – пир, шайх.
[3] *Сифотуллоҳ* – Оллоҳнинг сифатлари.
[4] *Мавсуф* – сифатланган, мақталган.
[5] *Ризо аҳли* – қаноатли одамлар.
[6] *Истилоҳот* – термин, атама.
[7] *Такаллуф* – бу ерда ўзини қийнаш маъносида.
[8] *Бетаваққуф* – тўхтовсиз.
[9] *Маҳз* – холис, соф.
[10] *Убудият* – бандалик, қуллик.
[11] *Таадди* – адоват, душманлик; зулм, ситамгарлик.
[12] *Наҳйи* – ман этиш, қайтариш.

Ўзин уйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв[1] ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

* * *

Кишига бўлмаса ҳодий[2], падид[3] эмас мақсад,
Ҳидоят ўлмай анинг қатъин этмагил тасдиқ.

* * *

Ҳар неким келса қазодин, шокир ўлмоқ шарт эрур,
Суди йўқ жуз ғусса, кимса ҳар неча бўлса мудиқ[4].

* * *

То ишқ шиддатида тавшалмас[5] одамизод,
Ноодамийлиқ андин кетмас йироқу дунлуқ.

* * *

Гар ишқ захмиға васл марҳам десангки қўйсун,
Ҳижронда асру қилма бесабру бесукунлуқ[6].

* * *

Ҳай дегунча чун ўтар ҳам айшу ҳам ғам, бас недур,
Гар фалакдин элга айши бегарондур[7], бизга йўқ.

* * *

Олам аҳлидин таваққуъ айламак аҳду вафо,
Заҳрдин ҳайвон суйи бўлғай тавалло айламак.

---

[1] *Маҳв* – йўқолиш, йўқотиш.
[2] *Ҳодий* – йўлбошчи, раҳнамо.
[3] *Падид* – очиқ, ошкор.
[4] *Мудиқ(қ)* – диққат билан иш қилувчи, нозикфаҳм.
[5] *Тавшалмоқ* – қаттиқ чарчамоқ, ҳормоқ.
[6] *Бесукунлуқ* – бекарорлик.
[7] *Бегарон* – чексиз, чегарасиз.

* * *

Менки ўз сирримни пинҳон асрай олмон, турфадур
Эл анинг тутмогини махфий таманно айламак.

* * *

Бил вафо расмин ганимат, эй гул, андин бурнаким[1],
Дай сипоҳи еткай оҳу кўз ёшим чопкунидек[2].

* * *

Боғ аро, эй сарв, ҳам сарсабзсен, ҳам сарфароз –
Ким, нечукким настаран[3] бир хаска бош индурмадинг.

* * *

Не ажаб, эй гул, ичинг қон этса гардун лахт-лахт,
Баски, булбул кўнглини гунчанг киби қон айладинг.

* * *

Фардлиқ завқини сўрманг шавкату жоҳ аҳлидин,
Ул суубат лаззатин бехонумонлардин[4] сўрунг.

* * *

Чунки навмид[5] эмас раҳматидин габру[6] жуҳуд,
Журму исён била бизга бу умид ўлса, не тонг.

* * *

Бу чамандин ел учуруб гулни, булбул қолғани,
Рост андоқтурки, қолгай чунки шуъла ўчса кул.

* * *

Ёр ҳажри хоҳи бир кун, хоҳ юз йил, эй кўнгул,
Заҳрдин бир қатраю дарёни тенг бил, эй кўнгул.

---

[1] *Бурна* – аввал, бурун, олдин.
[2] *Чопқун* – бўрон, кучли шамол.
[3] *Настаран* – оқ ёки қизил тусли хушбўй гул.
[4] *Бехонумон* – уй-жойсиз; сарсон-саргардон.
[5] *Навмид* – умидсиз, маҳрум.
[6] *Габр* – оташпараст.

* * *

Чу топмоғунг бу чаман ғунчаю гулида вафо,
Тўкулма ғунча киби, лек гул масаллик очил.

* * *

Оқибат ерга кирарсен гар худ,
Бўлса кўк атласи рахшинг[1] уза жул[2].

* * *

Даҳр бўстонида чун йўқтур вафое, эй кўнгул,
Лоладек гулғун қадаҳ тут, ғунчадек бир дам очил.

* * *

Эй кўнгул, ишқ аро гар ғамлиқ эсанг, бок эрмас,
Қайда ишқ аҳли аро топти бирав шод кўнгул.

* * *

Не вафо рангию не меҳр иси бор, эй булбул,
Бу чаман гулларига айлама муътод кўнгул.

* * *

То йигит эрдим, қариларға кўп эрди хидматим,
Қариған чоғда йигитларга оғирдур суҳбатим.

* * *

Мушк[3] чун кофур бўлди – ёғди ўт устига қор,
Хатти[4] мушкин бирла ўтлуқ юзга нетсун рағбатим.

* * *

Бу манзилдин манга йўл азмига боисдурур буким,
Етар бир корвон ҳар дам, ўтар бир корвон ҳар дам.

---

[1] *Рахш* – чопқир от.

[2] *Жул* – ёпинчиқ.

[3] *Мушк* – оҳулардан бир турининг киндигида ҳосил бўладиган қора рангли хушбўй модда.

[4] *Хат(т)* – қизларнинг лаби устидаги майин туклар.

* * *

Ема бози нужуми тийрадинким,
Эрур қалб[1], ўйлаким, рўкаш дароҳим[2].

* * *

Керакмас ғарра бўлмоқ шоҳиди давлат бош индурса –
Ки, бир хамлиқ эрур онинг саломи хайрбоди ҳам.

* * *

Интиҳоси[3] ишқнинг ҳижрон эмиш, эй аҳли ишқ,
Васл даврони аро мағрур бўлсанг асру ҳам.

* * *

Бу гулшан ғунчасида жола эрмаским, тиш иржайтиб
Кулар ошуфта булбул навҳасиға бевафолиғдин.

* * *

Истамас бўлсанг ишинг узра гириҳ, тузлук қил –
Ким, ёғин риштасиға қатраси ҳуд келди тугун.

* * *

Бу чаман гулзориға берма кўнгул, эй андалиб –
Ким, эрур ҳар гулки кўрсанг, теграсида юз тикан.

* * *

Не мен қолғум, не сен боқий, замоне келгил, эй соқий,
Қадаҳ даврини хуш тутким, вафосиздур басе даврон.

Вафосиздур замон аҳли, замонда не вафо бўлғай,
Вафо аҳли булардин ғар вафо истар, эрур нодон.

---

[1] *Қалб* – сохта, қалбаки.
[2] *Рўкаш дароҳим* – қалбаки танга.
[3] *Интиҳо* – охир, ниҳоя.

* * *

Жаҳон ичра кишининг чун йўкию бори яксондур,
Не фаррух[1] кимсадур кўрган жаҳон бору йўкин яксон.

* * *

Навоий, ўзни хуш тутким, кишига даҳр иши бордур,
Агар мушкул тутар – мушкул ва гар осон тутар – осон.

* * *

Қани раъий[2] мундин савоб, эй кўнгулким,
Киши қойил[3] ўлса, билиб ўз хатосин.

* * *

Жаҳон макрин биравким билди, бермас
Жаҳон мулкига бир дамлиг фарогин.

* * *

Не мозидур, не мустақбал арода, сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқтатур ҳар дам узун умрунг шитобидин.

* * *

Истаманг охир гиёҳи меҳр ё барги вафо –
Ким, кўкармайдур булар ҳаргиз жаҳон бўстонидин.

* * *

Халос ўлдум ишим Тенгрига солиб, токи билдимким,
Очилмас иш менинг беҳуда саъю эҳтимомимдин.

* * *

Чу гулда йўқ вафо ранги, хазон еткунча, эй булбул,
Сабодин барги гул янглиғ учуб чиқ бу гулистондин.

---

[1] *Фаррух* – бахтиёр.
[2] *Раъий* – тадбир.
[3] *Қойил* – бу ерда иқрор маъносида.

* * *

Эйки, бу базм ичра ичтинг ком ила бир даври май,
Билки, ноком онча қон ютқунг фалак давронидин.

* * *

Тааюнот[1] ичида ишқ бир ҳақиқат эрур.

* * *

Хурдадон[2] бўлмас киши нозук тахайюл қилмайин.

* * *

Қушни ким бирён[3] этибтур бисмил[4] этмастин бурун.

* * *

Тавбаю тақво қариған элга бўлди лозима,
Эй йигит, билгил ғанимат ишқу мажнунлуғ чоғин.

* * *

Халос эрмас киши ҳар ҳол ила Тенгри қазосидин.

* * *

Юз ўлумча бордурур агёр ила ўлтурмағи.

* * *

Бу кўҳан[5] дайр ичра тинмасликқа қолғай туну кун,
Хотирин яхши-ёмон савдосидин тиндурмаған.

* * *

Дам урма бу чаманда, Навоийки, бир гуле
Билмас заған фиғонини булбул навосидин.

---

[1] *Тааюнот* – аниқлик, маълумлик.
[2] *Хурдадон* – нозикфаҳм, заковатли.
[3] *Бирён* – қовуриш.
[4] *Бисмил* – сўйиш.
[5] *Кўҳан* – кўҳна, қадимий.

* * *

Даҳр аро андоқ маош этгилки, сендин қолмаса
Тоат андоққим, керактур бори исён қолмасун.

* * *

Тийралар лутф айлабон тутмас сафо аҳли[1] ерин,
Ёриған бирла учи шамъ ўзини тутмас кўсав[2].

* * *

Ишқ махфий қолмас охир, эй кўнгул, кўп чекма жон,
Мен ҳам аввал кўп ёшурдум, кўрки, пинҳон қолдиму?

* * *

Эй кўнгул, бу гулшан атрофиға боққим, ғунчае –
Ким, кўнгул жамъ айлади, бўлмай паришон қолдиму?

* * *

Демаким, оламни хасча кўрмамишсен мўътабар,
Айт филвоқеъки[3], онча эътибори борму?

* * *

Хушроқ кўрунур анжум, чун тун бўлур қоронғу.

* * *

Сабзаи хат бирла бу гулшан вафосиз эрканин,
Килки кудрат[4] ёзди, райҳони баҳоридин ўқу.

* * *

Фалакдин яхшилиқ еткай дебон кўнглунгни шод этма,
Ёмонлиғким етар, ҳоло унут, ўтканни ёд этма.

---

[1] *Аҳли сафо* – кўнгли соф, покиза кишилар, илоҳий оламдан баҳра олувчилар.

[2] *Кўсав* – косов.

[3] *Филвоқеъ* – ҳақиқатда.

[4] *Килки қудрат* – кудрат қалами.

* * *

Замона аҳлиға гар юз куёшча кўргузубсен меҳр,
Вафо зинҳорким, бир зарра чоғлиғ эътимод этма.

* * *

Қилиб солиҳ амал касби шиорингни салоҳ[1] этгил,
Вале фосид хаёлинг бирла ҳар дам бир фасод этма.

* * *

Киши девона бўлса яхшироқ юз қатлаким, аблаҳ.

* * *

Умр ўтмакин андиша қил, давронға йўқтур меҳр – бил,
Эй шаҳ, гадони кўзга илким, не гадо қолур, не шаҳ.

* * *

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас манга меҳру вафо мол ила жоҳ.

* * *

Нашъа етмас бода гулгун[2], базмгаҳ гулзор эса,
Гар кўнгул ичра бировнинг хорхори[3] бор эса.

* * *

Дема фарзона биравдурки, улустин чиқмиш,
Тенг кўрар чунки улус бору йўқин фарзона.

* * *

Ториқмасин, неча гардундин эгрилик етса,
Биравки тузлуги йўқ халқ ила маошида.

---

[1] *Салоҳ* – парҳезкорлик, зуҳду тақво.
[2] *Гулгун* – гулранг, пуштиранг, қизил.
[3] *Хорхор* – ғам, қайғу, безовталик.

* * *

Чун бу гулшанга вафо йўқ, эй кўнгул, зинҳорким,
Кўп қувонма сунбулу сарви хиромони била.

* * *

Умрдин бир субҳ олғил баҳраким, фасли баҳор
Лола ҳам жомин тутубтур наргиси жоду била.

* * *

Ҳар қушунгға заҳр ила қору[1] тутар шоми ажал,
Бир саҳар сен ҳам ҳаёте топ қушу кору била.

* * *

Не зулолу оташин гулдурки, бўстон шоҳиди,
Айлар оройиш бу энглик[2] доғи ул кўзгу била.

* * *

Гар десанг саргашталик кўрмай йўлунгни туз юру,
Гар инонмайсен, назар қил чархи кажрафторға[3].

* * *

Навбаҳори даҳрға қўйманг кўнгулким, йўқ вафо
Не гули бўстонида, не лолаи худрўсида[4].

* * *

Олам аҳлиға қўшилмоққа ўзунгни қилма зор,
Чунки айрилмоқ керактур сўнгра юз озор ила.

* * *

Замона аҳлики, давлат чоғи қулунгдурлар,
Мулоямат[5] яна кўп қилма ул дадаклар[6] ила.

---

[1] *Қору* – бадал, эваз.
[2] *Энг* – юз, чеҳра.
[3] *Чархи кажрафтор* – тескари айланувчи фалак.
[4] *Худрў* – ўзича ўсган, ёввойи.
[5] *Мулоямат* – мулойимлик.
[6] *Дадак* – жория, чўри.

* * *

Ёр йўқ оламдаким, бир ёр сиррин асрағай,
Бас ажаб сирредурурким, эл дегай ағёрға.

* * *

Уйладурким, сотибон Юсуфни[1] олғай сиймқалб[2],
Кимки матлубни қўюб, майл этса дунё жоҳиға.

* * *

Алам чу етти, кетар ишқ лаззати жондин,
Киши не навъ қилур айшни алам бирла.

* * *

Бу гулистон аро чун хорсиз гуле бутмас,
Ўзунгга айламагил хорлиқ ситам бирла.

* * *

Буким, Жамшидқа даврон вафо кўрғузмайин йиқти,
Ўқу кайфиятинким, ёзилибтур даври жом ичра.

* * *

Бу эски дайр чун қилмас мудом элга вафо, хуш тут
Ўзингни доим эски май била айши мудом ичра.

* * *

Халқдин юз дашт йўл тутсун қирок ул зорким,
Дерки ўзни солмайин ҳар лаҳза минг озорға.

* * *

Ки, мўр сайри эмас чархи зарнигорғача[3].

---

[1] Бу ерда ўгай акалари томонидан арзимас пулга қул қилиб сотилган Юсуф алайҳиссаломга ишора қилинмоқда.

[2] *Сиймқалб* – сохта пул.

[3] *Зарнигор* – олтин билан безалган.

* * *

Эрур баҳор ғанимат, май ички, билмассен –
Ки, даҳр боғида бўлғунг яна баҳорғача.

* * *

Малоҳат авжи бирла ҳусн бўстонида йўқ равнақ,
Қани бу боғ аро сарве, қани ул авж уза моҳе?

* * *

Дема охирки, йўқтур ишқ савдосида бир бедил,
Ани кўргилки, борму ҳусн бозорида дилхоҳе.

* * *

Қолди айтилмай ниҳоний ишқ сирри ончаким,
Қолмади бир сўзки, бу маъни аро айтилмади.

* * *

Очилмоғлиқ узулган ғунчаға не эҳтимол ўлғай.

* * *

Навоий, ҳосил эт ҳиммат қанотиким, учар қушқа
Ҳаво қилганда мақсадға не монеъ дашт бўртоғи.

* * *

Қилур жон риштасин саргаштаи мақсуд ила пайванд,
Тааллуқ торидин ҳар кимсаким, қатъ ўлди пайванди.

* * *

Гулшани давронға мойил бўлма, зийрак қуш эсанг –
Ким, тикан тори қилур ҳар тоза гулбарги тари[1].

* * *

Гул харидори чу кўптур, бўлма кўп, эй боғбон,
Зеб учун машшота ё сотмоқ учун даллоласи.

[1] *Тар* – яшнаб турган, тароватли.

* * *

Бўлса мавзун[1], боқмағай табъ аҳли номавзун сари.

* * *

Ҳуснға чун йўқ вафое, жуз надомат кўрмади,
Бевафоеким, вафо аҳлиға озор истади.

* * *

Фалак бошингни кирпич[2] муттакоси[3] қилғуси гар худ,
Бу дам хуршид хиштидин бошингға муттако етгай.

* * *

Қилмаған шогирдлиғ ҳеч ишта устод ўлмади.

* * *

Ғунча кулгусига, эй булбул, кўнгул ғар бермасанг,
Бағрinga ҳар гул сою юз хор бўлғайму эди.

* * *

Эй Навоий, қилсанг эрди офият кунжин ватан,
Мунча мунглуг жонинга озор бўлғайму эди.

* * *

Навоий ишқдин не келса, дам урмаки, ошиққа
Керактур ишқи пинҳонию доғи ишқ пинҳони.

* * *

Замону аҳли замонни зинҳор кўрма хошок бирла хасча –
Ки, оламда олам аҳли доно қошинда беэътибор бўлғай.

---

[1] *Мавзун* – гўзал, чиройли.
[2] *Кирпич* – ғишт.
[3] *Муттако* – суянчиқ.

* * *

Ғурур ҳусн ила жоҳингга қилмаким, қолмас
Жамоли оламию олам аҳлининг жоҳи.

* * *

Гули аҳду вафо давр аҳлидин кўз тутмаким, ҳаргиз
Музайян бўлмамиш мундоқ чечакдин даҳр бўстони.

* * *

Даҳр боғида вафосизлиғ не қушким, қилди фаҳм,
Чекти маҳзун нола, аммо бу чаманға кирмади.

* * *

Улки қаҳр этса, қиличидин дамодам қон томар,
Бағридин қон томғучилар бирла не жинсияти.

* * *

Васл нўши бирла жон топқонға, ваҳ, андин не ғам –
Ким, тўлодур заҳри қотил бирла жоми фурқати.

* * *

Даҳр қилғандин яланг бошини тенг туфроғ ила,
Не хабар улким, етар гардунға тожи рифъати.

* * *

Мўр аёғ остида ўлгандин қачон топкай вуқуф,
Арслонким, кўкка чирмашғай ғиреви[1] шавкати.

* * *

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадоға имтиёз,
Ўт аро тенгдур қуруқ ё ўл йиғочнинг ҳирқати[2].

[1] *Ғирев* – шовқин-сурон, тўполон, ғавғо.
[2] *Ҳирқат* – куйиш, ёниш.

* * *

Ким, санга бу келишу кетмакдин
Айшу ишрат худ эмас эрди мурод.

* * *

Бевафодур фалаки буқаламун,
Созу оҳангига йўқ бир қонун.

Йўқ бақо жоҳ ила шавкатқа доғи,
Йўқ вафо умр ила давлатқа доги.

* * *

Кўрки, ҳар шаҳки, юруб олди жаҳон,
Барча бордуму қора ерда ниҳон.

* * *

То фалак билди таадди фанини,
Қайсидин олмади ўз берганини!

Кимга берди қуёш авжида нишаст[1] –
Ким, яна қилмади туфроққа паст.

Кимга бир нўш ила еткурди баҳр,
Ким яна тутмади юз соғари заҳр.

* * *

Ҳар нафас васфини этмак бўлмас,
Чун ўтар, гардиға етмак бўлмас.

* * *

Кўрки, умр элга вафо айладиму,
Чарх жуз жавру жафо айладиму?!

[1] *Нишаст* – ўтириш.

* * *

Олами ҳузн аро бўлма ғамда,
Ўзни хуш тут неча кун оламда.

* * *

Чун жунун[1] ишқ ила бўлди дамсоз[2],
Асрай олғайму киши кўнғлида роз.

* * *

Чун бир иш мумкин эмас оламда,
Йўқ эмиш жинси бани одамда.

* * *

Ҳақ таоло бандасининг қисматин
Чун азал девонида қилмиш рақам.

Чун анинг тагйирининг имкони йўқ,
Негаким, қилмиш ўзи жафф ал-қалам[3].

Кимки, ондин ортуқ-ўксук[4] истагай,
Бордур онинг жаҳли ортуқ, ақли кам.

Тенгри эҳсониға шод ўлған, қилур
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.

Шокир[5] ўлмай улки, озу ҳирсдин[6],
Доим этгай ўзни ғамгин, кимга ғам.

* * *

Кишики, илгини устун тилар, сахо қилдик,
Қўлида заҳри ҳалоҳилу[7] гар Хизр суйидур –

---

[1] *Жунун* – ошиқлик, беқарорлик, савдойилик.
[2] *Дамсоз* – ҳамдам, сирдош, ҳамдард.
[3] *Жафф ал-қалам* – қаламнинг ёзишдан тўхташи; иш тугаши.
[4] *Ўксук* – кам, оз
[5] *Шокир* – шукр қилувчи.
[6] *Озу ҳирс* – тамаю ҳирс.
[7] *Ҳалоҳил* – ўлдирувчи, ҳалок этувчи.

Ки, бергучи агар ўлсун гадою олғучи шоҳ,
Берур илик юкорию олур илик қуйидур.

* * *

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор –
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиг.

Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса –
Ким, ёмонлиғ қилмаса, қилғанча бордур яхшилиғ.

* * *

Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.

Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма
Нашот неъматининг миннатини Ҳотамдин.

* * *

Эрур аҳли ҳунар қошинда ҳунар
Айб ёпмоқ, доғи ҳунар топмоқ.

Ҳунарин элнинг ошкор этмак,
Йўқ эса бари айбини ёпмоқ.

* * *

Оғзинга кирган такаллум[1] риштасин чекма узун –
Ким, бу иштин сарнигунлуқ[2] юзланиб, нуқсон келур.

Кўрки, чун огзиға кирган риштасиға берди тул[3],
Анкабут ул риштадин ҳар дам нигунсор[4] осилур.

* * *

Пок раҳравлар била ҳар кимки, бўлди мухталит[5],
Шак эмастурким, натижа топмас илло поклик.

---

[1] *Такаллум* – сўз, нутк.
[2] *Сарнигунлуқ* – тўнтарилганлик; шармандалик.
[3] *Тул* – узунлик.
[4] *Нигунсор* – боши эгик, тескари.
[5] *Мухталит* – аралашган, бирлашган.

Ҳар неча бўлса ариғсиз[1] чун ариғлиғ су аро
Хилт[2] бўлди, мумкин эрмас қолмоғ ул нопоклик.

* * *

Киши йигитлар ила ишқибозлиғ қилса,
Йигитлигида эрур хўбу мунда эрмас шак.

Қариға тавбаву тақво керак ва гар бу ҳарф
Ўзини йиғмаса, хуштур саколиға кулмак –

Ки, пўя қилса назар солғали йигитларга,
Валек жисми асо истаса, кўзи айнак.

* * *

Уйда равнақдурур, агар кишига
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону[3].

Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону[4].

* * *

Кўнглида чун ҳаво қилур туғён,
Умри шамъиға еткурур нуқсон.

* * *

Вужудинғ нафъю мавжудунгни базл эт,
Чу мавжуд ўлди бу иш, коминга ет –

Ки, фақр ичра нимаким еткурур суд,
Эрур нафъи вужуду базли мавжуд.

---

[1] *Ариғсиз* – нопок. *Ариғлиғ* – поклик.

[2] *Хилт* – аралашма, аралашиш. Эски тиббиётга кўра, киши бадани таркибига кирадиган тўрт модданинг бири.

[3] *Ҳамзону* – ёнма-ён, бирга.

[4] *Кадбону* – уй бекаси, хоним.

* * *

Манга етса минг зулм неши фалондин,
Иложида ҳолимға ҳайрон қолурмен.

Жафо қилғали кўйса вайронима юз,
Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен.

* * *

Деди ҳазрати муҳофиз[1] коинот,
Анга ким эди ҳузнин ўкситгучи –

Ки, дунёда бўлғил нечукким ғариб
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

* * *

Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,
Меҳр боринда ёруғлуғ кўз тутар зарротдин.

* * *

Тамаъ этма кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин Ҳақ хазинасин холи.

* * *

Етар чу ризқинг, агар хорадур ва гар ёкут,
Ўзунгга юклама андуҳ тоғин, истаб қут.

* * *

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват[2] барча қилмоқдур, демак йўқ.

---

[1] *Муҳофиз* – ҳимоя қилувчи.

[2] *Футувват* – X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда золим ҳукмдорларга қарши курашиш, юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. У жавонмардлар, фатийлар, ахийлар, айёрлар деб ҳам юритилган.

* * *

Такаллуф эрур танға фарсудалиқ[1],
Анинг таркидур жонға осудалиқ.

* * *

Музаввир[2] макри бўлди мужиби қайд,
Нечукким, тулку лаъби[3] боиси сайд.

* * *

Қотиқ эл жисмидин анбарлар олмай нақд эмас восил –
Ки, тоғни пора-пора қилмайин лаъл ўлмади ҳосил.

* * *

Ранжкаш[4] бўлким, чу тортар чуғз вайрон ичра ранж,
Аждаҳодин бийми йўқ, аммо эрур уммиди ганж.

* * *

Эл ичра, эй ҳасуд, сени қилди Ҳақ залил –
Ким, ноҳақ элга зидсену Ҳақ молиға бахил.

* * *

Халиқ ўлғон сахийдин элға бўлди икки бахшойиш[5],
Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

* * *

Ёлғон демакда тажриба аввалғи субҳ бас,
Ёлғон нафас чу урди, қороруи ҳамул нафас.

* * *

Авлиё поясиғадур[6] етмак,
Топмаса шукру топса базл этмак.

---

[1] *Фарсуда* – ҳориган, чарчаган.
[2] *Музаввир* – макру ҳийла қилувчи, риёкор.
[3] *Лаъб* – ҳийла, найранг.
[4] *Ранжкаш* – азоб чекувчи.
[5] *Бахшойиш* – туҳфалар, эҳсонлар.
[6] *Поя* – мартаба, даража.

* * *

Базл ҳайвонвашлар[1] илгидин агар истар кўнгул,
Уйладурким, орзу қилғай буғу шохида гул.

* * *

Элни хор айлаган тамаъ билгил,
Доимо азза ман қанаъ билгил.

* * *

Кўнгулга футур[2] ўлмайин, роз очилмас,
Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочилмас.

* * *

Ғофил ўлма, назардин итса аду,
Шамъ ўчурганда, ел кўринурму.

* * *

Юқар ёмонлиғ ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмур аро илик урған қилур илкини қаро.

* * *

Дунёву уқбо[3] иккиси жамъ ўлмас, эй рафиқ,
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғариқ.

* * *

Аблаҳ они билки, оламдин бақо қилғай тамаъ,
Аҳмоқ улким, олам аҳлидин вафо қилгай тамаъ.

* * *

Истасангким, кўрмагайсен бевафолиг, эй рафиқ,
Қилма олам аҳли бирла ошнолиғ, эй рафиқ.

---

[1] *Ҳайвонваш* – ҳайвонсифат.
[2] *Футур* – шикаст, жароҳат.
[3] *Уқбо* – охират.

* * *

Жаҳон аруси учун, эйки, асру толпиндинг,
Қачон анинг бошидин кечтинг, ул замон тиндинг.

* * *

Улки, санга элдин эрур айбгў[1],
Элга доғи сендин ўлур айбжў[2].

* * *

Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?

* * *

Киши айбин юзига қилма изҳор,
Тааммул[3] айла ўз айбингга зинҳор.

[1] *Айбгў* – айбингни айтувчи.
[2] *Айбжў* – айб изловчи.
[3] *Тааммул* – сабр, бардош.

## «ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР»дан

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам.

* * *

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи ҳомил[1] ул.

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм[2].

* * *

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

* * *

Жумла жаҳон аҳли хато қилсалар,
Журм билан нома қаро қилсалар,

Номани оқ айламак осон санга –
Ким, йўқ ўшул амрда нуқсон санга.

---

[1] *Ҳомил* – юкли, юк кўтарувчи.
[2] *Тилисм* – тилсим.

* * *

Ҳар киши осию[1] гунаҳкорроқ,
Афв ила раҳматқа сазоворроқ.

* * *

Нукта сув янглиг эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни[2].

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта[3] сўзин сўзламаган яхшироқ.

Риштаға чун зоҳир эрур тору пуд[4],
Дурсиз анга рангию нақши не суд?

* * *

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

* * *

Сўз гуҳариға эрур онча шараф –
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг[5] буржи ул...

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул,
Борча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфти[6] доги инжулари сўзни бил.

---

[1] *Осий* – гуноҳкор, итоатсиз, исён қилувчи.
[2] *Чошни* – таъм, маза.
[3] *Ришта* – ип, тор, таноб; томир.
[4] *Тору пуд* – ўриш-арқоқ.
[5] *Ахтар* – юлдуз.
[6] *Суфт* – тешик.

Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дураридин[1] бўлубон жоласи.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

* * *

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз[2],
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

* * *

Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

* * *

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.

Ўрнида тишлар дури манзум[3] эрур,
Чун сочилур, қиймати маълум эрур.

Варду шажар[4] шоҳид эрур боғ аро,
Лек ўтун силкидадур[5] тоғ аро.

* * *

Бўлмаса эъжоз[6] мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

* * *

Назмда ҳам асл анга маънидурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар недурур.

---

[1] *Дурар* – дурлар.
[2] *Ганжи роз* – сир хазинаси.
[3] *Дурри манзум* – риштага тортилган дур, яъни мавзун ва равон шеър.
[4] *Шажар* – дарахт, ниҳол.
[5] *Силк* – тизим.
[6] *Эъжоз* – мўъжиза.

Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний[1] қошида хўб эмас.

Назмки, ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анға.

* * *

Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур –
Ким, гуҳари маъни анга хос эрур.

* * *

Субҳи азал[2] қилди чу деҳқони сунъ,
Одами хокийни гулистони сунъ.

Эсти насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарву ғулу райҳон сари,

Ким бу раёҳинға[3] етишди футуҳ[4],
Ўйлаки тан гулшаниға кирди руҳ.

Эрмас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул.

* * *

Кўнгул эрур булбули бўстони роз,
Қудс ҳаримида[5] бўлуб жилвасоз.

* * *

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи, кўнгул каъбаси.

---

[1] *Аҳли маоний* – маъно эгалари, донишмандлар.
[2] *Субҳи азал* – яратилиш тонги.
[3] *Раёҳин* – райҳонлар, гиёҳлар, гуллар.
[4] *Футуҳ* – очилиш, ечилиш, кушойиш.
[5] *Қудс ҳарими* – поклик ҳарами, яъни илоҳий олам.

* * *

Кимга бу олам сори очилса йўл,
Олам аро аҳли дил[1] ул бўлди, ул.

* * *

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Балки нишони анга имон эрур.

* * *

Бас ани инсон атағил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.

* * *

Улки, қилиб Тенгрига минғ йил сужуд[2],
Бўлса шақийи азалий[3] қайда суд?

* * *

Ҳар кишига хуш кўринур ўз иши.

* * *

Бўлмаса имон била кетмак иши,
Англаки, они деса бўлмас киши.

* * *

Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти-ю аҳли ҳалок.

* * *

Боштин-оёқ борча мусулмон эмас,
Кимки мусулмон, муни ёлғон демас.

---

[1] *Аҳли дил* – маърифат аҳли, орифлар.
[2] *Сужуд* – сажда, ибодат.
[3] *Шақий* – бадбахт, гуноҳкор.

* * *

Бил муниким, сен доги бир бандасен,
Кўпрағидин ожизу афгандасен[1].

Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғаву сенга тийра хок.

* * *

Кимсаки, шукр айласа, кўпрак берур.

* * *

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар тўъмасидур бори бил.

* * *

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин[2] англа куруғон ўтун.

* * *

Истаса топшурғонини Кирдигор[3],
Фикр қил ул дамки, жавобинг не бор?

* * *

Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб.

* * *

Кимгаки бир ришта етурдинг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

[1] *Афганда* – бечора, ожиз.
[2] *Нахли тар* – яшнаб турган дарахт.
[3] *Кирдигор* – Яратувчи, Худо.

* * *

Зулм ўзунга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил ани, бўлса санга ҳуш ёр.

* * *

Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам.

Журму гунаҳдин киши маъсум[1] эмас,
Таркини тутмоқ доғи мазмум эмас.

Ҳақнинг эрур саҳвсиз иш лозими,
Саҳв эрур лозимаи одами.

Саҳвунгга де узр, таваҳҳум[2] била,
Зулмдин эт тавба тазаллум[3] била.

Кимники бедодинг[4] этибдур асир
Бўл анга адл илги била дастгир[5].

* * *

Рўзи учун мунча фусунсозлиқ[6],
Мансаб учун мунча дағобозлиқ[7].

* * *

Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малойик паридан пардапўш[8].

---

[1] *Маъсум* – пок, бегуноҳ.
[2] *Таваҳҳум* – ваҳимага тушиш, қўрқиш.
[3] *Тазаллум* – зулм кўриш.
[4] *Бедод* – жабр, зулм, ситам.
[5] *Дастгир* – ёрдамчи, қўлловчи, йўл кўрсатувчи.
[6] *Фусунсоз* – найрангбоз.
[7] *Дағобоз* – ҳийлагар.
[8] *Пардапўш* – парда ёпувчи, сир яширувчи.

* * *

Одам аро, кўр, не тафовуттурур,
Қибла анга, Тенгри мунга буттурур.

* * *

Кимки хаёлиға келур мосиво[1],
Лофи муҳаббат анга эрмас раво.

* * *

Бим[2] ила ким Ҳақни парастиш[3] қилур,
Нафс нажотини тилаб иш қилур.

* * *

Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони доги бухл этмагил.

* * *

Бухл эрур борча сифатдин хасис,
Лек сахо жавҳари асру нафис.

* * *

Ақлки, таъриф этар авсофни[4],
Бухл била тенг тутар исрофни.

* * *

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот[5] учун,

Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

---

[1] *Мосиво* – Худодан бошқа нарсалар.
[2] *Бим (Бийм)* – хавф, хатар.
[3] *Парастиш* – топиниш, сиғиниш.
[4] *Авсоф* – васфлар, мақтовлар, таърифлар.
[5] *Мубоҳот* – фахр, ифтихор.

* * *

Бермагида маъри[1] эрур эътидол,
Лек эмас мавқеъида[2] базли мол.

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, ялангоч эмас.

От анга тортарки, юз илқиси[3] бор,
Сийм анға берурки, юз илғиси[4] бор.

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари[5].

* * *

Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас бермак эмасдур иши.

* * *

Они сахий англағил, эй ҳушманд[6],
Ким ани давлат қилибон сарбаланд,

Ҳоли агар яхшидурур, гар табоҳ[7],
Кимсадин этмас тамаъи молу жоҳ.

Ҳам неки Ҳақ берса қаноат қилур,
Ҳам неки амр этмиш итоат қилур.

* * *

Ўз ерида юз туман, ар бир дирам,
Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

---

[1] *Маъри* – кўриниш, намоён бўлиш.

[2] *Мавқеъ* – жой, макон, ўрин.

[3] *Илқи* – йилқи.

[4] *Илғи* – йилги.

[5] *Бадахшон* – лаълнинг кони, Кирмон – зиранинг ватани бўлгани учун бу ерда киноя қилинаяпти.

[6] *Ҳушманд* – ҳушёр, ақлли, зийрак.

[7] *Табоҳ* – бузуқ, хароб, вайрон.

* * *

Ғунча киби ҳурдани қилма тугун,
Тонгла чу сочқунг неки тугдунг бу кун.

Бухл ила чун ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмоғида кўксин шигоф[1].

* * *

Мунда экиб, анда ўрарсен яқин,
Жаҳд этким, бўлмағасен хўшачин[2].

Мунда экинларга тафовутдурур,
Яхшироги жуду саховатдурур,

Тарки тамаъ қилки, сахо ул эмиш,
Базлда сарф этки, ато ул эмиш.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермак учун олмоғанинг яхшироқ.

* * *

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж[3],
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

* * *

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Бандадурур Ҳотами Тоий санга.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

[1] *Шигоф (Шикоф)* – дарз, тешик, ёриқ.
[2] *Хўшачин* – бошоқ терувчи.
[3] *Дастранж* – касбу кор, меҳнат.

* * *

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

* * *

Тарки адабдин бири кулгудурур,
Кулгу адаб таркиға белгудурур.

* * *

Кулгуки ўз ҳаддидин ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.

* * *

Равшан этиб шамъни ҳар тун йиғи,
Елга бериб гунчани хандонлиғи.

* * *

Қаҳқаҳаким, ҳазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур[1].

* * *

Масхараким кулгу учун бож ер,
Бир дирам олғунча ики кож[2] ер.

* * *

Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.

* * *

Сажда гадо оллида эрмас карам,
Билки карамдур анга бермак дирам.

[1] *Рафтор* – юриш; хатти-ҳаракат.
[2] *Кож* – шапалоқ; изтироб, азият.

* * *

Гар эрур атфолу иёлинг[1] сенинг,
Будур аларға доги ҳолинг сенинг.

Улча эрур тифлға шойиста[2] иш,
Билки кичикликта эрур парвариш.

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Бириси қўймоқлиқ эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт.

Исмда кўп келди тафовут падид,
Бири Ҳусайн ўлди, бириси Язид.

Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анға илму адаб.

* * *

Завжаким, ул бўлса аниси ҳарам[3],
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.

Нафқа[4] била нафсни тутма дариғ,
Жонингға ифрот[5] ила ҳам урма тиғ.

Айламагил ҳулласини ранг-баранг,
Кийса доғи ҳужрада тутсун даранг[6].

Англасанг отланғуча ҳолотини,
Гар эр эсанг тутма анинг отини.

---

[1] *Иёл* – аҳли оила.
[2] *Шойиста* – лойиқ, мувофиқ, муносиб.
[3] *Ҳарам* – хос жой, Макка шаҳридаги масжид.
[4] *Нафқа* – бу ерда моддий ёрдам маъносида.
[5] *Ифрот* – ҳаддан ошиш.
[6] *Даранг* – бу ерда қарор топиш, ором маъносида.

Қилма равон ёр ила ағёр аро,
Таъбияи[1] кўй ила бозор аро.

Улки чиқиб кирди яна қўйнунгга,
Балки олибсен ажаб иш бўйнунгга.

Ғоза била қилди чу юзни қизил,
Юз қаролиқ фикридадур жазм бил.

Сочбоғини тоб ила чун солди банд,
Нафсу ҳаво бўйниға солди каманд.

Вусма[2] сори топти чу вобасталиқ,
Бўлди икки фитнаға пайвасталиқ[3].

Мунча қабоҳат била боқиб туруб,
Берсанг ижозат ани отлантуруб.

Ушбу бўлур ғайрату мардоналиқ,
Рашку ҳамият била афсоналиқ.

* * *

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Икки жаҳонингға тиларсен фазо[4],
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

---

[1] *Табиъя* – кўрсатиш, жой бериш.
[2] *Вусма* – ўсма.
[3] *Пайваста* – боғланган, уланган, туташ.
[4] *Фазо* – майдон, саҳн.

Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,
Хам қил адаб «дол»и[1] киби қоматинг.

Сўнгра раҳмнинг силасин[2] қарз бил,
Раҳм ўшул тоифаға фарз бил.

* * *

Кимки улуғроқ – анга хизмат керак,
Улки кичикроқ – анга шафқат керак.

* * *

Иззати ҳаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ доғи марғуб[3] эмас.

* * *

Гарчики, шаҳ базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.

Марҳами зимнида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур нешлар.

Гул кўринур, ёнида юз хори бор,
Бор эса бир айш, минғ озори бор.

* * *

Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон имкон эрур.

* * *

Яна буким, яхши-ёмон дема сўз,
Эл ёмону яхшисиға солма кўз.

Яна буким, ранж етар, гар тааб,
Асра ёмон-яхшиға шарти адаб.

---

[1] *Дол* – араб алифбосидаги «д» ҳарфи; мажозан эгилган, букик.

[2] *Сила* – инъом, эҳсон, яхшилик. *Раҳм силаси (Силаи раҳм)* – якинларига яхшилик қилиш.

[3] *Марғуб* – ёкимли, севимли.

* * *

Бўлса ғино шеваси оринг сенинг,
Фақр уйиға тушса гузоринг[1] сенинг.

Андадурур шарт тавозуъ санга,
Ўтрусида қатъи тавақкуъ санга.

Чарх киби етса забардастлиқ,
Ер қуйисида тиламак пастлиқ.

Етса ғаму ғусса юки тоғдек,
Бўлмоқ анинг остида туфроғдек.

Айламамак жола киби ёғса тош,
Рост бинафша киби юққори бош.

Вазъи тавозеъда вафо айламак,
Даъби адаб бирла ҳаё айламак.

То бу васила[2] била топиб қабул
Мақсади аслий сори бўлғай нузул[3].

* * *

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

* * *

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғани.

Ганжу тажаммулни ғино билмагил,
Балки ғино ганжи қаноатни бил.

---

[1] *Гузор* – ўтиш, кечиш.
[2] *Васила* – йўл, восита, сабаб.
[3] *Нузул* – тушиш, иниш.

Нақди қаноатға чу йўқдур фано,
Жаҳд эту бу нақд ила топғил ғино.

* * *

Кулбада дарвешки, қонеъдурур,
Фойиқ[1] эрур шаҳғаки, томеъдурур.

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадодур тамаъ этган киши.

* * *

Кимки қаноатдин эрур ҳужжати,
Яхши-ёмонға йўқ анинг ҳожати.

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.

* * *

Равшан эрур кўзки, тутар ком ила,
Гўшаи меҳроб ики бодом[2] ила.

Чунки оғизнинг емак ўлди иши,
Ҳарби[3] учун чекти ики саф тиши.

* * *

Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,
Зимнида[4] осойиш эрур яхшироқ.

---

[1] *Фойиқ* – ғолиб, забардаст; устун, афзал.
[2] *Бодом* – бу ерда бодом шаклидаги кўзга ишора.
[3] *Ҳарб* – жанг, уруш.
[4] *Зимнида* – орасида, ичида.

* * *

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори[1] бил.

Олтун исирғаки, қулоқ оғритур,
Зарҳал этукдурки, аёқ оғритур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг ўтук[2] ўлди оёқ осойиши.

* * *

Топса киши бодия[3] ичра зулол,
Олтун аёқ қайдау синғон сафол.

Сувға сафол ичра ҳаловатдурур,
Кўзгуга кул бирла тароватдурур.

Ташнаки, ул сув била истар фараҳ[4],
Қайда кирар кўнглига олтун қадаҳ.

* * *

Ошиға ким солса қилиб зийнат иш,
Зардагу[5] шалғам киби олтун-кумиш.

Борча нахуд[6] ўрнига дурри хушоб[7],
Реза чағандар[8] ерига лаъли ноб[9].

Юзида зарришта бўлуб заъфарон,
Қурси қамардин табақ устида нон.

---

[1] *Шаҳвор* – шоҳона, қимматбаҳо.
[2] *Ўтук* – этик.
[3] *Бодия* – чўл, дашт, саҳро.
[4] *Фараҳ* – хурсандчилик, шодлик.
[5] *Зардак* – сабзи.
[6] *Нахуд* – нўхат.
[7] *Хушоб* – тоза, тиниқ.
[8] *Чағандар* – лавлаги, қизилча.
[9] *Лаъли ноб* – тоза ва тиниқ лаъл.

Сабзаси нон узра зумуррад[1] бўлуб,
Турраси[2] хон ичра забаржад[3] бўлуб.

Тенгри учун, кел, ўзунг инсоф бер,
Ким киши оч ўлса, не навъ они ер.

Гарчики бор анда зарофат басе,
Дурлари тишларгадур офат басе.

Чайнаридин тишга ҳам озор ўлуб,
Ютмоғидин худ бўғуз афгор ўлуб.

Чунки ейилди бу такаллуфлуқ ош,
Ош дема, балки неча пора тош.

* * *

Икки қаро пул чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.

* * *

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч[4]
Беҳки[5], биров миннати бирла кулоч[6].

* * *

Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул тамаъ эл ичра хор.

* * *

Сабру қаноат боридин яхшироқ.

---

[1] *Зумуррад* – зумрад, яшил тусли қимматбаҳо тош.
[2] *Турра* – соч, зулф.
[3] *Забаржад* – сариққа мойил яшил тусли қимматбаҳо тош.
[4] *Умоч* – таом номи.
[5] *Беҳ* – яхши, афзал.
[6] *Кулоч* – ширин кулча.

* * *

Ким сориким, Тенгрининг эҳсони бор,
Тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор.

* * *

Хомтамаъ даҳрда ранжур эрур.

* * *

Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,
Бор эса берсанг худ эрур ул карам.

* * *

Ҳар кишига қилди биров бир вафо,
Махласи[1] йўқдур кўрубон минг жафо.

* * *

Неча самар[2] сочмоқ эса шох иши,
Кўпрак отар тош анга терган киши.

* * *

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.

* * *

Шамъ ёрутуб эв[3] ичу тошини,
Эв ияси кўпрак узуб бошини.

* * *

Ҳар кишига етса фалакдин гаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдаме,

[1] *Махлас* – нажот топиш, кутулиш.
[2] *Самар* – мева, ҳосил.
[3] *Эв* – уй.

Роз лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳар неки кўнглида эрур тўкмаса,

Дард ёқиб шуълаи нобудини,
Чархдин ўткаргай анинг дудини.

Тиғи бало кўксини чок айлагай,
Дард они бир дамда ҳалок айлагай.

* * *

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Ёр деган ёри вафодор эмиш.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

Шамъки, йўқ анда зиё тўшаси[1],
Ўтсиз эрур ўйлаки, муз шўшаси[2],

Ёрки, бор анда вафо – ёр бил,
Умр деган ёри вафодор бил.

* * *

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз.

* * *

Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд[3] эрур,
Ёнса йиғоч, ёлғуз иши дуд эрур.

---

[1] *Тўша* – озиқ-овқат, йўл озиғи.
[2] *Муз шўшаси* – муз тарнови, муз сумалаги.
[3] *Ғамандуд* – ғамли, қайғули.

Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?

* * *

Синса қаламнинг шақидин[1] бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи.

* * *

Дур нечаким, айбдин ўлди йироқ,
Лаъл ҳам ўлса ёнида яхшироқ.

Жумла жаҳон шоҳлиғидин ори бор,
Кимки гадодур доғи бир ёри бор.

Шоҳки, йўқ ҳамдаму ёри анинг,
Кўнглида кўп бўлғуси бори анинг.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ[2].

Ёр эрур андоқ гуҳари бебаҳо –
Ким, анга муҳтож не шаҳ, не гадо.

* * *

Қайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш[3],
Ақл ўлуб ул ўт уза хошокваш[4].

* * *

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.

---

[1] *Шақ(қ)* – ёриш, иккига бўлиш.
[2] *Сабукборлиқ* – енгиллик, хотиржамлик.
[3] *Шуълакаш* – ёндирувчи, ҳарорат берувчи.
[4] *Хошокваш* – хашакка ўхшаган.

* * *

Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

* * *

Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши,
Ўйлаким ўт шамъ ила ёққай киши.

Ҳар нечаким ҳусн диловезроқ[1],
Ишқ ўти эл кўнгли аро тезроқ.

Лутфу тароват нечаким гулда кўп,
Ҳасратидин ғулғула булбулда кўп.

* * *

Мушкил эмас ишққа жон ўртамак,
Ўтға не душвор жаҳон ўртамак.

* * *

Пил[2] бўлур ишқ анга келтурса зўр,
Пил аёги остида андоққи мўр.

* * *

Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,
Борча киши ишқда содиқ эмас.

* * *

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

* * *

Ишққи, ҳар шойибадин[3] пок эрур,
Ҳар неки қилса киши не бок эрур.

---

[1] *Диловез* – кўнгилни олувчи.
[2] *Пил* – фил.
[3] *Шойиба* – нуқсон, камчилик.

* * *

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав[1] эса чарх не андешаси.

* * *

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб[2],
Хамлигидин тушса йироқ, йўқ ажиб.

* * *

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро,
Шоҳиди базм[3] ўлди шабистон аро.

* * *

Ростдур ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур

Бўлса илик эгрилик ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар.

Кўзки, эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.

* * *

Ҳар кишиким, истаса тузлукка ғавр[4],
Англадик ониким, эрур икки тавр:

Бир буки, туз бўлса кишининғ сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи,

Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.

Яхшидур аввалғиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.

[1] *Кажрав* – эгри юрувчи.
[2] *Қариб* – якин.
[3] *Шоҳиди базм* – базм гўзали.
[4] *Ғавр* – талаб; ҳақиқат, моҳият.

* * *

Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши ғайри каму костлиқ.

Давр чу кажликка қилур иқтизо,
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.

Туз иши йўқ гунбази давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг.

Ул кишиким, тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга.

* * *

Эгрию туз васфи муҳаққақдурур[1],
Ботил эрур эгрию туз ҳақдурур.

* * *

Шамъки, тузлук била масрур ўлур,
Гарчи куяр, бошгин-аёқ нур ўлур.

* * *

То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда, жангал ҳамон.

* * *

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

* * *

Улки, шиор айлади ёлгон демак,
Бўлмас ани эру мусулмон демак.

Нечаки жаҳд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши.

[1] *Муҳаққақ* – ҳақиқат.

* * *

Кимсага ҳар шевада қаллоблиқ,
Андин эрур яхшики, каззоблиқ[1].

* * *

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб[2], дер эл, чин деса, ёлғон сўзин.

* * *

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт.

Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга.

Кимки чини эл аро ёлғондурур,
Ёлғони чинликка не имкондурур?

* * *

Неча зарурат аро қолғон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

* * *

Дер эди: ёлғон демаким, шум эрур,
Кизб туз эл оллида мазмум эрур,

* * *

Ҳар кишиким ростни бехост[3] дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

* * *

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға таҳсин дегил.

---

[1] *Каззоблиқ* – ёлғончилик, маккорлик.
[2] *Кизб* – ёлғон, найранг.
[3] *Бехост* – беихтиёр, кутилмаганда.

* * *

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хордурур олиму жоҳил азиз.

* * *

Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,
Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд.

* * *

Разлға рифъат, билик[1] аҳлиға ранж,
Тоғ уза хорову ер остида ганж.

* * *

Яхшиға андин ғаму озор эрур,
Боғда ғул ҳамнафаси хор эрур.

* * *

Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.

* * *

Кўнгли уйин илм этибон бир жаҳон,
Қатрада ул навъки, дарё ниҳон.

* * *

Кўр, не малаквашни қилиб нафси дун,
Деви лаин оллида хору забун.

* * *

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

[1] *Билик* – билим.

* * *

Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.

* * *

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмиға шойиста амал айласа.

Солмаса кўз жифаи дунё сари,
Боқмаса туз дуняйи фони сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳар не десанг, они бил.

* * *

Кунгаки, урёнлиқ эрур зийнати,
Тира бўлур, бўлса булут хилъати[1].

* * *

Хушроқ эрур шаҳд кадудин[2] йироқ,
Мушк агар нофаси йўқ яхшироқ.

* * *

Эр кишига хилъат ила не шараф,
Дурға не нуқсон йироқ ўлса садаф.

* * *

Қайси чибин кисвати[3] заркордур[4],
Еридурур қайдаки мурдордур.

* * *

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

---

[1] *Хилъат* – бу ерда инсон вужуди маъносида.
[2] *Каду* – қовоқ.
[3] *Кисват* – кийим, либос.
[4] *Заркор* – заррин.

* * *

Нафъ етурмакка шиор айладинг,
Ўзунгга ул нафъни ёр айладинг.

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

* * *

Нахлға деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мевау гул бермак иш.

* * *

Улки, зарар шевасини тавр[1] этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Улки, ушатур босибон шишани,
Қилмас аёқ захмидин андешани.

Шуъла тушуб хасғаки, тортар алам,
Чун они куйдурди, ўчар ўзи ҳам.

* * *

Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

* * *

Ҳаққи, биров хилқатини қилди пок,
Севмаса нопок эл они не бок.

* * *

Меваға мағз ўлса, бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

[1] *Тавр* – одат, шиор.

* * *

Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.

Чунки ёмон кўпрак эмиш, яхши оз,
Жазмки, оз ўлғусидур яхши роз.

Ҳақ сўзи дун халқдин имкон эмас,
Дев тили лойиқи Қуръон эмас.

Чунки эрур асли ёмон нописанд,
Айламас ул яхшини асло писанд.

* * *

Дунки, ёмон феъли анга хушдурур,
Жазмки, эл яхшиси нохушдурур.

Бўлди чу эл қилғониға айбжўй,
Мумкин эмас бўлмомоғи айбгўй.

Айб кўзи чунки бўлур тезбин[1],
Заҳр кўрар гарчи эрур ангубин[2].

Улки, хаёли бори фосиддурур,
Борча салоҳ аҳлиға ҳосиддурур.

* * *

Яхшиғадур аҳли ҳасад заҳмати,
Накднинг ўғридин эрур офати.

* * *

Меҳрки, равшанлиқ этар фош ани,
Кимга гунаҳ кўрмаса хуффош ани.

[1] *Тезбин* – тез кўрувчи.
[2] *Ангубин* – асал.

* * *

Сувки, берур элга ўлумдин амон,
Тийра қилур ўтға етишган замон.

* * *

Ғулки[1], маъвоси биёбон эрур,
Гулшан анинг кўзига зиндон эрур.

* * *

Лек қуёш жавҳари чун келди пок,
Бўлса булут нуриға монеъ не бок.

Тушса хазаф[2] остиға рахшон гуҳар,
Қайда гуҳар қадрига андин зарар.

* * *

Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.

* * *

Хайр муяссар гар эмас эл[3] била,
Нафъ тегурмак ҳам ўлур тил била.

Ганж бериб, бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб,

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

---

[1] *Ғул* – дев, жин.
[2] *Хазаф* – сопол.
[3] *Эл* – кўл.

Бир сўз этиб онча балиятни дафъ,
Ким сочибон ганж етишмай бу нафъ.

Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулшани одам самари сўздурур.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглида андешаси.

Кўнгли киши хушлуғидин хуш керак,
Нохуш агар бўлса, мушавваш[1] керак.

* * *

Одамий эрсанг, демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

* * *

Улки, киши ўлмагидин шод эрур,
Гўркану[2] ғосибу[3] жаллод эрур.

* * *

Мўр терар ҳар неки, сочқай киши,
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

* * *

Бил яна бир мартаба мундин баланд,
Ким анга йўл топмоқ эрур аржуманд.

Қайсидур ул базл очуқ юз била,
Тутмоқ ачиқ бода чучук сўз била.

* * *

Олтун агар тожга зийнатдурур,
Устида дур бўлса не нисбатдурур.

---

[1] *Мушавваш* – ташвишли, беором, паришон.
[2] *Гўркан* – гўрков.
[3] *Ғосиб* – зулму ситам билан тортиб олувчи.

* * *

Чарх эрур шўъбадасанж[1], эй кўнгул,
Топма фириби била ганж, эй кўнгул.

* * *

Кимники тахт узра қилур аржуманд,
Тахта уза оқибат айлар нажанд[2].

* * *

Ҳар киши шаънинки, рафеъ айлади,
Амриға оламни мутеъ айлади.

Қилди яна жавр била зердаст[3],
Даст-бадаст[4] айлади туфроққа паст.

* * *

Бирга вафо айламади чархи дун,
Кимники чекти, яна қилди нигун.

Давлату иқбол била бўлма шод,
Меҳрига ҳам айламагил эътимод.

* * *

Етса ажал муҳтасиби[5] нетгасен,
Дафъиға тадбир не навъ этгасен?

* * *

Итки, қазон ошиға тегурди тил,
Юз қаролиқ бирладурур юз қизил.

---

[1] *Шўъбадасанж* – найрангбоз.

[2] *Нажанд* – хор, паст.

[3] *Зердаст* – мағлуб, тобе.

[4] *Даст-бадаст* – қўлма-қўл.

[5] *Муҳтасиб* – ислом маросимлари, шариат қоидалари ва жамоат тартибини назорат қилувчи амалдор.

* * *

Улки, улус қатлиға жаллод эрур,
Ўғлини ўлтурса доғи шод эрур.

* * *

Улки, кемур[1] сотмоғин айлар шиор,
Юз қаро бўлмоқдин анга қайда ор.

* * *

Чуғзки обод аро манҳус[2] эрур,
Лек бузуқ кунжида товус эрур.

* * *

Май, не ажаб, танни ябоб[3] айласа,
Сел, не тонг, уйни хароб айласа.

* * *

Бодаға кўргузса киши хиралиқ[4],
Ақл чароғиға берур тиралиқ.

* * *

Эйки, вужудинг уйи хошок эрур,
Зор танинг худ бир овуч хок эрур.

Неча бу хошокка ўт урмоғинг,
Неча бу туфроғни совурмоғинг.

Дард ўтидур бодаву ҳирмон суйи,
Йўққи томуғ ўтию тўфон суйи.

Урма ул ўтни хасу хошокинга,
Қуйма бу сувни бир овуч хокинга.

---

[1] *Кемур* – кўмир.
[2] *Манҳус* – бехосият, шум, бадбахт.
[3] *Ябоб* – хароб.
[4] *Хиралиқ* – бу ерда майл кўрсатиш, берилиш маъносида.

Гарчи судек софию мавзун эрур,
Сулуғидин ўтлуғи афзун эрур.

* * *

Кўзки, ҳаё ашки тўкар чун саҳоб,
Қатрасининг ҳар биридур дурри ноб[1].

* * *

Кимки қазо илгида беихтиёр,
Тавба қилурда анга не ихтиёр.

* * *

Ғайри ризо ҳукми қазо бўлмади.

* * *

Тенгрига шаҳнинг туз эса нияти,
Нега чекар хайлу сипаҳ миннати?

Хоссаки, бир жоҳилу дуну табоҳ,
Жаҳду жид этгай тилаб ўзига жоҳ.

* * *

Эйки, хароб этти такаббур сени,
Солди такаббурға тасаввур сени.

* * *

Ҳар нимаким, шаръ хилофидур ул,
Тўккасен ар бодаи софидур ул.

* * *

Кимгаки жонондин эрур жон азиз,
Ҳайфки, қилғай ани жонон азиз.

[1] *Дурри ноб* – асл, қимматбаҳо дур.

* * *

Яхши эмас гар қилиб айтур киши,
Кўр не бўлур қилмайин айтур иши.

Кимгаки эрлик асари ёрдур,
Бир демас, ар қилғони минг бордур.

Кўрмаган эрликдин ўзин баҳраманд,
Бирни доғи қилмаса юз дер баланд.

* * *

Ҳар киши коме тиласа ёрдин,
Ёр иши махфий керак ағёрдин.

* * *

Саҳни гулистонки, самар йўқ анга,
Бир садафедекки, гуҳар йўқ анга.

* * *

Тушмаса яғрофдин ўт боғ аро,
Шох ўтундек нега бўлди қаро.

* * *

Оҳки, умр ўтти жаҳолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била,

Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлуб эрди шом.

Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим.

* * *

Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоғи бир ишга қилур иқтизо.

Ўнғача ғафлат била побастлиқ[1],
Жаҳл йигирмигачау мастлиқ.

Ўттузу қирқ ичра эрур айшу ком,
Ваҳки, манга ул доги эрди ҳаром.

Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу борча таназзул иши.

Етмиш аро вожиб эрур турмоғинг,
Сексон аро фарздур ўлтурмоғинг.

Тўқсон ағар бўлди, йиқилмоқ керак,
Юз аро жон таркини қилмоқ керак.

Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сори қилғай хиром.

Умри табиий дема, гар умри Нуҳ,
Бор эса тавфиқдин[2] ўлмай футуҳ.

Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлум яхшироқ.

Умр эрур тақвию тоат учун,
Тенгри буюрғонға итоат учун,

Тоату тақви нечаким хушдурур,
Лек йигитлик чоғи дилкашдурур.

* * *

Бўлса ғаминг, жонинга солма алам,
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам.

[1] *Побастлиқ* – оёғи боғлиқлик, асирлик; гирифторлик.
[2] *Тавфиқ* – ёрдам, кўмак, мадад.

* * *

Ишга неча саъблиқ имкон эрур,
Ким ани осон тутар, осон эрур.

* * *

Шод ани бил даҳрда – ким ғам емас,
Даҳр иши чун гам егали арзимас.

Чунки жаҳон боғи вафосиздурур,
Умр ғули анда бақосиздурур.

Боғки, вардиға бақо бўлмағай,
Вардки, боғиға вафо бўлмағай.

* * *

Умрки, хориждурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти – анга етмас киши.

Келмаганидин доғи оқил демас,
Не десун ул ишники, маълум эмас.

* * *

Ҳолки, бўлди санга бир ону бас,
Анда не ғамгинлик этарсен ҳавас.

* * *

Қайси нафас айшга топсанг маҳал,
Англа ғаниматки, эрур бебадал.

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким санга ул бир нафас эрур анис.

* * *

Бу бари инъому ато бир тараф,
Жавҳари ақл ўлди яно бир тараф,

Ким бу сифат гавҳари рахшандани[1],
Қайси гуҳар, дурри дурахшандани[2].

Дуржи вужудингға ниҳон айлабон,
Дуржни ул нақд ила кон айлабон.

Борча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розиға мушарраф сени.

Топшурубон дурри амонат санга,
Қилди карам тожи каромат санга.

* * *

Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

* * *

Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлик доғи.

* * *

Асра ўзунғни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин!

* * *

Қилма улус ирзу[3] иёлиға қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд.

* * *

Бир нафасе қайғудин озод бўл,
Ёру мусоҳиблар ила шод бўл.

[1] *Рахшанда* – порлоқ , мунаввар.
[2] *Дурахшанда* – порлоқ, равшан.
[3] *Ирз* – номус, иффат.

* * *

Боғ аро кўрсанг гули навхоста[1],
Борча учун суҳбат эт ороста.

Чорла муроот ила асҳобни,
Инда такаллуф била аҳбобни.

Жонни алар мақдамидин[2] гулшан эт,
Кўзни алар чеҳрасидин равшан эт.

Базл тариқини шиор айлагил,
Ҳар неки боринғни нисор айлагил.

Жонинг агар ком эса ихвонингга[3],
Сарф эту қўй миннатини жонинга.

Жонни бу жамъият ила шод қил,
Сўнгги паришонлиғидин ёд қил.

* * *

Ҳар кишиким, бор эса ёри анга,
Ҳар кишиким, ёр эса бори анга.

Ком била васлни айлаб ҳавас,
Топса бу комиға даме дастрас...[4]

Бўлди эса васл аро коме анга,
Истаса филжумла давоми анга.

Ҳаққа тилин шукргузор[5] айласун,
Шукр тариқини шиор айласун.

---

[1] *Навхоста* – янги очилган.
[2] *Мақдам* – қадам қўйиш, ташриф буюриш.
[3] *Ихвон* – биродар.
[4] *Дастрас* – эришиш.
[5] *Шукргузор* – шукр қилувчи.

Шояд ўшул шукр ила бир неча дам,
Урғай ўшул васл ила бир неча дам.

Комини қилсун Ҳақ анинг бардавом,
Жониға берсун бу давом ичра ком.

* * *

Асра, Навоий, бу нафас муғтанам,
Лек дегил ҳар нафасе шукр ҳам.

* * *

Адл ила олам юзин обод қил,
Ҳулқ ила олам элини шод қил.

* * *

Олам аро ҳар не ҳувайдодурур[1],
Сирри анинг зимнида пайдодурур.

Қайда зуҳур айласа моҳияти,
Музмар[2] эрур зотида хосияти.

* * *

Бил муниким, умр вафосиздурур,
Давлат ила жоҳ бақосиздурур.

* * *

Даҳр биносини хароб англағил,
Не кўрунур анда, сароб англағил.

* * *

Жумла жаҳон фонийи мутлақдурур,
Боқийи мутлақ тиласанг Ҳақдурур.

[1] *Ҳувайдо* – аён, ошкор, равшан.
[2] *Музмар* – яширин, пинҳон, махфий.

* * *

Бўлмаса Ҳақ ёдидин огоҳлиқ,
Билки гадоликча эмас шоҳлиқ.

Бўлса гадо Тенгридин огаҳлиғи,
Бордур анга икки жаҳон шаҳлиги.

* * *

Етса зафар билма илик кучидин,
Бил зафару фатҳни бергучидин.

* * *

Шаҳлигинга айламагил эътибор,
Ҳақ ғазабу лутфиға қил эътибор.

* * *

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

* * *

Нафским, ул айши мудом истагай,
Санга гунаҳ, ўзига ком истагай.

* * *

Неча улуғ эрса гунаҳ хирмани,
Елга берур оҳу надомат ани.

* * *

Журм ўтиким, шуъласи пайваст эрур,
Узр сиришки суйидин паст эрур.

* * *

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир[1],
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир[2].

[1] *Дилпазир* – ёқимли, дилга хуш келувчи.
[2] *Ногузир* – ночор, ноилож.

* * *

Неча маразға[1] гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам заҳр эрур судманд.

* * *

Бормоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулар андин бадан.

* * *

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш ила қилма нажанд.

* * *

Поядин ортуқ киши урса қадам,
Бими йиқилмоқдуру ранжу алам.

* * *

Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон[2] эмас.

* * *

Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлуб, сўнгра пушаймон ема.

* * *

Оз иш учун тунд итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўқ, ар кечрак ўлур қатл иши,
Ўлса сўзунг бирла тирилмас киши.

[1] *Мараз* – касаллик, хасталик.
[2] *Яксон* – тенг, баробар, бир хил.

* * *

Ҳар кишинингким, сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар[1], нечаким чин деса.

* * *

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззобхўй[2].

* * *

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушса терар ўғлон-ушоғ.

* * *

Носиҳи содиққи, эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз.

* * *

Билки киши ўлмади тақдирсиз.

* * *

Шоми ажал уйида ётмас киши,
Умр куни гўрга ботмас киши.

* * *

Икки қадам ёнғуча етгач алам,
Саъй қилу илгари қўй бир қадам.

* * *

Қилмади минг душмани кинхоҳ[3] ўқи
Ул яраким, айлади бир оҳ ўқи.

---

[1] *Бовар* – ишониш.
[2] *Каззобхўй* – ёлғончиликни касб қилиб олган одам.
[3] *Кинхоҳ (Кинахоҳ)* – кекчи, ёмонликни кўзловчи.

* * *

Кўрмагасен йўл аро ранжу надам[1],
Ҳар қадаме ўрнига қўйсанг қадам.

* * *

Ҳар киши кўзинки тамаъ очти кенг,
Қатрау дарё эрур оллида тенг.

Олибу изҳори шикоят қилиб,
Кўпни оз ўрнида ҳикоят қилиб.

* * *

Бор эса Рустамча биров қуввати,
Ҳотами Тойича анинг ҳиммати.

Илгида Қорунча бўлуб ганжу мол,
Топмоқ эрур халқ ризосин маҳол.

* * *

Лек не иш кимгаки, тақдир эрур,
Анга шуруъида[2] не тадбир эрур.

* * *

Шеърдур улким, демаги суд эмас,
Кўп деса, худ гайри зиён буд эмас.

[1] *Надам* – пушаймон, афсус, надомат.
[2] *Шуруъ* – бошлаш, ишга киришиш.

## «ФАРҲОД ВА ШИРИН»дан

Керак шер оллида ҳам шери жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги[1].

* * *

Яна бир буки, ҳеч иш ҳодис[2] ўлмас
Биравгаким, анга бир боис ўлмас.

* * *

Бўлуб дунёу дининг жаҳлдин ҳеч,
Кел, этма жаҳлу мундоқ жаҳлдин кеч.

* * *

Кишиким, ичса ҳиммат базмидин жом,
Топар ул жомдин комин саранжом[3].

Не қушким, бўлса ҳимматдин қаноти,
Эмас паст ошёнга илтифоти.

Очиб ҳиммат қанотин насри тойир[4],
Эрур гардун шабистониға сойир.

Ким ўлса ҳиммат илкидин кушоди,
Не топсунким, топилғондур муроди.

---

[1] *Паланг* – йўлбарс.
[2] *Ҳодис* – содир бўлган, юз берган.
[3] *Саранжом* – оқибат, охир.
[4] *Насри тойир* – парвоздаги бургут.

Бийиклик келди ҳимматдин нишона –
Ки, ҳимматсизни паст этти замона.

* * *

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улуска майли беандоза бўлғай.

* * *

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак,

* * *

Бўлурдин даҳр бўстонида мавжуд
Эмасдур ғайри сўзу дард мақсуд.

* * *

Ки ҳар иш сориким, табъ ўлди мойил,
Эрур ўткармак андин ўзни мушкил.

Ҳавас тортиб синон[1] чун келтуруб зўр,
Бурун айлар хираднинг кўзларин кўр.

Бўлур мағлуб, ким бўлса ҳаваскеш[2],
Бу ишта тенгдурур султону дарвеш.

* * *

Чу кўрди мумкин эрмас тарки одат –
Ки, зотийдур шақоват[3] ё саодат.

* * *

Не сўзким, билмагайлар ибтидосин[4],
Хуш эрмас неча хўб этсанг адосин.

---

[1] *Синон* – найза.
[2] *Ҳаваскеш* – ҳавасга берилган.
[3] *Шақоват* – бахтсизлик, ярамаслик.
[4] *Ибтидо* – бошлаш, бошланиш.

* * *

Бировга қисмат оз бўлди бағоят,
Бировга бахшиш ўлди бениҳоят.

* * *

Дебонким: чун жаҳоннинг йўқ вафоси,
Эмас маҳкам амал қасри асоси.

Бақо айвони кўп олий эмастур,
Ҳаводисдин жаҳон холи эмастур.

Киши гар қилса минг йил подшолиқ,
Жаҳон мулкига айлаб кадхудолиқ[1],

Чу тортар оқибат жоми фанони,
Борур дам фаҳм этар бир дамча они.

* * *

Чаманда сарв бас раъно шажардур,
Йўқ андин нафъ, чунким бесамардур.

Шажарким, жуз латофат шеваси йўқ,
Ўтун ўрнидадур гар меваси йўқ.

Ёғиндин гар булут еткурмаса суд,
Ҳавода ул ҳамону бир қалин дуд.

* * *

Агар ўт ўчса, бўлмас ғусса ютмоқ,
Чу ахгар қолди, осондур ёрутмоқ.

* * *

Киши ҳар муддаодаким кўрар суд,
Яқин эрмас ани топмоғда беҳбуд.

[1] *Кадхудолиқ* – ҳукмронлик, подшоҳлик.

* * *

Ки, ғардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз.

* * *

Нечаким ақл пири зуфунундир[1],
Ҳавас атфоли илгида забундир.

* * *

Итикрак[2] эсди чун гулшан шамоли,
Чаманни борча гулдин қилди холи.

* * *

Бировким топса шаҳлиғдин раёсат[3],
Тузук бўлмас иши қилмай сиёсат.

* * *

Шаҳ ар тиги сиёсат қилмаса тез,
Чекилгай халқ аро юз тиғи хунрез[4].

* * *

Агар золимға йўқтур шоҳдин бок,
Эрур ул хушдилу мазлум ғамнок.

* * *

Сиёсатни биров чун қилди бунёд,
Бўлур тадриж[5] бирла табъи муътод.

Бу ишнинг лаззатин чун топти коми,
Бўлур ҳар лаҳза кўпрак эҳтимоми.

---

[1] *Зуфунун* – донишманд, илму фазилат соҳиби.
[2] *Итикрак* – тезрок, ўткиррок.
[3] *Раёсат* – раислик, бошлиқлик.
[4] *Хунрез* – кон тўкувчи; золим, ситамгар.
[5] *Тадриж* – аста-секин, даражама-даража.

* * *

Қарилиқ айбини ёшурса бўлмас.

* * *

Ҳавас бўлса қариға навжавонлиқ[1],
Хижолат зоҳир айлар саргаронлиқ[2].

* * *

Сақол оқи ўлумга пешравдур[3],
Тириклик сабзаси узра қиравдур.

Ани узмак йигит бўлмоқ ғамида,
Сақол юлмоқдурур ўз мотамида.

Ики-учни юлуб, юз айлаган реш,
Топар беш-олти кундин сўнг ўн-ўн беш.

* * *

Ғаразким макру ҳийлат бирла қори,
Ёнаолмас йигитлик кўйи сори.

* * *

Йигитлик айши бисёр ўлди, бисёр,
Қарилиқ ранжи душвор ўлди душвор.

* * *

Чу йўқтур эътимод умр ишига,
Қачон ўлмоқ яқин эрмас кишига?

* * *

Йигит истар қарилиқнинг навиди[4],
Қарига йўқ йигит бўлмоқ умиди.

---

[1] *Навжавон (Навжувон)* – ёш йигит.
[2] *Саргарон* – гангиган, довдираган, боши айланган.
[3] *Пешрав* – пешво, раҳнамо.
[4] *Навид* – хушхабар.

* * *

Бири улким, чу йўқ умр эътимоди,
Йигит-қариға тенғдур зулму доди.

* * *

Гияҳ юз минг бўлур бўстонда барбод,
Вале юз йил турар бир сарви озод[1].

* * *

Кичикларга кичикдур умр асоси,
Улуғларга улуғроқдур қиёси.

* * *

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

* * *

Агар шоҳ, ар гадодур одамизод,
Эмас бўйни қазо ҳукмидин озод.

Ёзилғон нуктани тағйир қилмоқ,
Эрур сув узра хат таҳрир қилмоқ.

Қазо килки не хатким қилди мастур,
Эмас ҳаргиз ани тағйири дастур[2].

* * *

Кишининг ер юзига ҳукми етсун,
Қазойи осмони етса нетсун.

* * *

Хирад гар бўлди эрса чорапайванд,
Натижа чорадин топқай хирадманд,

[1] *Сарви озод* – тик ва баланд сарв.
[2] *Дастур* – бу ерда одат, раем, қоида маъносида.

Гар ўлса чораға тақдир монеъ,
Керак бўлмоқ қазо ҳукмиға қонеъ.

* * *

Кўнгул дардиға дармондур насиҳат,
Қилоли улча имкондур насиҳат.

* * *

Муни билким, жаҳон фонийдур асру,
Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.

Агар топса Сикандар мулки зотинг,
Гар ўлса Нуҳ умрича ҳаётинг.

Чу кетмоқлик керактур бот, агар кеч,
Ҳамул давлат била бу умр эрур ҳеч.

* * *

Буким Ҳақ айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудликдин борча мақсуд.

Эрур Ҳақ амриға маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзур бўлмоқ.

* * *

Қуёшни зарра ёшурмоқ бўлурму?
Ҳубоб узра тенгиз турмоқ бўлурму?

* * *

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?!

* * *

Гар ўлса тарбият кам ё зиёда,
Табиат айламас тағйир зода[1].

[1] *Зода* – фарзанд.

* * *

Хирад деҳқони мундоғ нуктае дер –
Ки: «Дона сочқоли яхши керак ер».

* * *

Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Ағар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

* * *

Вале ҳар неки Тенгри қилса тақдир,
Кишиға йўқ ризодин ўзга тадбир.

* * *

Йилон нетгай уруб ниш аждаҳони,
Ит урмак бирла ёнмас корвони.

* * *

Хатодин холи эрмас одамизод,
Эрур Ҳақ ишда саҳв этмоқдин озод.

* * *

Ғазаб тиғин чиқорса подшаҳлар,
Улуғ мужримча[1] бордур бегунаҳлар.

* * *

Қамишлиқ ичра чун ўт тушди ногоҳ,
Қуруғ-ўл кул бўлур бўлғунча огоҳ.

* * *

Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр?
Деди: фурқат куни ишқи балошўр[2].

[1] *Мужрим* – гуноҳкор, айбдор.
[2] *Балошўр* – бало келтирувчи.

* * *

Киши гар кўксини юз пора қилсун,
Фалак бедодиға не чора қилсун?!

Анинг бедодидин ким бўлса ношод[1],
Қилур жониға бедод узра бедод.

* * *

Чақилса барқ олам ичра бебок,
Тура олғайму ўтрусида хошок?

* * *

Бағоят мушкул иш эрмиш, бағоят –
Ки, ошиқ нангу ном[2] этгай риоят[3].

* * *

Кишига ҳар неким келгай қазодин,
Давое яхшироқ йўқтур ризодин.

* * *

Неким бўлса қазойи осмони,
Кишиға бўлмас иснод[4] этмак они.

* * *

Вафосиздур чу хайли одамизод,
Вафосизни не қилсун одами ёд.

* * *

Топилмас Тенгри тақдирига тадбир.

---

[1] *Ношод* – ғамгин, хафа.
[2] *Нангу ном* – ор-номус, обрў-эътибор.
[3] *Риоят* – эътиборга олиш, андиша қилиш.
[4] *Иснод* – бу ерда нисбат бериш маъносида.

* * *

Тилаб ёқут, лахти хора топтинг,
Тилаб хуршид, оташпора топтинг.

* * *

... оқил қазоға айламас кин.

* * *

Гар оҳингдин чиқорсанг чарх уза дуд,
Не суд ондин сангау не манга суд.

* * *

Жаҳондин, раҳрав эрсанг, боғла маҳмил[1] –
Ки, осойиш ери эрмас бу манзил.

* * *

Уйеким, бир нафасдин бўлса барбод,
Не қўйсун оқил андог уйга бунёд?!

* * *

Кишининг неча кўпрак гавҳари пок,
Анинг бедодидин кўпрак аламнок[2].

Чу асли пок гавҳар келди ёқут,
Тешиб бағрини қон айлар анга қут.

Қуёшким коинот андин олур нур,
Қилур ҳар тун қаро туфроққа мастур.

* * *

Фатила дог учун ўт солса ҳардам,
Агарчи куйдурур, лекин куяр ҳам.

[1] *Маҳмил* – бу ерда тайёргарлик кўрмоқ маъносида.
[2] *Аламнок* – аламли.

* * *

Йилондин кимға захми бўлса ҳодис,
Ҳамул захм-ўқ бўлур қатлиға боис.

* * *

Нечук қилғай бир иш аҳли маоний –
Ки, суди озу кўп бўлғай зиёни?

* * *

Ҳариф эрмасдурур хороға шиша,
Чу тушти ўт, куяр хирмон ҳамиша.

* * *

Балиқ ҳоли бу бўлғай судин айру –
Ки, толпинмоқдин ўлғай истабон су.

* * *

Чу ошиқ бордур ўз қатлиға бебок,
Яналар қатлидин кўнғлида не бок.

* * *

Фалак чолок эрур гар зулм чоғи,
Эрур чобук[1] мукофотида доғи.

Бировғаким, бировдин етти офот,
Ҳамоноким, қатиғроқдур мукофот.

Бировким риштае узди жафодин,
Эваз тутмоқ керак кўз аждаҳодин.

Ким этти кул бир учқунни ниҳони –
Ки, барқи қилмади кул охир они?

Қасос амрида даврон келди чолок,
Дема давронки, сойир тўққуз афлок.

[1] *Чобук* – тез, чаққон, илдам.

Ситамдин бас иликни чекмак авло,
Вафоу меҳр тухмин экмак авло.

Чу мазраъ ичра сочтинг ҳар не дона,
Ҳамул дона кўтаргунг жовидона.

Чу маҳсулидин ўлмас кимса қочмоқ,
Керактур яхшилиқ тухмини сочмоқ.

* * *

Хирад ҳар кимгаким, Ҳақдин атодур,
Бу ишда эътироз этмак хатодур.

* * *

Эмас эл ройи бирла ҳукми тақдир,
Неким тақдир, анга бўлмиш не тадбир.

* * *

Янги ой бадрликдин[1] келди маҳжур[2],
Қуёшдин ҳар кеча касб этмаса нур.

* * *

Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

* * *

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм аҳли олинда хижолат.

* * *

Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис –
Ки, олим келди пайғамбарға ворис.

[1] *Бадр* – тўлин ой.
[2] *Маҳжур* – айрилиб қолган, маҳрум.

* * *

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.

* * *

Шаҳеким, илм нурин топти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.

Сикандар топти чун илму ҳунарни,
Не янглиг олди кўргил баҳру барни[1].

* * *

Вагар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг, не монеъ.

* * *

Улум ичра ўқусунг юз туман фасл,
Тамоми фаръу[2] дин илми эрур асл.

Бу дин илмики, хомам қилди таҳрир,
Эрур фиқҳу[3] ҳадису сўнгра тафсир.

Чу такмил[4] ўлди бу уч илм, сен бил,
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

* * *

Қаю жисмеки, онинг сиҳҳати йўқ,
Қилурға Тенгри амрин қуввати йўқ.

* * *

Қани Таҳмурасу[5] Жамшиду Заҳҳоқ[6] –
Ки, ҳар бир олди олам мулкини пок?

---

[1] *Баҳру бар* – қуруқлик ва сув, яъни бутун дунё.

[2] *Фаръ* – қисм, бўлак.

[3] *Фиқҳ* – ислом дини қонун-қоидалари тўғрисидаги илм.

[4] *Такмил* – тугатиш, охирига етказиш.

[5] *Таҳмурас* – қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб иккинчи ҳукмдор.

[6] *Заҳҳок* – пешдодийлар сулоласига мансуб бешинчи ҳукмдор.

Назар қилким, олиб неттилар охир,
Неким борин солиб кеттилар охир.

* * *

Кишидин яхши от қолғай жаҳонда.

Қила олғонча ул бўлсун шиоринг –
Ки, яхши от қолғай ёдгоринг.

* * *

Назар қилким, не амру наҳй[1] этар Ҳақ,
Ҳақ амру наҳйидин бош чекма мутлақ.

Неким қил деб турар, фавт[2] этмагил ҳеч,
Неларким қилма дебтур борчадин кеч.

* * *

Вагар ҳикматқа бўлса илтифотинг –
Ки, бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг.

* * *

Муфид[3] ашёға дойим иштиғол[4] эт,
Вале бор ишда майли эътидол эт.

* * *

Неким бўлса мизожингға гуворо[5],
Анға кўп майл қилма ошкоро.

* * *

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур хўб,
«Ямондин оз беҳким, яхшидин кўп».

* * *

Ғизо бўлса муфиду табъ роғиб[6],
Бас эт табъинг ҳануз ўлғонда толиб.

---

[1] *Амру наҳйи* – буюриш ва ман этиш.
[2] *Фавт* – бу ерда қўлдан бериш, ўтказиб юбориш маъносида.
[3] *Муфид* – фойдали.
[4] *Иштиғол* – машғуллик, шуғулланиш.
[5] *Гуворо* – тез ҳазм бўладиган, ёқимли.
[6] *Роғиб* – хоҳловчи, талаб қилувчи, мойил.

Бу доғи топмағунча ҳазм комил,
Баданни қилма ортуқ юкка ҳомил.

Агар ҳайвон суйидур ғайри мақдур,
Эрур гар меъда қилмас ҳазм, маъзур.

* * *

Қуёшким, солди олам ичра ёғду,
Етишти пашшадин Анқоға тегру[1].

Вале юз мунча ғар нур ўлса маълум,
Не маълум айлағай хуффош ила бум?[2]

* * *

Даниларға бировким зарфишондур,
Эшак оллиға тўкмак заъфарондур.

* * *

Не топқай кўпалак шамъ ўтидин завқ,
Керак парвона қуйгай кўргузуб шавқ.

* * *

Гулеким, даҳр боғин гулшан айлар,
Насими кўз чароғин равшан айлар.

Нечаким рангу бўйи жонфизодур,
Жуал хайлиға атридин вабодур.

Жуал кўнгли учун боғ ичра булбул,
Де олғаймуки, руҳафзо[3] эмас гул?

---

[1] *Тегру* – ... гача, ... га қадар.
[2] *Бум* – бойқуш, бойўғли.
[3] *Руҳафзо* – руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи.

## «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»дан

Зоҳидки, улуска қилғай иршод[1],
Солсанг томуғ ичра кимга ирод?[2]

Фосиқки, эрур бор иши муҳмал,
Ёрлиқасанг они кимга мудҳал?[3]

* * *

Бас, аввалғи садо сўз ўлғай,
Ҳар савтқа ибтидо сўз ўлғай.

* * *

Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен[4].

* * *

Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким баҳр суйини айлағай кам.

* * *

Ҳар табъки, зоти ўлса маҳрур[5],
Оз ҳирқат[6] этар танини ранжур.

---

[1] *Иршод* – тўғри йўл кўрсатиш, раҳбарлик қилиш.
[2] *Иродат* – истак, хоҳиш, ихтиёр.
[3] *Мудҳал (Мудхил)* – бахил, хасис.
[4] *Мавжвар* – мавж урувчи, тўлқинланувчи.
[5] *Маҳрур* – ҳароратли, иситмаси бор.
[6] *Ҳирқат* – бу ерда ғам, қайғу маъносида.

* * *

Заъф[1] ичра табиат ўлса мушфиқ,
Беҳрокки[2], туман табиби ҳозиқ![3]

* * *

Давлат иши саъй бирла эрмас.

* * *

Бефойда иш натижа бермас.

* * *

Дедики: «Не кимиё[4] эрур ишқ,
Не бориқаи[5] зиё эрур ишқ –

Ким, ҳар кишиники қилди ғамнок,
Ғашдин қилур ўйла қалбини пок.

* * *

Гар урса тикан аёғинга неш,
Кўнглунг аёғинг учун бўлур реш[6].

* * *

Инсонки, эрур чароғи биниш[7],
Бал чашму чароғи офариниш.

* * *

Одам била ваҳш келди кам жинс,
Одамға ҳам одам ўлди ҳамжинс.

---

[1] *Заъф* – кувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик.
[2] *Беҳроқ* – яхшироқ, афзалроқ.
[3] *Ҳозиқ* – моҳир, билимдон.
[4] *Кимиё (Кимё)* – нодир, ноёб.
[5] *Бориқа* – нур, шуъла.
[6] *Реш* – яра, жароҳат.
[7] *Биниш* – кўриш.

* * *

Гар васл иши маҳолвашдур[1],
Филҳол, бу мужда бори хушдур.

* * *

Ўткандин шиква[2] этса бўлмас,
Ҳар негаки, ўтти, етса бўлмас.

* * *

Дур тож уза айбдин йироқдур,
Лаъл ўлса ёнида яхшироқдур.

* * *

Ошиқлиқ иши эрур забунлуқ,
Меҳнат чаҳи ичра сарнигунлуқ.

* * *

Ҳар уйдаки, бўлса итга манзил,
Бўлмас малак ул уй ичра нозил?

* * *

Эр мажлиси ичра роҳ[3] эрур зеб,
Хотун кишига салоҳ эрур зеб.

* * *

Пардасини ғунча айласа чок,
Барбод этар они чархи бебок.

* * *

Пашша киму пиллик хаёли,
Ё мўрға шерлик мажоли.

---

[1] *Маҳолваш* – қийин, мушкул.
[2] *Шиква* – шикоят, нолиш.
[3] *Роҳ (Раҳ)* – йўл.

* * *

Бўлмоқ бу сифат бир ишда мағлуб,
Аҳли хирад оллида эмас хўб.

* * *

Ҳар дардки, Ҳақ кишига берди,
Ҳам Ҳақдин анинг давоси эрди.

* * *

Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.

* * *

Юз йил киши умр агар тилар, бил –
Ким, сабр керакдур анга юз йил.

* * *

Хирман сари тушса бир шарора[1],
Куймакдин эмастур анга чора.

* * *

Ит кимсага бевафолиғ этмас,
Бошин олиб ўзга сори кетмас.

* * *

Хуш давлат эрур висол шоми,
Очилмаса субҳи ҳажр доми.

* * *

Инсонники, халқ қилди Халлоқ,
Йўқ тийнат[2] анга бағайри[3] туфроқ.

[1] *Шарор* – учқун, аланга.
[2] *Тийнат* – хулқ, феъл, яратилиш.
[3] *Бағайри* – ... дан ўзга.

* * *

Ҳар кимгаки ишқ юз кетурса,
Ё машъали шавқ шуъла урса,

Тоғ эрсаки, сув қилур вужудин,
Нобуд этар набуду будин.

* * *

Рангин кўпалак[1] эрур дилафрўз[2],
Парвона киби эмас жигарсўз[3].

* * *

Парвонани ишқ этмаса маст,
Урғайму ўзини ўтқа пайваст?

* * *

Куйган киши кўргузур нишона.

* * *

Билким, не жаҳондадур вафое,
Не умр биносиға бақое.

Ҳам сув узадур жаҳон қарори,
Ҳам ел била умрнинг мадори –

Ким тупроғу сувға шод бўлғай,
Елга қачон эътимод бўлғай?

Юз йил киши гар жаҳонда шаҳдур,
Йўқ эрса гадойи хонақаҳдур[4].

Марг аждари чун огиз очар кенг,
Ютмоққа шаҳу гадо эрур тенг.

[1] *Кўпалак* – капалак.
[2] *Дилафрўз* – дилни ёритувчи; кўнгилни шод этувчи.
[3] *Жигарсўз* – бағирни куйдирувчи, изтиробга солувчи.
[4] *Хонақаҳ* – сўфийлар йиғиладиган, зикр тушадиган жой.

* * *

Бўл банда ато-аноға яксон –
Ким, Ҳақ деди волидайн эҳсон[1].

Қуллуқларин айла расму одат,
Кавнайн[2] аро бил муни саодат.

* * *

Нафс айласа фисқ ила табаҳқор[3],
Ҳақ оллида ўзни бил гунаҳкор.

* * *

Чекса гунаҳ ўти шуъла пайваст,
Қил они надомат ашкидин паст.

* * *

Тоатқа риёни айласанг зам,
Соғинмағил они фисқдин кам.

* * *

Журмеки, ёнидадур надомат,
Ул келди нажотдин аломат.

* * *

Ким чекса қадаҳ ниёз бирла,
Хушроққи, риё намоз бирла.

* * *

Зинҳорки, зулм риштасин уз,
Инсоф ила адл қасрини туз.

---

[1] *Волидайн эҳсон* – ота-она эҳсондир.
[2] *Кавнайн* – икки олам: бу дунё ва охират.
[3] *Табаҳқор* – бадкор, бузғунчи.

* * *

Мазлумға золим этса бедод,
Додин бериб, айла хотирин шод.

* * *

Не зулм қилурға элни қотқил[1],
Не зулм қўлин ўзунг узотқил.

* * *

Эл молин ўзунгга мол билгил,
Хайлин ўзунга иёл билгил.

Яъни нечук асралар иёлинг,
Маҳфуз[2] нечукки, турса молинг.

Андоқ бори эл иёлин асра,
Ўғридин амонда молин асра.

[1] *Қотмоқ* – бу ерда қўшилмоқ, аралашмоқ маъносида.
[2] *Маҳфуз* – сақланган, яширилган.

## «САБЪАИ САЙЁР»дан

Кўр билмас ёруғ эканни қуёш,
Кундуз учмоғ ғариб эрур хуффош.

* * *

Бум зулмоний ўлди пинҳоний,
Кўр этар они меҳри нуроний.

* * *

Нимжон пашша кўнглум айла гумон
Зўри нафсим нечукки пили дамон[1].

* * *

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кавн[2] ила макон сўнгра.

* * *

Аввалу охиринғға солғил кўз,
Бил ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз.

* * *

Ҳаққи, инсонни қилди маҳрами роз,
Ҳайвондин ул айлади мумтоз[3].

---

[1] *Дамон* – даҳшатли.
[2] *Кавн* – борлиқ, коинот.
[3] *Мумтоз* – танланган, сараланган.

* * *

Жисм бўстониға шажар сўздур,
Руҳ ашжориға самар сўздур.

* * *

Гулшаие келди жисми инсоний,
Нутқ онинг булбули хушалҳони[1].

* * *

Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.

* * *

Сўзки, жон гулшанида келди насим,
Бал кўнгул баҳри ичра дурри ятим[2].

* * *

Дурни суфт айламак аро ҳаккок[3]
Кўп қилур саҳв – бор эса бебок.

* * *

Барча мазҳабда фосиқи ранжур
Яхшироқдурким, зоҳиди мағрур.

* * *

Бир деганни ики демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти, дилкаш эмас.

* * *

Билки, жўянда[4] келди ёбанда[5].

---

[1] *Хушалҳон* – хушоҳанг.
[2] *Дурри ятим* – садаф ичида алоҳида етилган қимматбаҳо дур.
[3] *Ҳаккок* – тоштарош.
[4] *Жўянда* – изловчи.
[5] *Ёбанда* – топувчи.

* * *

Кимки, ишқ ичра мубтало бўлғай,
Ҳар не жуз васл, анга бало бўлгай.

* * *

Ишқ ила кимки, ошно бўлди,
Офият мулкидин жало бўлди[1].

* * *

Бодаким, олса ихтиёр элдин,
Не ажаб чиқса, ҳар не бор элдин.

* * *

Деди: «Ҳар ким бир ишни варзиш[2] этар,
Иш камолини кўр, не ерга етар!»

* * *

Шоҳким, қаҳри ўлса муставли[3],
Ул диёр ичра бўлмамоқ авли.

* * *

Ким ўзи кўксин ўзи чок этгай,
Ўзи жонин ўзи ҳалок этгай!?

* * *

Ишқ ўтиким, кўнгулдин олди фароғ,
Ашк ул ўтқадур су ўрниға ёғ.

* * *

Ёр ҳажри чу тийра қилса мизож,
Ҳеч ёр айламас ул ишга илож.

---

[1] *Жало бўлмоқ* – кетмоқ, тарк этмоқ.
[2] *Варзиш* – одат, кўникма.
[3] *Муставли* – ғолиб.

* * *

Ким: «ҳаводис еридурур олам,
Ондин озод эмас бани одам.

Ҳар не эл олиға ёзибдур Ҳақ,
Чора йўқ они кўрмайин мутлақ».

* * *

Кимсаким, топмағай таом ила баҳр,
Нўш қилғай таом ўрниға заҳр.

* * *

Жисмким, топмади ғизо била қут,
Бўлди сувдин йироқ тушган ҳут[1].

* * *

Ки: «Неким Тенгри айламиш тақдир,
Айлай олмас киши анга тадбир».

* * *

Не ажаб яхши сўздур ул масало[2] –
Ки: «бало яхшироққи, бими бало».

* * *

Гарчи келмак эрур иродат ила,
Лек кетмак эрур ижозат ила.

* * *

Одами жойиз ул-хато бўлмиш,
Бу хато борчаға раво бўлмиш.

[1] *Ҳут* – балик.
[2] *Масало* – масал.

* * *

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

* * *

Шаҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,
Сипаҳидин керакмас айрилмоқ.

Шаҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
Шоҳ эмасдур йўқ эрса анда сипоҳ.

Шаҳға хайл ўлса фатҳ онинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур.

* * *

Ҳар кишиким бировға қозғой чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ.

* * *

Ростдин нукта яхшироқ эрмас.

* * *

Ишки таҳқиқи бежиҳат бўлғай,
Сўрмоқ они не маслаҳат бўлғай?

* * *

Киши ўлғонға тиғи кин сурмас,
Бир ўлукни икита ўлтурмас.

* * *

Ўт аро ихтиёр ила сурмак,
Баҳра бермас, бағайри куйдурмак.

* * *

Киши юз қарн подшоҳ ўлса,
Тахтгиру[1] жаҳонпаноҳ ўлса.

Етти кўк гунбазида ороми,
Човуши[2] бўлса чарх Баҳроми[3].

Ҳам керак оқибат видоъ этмак,
Борчанинг таркини қилиб кетмак.

* * *

Аждаҳоедурур бу даҳри дани[4],
Элни ютмоқ чекиб шиору фани.

* * *

Эй кўнгул, боқмағил жаҳон ишига –
Ким, жаҳон қилмади вафо кишига.

* * *

Кимғаким Нуҳ бўлди киштибон[5],
Ғам йўқ ар кўкка мавж урар тўфон.

* * *

Кимки тахтин анинг самоға чекиб,
Ерга урмоқ учун ҳавоға чекиб.

* * *

Борчаға чун адам сори йўлдур,
Корвон ичра корвон улдур.

---

[1] *Тахтгир* – тахтни эгалловчи, ғолиб.
[2] *Човуш* – ясовул, хизматчи.
[3] *Баҳром* – Марс сайёраси.
[4] *Даҳри дани(й)* – тубан дунё.
[5] *Киштибон* – кемачи.

* * *

Ўзлугунгдек оғир юкинг йўқ, бил,
Ул оғир юкдин ўзни айла енгил.

* * *

Шаҳки, минг йил анинг ҳаётидур,
Ғараз ўлганда яхши отидур.

Минг йил ўлса ҳаёт маддиға[1] печ,
Ул замонким ўлар, эрур бари ҳеч.

Яхшилик бирла ғар қолур оти,
Бу эрур мужиби мубоҳоти.

* * *

Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига куту бағрига пайванд.

* * *

Чун ўғул айбини ато кўрмас,
Кўрса ҳам қилғонин хато кўрмас.

* * *

Ганж уммидидин улки, кўргай ранж,
Ранжи зоеъ эмас чу топқай ганж.

* * *

Гарчи даҳр аҳли ҳийласоз ўлғай,
Ёмони кўпу яхши оз ўлғай.

Лек кундузни дегучи кечадур,
Билса бўлғайки, даҳр аро нечадур?

[1] *Мадд* – чўзиқлик, давомлилик.

Шабпарак бирла бум қилса бу зўр,
Юз туман турфа қуш эмас худ кўр.

* * *

Гар зумураддин ўлса кўр афъи[1],
Ҳам зумуррад қилур анинг дафъи.

* * *

Гул иси гар жуал балосидур,
Ҳам ул ис-ўқ анинг вабосидур.

* * *

Тоғ илаким кесак қилур навард,
Чиқорур ургоч-ўқ ўзидин ғард.

* * *

Хас агар ўт била ситез айлар,
Ҳам ўзидин ул ўтни тез айлар.

* * *

Рўд[2] янғлиғ неча фигону хуруш?
Баҳр ўлуб, айлагил ўзунгни хамуш!

[1] *Афъий* – заҳарли илон; мажозан зулф, соч ўрими.
[2] *Рўд* – арик, сой.

## «САДДИ ИСКАНДАРИЙ»дан

Ғамим йўқтур ўлмакда эмгак учун,
Нединким туғар кимса ўлмак учун.

* * *

Эшиттимки, Ҳоруни[1] дарё ато
Демишким, чу афв айласам пурхато[2].

Агар билсалар халқким бегумон,
Не чоғлиғ топармен фараҳ ул замон.

Топарға иноят била парвариш,
Улус қилмағай журмдин ўзга иш.

* * *

Бировким эрур ганж вайронаси,
Не ғам аждаҳо бўлса ҳамхонаси.

* * *

Ярим йўлда қолмоқ эрур мушкил иш.

* * *

Башар хайлига тил тутулғон замон,
Тириклик ҳамон келди, ўлмак ҳамон.

---

[1] *Ҳорун* – Мусо пайғамбарнинг акаси.
[2] *Пурхато* – хатоси кўп.

* * *

Қаю кимсаким, сўз берур жон анга,
Қилур жон фидо оби ҳайвон анга.

Ўлукка гар андин эрур жони пок,
Ва лекин тирикни ҳам айлар ҳалок.

* * *

Қаю кимсаким аҳли идрокдур,
Анға жон фидо қилса, не бокдур.

* * *

Бировким, эрур ёвар[1] икбол анга,
Не иш қилса, фархундадур[2] фол анга.

Қаю ишгаким, ройи озим[3] бўлур,
Зафар ёру давлат мулозим бўлур.

Агар қилса хармуҳра дарюза[4] ул,
Бўлур кирса илгига феруза ул.

Тикон сориким қўл узотур нуҳуфт[5],
Қўлиға кирар ғунчаи ношугуфт[6].

Агар ойға тушса кўзи, кун бўлур,
Қадам қўйса туфроққа, олтун бўлур.

* * *

Қуёшким, эрур нур сочмоқ иши,
Нетиб нур ила они ёпқай киши.

---

[1] *Ёвар* – ёрдамчи, мададкор.
[2] *Фархунда* – қутлуғ, бахтли, саодатли.
[3] *Озим* – азм қилувчи.
[4] *Дарюза* – хоҳиш, истак.
[5] *Нуҳуфт* – яширин, пинҳон.
[6] *Ношугуфт* – очилмаган.

* * *

Жаҳондорларни жаҳон қилса паст,
Топа олмағайму гадоларға даст?[1]

* * *

Навоий, жаҳоннинг фирибин ема,
Хирад олида нақшу зебин дема.

Чу даврон иши бевафолиқдурур,
Фузун шоҳлиғдин гадоликдурур.

Гадоеки, қайд ўлғай андин йироқ,
Муқайяд[2] жаҳондордин яхшироқ!

* * *

Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Киши нақди гар бир қаро мис эмас,
Агар ҳиммати бўлса, муфлис эмас.

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

* * *

Чу ҳиммат эрур кимиёйи вужуд –
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд[3].

* * *

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
Ғаний бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

* * *

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

---

[1] *Даст* – қўл.

[2] *Муқайяд* – асир, гирифтор, оёғи боғлиқ.

[3] *Аҳли жуд* – саховат аҳли.

* * *

Пашизе[1] агар тугди эрса лаим[2],
Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.

Десаким: очай тонгла, ёхуд бугун,
Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Очардин эмас коми таркатмоғи,
Ғараз бор анга ўзга бир қатмоғи[3].

Кўрунмай дирам акдин очмоғи хўп,
Дирам ҳар неча кўп, тугун доғи кўп.

Очар бўлса андин саросар гириҳ,
Солур кўнглига бир гириҳ ҳар гириҳ.

* * *

Йигоч узра гар бўлса юз минг ёнғоғ
Кўмар ерга ҳар не ўғурлоди зоғ.

* * *

Ер остики, сичқонға кошонадур,
Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур.

Разолатни ҳаддин қачон ошурур,
Ўзидин доғи туъмасин ёшурур.

* * *

Кўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,
Анингдекки, йиғмоғни аҳли карам.

* * *

Карамсизки, бор уйда махзан анга,
Фалокат бирла фоқадур фан анга.

[1] *Пашиз* – пул, чақа.
[2] *Лаим* – хасис, паст, нокас.
[3] *Қатмоғ* – боғламоқ.

* * *

Не нақдеки, аҳли карам сарф этар,
Анга халқдин кўп машаққат етар.

* * *

Кишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

* * *

Не қушким, баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз[1] анга.

* * *

Гадоеки, бўлғай бийик ҳиммати:
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.

* * *

Деди: «ул кишиким тавонгардурур[2],
Анга хайр кўпрак муяссардурур».

* * *

Деди: «Хайрким қилса аҳли манол[3],
Бу ишдин эмастур йироқ икки ҳол.

Бири улки: мавқеъдадур ул иши,
Ишин ғайри мавқеъ қилур ҳам киши.

Гар иш ғайри мавқеъда мавжуд эрур,
Киши ҳар неким қилди, мардуд эрур.

Ва гар ўз еридадурур қилғани,
Не иш қилса мақбул тутсақ ани...»

[1] *Новакандоз* – ўқ отувчи, мерган.
[2] *Тавонгар* – бой-бадавлат.
[3] *Аҳли манол* – мулк эгалари, бойлар.

* * *

Нечукким, эрур адл шаҳларға зеб,
Эрур ҳам ғадо, хокираҳларға зеб.

Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши.

* * *

Не шаҳким, анинг адл кирдоридур[1],
Десам, йўқ ажабким, Худо ёридур.

* * *

Шаҳеким, қилур хайли инсонға амр,
Ҳақ этмиш анга адлу эҳсонға амр.

Агар зулм қилса эрур неча ҳол –
Ки, жониғадур борча онинг вубол[2].

Бировким Ҳақ амриға осий бўлур,
Неким қилса, журму маосий[3] бўлур.

* * *

Неча зулмким, элга золим қилур,
Ўз-ўзига кўпрак қилур – Ҳақ билур.

* * *

Не золимки, бир кимсага зулм этар,
Ики фоида зулмкашга[4] етар.

Бир улким, қиёмат куни ажри бор,
Ангаким бу зулм айламиш, зажри[5] бор.

Яна буки, мазлум эрур от анга,
Киши айламас зулм исбот анга.

---

[1] *Кирдор* – иш, амал.
[2] *Вубол* – гуноҳ.
[3] *Маосий* – гуноҳ.
[4] *Зулмкаш* – жафокаш.
[5] *Зажр* – зулм, азоб, қийнаш.

Вале кимсаким зулм анга комдур,
Бу оламда мардуду бадномдур.

Макон чун қилур ўзга олам сори,
Ўтар бетавақкуф жаҳаннам сори.

* * *

Қаю шоҳким, адлдин фард эрур,
Ҳам ўз жониға зулмидин дард эрур.

Кивурса ўзин одил эл сониға,
Не зулм элга айлар, не ўз жониға.

Агар билса шаҳ адл этар ҳирфасин[1],
Нечук берғай ўз илгидин сирфасин[2].

* * *

Деди: «Шаҳки, адл ўлса ойин анга,
Мусаххардурур[3] дунёю дин анга».

* * *

Шаҳеким, анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.

* * *

Қачон қилсалар кин ики нарра[4] шер,
Яқинким, бўлур навжувонроқ далер.

* * *

Ишеким, зарар нафъидин бўлса кўп,
Эмас қилмоғи акл оллинда жўб[5].

---

[1] *Ҳирфа* – тадбир.
[2] *Сирфа* – жабр-зулм.
[3] *Мусаххар* – таслим, тобе, қарам бўлиш.
[4] *Нарра* – эркак.
[5] *Жўб* – маъқул, муносиб, лойиқ.

* * *

Хирадмандлиғ келди хурсандлиқ,
Қулайсиз тамаъ нохирандмандлиқ[1].

* * *

Гумон этмаким, молу жоҳинг сенинг,
Иш ўлғонда бўлғай паноҳинғ сенинг.

* * *

Жаҳон аҳлида йўқ вафо, эй рафиқ,
Эрур рифқ[2] алардин жудо, эй рафиқ!

Адоват била киндур ойинлари,
Туганмас адоват била кинлари.

Жаҳон ичра мавжуд эрур неча хайл –
Ки, бориғадур кина қилмоққа майл.

Киши бўлмағай, қилсанг андешае –
Ки, топилмағай анга ҳампешае[3].

Қачонким аён бўлди ҳамкорлиқ,
Не имкон киши бўлмай озорлиқ.

Билур кимки бир пеша бўлғай фани –
Ки, албатта ҳампешадур душмани.

Бир ишта маҳорат чу зоҳир бўлур,
Яна кимса ҳам анда моҳир бўлур.

Чу ҳар соридин бўлди даъвою лоф,
Аро ерда солур таассуб хилоф.

Бўлур кин иковнинг тунию куни,
Тилар бўлмағай – бу ани, ул муни.

---

[1] *Нохирадмандлиқ* – ақлсизлик, бефаҳмлик.
[2] *Рифқ* – лутф, меҳрибонлик.
[3] *Ҳампеша* – ҳамкасб.

Нединким, бири бўлса туфроққа тенг,
Бу фанда қолур ер яна бирга кенг.

Ким ўлса биров бирла ҳамфанлиғи[1],
Жиҳат будурур бўлса душманлиги.

Бу ёлғуз эмас аҳли санъат аро –
Ки, кўпракдурур аҳли давлат аро.

* * *

Неча шоҳларға яқинроқ киши,
Адоват келиб кўпрак онинг иши.

Асофилға[2] ҳар нечаким жаҳл эрур,
Ва лекин хусуматлари саҳл эрур.

* * *

Бировда бир иш бўлса нодилпазир –
Ки, фоилғадур[3] қилмоги ногузир.

* * *

Бўлур чун низоъ ичра нуқсону суд,
Керак анда бир шарт тутса вужуд –

Ки, буким низоъ ичра тузди асос,
Ўзин айласа хаем бирла қиёс.

Агар ғолиб ўлмоғлиғин чоғласа,
Низоъиға ул лаҳза бел боғласа,

Ва гар қувватин англаса байн-байн[4],
Арода падид этмаса шўру шайн[5].

---

[1] *Ҳамфан* – ҳамкасб.
[2] *Асофил* – паст табақадаги кишилар.
[3] *Фоил* – қилувчи, бажарувчи.
[4] *Байн-байн* – ора-сира, гоҳ-гоҳ.
[5] *Шўру шайн* – тўс-тўполон, шовқин-сурон.

Ва гар худ ўзин билса мағлубдур,
Насиҳат била иктифо[1] хўбдур.

Керак ул насиҳат доғи нармрўй[2] –
Ки, то мустамеъ[3] бўлмағай тундхўй[4].

Ки тунд ўлса кўп ваҳшат имкони бор –
Ки, носиҳқа ҳам бим нуқсони бор.

Низоъ ичра мундоқ маротибни бил,
Қила олмогинг чун яқин бўлди қил.

* * *

Карам айласанг, борча хайлингдурур,
Қилурлар не хизматки, майлингдурур.

* * *

Ки, гар давр оғу берди Дороға[5] бот,
Скандарга ҳам бермас оби ҳаёт.

* * *

Эрур ит сафолиға қўймоқ сомон –
Ҳамону сўнгак отқа солмоқ ҳамон.

* * *

Бўриға киши туъма қилса қўзи,
Ўзига бало ҳосил айлар ўзи.

* * *

Эшак олида заъфарон хўб эмас –
Ки, нодонға зарбафт марғуб эмас.

---

[1] *Иктифо* – қониқиш, кифояланиш.

[2] *Нармрўй* – мулойим юзли, очиқ чеҳрали.

[3] *Мустамеъ* – тингловчи, эшитувчи.

[4] *Тундхўй* – тез табиатли, ўжар.

[5] *Доро* – каёнийлар сулоласининг охирги ҳукмдори бўлган Эрон шоҳи (вафоти – 330).

* * *

Йилонни киши тутса саркўфта[1],
Балодин қилур ўз йўлин рўфта[2].

* * *

Китобатда бирдекдур алфу[3] алиф,
Ҳисоб ичрадурлар басе мухталиф[4].

* * *

Биёбонда ўлуб қуруғон кашаф[5],
Эрур ҳайъат[6] ичра нечукким садаф.

* * *

Эрур нахлдек шамъу муз шушаси,
Мунунг ўт, анинг сувдурур хўшаси[7].

* * *

Ушоқ қанд ун-тузга монанд эрур,
Ва лекин бири туз, бири қанд эрур.

* * *

Сипаҳдин жудо шоҳ эрур бир киши,
Не бўлғусидур бир кишининг иши.

* * *

Қурур чун гулситондин айрилди гул –
Ки, бир луқма этдур бадансиз кўнгул.

---

[1] *Саркўфта* – боши янчилган.

[2] *Рўфта* – супурилган, тозаланган.

[3] *Алф* – минг. *Алиф* – араб алифбосининг биринчи ҳарфи – абжад ҳисобида бирга тенг.

[4] *Мухталиф* – хилма-хил.

[5] *Кашаф* – тошбақа.

[6] *Ҳайъат* – шакл, кўриниш, сурат.

[7] *Хўша* – бошоқ.

* * *

Кишида не феълеки мавжуд эрур –
Ки, андин зиён – буд ё суд эрур.

Чу феълиға бокса таакқул била,
Натижасин англар тааммул била.

Билурким, тамаъ айлар элни залил,
Қаноатқа иззу[1] шарафдур далил.

* * *

Қачон нафс ўз комин этти ҳаво,
Қилур элни кўп нафъдин бенаво.

* * *

Саодат гулидин барумандлиқ[2]
Эрур Тенгри ҳукмиға хурсандлиқ.

* * *

Садаф кўксини гар сипеҳр этти чок,
Шараф тожин этсун макон дурри пок.

* * *

Агар ганж эрур баҳру кондин фузун,
Ва гар худ хизона жаҳондин фузун,

Чу нафъе эмастур алардин гумон,
Алардур ҳамон, тошу туфроғ ҳамон.

Агар нафъдин бўлса махзан йирок,
Анинг лаълидин хора кўп яхширок –

Ким, ул хора бир тош эрур безарар,
Вале ганждин элгадур юз хатар.

[1] *Изз* – куч-кудрат; иззат, шараф.
[2] *Барумандлиқ* – баҳрамандлик.

Кишинингки бенафъ эрур махзани,
Жаҳон аҳлидур сарбасар душмани.

* * *

Муни билки, оламда буду набуд[1] –
Ки, кавну фасод ичра тутқай вужуд.

Чу мумкин эмас кимса тадбиридин,
Яқинким эрур Тенгри тақдиридин.

Гадоларға гар подшолиғ берур,
Ва гар шоҳларға ғадолиғ берур.

Керак шоҳлар кўрса беҳбуд ани,
Гадолар доғи билсалар суд ани.

Неким амридин ошкородурур,
Ибо қилғали кимга ёродурур.

* * *

Не ишким, насиб этти файёзи жуд[2],
Кишининг таманносиға не вужуд.

* * *

Тариқи адоват шиор айласанг,
Залолат йўлин ихтиёр айласанг,

Не олингға келтурса чархи дани[3],
Кўрар лаҳза кўргил ўзунгдин ани.

* * *

Не қилғай неча жўгийи[4] сеҳрсоз,
Бири муҳрадузду[5] бири ҳуққабоз[6] –

[1] *Буду набуд* – бору йўқ.
[2] *Файёзи жуд* – саховат қилувчи, яъни Худо.
[3] *Чархи дани* – тубан фалак.
[4] *Жўги* – лўли.
[5] *Муҳрадузд* – найрангбоз, ўйин кўрсатувчи.
[6] *Ҳуққабоз* – найрангбоз.

Ки, ҳикмат эли они дафъ этмагай,
Илайдин[1] не қилғонлари кетмагай.

* * *

Неча бўлса чубчуққа[2] жоду лақаб,
Кўпидин қилур сайдгар[3] кўп тараб.

* * *

Масалдурки: «минг қарғаға бир кесак».

* * *

Бировким тамаъ риштае қилғуси,
Анинг бирла бўғзидин осилғуси.

* * *

Сафар заҳмати гарчи душвор эрур,
Тенгиз қаърида дурри шоҳвор[4] эрур.

Муҳит[5] ичра чўммай нечукким наҳанг,
Киши урса бўлғайму гавҳарга чанг?

* * *

Сафар қилмағон одаме хомдур,
Совуқда тўнгар кимга оромдур.

Фалак сайрдин поя топти баланд,
Сукун қилди туфроғни хору нажанд.

* * *

Талаб йўлида қил шитобандалиқ[6] –
Ки, жўяндаға келди ёбандалиқ.

---

[1] *Илай* – олд, ҳузур.
[2] *Чубчуқ* – чумчуқ.
[3] *Сайдгар* – овчи.
[4] *Дурри шоҳвор* – шоҳона дур, қимматбаҳо дур.
[5] *Муҳит* – уммон.
[6] *Шитобанда* – тез юрувчи.

* * *

Не қилғоликим кимга ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

* * *

Ки, ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате.

* * *

Чу ҳар неча ўт бўлса сўзандароқ[1],
Гудоз ичра олтун фурўзандароқ[2].

* * *

Ки, ожиз бўлуб, азм иши хуш эмас,
Эшитмакка ҳар ерда дилкаш эмас.

* * *

Кишига эрур гарчи уммид умр,
Бировга эшиттингму жовид умр?

* * *

Кишига амал хирман ар хўшадур,
Неким мунда экти, анга тўшадур.

* * *

На фархундаахтардурур ул киши –
Ки, тоат йигитликта бўлғай иши.

Ўюн вақтида тарк қилгай ўюн,
Неким Тенғри амр этти – сунғай бўюн.

Ризо касбини бартараф қилмағай,
Залолатда умрин талаф қилмағай.

---

[1] *Сўзанда* – куйдирувчи, ёндирувчи.

[2] *Фурўзанда* – шуъла берувчи, ялтировчи.

* * *

Хушо улки, умрин табоҳ этмади,
Қилур ишларин қилмайин кетмади.

* * *

Биров шаҳлар ичра эрур муҳтарам –
Ки, бўлғай анинг даъби афву карам.

* * *

Ани бил жувонмард ёхуд карим –
Ки, бедодидин бўлмағай элга бим.

* * *

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа ани кўрма асло раво.

* * *

Ёмонға жазо гар сиёсатдурур,
Мурувват тариқи раёсатдурур.

Ани қатл айлардаким жони бор,
Ҳаял айла ончаки, имкони бор.

* * *

Бўриғаки қўй бўғмоғи пешадур,
Шубон меҳнатидин не андешадур?

* * *

Ва гар айласа ул хатони киши,
Не қилғай бу янглиғ балони киши?

Ва гар кимсага собит ўлди[1] гуноҳ,
Карам қилсанг ўлғон замон узрхоҳ.

[1] *Собит ўлмоқ* – қайд этилмоқ.

Агар одами бўлса, то жони бор,
Яна қилмоқ ул иш не имкони бор?

Ани жон била айладинг муҳтарам,
Сенга зоҳир ўлди камоли карам.

Тирикликдин ўлғай анға бу ғараз –
Ки, қилгай сенинг бу ишингга эваз.

Агар топса юз жон, фидо айлагай –
Ки, то ул ҳақингни адо айлагай.

Агар қолса бу орзудин йироқ,
Эваз Тенгридин гар етар яхшироқ.

Эвазға доғи қилмаса илтифот,
Бас эрмасмудур даҳр аро яхши от?

* * *

Ким ўзни карам ичра моҳир қилур,
Карам ўз ҳавосини зоҳир қилур.

* * *

Не феълеки, келди бировдин ёмон,
Ёмонлиқ кўрардин анга йўқ омон.

Ва гар яхшилиқ кимга афъол[1] эрур,
Жазоси анинг ганжи иқбол эрур.

* * *

Башар хайликим, жаҳл эрур лозими,
Қачонким бўлурлар ҳар иш озими.

Агар нафъи ул ишта мақсуд эмас,
Ул иш кимсадин, билки, мавжуд эмас.

[1] *Афъол* – феъллар; ахлоқ, одат.

Агар худ ғараз нафъи пинҳони йўқ,
Бировдин бир иш бўлмоқ имкони йўқ.

* * *

Қачон сочса туфроққа бугдой бирав,
Йўқ имконким, ул арпа қилғай дарав[1].

Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анға бугдой ўрмоғнинг имкони йўқ.

Киши ҳанзал[2] экса, аччиғ бар топар –
Ва ғар найшакар[3] экса, шаккар топар.

* * *

Ки, ҳар ким аён этса яхши қилиғ,
Етар яхшиликдин анга яхшилиғ

Ва ғар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон.

* * *

Иёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

* * *

Қаю кимсаким, сўзни ёлғон дегай,
Инонмаслар ар насси Қуръон[4] дегай.

* * *

Неча бўлса ёлғончи эл аржуманд,
Сўзи анжуман ичрадур нописанд.

---

[1] *Дарав* – ўриш.
[2] *Ҳанзал* – аччиқ тарвуз.
[3] *Найшакар* – шакарқамиш.
[4] *Насси Қуръон* – Қуръондан далил.

* * *

Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шуълаи саркаше.

Фиғонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмай сўзи мўътамад.

Чу куймиш уйи юмуб-очкунча кўз,
Демиш анга соҳибдиле[1] бўйла сўз.

Ки: «Ёлғон ангаким фаровондурур,
Чини ҳам эл оллинда ёлғондурур.

Агар қилмади эл ҳимоят санга,
Ўзунгдин керактур шикоят санга».

* * *

Эшиттимки, бир шаҳға бўлди ниёз,
Уйе айламак бир сутун узра соз.

Кезиб топтилар бир йигоч бўйла туз
Ва лекин анинг молики бир ажуз[2].

Бериб ўн баҳо, балки юз, балки минғ,
Ризо бермайин хотири золнинг.

Чу байъу широ[3] топмайин интиҳо,
Бериб зол ҳамсанги[4] олтун баҳо.

Ясодилар ул уйни гавҳарнигор[5],
Сутунни вале қилдилар зарнигор.

Ҳамоноки келди тамошоға зол,
Йиғочин ўпуб, сурди мундоқ мақол –

---

[1] *Соҳибдил* – сўфий, ориф, маърифат аҳли.
[2] *Ажуз* – жодугар, маккора.
[3] *Байъу широ* – савдо-сотиқ.
[4] *Ҳамсанг* – тенг, баробар.
[5] *Гавҳарнигор* – қимматбаҳо безаклар билан безатилган.

Ки: «Солдинг, чу Ҳақ туз яратти сени,
Ҳам ўзунгни олтун аро, ҳам мени».

* * *

Агар тузлук ўлса кишининг иши,
Не васф айлай олгай ишини киши.

* * *

Бировким эрур ростликдин йирок,
Анингдек киши бўлмаған яхширок.

* * *

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

* * *

Паёпай[1] чучук сўз чу пайғом[2] ўлур,
Анинғдек хашин[3] жонвар ром ўлур.

* * *

Нечаким хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ёмонроқ эмас одами.

* * *

Такаллум била кимса инсон эрур,
Сўзи йўқ баҳойимға не сон эрур?

Вале сўзда доғи маротибдурур[4],
Ҳам анда ҳунар, ҳам маойибдурур[5].

Ҳам улдурки, айлар тирикни ҳалок,
Ҳам андин ўлук тан топар руҳи пок.

---

[1] *Паёпай* – кетма-кет, муттасил.
[2] *Пайғом* – хабар, дарак, башорат.
[3] *Хашин* – ваҳший.
[4] *Маротиб* – мартаба, мақом, даража.
[5] *Маойиб* – айб, нуқсон.

Хирад бирла чун яхши сўз бўлди ёр,
Киши ройи[1] сойиб қилур ихтиёр.

Хирадманд бўлса балоғатмаоб[2],
Не бўлғай иши ғайри ройи савоб?

Бировким савоб ўлди ройи анинг,
Берур улча ройи Худойи анинг.

* * *

Хушо улки, жуз базл анга пеша йўқ,
Жаҳон бору йўқидин андеша йўқ.

* * *

Йўқ ул шамъдекким фуруўзандадур[3],
Чу парвонаға етти – сўзандадур.

* * *

Санғаким эрур базл қилмоққа тавъ[4],
Муни анғлаким, ул эрур неча навъ,

Бир улким, киши бўлса меҳмон санға,
Қилиб сели исроф туғён санга.

Йўқ, ойини иззатфизолиғ[5] учун –
Ки, шуҳрат била худнамолиғ учун.

Биров олиға хон чу келтургасен,
Киши бир, вале ўн қўй ўлтургасен.

Паёпай асопқурни айлаб равон,
Емакдин бўлуб ожиз ул нотавон.

Анга сен едурмак учун сўз била,
Тикиб кўзки, они ебон кўз била.

---

[1] *Рой* – фикр, ўй, раъй.
[2] *Балоғатмаоб* – нотиқ, сўз устаси.
[3] *Фуруўзанда* – шуъла сочувчи.
[4] *Тавъ* – рағбат, майл, ҳавас.
[5] *Иззатфизолиғ* – ҳурмат келтирувчилик.

Анинг олиға ҳар табақким етиб,
Ҳамул ош таъмини таъриф этиб.

Борин ул есун деб, бу авсоф эрур,
Бу бедод қилмоқ не инсоф эрур?

Уюнг шайх Луқмон[1] мазори эмас,
Сени кимса ул буқъа[2] шайхи демас.

Худо молиға қилмоқ исроф не?
Жунун аҳлидек мунча итлоф[3] не?

Ки, Ҳақ гарчи дебдур: «Қулу вашрабу»[4],
Вале ҳам демиштурки: «Ло тусрифу»[5].

Не қилмиш бу меҳмонки, ўлтургасен,
Анга ёлбориб заҳр едургасен?

Не бир заҳр, ҳар луқма бир заҳри ноб[6],
Вале луқмаға кимса топмай ҳисоб.

Бу янглиг зиёфат басе шум эрур,
Хирад аҳли олинда мазмум эрур.

Яна бир буким, ҳар қачон келди зайф[7],
Анга қилгасен бермайин тўъма ҳайф.

Мусофир ичин куйдуруб иштиҳо[8],
Вале йўқ сенинг бухлунга интиҳо.

Раво кўрмагинг анга маҳрумлуқ,
Эрур бурноғидин[9] батар шумлуқ.

---

[1] *Луқмон* – машҳур ҳаким, донишманд.
[2] *Буқъа* – бу ерда: мозор маъносида.
[3] *Итлоф* – талафот, йўқ қилиш.
[4] *Қулу вашрабу* – енглар ва ичинглар.
[5] *Ло тусрифу* – исроф қилманглар.
[6] *Заҳри ноб* – ўткир заҳар.
[7] *Зайф* – меҳмон.
[8] *Иштиҳо* – майл-истак.
[9] *Бурноғи* – олдинги, аввалги.

Будур даъбким яхшидур, ғар ёмон –
Ки, бўлғай сенинг хонинга меҳмон.

Бурун лутф бирла тарабнок[1] қил,
Не исроф қилғил, не имсок қил.

Емакка анга ҳар не дархўр[2] эса,
Санга доғи неким муяссар эса.

Очуқ юз била чек анинғ қошиға,
Вале истама музд[3] подошиға.

Ишингга солиб «Акримиз-зайфа»[4] нур,
Тутуб маръи ойини «Хайр ул-умур»[5].

Заёфат бу навъ ўлса ойин санга,
Керак мезбонликда таҳсин санга.

Бу янғлиғ киши мезбон камдурур,
Агар бўлса, донойи оламдурур.

* * *

Жаҳон чорбоғики дилкашдурур,
Йигитлик баҳори била хушдурур.

* * *

Кўнгулники, қиш ғунча янглиғ қилур,
Баҳор ўлса, ул гул киби очилур.

* * *

Шак эрмаски, ҳар кимсаким жони бор,
Ҳаётин тилар улча имкони бор.

---

[1] *Тарабнок* – шод, хурсанд.
[2] *Дархўр (Дархар)* – лойиқ, муносиб.
[3] *Музд* – хизмат ҳақи.
[4] *Акримиз-зайфа* – меҳмонни ҳурмат қилиш.
[5] *Хайр ул-умур* – ишларнинг яхшиси ўртачасидир.

* * *

Не хуш дебдур ул дардманди фироқ –
Ки: «Оз бахт кўп ҳусндин яхширок».

* * *

Чу ошиққа бўлди муяссар висол,
Анинг ишқида қолмас аввалги ҳол.

* * *

Сахо шоҳдин элға матлуб эрур,
Сиёсат ҳам ўз ўрнида хўб эрур.

* * *

Биров аҳли маъни дей олур ўзин –
Ки, Ҳақ очмиш ўлғай басират кўзин[1].

* * *

Кишиким ғаройибдин истар насиб,
Нима топмоқ ўлғайму мундин ғариб.

Ғаройибқа ҳар кимки хоҳон[2] эрур
Ҳам ўзинда максуди пинҳон эрур.

Не маъники истар, ўзинда топор,
Жаҳонда кезарнинг не маъниси бор?

* * *

Нетарсен тилаб ҳар ажойибқа йўл,
Ажойиб эрур сенда, огоҳ бўл!

* * *

Буким, ашрафи халқ инсон эрур –
Ки, Ҳақ сирри зотида пинҳон эрур.

[1] *Басират кўзи* – қалб кўзи.
[2] *Хоҳон* – хоҳловчи.

* * *

Ағар шер чоғлик аён қилса зўр,
Эрур шер – шер охиру мўр – мўр.

* * *

Навоий, висол одамий комидур,
Ҳаёти абад васл айёмидур.

Қачон васл топсанг насиб, асра дам,
Агар бир дам ўлсунки, тут муғтанам.

* * *

Неча кимса ҳижронда чекса алам,
Агар оқибат васл топса, не ғам?

Нечаким, фироқ офати жон эрур,
Анга сўнгра васл ўлса, осон эрур.

* * *

Ажаб умр эрур рўзғори фироқ –
Ки, юз қатла андин ўлум яхшироқ.

* * *

Фироқ ўлмаса, ошиқи нотавон,
Боғир порасин кўздин этмас равон.

* * *

Биров англағай ҳажр ўти ҳирқатин –
Ким, ул чекмиш ўлғай биров фурқатин.

* * *

Фироқ илгидин элғаким жаврдур,
Анинг бу балоси неча таврдур:

Бири олам асбоби ҳижрони бил,
Муассир[1] жаҳон аҳлиға они бил.

[1] *Муассир* – таъсир этувчи.

Бири айру тушмаклик аҳбобдин,
Киши бағри ўртанмак ул хобдин.

Бири доғи ҳажри каробат[1] эрур –
Ки, жон ичра андин маҳобат эрур.

Бир улким, етиб ишқдин хасталиқ
Биров жониби[2] бўлса дилбасталиқ[3].

Бори ҳажр эрур худ укубат била
Ва лекин эмас бу суубат била.

Буларнинг боридин эрур саъб ул –
Ки, мақсуди аслийға гум бўлса йўл.

* * *

Яна улки, инсонға аҳли тамиз[4],
Билурким, нима жондин ўлмас азиз.

Вале зумраи ишқ[5] жононини,
Кўп ортуқ кўрарларким, ўз жонини.

Эрур жонсиз ўлмоқ ўлумдин хатар,
Вале онсиз ўлмоқ ўлумдин батар.

* * *

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!

* * *

Кўруб умр тарихи мубҳамлиғин,
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлиғин.

---

[1] *Қаробат* – яқинлик.
[2] *Жониб* – томон, тараф; сабаб, боис.
[3] *Дилбасталиқ* – ошиқлик.
[4] *Аҳли тамиз* – фаросат аҳли, донолар.
[5] *Зумраи ишқ* – ишқ аҳли, ошиқлар.

* * *

Ватан таркнни бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

* * *

Чу охир борурсен, шитобинг недур,
Борурдин бурун изтиробинг недур.

Тараддудни тарк айлаб, ором тут,
Тузуб базм аҳбоб ила, жом тут.

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл –
Ки, бордур бориға борур сори майл.

Эрурлар ғанимат бори бу замон –
Ки, бир-бирга сиз барчангиз меҳмон.

* * *

Ўзунгизни меҳнат куни овутунг,
Не ғам келса даврондин, осон тутунг.

* * *

Агар гам етиб, кимса топса алам,
Қилур бир гамин куч била ики ғам.

* * *

Муни англаким, ошкору ниҳон,
Киро айламас[1] ғам емакка жаҳон.

* * *

Бурунғи куну тонгладин урма дам –
Ки, ул бир адамдур, бу доғи адам.

[1] *Киро айламас* – арзимас.

* * *

Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса қайғурмағил, эй кўнгул.

* * *

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

* * *

Сафар азми дўзахқа сонидурур[1],
Ватан ҳубби[2] имон нишонидурур.

* * *

Кишигаким имон эрур сарнавишт,
Неча журми бор, кўргусидур биҳишт.

* * *

Жаҳон мулкин этсанг сафар хушку тар[3],
Скандардек олсанг юруб баҳру бар.

Қўюб борин охир чу кетгунгдурур,
Дегинким, олиб они нетгунгдурур.

* * *

Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.

* * *

Гар истар гадо кунжи вайронини,
Тилар шоҳ доғи қасру айвонини.

---

[1] *Сони(й)* – бу ерда ўхшаш, монанд маъносида.
[2] *Ҳубб* – севиш, муҳаббат.
[3] *Хушку тар* – ҳўлу қурук.

* * *

Табиатқа ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат, табиат бўлур.

* * *

Ки, сув узрадур даҳр уйига бино.

Кўнгулни бу уй бирла шод айлама,
Ҳубоб уйиға эътимод айлама.

* * *

Бўлур одамийнинг бийик ҳиммати,
Эрур ҳимматидин фузун ғафлати.

Ўлум солғуси чун димоғиға дуд,
Таманно ўтин мунча ёқмоқ не суд?

* * *

Эмас шаҳлиқ – олмоқ юруб баҳру бар,
Эрур топмоқ андинки, Ҳақ берди бар.

* * *

Жаҳонға чу йўқтур бақо, эй кўнгул,
Тамаъ қилма андин вафо, эй кўнгул.

* * *

Жаҳон недурур – бир улуғроқ кесак,
Йироқ тортқил ул кесакдин этак –

Ки, бор ул кесак сув ичинда ғариқ,
Олиб ўртаға они баҳри амиқ[1].

Эрур онинг уч рубъи[2] дарё сори,
Яна рубъи келди судин тошқори.

[1] *Баҳри амиқ* – чуқур дарё.
[2] *Рубъ* – тўртдан бир.

Неким сув аро топти полудалиқ[1],
Этак топмағай андин олудалиқ[2].

Ҳамул рубъиким, баҳрдин келди фард,
Эрур мумкин андин замирингға гард.

Бу балчиғ била ғард аро қилма хўй,
Бўл анинг фироқи сори гармпўй[3] –

Ки, кирган бу болчиққа имкон эмас,
Киши ботса, чиқмоғлиғ имкон эмас.

Ҳамул ғард аро кимки қўйди аёғ,
Не кўз қолди ошубидин[4], не димоғ.

* * *

Қаю шаҳки, олди жаҳон кишварин,
Тасарруф қилиб баҳру кон зеварин.

Ҳам они жаҳон дарднок[5] айлади,
Не берғонни олиб, ҳалок айлади.

* * *

Неким қилди жоҳилки, эрди ямон,
Тутуб акси, топтим ямондин амон.

* * *

Жаҳон таркидур шодлиғ боиси,
Харобидур ободлиғ боиси.

* * *

Неким Ҳақ ризоси – ризоманд бўл,
Қазо ҳар неким қилса, хурсанд бўл.

---

[1] *Полуда* – соф, тоза.
[2] *Олуда* – аралашган, қўшилган.
[3] *Гармпўй* – тез юрар, тез чопар.
[4] *Ошуб* – ғавғо, тўполон, фитна, қўркинч, ҳаяжон.
[5] *Дарднок* – дардли.

* * *

Бори элга бу сўзга бор иттифоқ –
Ки, душвор эрур дарду доғи фироқ.

* * *

Муни билки, ҳар неки бор жунбуши[1],
Ниҳоятқа етгач, сукундур иши.

* * *

Билурсенки, очилса боғ ичра гул,
Узар боғбон охир андин кўнғул.

Нечаким чароғ ўлса мажлисфурўз
Ҳам охир бўлур оқибат тийрарўз[2].

Чу бу навъ эрур даҳр хосияти –
Ки, бўлғай пароканда жамъияти.

Мунға изтироб айламак суд эмас,
Демай судким, жуз зиёнбуд[3] эмас.

* * *

Вале қайси дарё яратмиш Худо –
Ки, ул бўлмади ўз дуридин жудо.

Яна қайси конким, мағок ўлмади,
Бориб ғавҳари, бағри чок ўлмади.

* * *

Киши топса ҳамдардини ногаҳон,
Не имкон ниҳон дарди қолмоқ ниҳон?

---

[1] *Жунбуш* – ҳаракат.
[2] *Тийрарўз* – бахти кора, бадбахт.
[3] *Зиёнбуд* – зиён, зарар.

* * *

Ки, билгилки, олам вафосиздурур,
Не оламдадур ҳам бақосиздурур.

Неким бўлмағай анда пояндалиқ[1],
Анга яхши эрмас кирояндалиқ[2].

* * *

Неким Тенгрининг гайри – ёд этмагил,
Чу ёд айласанг, эътимод этмагил.

* * *

Заифингга гар лутф қил, гар ғазаб,
Қавийдин доғи они қилғил талаб.

* * *

Киши муҳр аро ҳар не қилди нигор[3],
Варақта ҳамул нақш ўлур ошкор.

* * *

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзунгга раво кўрмаганни раво.

* * *

Сипаҳ тутса оламни андоққи дуд,
Зафар бермаса Ҳақ таоло не суд?

* * *

Қачон Ҳақ била сидқинг ўлди дуруст,
Не ҳожат нима халқдин бозжуст[4].

[1] *Поянда* – барқарор.
[2] *Кирояндалиқ* – арзигулик.
[3] *Нигор* – нақш.
[4] *Бозжуст* – ахтариш, қидириш.

* * *

Улус ранжиға эҳтимом айлама,
Ўзунғга бу отни ҳаром айлама.

* * *

Раиятқа бўлса парокандалиқ,
Топар салтанат нахли баркандалиқ[1].

* * *

Не тақдирдур, дафъи осон эмас,
Киши кўрмайин они имкон эмас.

* * *

Таваккулдадир гарчи кому нишот,
Вале шарт эрур айламак эҳтиёт.

Риоятда ифрот матлуб эмас,
Таваккулда ғафлат доғи хўб эмас.

* * *

Агар бор эса поклик нияти,
Анга ёр ўлур поклар ҳиммати.

* * *

Қаю шаҳки, йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.

* * *

Агар шаҳға иш лутфу гар кин эрур,
Элига ҳамул шева ойин эрур.

* * *

Чу ёшларға боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларға мазҳаб йўли.

[1] *Барканда* – кўпорилган.

* * *

Сахо ул эмастурки, ҳар булҳавас,
Мубоҳот учун сарф этар сийму бас.

Ажаб йўққи, ёрмоқ сочар бехирад[1],
Кумуш банддин рам қилур дому дад[2].

Тилаб доги берган саховат эмас,
Сахо аҳли они саховат демас.

* * *

Навоий не арз айлагай жуз дуо
Вале бор анга ики сўз муддао:

Бир улким: шариат қўлин тут қавий,
Бори ишта бўл шарънинг пайрави –

Ки, бу жодда бирла хиром айласанг,
Талаб маркабин тезгом[3] айласанг.

Ики даҳр коми бўлуб ҳосилинг,
Наби кўйи бўлгай сенинг манзилинг.

Икинч улки, қил хизмати волидайн[4],
Бил ул икининг қуллугин фарзи айн[5].

Агар истасанг дунёу охират,
Бу кун салтанат, тонгла кун – магфират –

Ки, Ҳақдин ризо ҳосил этмак будур,
Ризо демайин, Ҳаққа етмак будур.

---

[1] *Бехирад* – ақлсиз, нодон.
[2] *Дому дад* – зулм кўрсатиш.
[3] *Тезгом* – чопқир, илдам.
[4] *Волидайн* – ота-она.
[5] *Фарзи айн* – энг зарур.

* * *

Санга бор эса сўз билурдин мазоқ,
Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ!

* * *

Тахайюл аро борча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бирдек демас.

* * *

Сўз онингдурурким, талабгоридур,
Анингдур гуҳарким, харидоридур.

* * *

Тутай дер эсанг Тенгри амрин қавий,
Бўл охир набий шаръининғ пайрави.

Эрур жоддаи шаръ бир шоҳроҳ –
Ки, озмоқтин ул йўлда асрар илоҳ,

Десанг озмайин чиқма ул жодадин,
Юруб ком топ бахти озодадин.

* * *

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

* * *

Чу давронға йўқтур бақоу сабот,
Ҳам андин эрур бевафороқ ҳаёт.

* * *

Ки, ҳар қулфким, фатҳидур нопадид[1],
Анга бор эранлар[2] дуоси калид.

---

[1] *Нопадид* – кўринмас, махфий.
[2] *Эран* – валий.

* * *

Сўзунгники, яхши кўрарсен ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.

Қошингда сенинг гарчи кўп вазни бор,
Чу бор ўз сўзунг, йўқ анга эътибор –

Ки, сўз зодаи табъу фарзанд эрур,
Чу фарзанд эрур, жонға пайванд эрур,

Неча зодаи табъ эрур нописанд,
Кишининг ўз олида бор аржуманд.

Неча бум фарзанди манҳусдур,
Ўз олида хушжилва товусдур.

* * *

Ҳунарпарвар ишни буюрғучидур,
Ҳунарвар, вале, лоф урғучидур.

## «ЛИСОН УТ-ТАЙР»дан

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беэваз[1].

Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.

Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилисм.

Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин[2],
Офарин сунъунгға, эй жонофарин[3].

Айлаганда розининг ганжини арз,
Не само айлаб қабул они, не арз[4].

Ғайри инсонким қилиб они қабул,
Ҳам залум[5] айлаб хитобин, ҳам жаҳул[6].

Чун халойиқдин они мумтоз этиб,
«Кунту канзан»[7] сирриға ҳамроз этиб.

---

[1] *Беэваз* – тенгсиз, ўхшаши йўқ.

[2] *Амин* – бу ерда ишончли киши маъносида.

[3] *Жонофарин* – жон бағишловчи, яъни Худо.

[4] *Арз* – ер.

[5] *Залум* – золим, қаттиқ ситам қилувчи.

[6] *Жаҳул* – ўтакетган нодон.

[7] *Кунту канзан* – «Мен бир махфий хазина эдим...» деб бошланадиган қудсий ҳадисга ишора.

Бошиға қўюб ҳидоят тожини,
Қисмати айлаб шараф меърожини[1].

Олам ичра андоқ айлаб муқтадо[2] –
Ким, бўлуб хайли малакка пешво.

Чун малак хайлиға ул масжуд[3] ўлуб,
Кимки саркашлик қилиб, мардуд ўлуб.

Яъни ул жинну малойик сарвари,
Тахти фармонида олам кишвари.

* * *

Сўз била эл васл ганжин топмамиш.

* * *

Нотавонларға кўп офат қўйди юз.

* * *

Даргаҳеким, пашшадур анда уқоб[4],
Пашшадин ожизроқ элга не ҳисоб?

* * *

Кўзгу ул бўлғайки, тортиб юз бало,
Бергосен лавҳи замирингга жило.

* * *

Ҳар кишини қилди Ҳақ бир иш учун,
Нўш учун бирнию бирни ниш учун.

---

[1] *Меърож* – юқорига кўтарилиш; Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши.

[2] *Муқтадо* – раҳбар, раҳнамо.

[3] *Масжуд* – сажда қилинадиган, Тангри.

[4] *Уқоб* – бургут.

* * *

Одам ўлғон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар, одам эмас.

* * *

Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши.

* * *

Зеби зоҳир жуз тамасхур келмади,
Кимсага ондин тафохур[1] келмади.

* * *

Ўзни бир ҳосиллиқ иш бирла овут.

* * *

Ҳақ насиб эткондин этмак ижтиноб,
Ақл қонунида бўлғайму ҳисоб?

* * *

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлағон зийнат била.

* * *

Эрға хулқу феъл эрур зебу камол.

* * *

Хўб эмас бир шаҳ қўюб бошиға тож,
Ўзга шаҳға зоҳир этмак эҳтиёж.

* * *

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишни илкидин дерму бўлур.

[1] *Тафохур* – фахрланиш, ғурурланиш.

* * *

Чун саромад[1] келди эрликда хурўс,
Ҳақ анга берди неча зебо арўс.

* * *

Жаҳлимиз кўптин-кўпу илм оздин-оз.

* * *

Қатранинг дарёға недур нисбати?

* * *

Ишқ аҳлидин йироқдур маслаҳат.

* * *

Кимки ошиқдур – анга жондин не бок.

* * *

Кимки бўлса аҳли ишқ, эй пешво,
Бил ани маҳзи адаб, кони ҳаё.

* * *

Ишқни махфий тутарлар аҳли роз,
Фош этардин кўп қилурлар эҳтироз.

* * *

Эл на ҳуш этгай тамаъ девонадин,
Ё адаб савдо била афсонадин.

* * *

Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ.

[1] *Саромад* – олдинги, илғор, биринчи.

* * *

Ўлтурмоғ била очилмас иш.

* * *

Тош отар тифли лаиму шумбахт,
Соя солур бошиға олий дарахт.

* * *

Умр этар таъжилу[1] фурсат асру оз.

* * *

Ишқ баҳредурки, йўқ поён анга,
Ҳар ҳубоби гунбади гардон анга.

Оламедур ишқ, лекин бас васеъ[2],
Торамедур ишқ, лек асру рафеъ.

* * *

Ишқ ўтидин етса ногоҳ бир шарар,
Еткурур юз барқдин кўпрак зарар.

* * *

Ҳар жамоатқаки йўқтур пешво,
Йўлға эрмастур қадам қўймоқ раво.

* * *

Кимға-ким айлар назар аҳли сафо,
Ул назар туфроғни айлар кимё.

* * *

Тан нечаким бор эса пасту дижам[3],
Ҳиммат ар бўлса бийик – ондин не ғам.

---

[1] *Таъжил* – шошилинч, тезлик, зудлик.

[2] *Васеъ* – кенг, ёйиқ, бепоён.

[3] *Дижам* – эзилган, ғамгин, азоб чеккан.

* * *

Кимки ошиқ эрмас, ул эрмас киши.

* * *

Ҳар кишиға ишқу ҳиммат бўлса ёр,
Буняу[1] тан заъфиға не эътибор.

* * *

Сен жаҳон мулкида минг йил бўлди тут,
Дарду ҳасрат бирла охир ўлди тут.

* * *

Даҳр худ эрмас иқомат манзили,
Кимки бор, охир ўлумдур ҳосили.

* * *

Журм лавсидин[2] киши маъсум эмас,
Бўйла исмат[3] кимсага маълум эмас.

Одам авлодини қилмайдур илоҳ,
Ўйлаким, ондин бош урмайдур гуноҳ.

Бўлмаса сендин гуноҳ, эй бехабар,
Афву раҳмат кимга бўлғай чорагар[4].

Журмдин улким, юзи бўлғай сариғ,
Тавба айлар ул сариғлиғни ориғ[5].

* * *

Ким, бориға ҳамнафасдур нафсу руҳ,
Басталиғ[6] бирдин етар, бирдин футуҳ.

---

[1] *Буня* – киши табиати, яратилиш, борлик.
[2] *Лавс* – кир, ифлос.
[3] *Исмат* – поклик, софлик, маъсумлик.
[4] *Чорагар* – чора қилувчи.
[5] *Ориғ* – бу ерда соф, покиза маъносида.
[6] *Баста* – боғлик, банд.

Улдур эрким, салб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.

Ҳар кишида бу шараф биззот[1] эрур,
Ул киши поку шариф авқот эрур.

* * *

Токи нафсингдур қарин[2]?
Анга бор иблис шогирди камин[3].

Нафс онча кўнглунга солур ғурур,
Еткурур онча замирингға футур –

Ким, они шайтон кўруб, ҳайрон қолур,
Водийи ҳайратда саргардон қолур.

Қайси ишдинким етар нафсингға ком,
Топар ондин комини шайтон мудом.

Нафс ҳукми бирлаким қилсанг ҳар иш,
Иржаюр ул комдин шайтонға тиш.

Демаким, шайтонға бўлмишмен залил,
Ул сенинг нафсингни айлабтур вакил.

Ҳар не ул қилмоқ керак, нафсинг қилур,
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур.

Ҳар не дунёға тааллуқдур умур[4],
Сарбасар шайтонға дохилдур зарур.

Нафсинг андоқ ҳаққу мулк этмиш ани –
Ким, эрур дарж[5] анда юз шайтон фани.

---

[1] *Биззот* – шахсан, бевосита, зотида, аслида.
[2] *Қарин* – яқин.
[3] *Камин* – бу ерда камтарин маъносида.
[4] *Умур* – ишлар, нарсалар, ҳодисалар.
[5] *Дарж* – киритиш, қайд этиш.

Нафсинг онча кўргузур талбисни[1] –
Ким, қилур шарманда юз иблисни.

Сенки ёр ўлдунғ бу янглиг нафс ила,
Не учун шайтондин эткайсен гила.

* * *

Сийм севгонким, анга побаст ўлур,
Шавқидин онинғ ажойиб маст ўлур.

Ўйладурким, жоҳилу нодон маст,
Сиймдин бут айлаб, ўлғай бутпараст[2].

* * *

Эр эсанг, мақсуди асли кўзлагил,
Ҳар неким сўзларсен – ондин сўзлагил.

* * *

Қилма ул ишким, етиб нуқсон санга,
Охири бўлғай вуболи жон санға.

* * *

Ўйлаким, тан қуввати – жон сиҳҳати.

* * *

Ҳусни зоҳирнинг вафоси йўқтурур,
Ҳам саботу ҳам бақоси йўқтурур.

Ошиқу шайдо бўлурға арзимас,
Ишқидин расво бўлурға арзимас.

* * *

Кимки келди – оқибат борғусидир,
Кўксини тиғи ажал ёрғусидур.

[1] *Талбис* – ҳийла, найранг, алдаш.
[2] *Бутпараст* – бутга сажда қилувчи.

* * *

Минг йил ўлсанг даҳр аро ё бир замон –
Ким, ажал охир санга бермас амон.

* * *

Йўл борурға хотири хуррам керак,
Даҳр ранжидин малолат кам керак.

* * *

Ғам еридур меҳнатободи жаҳон,
Онда ҳар навъ элга бир гамдур аён.

Олам аҳли кўнглида олам ғами,
Худ будур кўпрак бани одам ғами.

* * *

Бўлмаса мақбул кирдори онинг,
Балки тенг бўлса йўқу бори онинг.

* * *

Гавҳар ўлди ҳиммату одам садаф,
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.

Ҳиммат ўлса, маснаду жоҳ ўлмасун,
Мулку мол ончаки, дилхоҳ[1] ўлмасун.

Кимки, йўқдур нақддин пирояси[2],
Билки ҳиммат басдурур сармояси.

Кимсага ҳеч ишта гар етмас илик,
Бок йўқ, гар ҳиммати бўлса бийик.

Эрга ҳимматдин берур юз эътибор,
Жоҳу мулку ганжнинг не дахли бор.

[1] *Дилхоҳ* – кўнгил истаги, дилга яқин.
[2] *Пироя* – зеб, зийнат, безак.

Мол ўлуб, гар йўқ кишининг ҳиммати,
Маъни аҳли оллида йўқ иззати.

Кимки, бўлғай ҳиммати олий анга,
Бар берур бу ҳиммат иқболи анга.

Шаҳға ҳиммат паст агар берди Худо,
Хушроқ ондин ҳиммати олий гадо.

Подшоҳким, бўлса ҳиммат ичра паст,
Келди ҳимматлиг гадодин зердаст.

Одамининг зеби ҳимматдиндурур,
Нафснинг таъдиби ҳимматдиндурур.

* * *

Минг адад қўй бирла муздури[1] шубон,
Музд олиб, қўйларға бўлмиш посбон.

Чун бўридин қўйга етса тумтароқ[2],
Ул шубондин онда бир ит яхшироқ.

Улки ганжи бору йўқ ҳиммат анга,
Бу шубону қўйгадур нисбат анга.

* * *

Одамига яхши кўп авсоф эрур,
Лек оларнинг ашрафи инсоф эрур.

Кимгаким инсоф йўқ – инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Бу сифат келди эранларнинг иши,
Бўйла давлатқа етишмас ҳар киши.

[1] *Муздур* – мардикор.
[2] *Тумтароқ* – тумтаракай.

Одам эрмас улки, ноинсоф эрур,
Одам инсоф истамас, аммо берур.

Истамаслар элдин инсоф аҳли ҳақ –
Ким, оларға келди мунсифлиғ[1] сабақ.

Бермай инсоф, улки инсоф истади,
Ўзни ноинсофи мутлақ айлади.

* * *

Ҳар не маҳбуб айласа, марғуб эрур.

* * *

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.

Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу кол.

* * *

Ўз камолидин демактур маҳзи жаҳл[2],
Жаҳлдин сўз айтқой, ким бўлса аҳл[3].

* * *

Ким ўзин комил кўрар, ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.

* * *

Ишқ келди машъали гетифурўз[4],
Дема машъал, шуълаи офоқсўз[5].

---

[1] *Мунсифлиғ* – инсофлилик, адолатлилик.
[2] *Маҳзи жаҳл* – ўта нодонлик.
[3] *Аҳл* – бу ерда лойиқ, муносиб маъносида.
[4] *Гетифурўз* – оламни ёритувчи.
[5] *Офоқсўз* – жаҳонни куйдурувчи.

* * *

Куймак иштур ошиқи девонаға,
Шуъла ичра ўйлаким парвонаға.

* * *

Барча қушнинг оти булбул бўлмади,
То азалдин ишқ аро кул бўлмади.

* * *

Куймаган ишқ ичра эрмас ишқбоз[1],
Ошиқ эрмас улки, эрмас жонгудоз[2].

Шод эрур ишқ аҳли ўртанмак била,
Бўлмағай бу шева ўрганмак била.

* * *

Дема ошиқ кўнглини оташзада[3] –
Ким, они ишқ айламиш оташкада[4].

Гар тушар оташкада ичра киши,
Не бўла олғай жуз ўртанмак иши.

* * *

Ишқ ўртар ким сориким айланур,
Ким тушар ўт даврасиға ўртанур.

* * *

Барчадин ашрафки, ул инсон эрур –
Ким, камолида хирад ҳайрон эрур.

* * *

Ошиқеким, ишқида бўлғай камол,
Тенгдурур оллида ҳижрону висол.

---

[1] *Ишқбоз* – ишққа берилган, ошиқ.
[2] *Жонгудоз* – жонни куйновчи, азоб берувчи.
[3] *Оташзада* – ўт кетган, ўртанган.
[4] *Оташкада* – ўтхона, оловхона; оташпарастлар ибодатхонаси.

* * *

Бордур инсон зотида онча шараф –
Ким, ямон ахлоқин этса бартараф,

Бўлмаса фиръавнлиғнинг[1] пайрави,
Қолмас ондин жуз сифоти мусавий[2].

* * *

Мавж нақшидин тенгизга не зиён.

Сув вужудидин тенгиз бўлди тенгиз,
Бўлса ул гар мавжлуқ, гар мавжсиз.

* * *

Ўз вужудингға тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

* * *

Англаким сўз ўзга, маъни ўзгадур,
Маъни онғмос шоғил[3] улким сўзгадур.

[1] *Фиръавнлиғ* – мутакаббирлик, зўравонлик.
[2] *Мусавий* – Мусога хос, яъни Мусо алайҳиссалом каби.
[3] *Шоғил* – машғул, шуғулланувчи.

## «МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»дан

Одил подшоҳ Ҳақдин халойиққа раҳматдур ва мамоликка[1] мужиби амният ва рафоҳият[2]. Қуёш била абри[3] баҳордек қора туфроғдин ғуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ ва мадоросидин осуда, залама[4] ва авонлар[5] анинг тиғи сиёсатидин фарсуда.

* * *

Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик[6] аларнинг суйин ҳам билур.
Чу бирдур сув дарё била наҳр[7] аро,
Эмас таъмида ҳожати можаро.

* * *

Қозийи ришвахўр[8] – ислом ҳисориға[9] рахнагар[10]. Улки ришват бериб, қазо ола олғай, ришват олиб ҳам шаръни буза олғай. Қозий керакким, жодаи шаръдин қадам чиқармағай ва сироти мустақимдин[11] ташқари бормағай.

---

[1] *Мамолик* – мамлакат, юрт, давлат.
[2] *Рафоҳият* – фаровонлик, осойишталик.
[3] *Абр* – булут.
[4] *Залама* – золимлар.
[5] *Авон* – вақт, замон, мавсум.
[6] *Биликлик* – билимлик.
[7] *Наҳр* – дарё.
[8] *Ришвахўр* – порахўр.
[9] *Ҳисор* – қалъа, кўрғон, истеҳком.
[10] *Рахнагар* – зарар, зиён етказувчи.
[11] *Сироти мустақим* – тўғри йўл.

* * *

Мустақим[1] хат ҳар қаёнким майл қилди, эгри бўлди. Соз торидекким, эътидолдин тажовуз қилди, тузуки бузулди.

* * *

Улки ҳукми эл моли ва жониға жорий бўлғай, керакким, даъби муқмир шиори бўлғай.

* * *

Муфтиким, ишиға музд олиб қилса рақам,
Музд ортуқ эса, майл керак қилғай кам,
Фатвода чу бўлди музд учун «ло»ву «наам»[2],
Қилмоқ керак ул қаламзан илгини қалам.

* * *

Мударриснинг керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртакиб[3] бўлмаса ва худнамолиғ[4] учун дарс ҳавзасин[5] тузмаса ва худситонлиғ[6] учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса.

* * *

Олим керакким, муттақий[7] бўлса ва огоҳ.

* * *

Ҳозиқ табибки, шафқати бўлғай – Исои Руҳуллоҳға[8] нисбати бўлғай. Исо иши чиққон жонни танға кивурмак дуо била, мунунг тандин чиқадурғон жонға монеъ бўлмоқ даво била.

---

[1] *Мустақим* – бу ерда яхши, мустаҳкам, соғлом маъносида.
[2] *«Ло» ву «Наам»* – «йўқ» ва «ҳа».
[3] *Муртакиб* – қасд қилмоқ, жазм қилмоқ.
[4] *Худнамолиғ* – худбинлик, шуҳратпарастлик.
[5] *Ҳавза* – доира.
[6] *Худситонлиғ* – ўзини мақташлик.
[7] *Муттақий* – тақводор.
[8] *Руҳуллоҳ* – Оллоҳнинг руҳи: Исо пайғамбарнинг лақаби.

Мундоқ табибнинг юзи мариз кўнглига маҳбубдур ва сўзи бемор жониға марғубдур. Дами алилларға даво ва қадами хасталарға шифо.

Агар фанида моҳир бўлса, аммо бадхўй[1] ва бепарво ва дуруштгўй[2], маризга, ағарчи, бир жонибдин илож еткурур, аммо неча жонибдин тағйири мижоз[3] еткурур ва лекин омий табибким, эрур шогирди жаллод, ул тиг била, бу заҳр била қилғувчи бедод. Ул мундин яхшироқдур. Беиштибоҳким, анинг қатили гунаҳкордур ва мунунг бегунаҳки, ҳеч гунаҳкор анга залил бўлмасун ва ҳеч бегунаҳ мунга алил бўлмасун.

* * *

Ҳозиқ табиби хушгўй тан ранжиға шифодур,
Омию тунду бадхўй эл жониға балодур.

* * *

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

* * *

Валоят аҳлиға[4] жамъи маломатиға боқ –
Ки, халқ кўзидин айлар намозини яширун.

Бу турфароққким, намозида мужиби нодон,
Тутар имомат учун хайл қибласида ўрун.

* * *

Кўнгул қуввати – хушнавоздин[5], руҳ қути – хушовоздин.

* * *

Юрумагон йўлга элни бошқармоқ – мусофирни йўлдин чиқормоқдур ва биёбонға кетурмак ва бодияда итурмакдур.

---

[1] *Бадхў(й)* – феъли ёмон.

[2] *Дуруштгўй* – дағал муомалали, қўпол сўзли.

[3] *Тайғири мижоз* – мижознинг ўзгариши.

[4] *Валоят аҳли* – валийлар.

[5] *Хушнавоз* – яхши чолғучи.

* * *

Усрукки, элга буюрғай ҳушёрлиқ – уйқучидекдурки, элга буюрғай бедорлиқ.

* * *

Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар.

* * *

Воиз улдурки, мажлисига холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай.

* * *

Улки, буюруб ўзи қилмагай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.

* * *

Бозорда савдогар косиб – Тенгрига хоин ва ваъдаға козиб[1]. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ бир зарра уёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларға бадкирдорлиқ.

* * *

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар.

* * *

Тиланчи ва гадо кўпраги беғайрат ва беҳаё.

* * *

Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятға бўлмоқдурур ҳамзону. Уйнинг оройиши андин ва уйлукнинг осойиши андин.

[1] *Козиб* – ёлғончи, мунофиқ.

Жамоли бўлса марғуб ва салоҳи бўлса жонға матлуб. Оқила бўлса рўзгорға андин салоҳ ва интизом ва маош асбобиға[1] андин тартиб ва саранжом.

Бу навъ жуфт кишига қовушса, балки мундоқ комгорлиқ[2] иликка тушса, ниҳоний ғаму меҳнатда ҳамроз ва ҳамдаминг бўлғай ва махфий ва пинҳон дарду машаққатға дамсоз ва марҳаминг бўлғай. Рўзгордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило[3] келса, жалисинг[4] ул.

* * *

Ҳақдин ангаким, етти иноят вақти,
Кўнглига ёмон феъли сироят[5] вақти,
Исёниға фош ўлур ниҳоят вақти,
Бу бўлди ҳидоятқа бидоят[6] вақти.

* * *

Зуҳд дунё орзуларидин кечмакдур ва... молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмакдур ва қабул умидиға риёзат тариқин тутмакдур. Ва шариат жодасида мардона турмоқдур. Ва бошни риёйи саждаға индурмамакдур, балки андоқ тоатни хаёлға кечурмамакдур. Кўзни асрамоқдур барча номаҳрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ[7] сўздин.

* * *

... сенинг насибангни яна биров емас, анинг ҳам насибин сен емак мумкин эмас.

* * *

Тенгри раззоқлиғин билган рўзи учун ғам емагай ва қассомлиғин[8] билган киши ризқ озу кўпида сўз демагай.

---

[1] *Маош асбоби* – тирикчилик воситалари.
[2] *Комгорлиқ* – бахтиёрлик, мақсадга эришганлик.
[3] *Ибтило* – мубталолик, балога гирифтор бўлиш.
[4] *Жалис* – бирга ўтирувчи, ҳамсуҳбат.
[5] *Сироят* – ўтиш, таъсир, юқиш.
[6] *Бидоят* – бошланиш, ибтидо.
[7] *Номашруъ* – шариатга хилоф.
[8] *Қассом* – тақсимловчи.

* * *

Саъй била азал қисматин ортурай деган ёғин риштасиға гириҳ урай дер. Важд[1] била қалам ёзғон қазони қайтарай деган куруқ ерда кема сурай дер. Бу ишлар кўнгли уйи яқин нуридин тийралар ишидур ва ботиний кўзи ҳақиқат қуёшидин хиралар одат ва варзишидур.

* * *

Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди сепамоқ[2] била ўксумас[3] ва мазраъедурким тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва ҳурмат самар келтурур.

* * *

Қонеъ дарвешнинг қуруқ нони томеъ шоҳнинг хитойи хонидин хўброқдур.

* * *

Ҳар кимки, қаноат тарафи нисбати бор,
Борча эл аро тавозуъу иззати бор,
Улким, тамаъу ҳирс била улфати бор,
Яхши-ёмон ичра зиллату[4] накбати[5] бор.

* * *

Жаҳон ичра кўп сунъ кўргузди сонеъ[6],
Эмасдур киши турфа андоққи, қонеъ.
Кишидин талабсиз ғино ҳосил этмас,
Яна жудға бўлмамоқ ҳеч монеъ.

* * *

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

---

[1] *Важд* – муҳаббат, ҳаяжон, шавқу завқ ҳолати.
[2] *Сепамоқ* – сарф қилмоқ.
[3] *Ўксумоқ* – камаймоқ, озаймоқ.
[4] *Зиллат* – хорлик, тубанлик, пастлик.
[5] *Накбат* – фалокат, бахтсизлик.
[6] *Сонеъ* – яратувчи, яъни Худо.

* * *

Тавозуъ халқни киши муҳаббатиға шефта қилур.

* * *

Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор[1]. Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглиға солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад[2] қолур.

* * *

Муҳаббатға зебу пироя адабдин етар ва муваддатға[3] равнақ ва баҳо таркидин кетар. Адаб ва тавозуъ кўзгусиға жило берур, икки жонибдин ёруғлуқ еткурур.

* * *

Тавозуъ ва адаб аҳлига таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар.

* * *

Ишқ ахтаредур дурахшанда, башарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожининг зеб ва баҳоси андин.

* * *

Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосилеким, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур.

* * *

Сўзки, маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай.

[1] *Бархурдор* – баҳраманд.
[2] *Муаббад* – абадий, доимий.
[3] *Муваддат* – дўстлик.

* * *

Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор; бесаодат жоҳил бўлса, олим сўзидин анга ор. Ва филҳақиқат, жоҳилликдин бесаодатликроқ не нима бор?!

* * *

Олам аҳли ўзлари қошида маҳбубдурлар ва сўзлари ўз илайларида марғуб. Ва башар жинси бу сифатға мажҳулдурлар[1] ва нафслари беихтиёр бу даъвоға машғул.

* * *

Ҳеч ким ўз кўнглиға ғам тиламас ва ўз нафсиға алам истамас.

* * *

...барчаға ўзгадин ўзи азизроқ ва ўзгалар сўзидан ўз сўзи лазизроқ.

* * *

Олам яхшилигини киши ўзидин дариғ тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас.

* * *

Эранлар ясанмоғиким, намойиш учундур, хотинлар безанмагидекдурки, оройиш учундур. Агарчи бу маъно иккаласига қабиҳдур, аммо эранларға кўпрак мужиби тафзиҳдур.

* * *

Шаҳватпараст – нафсға зердаст.

* * *

Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур ҳоли.

* * *

Кўп деган кўп янгилур[2] ва кўп еган кўп йиқилур.

---

[1] *Мажҳул* – номаълум, ноаниқ.

[2] *Янгилмоқ* – адашмоқ, янглишмоқ.

* * *

Қолаб[1] амрозининг[2] моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демак. Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсға маъмурлуқ.

* * *

Худпарастки, не қилғони ўзига хўбдур, бу нописанд феълға тафовут кўпдур.

* * *

Заррадин минг қатла камракким, қуёшлик урса лоф,
Кимки бўлса зарра ақли билурким дер газоф.

* * *

Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши.

* * *

Худписанд[3] – иши бари элга нописанд.

* * *

Биликиға мағрур билур элга маъюб ва Тенгриға мақҳур[4].

* * *

Бутпарастлиқ яхшироққким, худпарастлиқ.

* * *

Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжужи[5] дафъиға садд[6] бил. Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлиқ конининг аржумандроқ гавҳари ҳам

[1] *Қолаб* – қолип, тан, бадан.

[2] *Амроз* – касалликлар, беморликлар.

[3] *Худписанд* – ўз манфаатини кўзловчи, худбин.

[4] *Мақҳур* – қаҳрга дучор; мағлуб.

[5] *Яъжуж* – қиёмат арафасида пайдо бўлиб, ер юзини фасод ва харобага тўлдирадиган кўп сонли бузғунчи қавмнинг номи.

[6] *Садд* – девор, ғов, тўсиқ.

эҳсондур. Жамъи писандида[1] сифот ва мустаҳсан[2] ҳолат эҳсонға тобеъдур ва анинг зимнида мундариж[3] ва воқеъдур; ул барча яхшиликларға жомеъ[4] ва бари яхшилиғлар, филҳақиқат[5], анга рожеъ.

* * *

Ажаб сифат эрур эҳсонки, ҳар шариф сифат –
Ки, келса жинси башардин анга эрур дохил.

Жавоҳир англа сифот они, жавҳарий қафаси –
Ки, бордур анда қаю бирни истасанг ҳосил.

* * *

Ҳар кимгаким, бир хизмат қилдинг, ўн шиддатга муҳайё турмоқ керак ва ҳар кишиға юз мулоямат кўргуздунг, минг ғилзат[6] ва кудуратга сало урмоқ[7] керак.

* * *

Саховат инсоният богининг борвар[8] шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлиқ кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саховатсиз киши – ёгинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз[9] мушки тотор[10]. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон не эътибор.

* * *

Сахий булутдур – иши хирмон, балки махзан бермак. Бахил мўрдур – даъби хўша, балки дона термак.

---

[1] *Писандида* – яхши, маъқул, назарга тушган.
[2] *Мустаҳсан* – маъқул, таҳсинга сазовор.
[3] *Мундариж* – дарж этилган, дохил қилинган.
[4] *Жомеъ* – жамловчи.
[5] *Филҳақиқат* – ҳақиқатан, дарҳақиқат.
[6] *Ғилзат* – қўполлик, дағаллик.
[7] *Сало урмоқ* – нидо қилмоқ, жар солмоқ.
[8] *Борвар* – сермева.
[9] *Ройиҳа* – ис, ҳид, бўй.
[10] *Мушки тотор* – тоза ва хушбўй мушк.

* * *

Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ.

* * *

Соҳиби ҳикмат муфлислиқ била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас.

* * *

Исроф сахо эмас ва итлофни маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий[1] ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот учун бермак худнамолиқ ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлиқ. Улки эл кўрмагунча бермас – лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибром[2] била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни[3] икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де.

* * *

Маҳаллида берган эски чорпора[4] тўн – саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб[5] – шақоват.

* * *

Десангки, таоминг зоеъ бўлмағай – едур ва тиласангки, либосинг эскирмагай – кийдур.

* * *

Карам бир жафокашнинг шиддати юкин кўтармакдур ва ани ул суубатдин ўткармакдур. Бировнинг меҳнати хори ҳамлин[6]

---

[1] *Шамъи кофурий* – ҳушбўй ок шам.

[2] *Ибром* – киссташ, зўрлаш.

[3] *Ўтмак* – нон.

[4] *Чорпора* – йиртиқ тўн.

[5] *Чорқаб* – кийим, зийнат.

[6] *Ҳамл* – кўтариш, бардош бериш.

қабул қилмоқ ва ул тикан нўгидин[1] гулдек очилмоқ ва ул қилғонни тилга келтурмамоқ ва оғизға олмамоқ ва ул кишига миннат қўймамоқ ва анинг юзига солмамоқ.

* * *

Маъдумлукда[2] мурувват карамнинг уруғ-қаёшидур, балки тавъамон[3] қариндошидур.

* * *

Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод[4] фарзанд.

* * *

Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур.

* * *

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

* * *

Комиллар – аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё.

* * *

Ҳилм инсон вужудининг фавоқиҳлиғ[5] боғидур, одамийлиғ оламининг жавоҳирлиғ тоғи. Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошиға нисбат қилса бўлур. Ахлоқ шахснинг оғир баҳолиғ либосидур ва ул либос жинсининг сангин[6] дебоси.

---

[1] *Нўг* – уч.

[2] *Маъдумлук* – йўқлик, йўқ бўлган.

[3] *Тавъамон* – эгизак.

[4] *Ҳамзод* – туғишган.

[5] *Фавоқиҳлиғ* – мевали, самарали.

[6] *Сангин* – тошдан ясалган.

* * *

Яхшиларға эришмак[1] – итни поклар чарғасиға қотти ва ёмонларға қоришмоқ – анбиё авлодин жаҳаннамға узатти.

* * *

Агар Ҳақдин иноят бўлса, қуллар қули шоҳлар шоҳи, агар ул қўлламаса, олам шайх уш-шуюхи[2] олам номаи сиёҳий[3]. Луқмонки, бир қул эрди, ҳикмат ва нубувват била фарқин[4] кўкка еткурди. Жолутқа[5] анинғдек минг қул эрди, ғазаб ва сиёсат тиги била бошин ерга тушурди.

* * *

Мазлумға бахшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсан. Зердастларға нафъ еткур, ағар тиласангки, забардастлардин зарар кўрмагайсен. Хирадманд мухолафатдин қочар ва мувофақатга мулоямат эшигин очар.

* * *

Саодатманд ул йигитдурки, шаҳват майли қилмас, бесаодат қарининг илгидан худ ҳеч иш келмас.

* * *

Киши ўзин ясағон бирла бўлурму ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас, уйлаки субҳи содиқ.

* * *

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ хатодур.

* * *

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар –
Тушса ғардун пардасиға, ўртар андоққим ҳарир.

---

[1] *Эришмак* – эргашмоқ.
[2] *Шайх уш-шуюх* – шайхлар шайхи.
[3] *Нома сиёҳий* – гуноҳкор.
[4] *Фарқ* – бу ерда даража, мартаба маъносида.
[5] *Жолут* – Қуръонда номи зикр этилган шахс.

* * *

Валинеъматқа айб раво кўргувчи пирига муртад[1] муриддур ва атосиға ҳаромзода ўғил.

* * *

Ҳар кимки, биров била ёрдур ёки ёрлиғ даъвийси бордур, керакким, ўзига раво тутмоғонни ёриға раво тутмаса, кўп нимаким, ўзига ҳам раво тутса, анга тутмаса.

* * *

Ёр улдурки, ҳар нечаким ўзига
Истамас, ёриға ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мунда шарик айламагай.

* * *

Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат, мунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳи, мунга ҳам табоҳи. Пас улким, кўнгул мулкининг соҳибжоҳи[2] бўлғай – шоҳлар шоҳи бўлғай. Бадан салоҳ ва фасоди кўнгул салоҳ ва фасодиға тобеъ ва мулк обод ва хароблиғи шоҳ адл ва зулмиға рожеъ. Подшоҳ – мулк баданининг жонидур ва кўнгул – бадан мулкининг султони.

* * *

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур. Аммо ҳар бири ўз маҳаллида хўбдур. Бас анга дўстдин душманни фарқ этарга кўп мулоҳаза керак ва фаросат ва ёрни ағёрдин ойирурға кўп тажриба керак ва қиёсат[3].

* * *

Подшоҳ душманға андоқ ғазаб сурмак керакки, дўст ҳам андин эмин бўлмағай ва мухолифға андоқ сиёсат кўргузмак керакки, мувофиқ ҳам андин мутмаин[4] қолмағай.

---

[1] *Муртад* – диндан қайтган.

[2] *Соҳибжоҳ* – мулк эгаси.

[3] *Қиёсат* – фикру андиша.

[4] *Мутмаин* – хотиржам, осуда.

* * *

Керакмас мухолифға онча инод –
Ки, қилғай мувофиқни беэътимод.

* * *

Фосиқ олим донишваредур[1] ўз нафсиға золим, ғанийи бахил нодонедур, ўз зиёниға надим[2]. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар. Бир улким, илм ўрганурга ранж торттию амал қилмади, бир улким, мол йиғарға эмгак чекти-ю сарф қилурин билмади.

* * *

Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ғанийким, молиға бухл эрди ёр,
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.

* * *

Ямонларға лутфу карам – яхшиларға мужиби зарар ва алам. Мушукка риоят – кабутарға офатдур. Шағол жонибин тутмоқ – товуқ тухмин қурутмоқдур.

* * *

Хайрсиз ғаний – ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим – доббаки[3], анға юклағайлар китоб.

* * *

Бахилнинг молин асрардин меҳнати қаттиғ ва ҳасуднинг феъли уётидин айши аччиғким, ул ўз аносидин[4] залилдур ва бу ўз қилиғидин алил.

---

[1] *Донишвар* – оқил, доно, донишманд.
[2] *Надим* – хизматкор, маҳрам.
[3] *Добба* – юк ташийдиган ҳайвон.
[4] *Ано* – ранж, машаққат.

* * *

Киши молидин неким баҳра олди анингдур, ҳар неким асради ўзганинг. Заҳмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била душманлар учун асрама.

* * *

Мол улдурким, эл андин топса баҳр,
Душман андин топса тенгдур нўшу заҳр.

* * *

Ҳар душвор ишки, мол сарф этмак била муяссардур, қилмасанғ жонға хатардур, сарфин ғанимат бил ва саломат сори азимат қил.

* * *

Дирам била бўла олса зарарни қайтармоқ,
Хатодурур киши ул ишда айламак таътил[1].

* * *

Ҳар иш кифоятидаким, саранжомида ташаддуд[2] бўлғай ва табъға тараддуд, ул жонибни тутким, эмгаги озроқ юз бергай ва озори камрак хотирға кирғай.

* * *

Нодон пандида ғалат муқаррардур ва душман насиҳатида фириб мутасаввардур[3]. Андин бози ема ва мундин ўзунгга бози берма.

* * *

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,
Не бози емак хушу не бози бермак.

---

[1] *Таътил* – бу ерда бўшлик, сусткашлик маъносида.

[2] *Ташаддуд* – кучайиш, зўрайиш.

[3] *Мутасаввар* – кўринган, тасаввур қилинган.

* * *

Нафсдин санга зулм етса, надомат эшикин оч ва Тенгри паноҳига қоч.

* * *

Нафси кофирдин неким етгай санга,
Тавба айлаб, тавбада мардона бўл.
Йўл икидур, журм бирдур, тавба бир,
Ул йўл ар боғланди, очуғдур бу йўл.

* * *

Мазлумлуқ ибтилосида бўлғон яхшироқким, золимлиқ балосида.

* * *

Киши минг зулм агар чекса керак бўлмаса қонеъ,
Лек бир зулмға минг навъ керак англаса монеъ.

* * *

Исо ила тенг бўлурму маркаби.

* * *

Ул кўнгулгаким, қаттиғ сўздин решдек бўлғай, аччиғ тил заҳролуд[1] нешдек бўлғай. Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки, тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур. Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тўшукдин чиқорур.

* * *

Ҳусну жамолсиз киши ширин калом этса,
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

[1] *Заҳролуд* – заҳар аралашган, заҳарли.

* * *

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.

* * *

Ҳарзагўйким[1], кўп такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча ҳургай.

* * *

Ямон тиллик андоққим, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошиға ҳам офат еткурур.

* * *

Нодоннинг муваҳҳиш[2] ҳарзаға бўғзин қирмоғи – эшакнинг жиҳатсиз қичқирмоғи. Хушгўйким[3], сўзни рифқ ва мусово[4] била айтғай, кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, анинг сўзидин қайтғай. Сўздадур ҳар яхшиликни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масиҳоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди.

* * *

Тилига иқтидорлиғ – ҳакими хирадманд; сўзига ихтиёрсиз – лаими нажанд.

* * *

Тил ва кўнгул хўброқ аъзодурлар инсонда; савсан ва ғунча марғуброқ раёҳиндурлар бўстонда. Одамий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур[5] ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.

---

[1] *Ҳарзагў(й)* – сафсата сотувчи, беҳуда гапларни гапирувчи.

[2] *Муваҳҳиш* – ваҳшатга солувчи, қўрқинчли.

[3] *Хушгўй* – ширинсухан, хушмуомала.

[4] *Мусово* – тенг, баробар, ўхшаш.

[5] *Олат* – асбоб, қурол.

* * *

Ҳар неча бими ҳажр сўзи ошиқ ўлтурур,
Вуслат[1] башорати яна жисмиға жон берур.

* * *

Чучук тилки, аччиғликка эврулди, зарари ом бўлди, қандники, мускир[2] бода қилдилар, ҳаром бўлди.

* * *

Ҳар кимки, сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон. Ёлғонни чиндек айтқувчи суханвар[3] – кумушни олтун рўкаш[4] қилувчи заргар. Ёлғон афсоналарда уйку келтургувчи, ёлғончи уйқуда такаллум сургувчи. Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур. Сўзнинг аснофи[5] бағоят чўқдур[6], ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур.

* * *

Бировким, ёлғон сўзни бировга боғлағай, ўз қаро бўлғон юзин ёқлағай, кабира[7] гуноҳдур. Оз сўз ҳамки ўтрукдур[8], заҳри муҳликдур, агарчи миқдори ўксукдур.

* * *

Заҳрнинг оз эса миқдори доги муҳликдур,
Игнанинг нўги заиф эрса доғи кўр қилур.

* * *

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўтган гуноҳини ўз бўйниға индургай.

---

[1] *Вуслат* – етишиш, эришиш.
[2] *Мускир* – маст қилувчи.
[3] *Суханвар* – фасоҳат ва балоғат соҳиби.
[4] *Рўкаш* – қалбаки, ясама, қоплама.
[5] *Асноф* – турлар.
[6] *Чўх (Чўқ)* – кўп.
[7] *Кабир* – катта, буюк, улуғ.
[8] *Ўтрук* – ёлғон.

* * *

Сўз тергувчининг ағар улуғи, агар кичиги, билки, эрурлар тамуғ ўтининг тутруғи[1].

* * *

Ким сўзни териб айтгувчи оғзиға бергай,
Молик[2] ани дўзах ўтининг дудиға тергай.

* * *

Дунё дор ул-ҳаводисдур[3] ва анга кўнгул боғламоққа ғафлат боисдур. Олам умрдек бевафодур ва анинг давлатиға эътимод қилмоқ хато.

* * *

Умрнинг бу кун-тонглалиғи мафҳум эмас, балки бу кун ахшомғача не бўлури маълум эмас. Башар хайли дори бақоға[4] аҳли азиматдур ва тириклик бир неча кун ғаниматдур. Бу дори фанони беш кун ғанимат бил ва дори бақонинг узун йўли яроғин қил.

* * *

Қуш то таманнойи хомға тушмас – сайёд илгида домға тушмас ва анға то ажал қафаси эшиги очилмас, сайёд дому донасиға майл қилмас.

* * *

Ҳукамоким[5], салотин[6] ҳоли кайфиятин билибдурлар, аларни ўтқа ташбеҳ қилибдурлар. Ўт нафъ еткурур йироқтин, андин мунтафеъ[7] бўлмоқ авло қироқтин. Оташгоҳ ўти қироқдин нафъ еткурур, ичига тушганни филҳол[8] куйдурур. Анга ёвумоқ[9] номуносибдур ва андоқ балодин ҳазар вожиб.

---

[1] *Тутруғ* – тутантирик, тутатқи.
[2] *Молик* – эга, соҳиб, хўжайин.
[3] *Дор ул-ҳаводис* – ҳодисалар уйи.
[4] *Дори бақо* – мангулик уйи, яъни у дунё.
[5] *Ҳукамо* – ҳакимлар, донишмандлар, табиблар.
[6] *Салотин* – султонлар, подшоҳлар.
[7] *Мунтафеъ* – фойдаланувчи, баҳра олувчи.
[8] *Филҳол* – дарҳол, шу лаҳза.
[9] *Ёвумоқ* – якинлашмоқ.

* * *

Ўтдин исинурғача овуч оч,
Куйдургудек англасанг, кейин қоч!

* * *

Ёлғончи – унутқувчи ва тааммул ва эҳтиёт йўлидин канора тутқувчи. Ҳар кимки, сўзи чин бўлмағай, ростлар кўнглида ул сўз қабулойин[1] бўлмағай. Ёлғончи сўзин бир-икки қатла ўткаргай, ўзга нетгай? Ёлғони зоҳир бўлғондин сўнгра анга расволиғ етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

* * *

Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.

* * *

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур –
Ки, махзанда дур ё садафрезадур[2].

* * *

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар[3].

* * *

Сўзида паришонлиқ, ўзида пушаймонлиқ. Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилға[4] иборат содалиғидин йўқ таассуф. Гулга йиртуқ либосдин не зиён, дурға бадшакл садафдин не нуқсон. Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирадманд[5].

* * *

Нодон – эшак. Балки эшақдин ҳам камрак. Эшакка ҳар не юкласанг кўтарур ва қаён сурсанг, ул ён борур, ақл ва тамиз

[1] *Қабулойин* – қабул бўлувчи.
[2] *Садафреза* – садафнинг синиғи.
[3] *Мухтасар* – киска, лўнда, ихчам.
[4] *Қойил* – айтувчи, сўзловчи.
[5] *Нохирадманд* – ақлсиз, нодон, аҳмоқ.

даъвийси йўқ. Бермасанг очдур, берсанг тўқ. Забунедур боркаш[1], хоркаш[2], балки анборкаш[3]. Нодон бу сифатлардин мубарро[4], зоти билик ҳулясидин[5] муарро[6]. Иши ғурур ва такаббур, хаёлида юз фосид тасаввур. Бари муҳмали ўзига хўб, барча макруҳ феъли ўз қошида марғуб, кўнглида элга юз озор хаёли ва жаҳлидин улусға минг зарар эҳтимоли. Эшак унидин қулоққа озордур, андин ўзга не айби бордур. Тегирмондин уюнгга ун келтурур, ани пишурурга ёзидин ўтун келтурур. Машаққати миннатсиз ва суубати кулфатсиз. Нодонни эшак дегандин мутағаййир[7], эшак қошида ямон ва яхши деган бир.

* * *

Туз борғон мақсадға етти.

* * *

Душман ғуруридин ғам ема ва маддоҳ[8] хушомадин чин демаким, анинг ғарази ўз мақсудиға комдур ва мунунг мақсуди сендин муҳаққар[9] инъом.

* * *

Муваҳҳиш хабарни чиндур деб дўстға еткурма ва бировнинг айби воқеъ бўлса, юзига урма. Қўйгилки, ул чин хабарни душман еткурсун ва таҳаммул қилки, ул айб можаросин адувси сурсун.

* * *

Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулик ҳам эмас.

* * *

Ямон-яхшини Тенгридин англағил,
Ямонни ямон, яхшини яхши бил.

---

[1] *Боркаш* – юк ташувчи.
[2] *Хоркаш* – тикан ташувчи, ўтин ташувчи.
[3] *Анборкаш* – юк ташувчи.
[4] *Мубарро* – озод, холи.
[5] *Ҳуля* – кийим, безак.
[6] *Муарро* – яланғоч, холи.
[7] *Мутағаййир* – ўзгарган, ўзгача.
[8] *Маддоҳ* – мадҳ этувчи, таъриф қилувчи.
[9] *Муҳаққар* – ҳақир, арзимас.

Ямонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ямон.

* * *

Қаноат – истиғно сармоясидур ва шараф ва иззат пироясидур. Муфлиси қонеъ – ғаний ва шоҳу гадодин мустағний. Тамаъ мазаллатға далил ва ғанийи томеъ – хору залил.

* * *

Қаю матоъким, оз воқеъ ўлса қиймат анға,
Эрур мувофиқ анинғ қийматича ҳурмат анга.

* * *

Сабр била кўп боғлиғ иш очилур, ишда ошуққон кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур.

* * *

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоғни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

* * *

Май ичмак наҳй эрур Тенгри қавли, ҳар ҳол била анинг тарки авли. Ошкор ва кўп ичмаги носоз, шарти махфий ичмакдур ва оз. Оз ичмаги ҳикматқа дол, махфий ичмаги ҳуш аҳлиға хисол. Яхши ичмағи хилқати солим элга ҳол, мутлақ ичмаги офиятқа маол[1].

Улки «умм ул-хабоис»[2] бўлғай, анга шефта бўлмоққа ҳам умми хабоиси боис бўлғай. Ямонроқ ичгучи анга мағлуброқ, ҳар неча ямонлиғи зоҳир бўлса, анинг қошида маҳбуброқ. Бадмастқа дамодам ичмоғидин не баҳрким, одамийлиғ қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

* * *

Мастлар орасида бир ҳушёр – ҳушёрлар орасида бир маст ҳукми бор.

[1] *Маол* – 1) окибат, натижа; 2) мақсад, мазмун.

[2] *Умм ул-хабоис* – барча иллатлар онаси.

* * *

Кўп дегувчи, кўп егувчи – томуғ тўрига ошуқуб кетгувчи.

* * *

Ғийбат дегувчи – нажосат егувчи.

* * *

Эр киши кўп ясанса бева бўлғай, бу сифат зуафоға[1] шева бўлғай.

* * *

Эр кишига зебу зийнат – ҳикмату донишдурур[2],
Яхши киймак бирла хотунларға оройишдурур.

* * *

Қариким, қилғай раънолиқ[3] – тифледурур ноболиғ[4].

* * *

Эр кишиким, кўп ясанғай, хирад аҳли анинг ақлидин ўсанғай[5].

* * *

Ийд[6] оқшоми тифл илгида чапу рост ҳино,
Ё шоҳиди шўх эгнига хаззу[7] дебо,
Шоистадурур қари бажуз далқу[8] асо,
Кўргузса сақолиға куларлар уқало.

* * *

Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиқ чапони била маҳбуб.

---

[1] *Зуафо* – аёллар, хотинлар.
[2] *Дониш* – илм-маърифат.
[3] *Раънолиқ* – мағрурлик, гўзаллик, ёқимлилик.
[4] *Ноболиғ* – балоғатга етмаган.
[5] *Ўсанмоқ* – безмоқ, зерикмоқ.
[6] *Ийд (Ид)* – байрам, ҳайит.
[7] *Хаз* – ипакли мато.
[8] *Далқ* – дарвешларнинг жундан тикилган либоси, қаландарлар хирқаси.

* * *

Кампир ҳарам нозанини бўлурму?

* * *

Кишиға бўлмаса ўз шаънига шойиста сифот,
Қилмасун айб ўзидекдин доғи андоқ ҳаракот.

* * *

Элнинг махфий айбин пайдо қилмоқ – ўзин беэътимод ва ўзидекни расво қилмоқдур. Йўққим, ўзидекни расво қилмоқ ва ўзининг ҳам бу навъ айбин ошкоро қилмоқдур.

* * *

Эл айбини айтурға бировким узотур тил,
Ўз айбини фош айлагали тил узотур, бил.

* * *

Илм ўқуб, амал қилмағон ерни шиёр[1] қилиб, тухум солмағонға ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмағонга.

* * *

Илм ўқуб, қилмағон амал мақбул,
Дона сочиб, кўтармади маҳсул.

* * *

Усрук сўзиға ҳикмат мухолифи жавоб хирадманд иши эмас ва телба рамзиға ақл муқтазосидин[2] ўзга ҳушманд нукта демас.

* * *

Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳаллол[3].

* * *

Хирадманд пандини кўрган ачиғ,
Сўнгида пушаймонлиғи не асиғ.

[1] *Шиёр* – шудгор.

[2] *Муқтазо* – зарурат, талаб, тақозо.

[3] *Ҳаллол* – ечувчи, ҳал қилувчи.

* * *

Сайёднинг баликка шаст солмоғи нафс муддаоси учундур ва баликнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоғи жуъ балоси учун.

* * *

Бўлди сайёдғау сайдға нафс орзуси қайд,
Йўқса не ул эди сайёд, не бу эрди анга сайд.

* * *

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳҳатқа боис. Оғизға келганни демак нодон иши ва оллиға келганни емак ҳайвон иши.

* * *

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

* * *

Ғолиб душман забунинг бўлса, шод бўлма ва иши андешасидан озод бўлмаким, сиёсатида таҳаммул вожибдур ва риоятида тааммул.

* * *

Душман ражоу[1] хавфи десангким, фан ўлмағай,
Андоқ тирилки, кимса санга душман ўлмағай.

* * *

Олимки, жоҳилни муқобалаға[2] келтуруб, илзом[3] қилмоғи ҳавас бўлғай, анинғ ўзига ушбу иҳонат-ўқ бас бўлғай. Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорин асрағай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай.

* * *

Хораға ҳар кишиким, дурри саминни урғай,
Хирад англарки, қаю бири бирини синдурғай.

---

[1] *Ражо* – умид, тилак.

[2] *Муқобала* – рўпара келиш, қарши чиқиш.

[3] *Илзом* – мулзам, енгилиш.

* * *

Гавҳар балчиққа тушган била қиймати ушалмас ва ўз баҳосидан қолмас. Эшакмунчоғни тожға тиккан била фируза ерин тутмас ва ҳеч ким анинг камбаҳолиғин унутмас.

* * *

Зевар била шакли хўб бўлмас,
Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ.
Ҳар неча қоронғу бўлса ҳужра,
Шамъ анда бўлур фузун зиёлиғ.

* * *

Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма.

* * *

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар
Тушса нажосат ичра юғай кимса ани пок.
Гар ит узумиға киши май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.

* * *

Қила олғонча таъзим ва адаб биносин йиқма ва ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

* * *

Имонға эрур нишон ҳаё бирла адаб,
Ҳурмат била таъзим саодатқа сабаб,
Ҳаёву муаддаб ангаким, бўлса лақаб,
Мақсудиға кеч етса ажаб, англа ажаб.

* * *

Фосиқ бари миллатда нодондур ва покравлар орасида нодонроқ. Фисқ бари тариқда ёмондур ва порсолиқ[1] либосида ёмонроқ.

[1] *Порсо* – тақводор, художўй.

* * *

Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош.
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сори йўл.

* * *

Саҳву хато башарият лозимидур. Хато ва саҳвни англаб мутанаббиҳ[1] бўлғон саодатманд одамийдур. Хатосин зойил[2] қилур улки, эътироф сари қайтғай ва музоаф[3] қилур улки, далил ижро қилиб, ҳарза айтқай. Муболагаси неча кўпрак – саҳви пайдороқ ва мукобараси[4] неча ортукроқ – ўзи элга расворок.

* * *

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод қилмагай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмағай. Эҳсон тирикликда яхши отдур, ўлгандин сўнг дўзах азобидин нажот.

* * *

Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди, қўярлар отин эҳсон.
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

* * *

Бахилнинг андоққи, бугун топқони захира бўлғай, тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра бўлғай. Зуҳду тақво барча вақтда дилписанддур, йигитликда дилписандроқ. Тавба ва истигно ҳама вақтда судманддур, қариликда судмандроқ.

Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржуманддур, улуғлар назарида аржумандроқ.

---

[1] *Мутанаббиҳ* – ҳушёр, огоҳ.
[2] *Зойил* – йўқ бўлувчи, фоний.
[3] *Музоаф* – икки марта орттирилган.
[4] *Мукобара* – мағрурлик, такаббурлик.

* * *

Яхшилиқ ва ёмонликни ким қилдиким, жазо кўрмади. Салоҳ ва фасод тухмин ким эктиким, ўрмади.

* * *

Яхшилиқ тухмин сочғилким, будур деҳқонға сўз:
Ҳар неким эктинг бугун, борин ҳамон тут они кўз.

* * *

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-қатра йиғилиб, дарё бўлур.

* * *

Ўрганурдан қочгон лаванд[1] ва юзига ҳиял[2] ва баҳона эшигин очгон тананд[3]. Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд.

* * *

Илмдин орий[4] улуснинг жоҳили худкомаси,
Ўрганурга жидду жаҳд этган жаҳон алломаси.

* * *

Тинч кўнгул била ёвғон умоч яхшироққким, такаллуф ва машаққат била қандий кулоч.

* * *

Эски чапон била фориғ туфроғда ўлтурмоқ яхшироққким, зарбафт хафтон кийиб биров олида турмоқ.

---

[1] *Лаванд* – ялқов, танбал, дангаса.
[2] *Ҳиял* – ҳийлалар, найранглар.
[3] *Тананд* – ялқов, танбал, дангаса.
[4] *Орий* – озод, халос, кутулган.

* * *

Ҳар кишиким, бир қавмнинг сулук ва оҳангин тузар, тадриж била ҳамул қавмнинг рангин тутар. Ҳар кимгаким, пайравлиғ этар, ул мутобаат[1] хосиятидин ул етган ерга етар.

* * *

Одамий шариф ул-кавнайндур[2] ва ит нажас ул-айн[3], аммо ҳақношунос[4] ва бевафо одам ҳақшунос[5] ва вафолиғ итдин кам. Вафолиғ қутуз[6] ит яхшироққким, вафосиз хуш барно йигит.

* * *

Бевафо ҳақношунос элдин йироғлиғ истаким,
Келмади ҳаргиз алардин ғайри бедоду жафо.
Итга итлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,
Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.

* * *

Нафспарвардин ҳунар келмас – емакдин ўзга ва нафспарастдин нафъ етмас – демакдин ўзга. Ул бири бари ҳаром таомдин ва бу бири барча таърифи каломдин.

* * *

Оқил чу кўрса элда хато ижтиноб этиб,
Андин савоб йўл сори мойил қилур ўзин,
Қўймас анинг хатосиға эл айлаб эътироз
Айтурға юзи ўтрусида саҳвининг сўзин.

* * *

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг наҳори. Бу биридин айшу нишот гулларининғ очуғлиғи ва ул биридин завқу инбисот уйларининг ёруғлиғи.

---

[1] *Мутобаат* – эргашиш, итоат қилиш.
[2] *Шариф ул-кавнайн* – икки оламнинг азизи.
[3] *Нажас ул-айн* – ифлос, нопок.
[4] *Ҳақношунос* – ҳақни танимайдиган, қадрни билмайдиган.
[5] *Ҳақшунос* – бировнинг ҳақини биладиган, қадрлай оладиган.
[6] *Қутуз* – кутурган.

Инсоннинг зебу раънолиғи андин ва башарнинг тобу тавонолиғи[1] андин.

* * *

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгиз,
Ўзни қарилиқ меҳнатидин қўркутунгуз.
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

* * *

Сафар водийсида мусофир аёғиға дарду бало тиканлари кўп сончилур, лекин ҳар тикандин мақсад гули очилур.

* * *

Ҳар кишварнинғ оройишини ва ҳар манзилнинг осойишини сафар аҳлидин сўр ва мусофирдир кўр. Сафар қилмағон ором фароғатин қайда билсун ва ғурбат чекмаған ватанда ком рафоҳиятин не навъ маълум қилсун.

* * *

Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзин айтурда беваҳму бок бўлғай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариғ ва кўнгли аригни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдурки, мусулмонлар анинг тил ва илғидан эмин бўлғайлар ва кўзи кўнглидин мутмаин.

* * *

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ кўз тутмас, яхши ёмонларға ҳам яхшилиғни унутмас. Яхшилиқ қила олмасанғ, ёмонлиқ ҳам боре қилма. Яхшиликдан ёмонлиғни яхшироқ билмасанғ, яхшиларға қўшул, яхшилиқ теграсиға эврула олмасанғ, яхшилар теграсиға эврул.

* * *

Бир неча журъани[2] баданға дохил қилиб, бир неча қатрани андин хориж этма. Ул журъа кудуратидин[3] сафодин айрилиб,

[1] *Тавонолиғ* – қувватли, бардам, соғлом.

[2] *Журъа* – қултум, қатра, томчи.

[3] *Кудурат* – хиралиқ, ғубор, ғам, андуҳ.

ул қатра хуружидин бало дарёсиға ботмаким, ул журъа селоби балодур, дину имонинг йиқар, ул қатра гирдоби ранжу анодурким, анинг била ҳаётинг нақди чиқар. Бадан дуржидин дурларниким сочтинг, холи бўлдунг ва жисм шишасига ул журъалар йўлин очтинг – нафсу ҳаво поймоли бўлдунг. Ул журъа моддаи фасоддур, танингға ёвутма ва ул қатра нақди ҳаётдур– таркин тутмаким, мунинг қабулидин шайтон мақбули ва мақсудисен ва анинг раддидин Раҳмон мардудисен. Ани ичмак – жигар қонин ичмакдур ва мундин кечмак – бир жигаргўшадин кечмакдур, ул бирин ютмоқдин заҳр ютма, бу бирин сочмоқдин наслинг тухмин қурутма.

* * *

Дардлиғ кўнгул – шуълалиғ чароғ, ёшлиг кўз – сувлуқ булоғ.

* * *

Тева қушин[1] юклаб, кўчса бўлмас ва чодир қанотин очиб, учса бўлмас.

* * *

Ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ.

* * *

Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била.

* * *

Сиҳҳат тиласанг, кўп ема, иззат тиласанг, кўп дема.

* * *

Яхши либос – танға оройиш, яхши қўлдош – жонға осойиш.

* * *

Томеъдин карам тилама, гадодин дирам тилама.

[1] *Тева қуши* – туяқуш.

* * *

Бахилдин амонат ажаб, каримдин хиёнат ажаб.

* * *

Чоқин сиймин ўкса бўлмас, ёгин риштасин тугса бўлмас.

* * *

Телба қулоғига панд – қуюн аёғиға банд.

* * *

Бебок – ҳамдамликка ярамас, нопок – маҳрамликка ярамас.

* * *

Ясанчоқ – мардона бўлмас, кўпалак – парвона бўлмас.

* * *

Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин гунгранма[1].

* * *

Моллиқ нодоннинг демаги, олтунлуқ чибиннинг емаги маълум.

* * *

Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама.

* * *

Кулар юз билан ато, сахо устига сахо.

* * *

Ишқсиз кесак, дардсиз эшак.

[1] *Гунгранмоқ* – ғазабланмоқ, аччиқланмоқ.

* * *

Қонеъ тиланмас фарзона, қаноат туганмас хизона.

* * *

Элга қўшулғон оройиш топти, элдин узулғон осойиш топти.

* * *

Ҳар югурган ёвушмас, ҳар айрулғон қовушмас.

* * *

Жуҳуд ўз динидин маҳжур, ҳасуд ўз феълидин ранжур.

* * *

Хасм неча ҳақир бўлса, кўнгул кўзғатур ва хас неча ушоқ бўлса, кўз булғатур.

* * *

Душман мақолоти – банг хаёлоти.

* * *

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон ҳамон. Ямон била яхши орасида кўп фарқдур, икки кеманинг учин тутқон ғарқдур. Ҳар қавм ойини била зуҳур қилсанг алардинсен, алар ямон бўлса, сен – ямон ва алар яхши бўлса, сен яхшилардинсен.

* * *

Ёмондин яхшилиқ кўз тутмоқ фосид хаёлдур, итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур. Зоти душман ва мухолифни дўст дема, ўзунгга бози берма ва бози ема.

* * *

Табиий душман вақте дўст бўлғайким, сув ўтни ўчурмагай ва ел туфроғни совурмағай. Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий мухолифат: бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадур у чоғдин ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфрог ғолиб бўлса, ўтни ўчирур.

Одам била шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунгга дўст тутма. Отангни биҳиштдек маъманидин[1] жало қилди ва йиллар хокдон[2] ғарибистонида залил ва мубтало қилди.

* * *

Нодон дўстни ҳам дўст сониға кивурма.

* * *

Ёмон мижозлиқ зишт[3] – деви дўзахсиришт[4]. Муханнас[5] не ҳашвки демагай, макиён не нажосатки емагай. Эрдин сўз ҳунар, энчидин[6] бўз ҳунар.

* * *

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма. Оз деган – оз енгилур, оз еган – оз йиқилур. Очлиғ ҳикмат сармоясидур ва тўқлуг гафлат пироясидур. Тўқлуғ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўқ қил. Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос зеболиғин тиласанг, бир ялангни буткар. Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдин кийдурганинг авлодур.

* * *

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,
Чунки кийдурдунг ялангға уфрамас[7] тўн ул эрур.

* * *

Ҳар кишини дема маҳраму ҳамроздурким, бу матоъ олам аҳлида оздур. Башар жинсин розингға маҳрам билма, балки малакни ҳам ўзунгга маҳрам қилма. Ўзунг асрардин агар санга малолдур, яна биров ани асрамоқ маҳолдур. Ўз махзанингни

[1] *Маъман* – 1) тинчлик, омонлик ери; 2) макон, ватан.
[2] *Хокдон* – тупроқхона, яъни олам.
[3] *Зишт* – хунук, ёмон.
[4] *Дўзахсиришт* – дўзахий.
[5] *Муханнас* – хунаса, ҳезалак.
[6] *Энчи* – тўқувчи.
[7] *Уфрамоқ* – эскирмоқ, йиртилмоқ.

очсанг ва махфий дурларингни сочсанг, терган киши сепамай неткай ва асра деб муболаға қилғонинг не ерга етгай? Ўзунг ўз сиррингни асрай олмағонингни билурсен, яна биров ани фош этса, айб ҳам қилурсен.

* * *

Кўзни ўз айбингдин олма ва ўзгалар айбиға кўз солма.

* * *

Чин сўзни ёлғонға чулғама, чин айта олур тилни ёлғонға булғама. Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлғон сўз дегувчини беэътибор қилур, нечукким, ул гавҳарни хазафдек хор қилур. Улки чин сўзни ёлғонға қотар, дурри саминни нажосатға отар.

* * *

Гавҳареким, шоҳларға зеби тожу тахт эрур,
Ташлағон они нажосатға ажаб бадбахт эрур.

* * *

Ёлғончини дебдурларки, Тенгри душманидур.

* * *

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил. Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама. Сўз борким, эшитувчи таниға жон киюрур ва сўз борким, айтғувчи бошин елга берур. Тилинг била кўнглунғни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтғон сўзла бут. Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтурма, ҳар наким кўнглунгда бўлса, тилга сурма. Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сепамоқ бошқа офатдур. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт. Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.

* * *

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

Киши чин сўз деса зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

* * *

Қавий душман забунинг бўлса мурувват қил, карам ва афв кўргузгил.

* * *

Доно иликдин борғондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу била қайтмас.

* * *

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам.

* * *

Кафшсизликдин малул бўлмағил, аёғсизларга боқиб шукр қил.

* * *

Кисангда агар дирам йўқ, кўнглунгда кисабур[1] гами ҳам йўқ.

* * *

Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассен.

* * *

Ҳар шиддатеким, билурсен, андин қатиқроқ ҳол бордур ва ҳар суубатеки, гумон қилурсен, андин саъброқ кўб кишига гирифтордур. Ҳар машаққатким, сенда йўқтур, сенингдекда бор.

[1] *Кисабур* – киссавур, ўғри.

## «МУНШАОТ»дан

Ҳар неким тақдир бўлса, сарбасар топмиш вужуд,
Бовужуди мунча юз минг сен агар йўқсен не суд.

* * *

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,
Кўрки, бордур анинг калиди темур.

Ганжи мақсуд кимга бўлса умид,
Ул насиҳатлар эрур анға калид.

Қуфл очарда гадову соҳибтож
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

* * *

... талаб бўстонида мақсуд гуллари кечрак очилғондин кўнгул ғунчасин хорхори маломат била реш қилмоқ муносиб эмас. Нединким, то тақдир чаманидин иноят насими эсиб, меҳнат хазонин ишрат баҳорига мубаддал[1] қилмагунча мақсуд гули очилмоғининг имкони йўқдур. Мундоқ бўлгондин сўнг таъжил суд қилмас ва малолатдин ғайри маломат иш очилмас.

* * *

Агар юз қатла булбул чексун афгон,
Баҳор ўлмай гул очилмоқ на имкон,

Ағар оламни тутсун шоми дайжур[2],
Тонг отмай кун чиқормоқ кимга мақдур?

---

[1] *Мубаддал* – алмашган, ўзгарган.

[2] *Шоми дайжур* – энг қоронғи кеча.

* * *

Не қилса қазо килки азалда таҳрир,
Мумкин йўқ анга абадқа тегру тағйир,
Ақл айласа ҳар амрда юз минг тадбир,
Суди йўқ агар мувофиқ эрмас тақдир.

* * *

Оламда ҳарғиз дўстлуқ киши душмансиз бўлмайдур.

* * *

Дўстлар фикридину душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзға натижа бермас.

* * *

...ҳар киши тиласаким, муроду максуди ҳосил бўлиб, офат ва балодин эмин бўлғай, Тенгри таоло буйруғи била амал қилиб, наҳйдин ижтиноб қилғай.

* * *

...оламда ҳеч киши йўқтурким, ҳар навъ муроди бўлмағай ва ўзин балодин эмин тиламагай. Аммо ҳар кишининг муроди кўпрак бўлса, Ҳақ таоло амриға итоати кўпрак бўлса керак.

* * *

...киши ота ризосин ҳосил қилса, Тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабиға учраса, Тенгри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлғондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай.

* * *

Фарзанд керак заифлиғида отасиға хизмат маҳаллин топтим деб, жонсипорлиқ[1] қилса.

[1] *Жонсипор* – жонини фидо қилувчи, садоқатли.

* * *

Бировки, васл насими тарабфизодур[1] анга,
Чу қадрин англамади, ҳажр ўти сазодур анга.

* * *

Даврон базмида ким бир мурод жоми ичтиким, сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади ва сипеҳр анжуманида ким бир иззат маснадиға мутакаммин[2] бўлдиким, оқибат юз мазаллат туфроғиға ўлтурмади; абнойи замонға ким бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағриға сончилмади; аҳиббойи[3] давронға ким бир муҳаббат эшиги очтиким, алардин юзига юз адоват абвоби[4] очилмади. Даҳр бозорининг нақди рўйандуддир[5] ва айём жашнининғ[6] шаҳди заҳролуд. Бу жиҳатдин кўзларин басират шамъи ёритқонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнғулларин ҳидоят зилоли оритғонлар[7] олам меҳрини зарраи кўнгулга олмайдурлар. Аммо ағарчи сипеҳр золининг макри бешумордур[8] ва лекин ҳунари дағи бордурким, нечукким, иззу улосининг[9] мадори йўқтур, банду балосининғ ҳам эътибори йўқтур. Андоқким, жоҳу жалолиға[10] вафо бўлмас, меҳнат ва малолига дағи бақо бўлмас. Басо бандким, анинг зимнида кўп кушодлар ва басо номуродлиғким, анинг сўнгида ўкуш муродлар бўлғай. Яъс[11] қаро шомидин сўнгра субҳи уммид тулуъ[12] этар ва баъс[13] зулмоти зимнида ҳаёти жовид навиди етар.

---

[1] *Тарабфизо* – шодликни оширувчи.
[2] *Мутакаммин* – жойлашиш, ўрнашиш.
[3] *Аҳиббо* – дўстлар, севимлилар.
[4] *Абвоб* – эшиклар.
[5] *Рўяндуд* – ясама, қоплама.
[6] *Жашн* – байрам, тўй.
[7] *Оритғон* – поклаган.
[8] *Бешумор* – сон-саноқсиз, ҳад-ҳисобсиз.
[9] *Уло* – юксаклик.
[10] *Жоҳу жалол* – шон-шавкат, улуғлик ва мартаба.
[11] *Яъс* – умидсизлик.
[12] *Тулуъ* – чиқиш, кўриниш (ой, қуёш).
[13] *Баъс* – қўрқув.

* * *

... хармуҳра тожга тикилган била фируза бўлмайдур ва мийнойи[1] шиша бўюнға осқон била зумуррад ўрнин тутмайдур.

* * *

... хайнинг[2] нопок сувин саъй била оби ҳайвон қилурман деган ва кеча ишнар қуртнинг тийра пайкарин жаҳд била хуршиди рахшон ясармен деб, ҳарза хиёл қилғон басоки хижолат бармоғин тишлагай ва пушаймонлиғ овучин бир-бирига қоққай...

* * *

Олам элиға шафқат этиб аҳли ҳудо[3],
Иршод юзидин эттилар бўйла нидо –
Ким, ҳар кишига неъмате берди Худо,
Шукрини анинг вожиб эрур қилмоқ адо.

[1] *Мийно* – олтин ё кумуш билан безак берилган шиша идиш.

[2] *Хай* – тер томчиси.

[3] *Аҳли ҳудо* – раҳнамолар, пешволар.

## «ВАҚФИЯ»дан

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Булутдинким, бўлур сероб туфроқ,
Мулавван[1] гул берур минойи яфроқ.

Кишиликдин нечук урғай киши дам,
Бўлуб туфроқ бирла хородин кам.

* * *

Кулеким, тийра бўлмиш гулхан андин,
Эрур кўзгу жамоли равшан андин.

* * *

Ҳар кимки, биров ишқиға бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керактур пайванд,
Гар ғайр хаёли тушса кўнгулга писанд,
Қилмоқ керак ул кўнгулни юз минг парканд[2].

* * *

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод[3] ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

---

[1] *Мулавван* – рангли, ранг-баранг.
[2] *Парканд* – парча, бўлак, майда.
[3] *Барафтод* -- йиқилиш, бузилиш.

## «НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР»дан

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

* * *

Қардошинг эмас улки, қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош санга –
Ким, қилди қатиғликда вафо фош санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардош санга.

* * *

Топтинг чу аёл, яхшилиқ еткургил,
Ўргат адабу яхши қилиқ еткургил,
Ҳар неча адаб бўлса қатиғ еткургил,
Хайлингга адаб қилиб, асиғ еткургил.

* * *

Олтин-кумуш этма касб давлат кунидин –
Ким, тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар йўқтур адаб, не суд олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин.

* * *

Олам тарки кишига ҳимматдин эрур –
Ким, кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур,
Нафсингга қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ они мурувватдин эрур.

* * *

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри[1] абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

* * *

Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлигин анинг шарорат[2] англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.

* * *

Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
Гар яхши амал кишига одат бўлгай,
Умри бу амал бирла зиёдат бўлгай.

* * *

Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга[3] садқасини бот[4] айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Кўпрак бўлурига илтифот айлагасен.

* * *

Дунё била неча зебу оро қилмоқ,
Ул зеб ила дўзах ўти барпо қилмоқ,
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Укбо била хушдур ани савдо қилмоқ.

---

[1] *Зухр* – захира.

[2] *Шарорат* – ёмонлик, ярамаслик.

[3] *Дарвеш* – тасаввуф истилоҳотида изловчи, истовчи маъносини ифодалаб, сўфий, фақир, ошиқ, ориф, соҳибдил, соҳибасрор, соҳибназар каби ўзини Ҳаққа бағишлаган кишиларнинг тимсоли бўлиб келади.

[4] *Бот* – тез, дарҳол.

* * *

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур[1],
Невчунки, эр ўғлиға қорин душмандур.

* * *

Сўздин кишиким ғаму бало ҳосилидур,
Ҳар нукта тили деса бало дохилидур,
Бесирфа[2] деган кишига тил қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

* * *

Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзиға ҳойил қилма,
Қил яхшилиқу демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилиғни ботил қилма.

* * *

Эҳсонки бировга сийрату сон келди,
Ашколи[3] спеҳр олдида осон келди,
Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,
Эҳсонда тараб икинчи эҳсон келди.

* * *

Ҳар ишдаки Ҳаққа мултамас бўлғусидур,
Иш саъб эса Тенгри чорарас бўлғусидур,
Ҳар йўлгаки, кўнглунгга ҳавас бўлғусидур,
Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.

* * *

Не ишки, ёмонлиғ ўлди таъсири анинг,
Йўқ дарду надамдин ўзга тавфири[4] анинг.

---

[1] *Аҳсан* – таҳсин, офарин.
[2] *Бесирфа* – кўп, ортиқча.
[3] *Ашкол* – бу ерда: киёфа, кўриниш.
[4] *Тавфир* – бу ерда: орттириш, кўпайтириш.

* * *

Кўнглунгга хирад йўлин падидор[1] айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,
Ҳар ишда хирадни ўзунгга ёр айла,
Журмунғ таркидин хирад изҳор айла.

* * *

Таъзимда улки, эҳтимоми бўлғай,
Ул мужиби иззу эҳтироми бўлғай,
Ҳар кимки, тавозуъ амри коми бўлғай,
Ул феъл ила халқ аро кироми[2] бўлғай.

* * *

Уч феъл эрур кишига қотил охир,
Қотиллиқ аро заҳри ҳалоҳил охир,
Бухл англа бирин, бирин ҳаво[3] бил охир,
Қил ужбни ҳам аларға дохил охир.

* * *

Уч қием ила имонга бино фаҳм айла,
Аввалғисини анинг ҳаё фаҳм айла,
Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла,
Учунчини билмасанг, сахо фаҳм айла.

* * *

Адл[4] айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти[5] бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи[6] бўлмиш.

---

[1] *Падидор* – ошкор, аён.
[2] *Кирам* – азиз, улуғ.
[3] *Ҳаво* – бу ерда: 1) орзу, ҳавас, майл, иштиёқ; 2) кибр, баландимоғлик.
[4] *Адл* – адолат, одиллик.
[5] *Жиҳот* – томонлар, тарафлар.
[6] *Сабот* – барқарор, мустаҳкам, боқий.

* * *

Эҳсонки, қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуқ иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор[1] айлаб ани,
Қилғил ики онча эътизор[2] айлаб ани.

* * *

Майдони сахо ичра жалодат[3] кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз,
Бухл айласа, нафсингға адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса, саховат кўргуз.

* * *

Яхшиликдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санға осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун бўлди малак нафърасон[4] ҳамсуҳбат,
Шайтон санғакимдурур ёмон ҳамсуҳбат.

* * *

Йўқ олам ичинда фардлиқ[5] меҳнатидек –
Ким, кимсаға қилса ёрлиқ нисбатидек,
Бўлғуси хисоли ёрининг хислатидек,
Бордур кишининг чу феъли ҳамсуҳбатидек.

* * *

Ҳар кимсаки, сўз демак шиоридадурур,
Маъни гули нутқининг баҳоридадурур,
Сўзким десун улки, ихтиёридадурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисоридадурур[6].

---

[1] *Гирудор* – 1) ҳукмронлик, ҳукмфармолик; 2) тортишув.
[2] *Эътизор* – узр сўраш.
[3] *Жалодат* – улуғлик, баҳодирлик, қаҳрамонлик.
[4] *Нафърасон* – фойда етказувчи.
[5] *Фардлиқ* – ёлғизлик.
[6] *Ихтисор* – қисқартириш, қисқалик.

* * *

Ёреки, теғар бировга озори анинг,
Ақл олдида тенғдурур йўқу бори анинг,
Ёреки, эрур ҳамида[1] атвори анинг,
Кўрмакка ғанимат ўлди рухсори анинг.

* * *

Жудеки хирад буюрса, тобеъ бўлгил,
Нафс айласа бухл, маъъиға монеъ бўлғил,
Оз-кўп аро бир сўзумга сомеъ бўлгил,
Кўп бергилу озға лек қонеъ бўлгил.

* * *

Жаҳл аҳли[2] била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай,
Фақр аҳли била ангаки суҳбат бўлғай,
Шак йўққи, зиёда шукри неъмат бўлғай.

* * *

Гардунки, халойиққа вафоси йўқ анинг,
Жавр ичра кичик-улуққа поси[3] йўқ анинг,
Ҳар кимки кичик бўлса, бақоси йўқ анинг,
Сен они улуқ билки, фаноси йўқ анинг.

* * *

Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил,
Ҳар кимки адабсиздур, ишин абтар[4] бил,
Алқисса[5], эранларга адаб зевар бил.

---

[1] *Ҳамида* – яхши, гўзал.
[2] *Жаҳл аҳли* – нодонлар, гумроҳлар.
[3] *Пос* – бу ерда: риоя қилиш, сақлаш.
[4] *Абтар* – 1) хароб; 2) хаста нотавон.
[5] *Алқисса* – хулласи калом, гапнинг қисқаси, хулоса қилиб айтганда.

* * *

Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатға саҳоб ўлди ҳаё,
Мазмум хасоилга[1] ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айниға[2] гўёки ниқоб ўлди ҳаё.

* * *

Бадхўйки, ўз қилғани раҳматдур анга,
Ором халойиқ сори туҳматдур анга,
Ким хўйи ямон бўлса, машаққатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга,

* * *

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлук тиласанг, синғайсен,
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингға хилоф айлаким, тинғайсен.

* * *

Молингки, эрур кому ҳаво йўлида харж,
Жоми маю лаҳни[3] жонфизо йўли харж,
Бордур ямон айламак риё йўлида харж,
Яхшиси эрур бўлса Худо йўлида харж.

* * *

Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил,
Нафсингға алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.

* * *

Кимни тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин десанг англайин, фиолин[4] англа,

[1] *Хасоил* – хислатлар, сифатлар.
[2] *Айн* – кўз.
[3] *Лаҳн* – 1) товуш, овоз; 2) наво, оҳанг.
[4] *Фиол* – феъл.

Кирдориға боқиб, асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин англа.

* * *

Жамъ этмак азалда топти тақсим бахил –
Ким, этмади сийм элга таслим бахил,
Чун харж қилур чоғда кўрар бим бахил,
Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сим бахил.

* * *

Ҳар кимки, тамаъдурур гирифторлиғи,
Не суд анга аҳли сахо ёрлиғи,
Иззат бермас нақду дирам борлиғи –
Ким, бўлди тамаъдин кишининғ хорлиги.

* * *

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб сийм харидори азиз.

* * *

Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анға бу иш сироят қилгай.

* * *

Айлар чу сукут топса тил осойиш,
Ҳам бўлмаса дастранж эл осойиш,
Рўзини тилар таркини бил осойиш,
Рўзи тилар эрмиш сени, қил осойиш.

* * *

Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ, эл ичинда бўлса доно охир,
Рифқ айламағи ҳар ишта авло охир –
Ким, ақл далилидур мадоро охир.

* * *

Маҳрам тиласанг, сидқ ила гуфториға боқ.

* * *

Эйким, қиласен жилвау ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб,
Гар бўлса ишинг кўпраги ё озроғи зеб,
Зоҳирдин эрур сутуда[1] ботиндоғи зеб.

* * *

Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи.

* * *

Кўнглунгни арит борча ямон хислатдин –
Ким, яхши қилиғ далил эрур раҳматдин,
Бадхўйлик ул ваҳшат эрур шиддатдин –
Ким, элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин.

* * *

Десанг топай ул замиридин боре хабар,
Сирридин эрур таври намудори хабар,
Таврин кўру равшан айла ҳар сори хабар –
Ким, кўнглидагидин берур атвори хабар.

* * *

Тил илдомидин[2] бўлур ғаромат[3] ҳосил,
Юз навъ надомату маломат ҳосил,
Оз сўзлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.

---

[1] *Сутуда* – мақталган, мақтовга сазовор бўлган.
[2] *Тил илдоми* – тил заҳмати.
[3] *Ғаромат* – 1) товон, жарима; 2) ҳасрат, надомат.

* * *

Ҳар ишки, улус оллида мавзун бўлғай,
Қилғон ани ҳар бахт ҳумоюн[1] бўлғай,
Иш поёники, зишту вожун[2] бўлғай,
Улдурки, ямон иш била мақрун[3] бўлғай.

* * *

Эл қочса бировдин, эл ямони бил они,
Аҳволидан идбор[4] нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон ямони бил они.

* * *

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар,
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарға мақрун айлар.

* * *

Оз нукта дегил, тилар эсанг жонға салоҳ,
Ташвишли ғалат биймидин имонға салоҳ,
Инсон ани билки, ком эрур онға салоҳ,
Тил ҳифзидадур зумраи инсонға салоҳ.

* * *

Чун синса кўнгул захми забон оғриғидин –
Ким, эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин,
Ҳар неки санга етар лисон[5] оғриғидин,
Билгилки, қатиқдурур синон оғриғидин.

---

[1] *Ҳумоюн* – кутлуғ, муборак.
[2] *Вожун* – чаппа, тескари.
[3] *Мақрун* – якин, пайваста, восил.
[4] *Идбор* – бахтсизлик, тушкунлик, ишнинг орқага кетиши.
[5] *Лисон* – тил, нутк.

* * *

Улким, қўлида дурри лаоли[1] бўлғай,
Ғамнинг анга қайда эҳтимоли бўлғай,
Муфлис бўлмоқ тараб заволи бўлғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи бўлғай.

* * *

Хайлеки, муваддат ошкор айладилар,
Авқот хазонини баҳор айладилар,
Жамъики, мухосамат[2] шиор айладилар,
Кенг даҳр ўзига тангу тор айладилар.

* * *

Ножинс ила лутфу инбисот оз айла,
Ҳампешани ҳамнишину[3] ҳамроз айла,
Ҳаммашраб[4] ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.

* * *

Золимки, эрур зулму жафо ҳосил анга,
Зулм этгали-ўқ хотир ўлур мойил анга,
Бўлмоқ хуш эмас қилгонидин хушдил анга,
Ўз зулмидин-ўқ ўлғусидур қойил анга.

* * *

Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ,
Тарк этмак ани кавну макондин ортуқ,
Сусизға су шавқи бўлса жондин ортуқ,
Бил, сифлаға мол шавқи ондин ортуқ.

---

[1] *Лаоли* – марваридлар, инжулар.
[2] *Мухосамат* – адоват, низо, душманлик.
[3] *Ҳамнишин* – бирга ўлтирувчи, дўст, ҳамсуҳбат, улфат.
[4] *Ҳаммашраб* – табиати, феъл-атвори ўхшаш.

* * *

Золимки, шиор этти жафо поясини,
Ўз воясин[1] истаб, олди эл воясини,
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

* * *

Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси эмас,
Тузлук эрмас шифосию вояси ҳам –
Ким, эгри кишининг эгридур сояси ҳам.

* * *

Қилсанг тамаъ элдин ҳадафи хазлон[2] бўл,
Саргаштау хору бесару сомон[3] бўл,
Тарки тамаъ айла, ҳокими даврон бўл,
Яъники, қаноат айлаву султон бўл.

* * *

Бермас татвил чун сухандон сўзга,
Қил мухтасар улча бўлғай имкон сўзга,
Кўп айб топар кимса фаровон сўзга,
Чун чекти узоққа, етти нуқсон сўзга.

* * *

Дониш тилаю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг, варақ йигиб нетгайсен,
Саъй айлаки, ҳифзи ганжиға етгайсен,
Йўқ улки, кутуб[4] саъй ила жамъ этгайсен.

---

[1] *Воя* – 1) ҳисса, улуш, насиба; 2) фойда, баҳра.
[2] *Хазлон* – хорлик, бадбахтлик.
[3] *Бесару сомон* – бахтсиз.
[4] *Кутуб* – китоблар.

* * *

Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини[1] хирад,
Андин, билгилки, топти тазйини[2] хирад,
Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуққи, топти талкини хирад.

* * *

Ҳар кимки, халойиқ ичра доно кўрунур,
Ойини хирад аро тавоно кўрунур,
Фахр асл била ажаб таманно кўринур,
Фахр айласа фазл бирла авло кўрунур.

* * *

Нодонлиғ эрур элда малолатға далил,
Доно улус оллида хижолатға далил,
Беасл иши бўлмади адолатқа далил,
Донолиғ эрур элда асолатға[3] далил.

* * *

Йўқ лаззати сабрдек мукаддар ниманинг,
Ўз хурдиғадур[4] завқи муқаррар ниманинг,
Беаслға йўқ фаҳми муяссар ниманинг,
Фаръи берур аслдин хабар ҳар ниманинг.

* * *

Олам элиға ҳаёт эрур тузлукдин,
Етмак ғаразиға бор эрур тузлукдин,
Норостка[5] кўп уёт эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин.

---

[1] *Тамкин* – виқор, эътибор.
[2] *Тазйин* – безаш, зийнатлаш.
[3] *Асолат* – асллик, аслзодалик.
[4] *Хурда* – бу ерда: ўз ҳолига.
[5] *Норост* – нотўғри, эгри.

* * *

Онинг қаро қошу кўзга машғуллиги,
Мунунг доғи пок сўзга машгуллиги,
Бирнинг тўқумогда бўзга машғуллиги,
Ҳар қайси кўнгулнинг ўзга машгуллиги.

* * *

Доно киши шукри неъмат айтур жондин –
Ким, неъмати ортуқроқ ўлур Яздондин[1],
Доим бу сифат амр келур ёд ондин –
Ким, неъматини фосид этар куфрондин[2].

* * *

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир[3] эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин –
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

* * *

Имон топқон кишига Ҳақ раҳматидин,
Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин.

* * *

Улким, иши бевақту маҳал бўлмағуси,
Ҳар иштаки, саъй этса халал бўлмағуси,
Қонун била кимгаким, амал бўлмағуси,
Ул қилмоғи жуз ранжу залал[4] бўлмағуси.

* * *

Эл поясин англай десанг, асрорини бил,
Кўнглидаги муддаосин изҳорини бил,

[1] *Яздон* – Худо, Тангри.
[2] *Куфрон* – кўрнамаклик.
[3] *Мухбир* – хабар қилувчи.
[4] *Залал* – хато, нуқсон.

Қалбиға кўра таши намудорини бил,
Матлубиға боқу кимса миқдорини бил.

* * *

Қари кишига балки кам эмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса, қарилиқ басдур дард.

* * *

Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади,
Ҳақдин бўлғон ямон қазодур ҳасади,
Ўз жониға етгунча балодур ҳасади,
Балким, анга дарди бедаводур ҳасади.

* * *

Олимки, писандадур[1] хисоли билгил,
Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил,
Комилда керак ҳилм хаёли билгил –
Ким, ҳилмдадур илм камоли билгил.

* * *

Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин.

* * *

Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур буким, бақоси йўқ анинг.

* * *

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёрдурур, ёр айлар,
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,
Юмшоги кўнгулларни гирифтор айлар.

[1] *Писанда* – маъқул, яхши.

* * *

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,
Юмшоқ де ҳадисингнию маҳбуб ўлғил.

* * *

Қариға бажуз даҳр азоби эрмас,
Боғида йигитлик обу тоби эрмас,
Одамға ҳаёт жуз шабоби эрмас,
Яъни, қарилиқ умр ҳисоби эрмас.

* * *

Ҳар кимдаким, илм қилу қоли бўлмас,
Илм аҳлиға сўз дерга мажоли бўлмас,
Олим мулкининг интиқоли[1] бўлмас,
Шаҳ олим агар бўлса, заволи бўлмас.

* * *

Доноға такаллуф тўни киймак қиндур[2],
Ҳар чини[3] сори оразида бир чиндур,
Шуҳрат тўни киймагинг руунатдиндур[4],
Кий хирқаи фақру хотирингни тиндур.

* * *

Ким оз деди нукта, айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга,
Ҳаддин ўта ҳар кимки калом ўлди анга,
Ул навъ каломдин малом[5] ўлди анга.

---

[1] *Интиқол* – кўчиш, вафот этиш.
[2] *Қин* – қийин.
[3] *Чин* – бу ерда: тириш, чимирилиш, ажин, печ.
[4] *Руунат* – ўзига зеб бериш.
[5] *Малом* – айб, таъна.

* * *

Ҳар кимгаки, аччиғ бўлди сўз илкоси[1],
Бор суҳбатидин халқнинг истиғноси,
Ҳар кимки, чучук нукта эрур иншоси,
Қошидадур, албатта, улус ғавғоси.

* * *

Ҳар важҳ ила нотавонға ҳамсуҳбатлиқ,
Кўп яхшики, комронға ҳамсуҳбатлиқ,
Киши хатари ямонға ҳамсуҳбатлиқ,
Дарё сафари ҳамонға ҳамсуҳбатлиқ.

* * *

Ҳар кимсаки, нуктаси фаровон бўлмас,
Тил ранжига қолмоғлиги имкон бўлмас,
Кўп сўзлагучиға ғайри нуқсон бўлмас,
Ҳар кимки хамуш бўлди, пушаймон бўлмас.

* * *

Ким олим эса, нуктада барҳақ[2] де они,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они,
Ҳар кимсаки, йўқ илм анга, аҳмақ де они,
Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де они.

* * *

Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.

* * *

Ҳижрон аро бир рафиқи маҳрам ўтидин,
Ким куйса томуғни ўртагай гам ўтидин,
Фурқатки, кўнгулни куйдурур ҳам ўтидин,
Билгил ани тезрак жаҳаннам ўтидин.

---

[1] *Илқо* – ташлаш, тарк.

[2] *Барҳақ* – ҳақ, рост, чин, муқаррар.

* * *

Ҳар кимгаки, эгриликта овозадурур,
Туз жодда ичра йўлидин озадурур,
Тузлукта тараб беҳаду андозадурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тозадурур.

* * *

Ким садқа берур, агарчи Афридундур
Гар миннат этар бу феъл ила матъундур[1],
Миннат била улки садқа айлар дундур –
Ким, журми анинг савобидин афзундур.

* * *

Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,
Давлатқа агар етса, анинг муддати бор,
Аҳмаққа чу етса салтанат, шанъати[2] бор,
Султонлигининг заволиға суръати бор.

* * *

Хушқўйлиқ илаки, сарнавишт ўлди анга,
Дўзах сўзи лутфидин биҳишт ўлди анга,
Вой ул кишигаким, хулқи зишт ўлди анга,
Бу хулқи била ямон сиришт ўлди анга.

* * *

Бекаслигу дард кўйида гард ўлмоқ,
Хушроққи, ямон била ҳамовард[3] ўлмоқ,
Ёлғиз бўл, топма ранжпарвард[4] ўлмоқ,
Хушроқ чу ямон рафиқдин фард ўлмоқ.

---

[1] *Матъун* – таъна, маломатга қолган.
[2] *Шанъат* – ёмонлик, хунук иш, ярамас қилиқ.
[3] *Ҳамовард* – тенг, баробар.
[4] *Ранжпарвард* – машаққат билан ўсган.

* * *

Давр аҳлиға лутфи жонфизо кўргузгил,
Эл қилса ямон, яхши жазо[1] кўргузгил,
Йўқ, ёринга сидқ ила сафо кўргузгил,
Ким қилмаса хасмлиқ[2], вафо кўргузгил.

* * *

Даҳр уйида улки, ранжпарвард ўлғай,
Кўп яхшики, бедардға ҳамдард ўлғай,
Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай,
Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлғай.

* * *

Ҳар кимки, ҳасад хислатидур, вой анга,
Иқбол ила фарқ ўлса фалаксой[3] анга,
Ҳеч офатдин бўлмаса парвой анга,
Ҳам ўз ҳасади офатидин вой анга.

* * *

Ким кинавар[4] ўлса, иста ондин қочмоқ,
Невчунки, зарурдур ямондин қочмоқ,
Эр ўғлига нафси кинаролдин[5] қочмоқ,
Нафъдурким, шери жаёндин[6] қочмоқ.

* * *

Ҳар кимсаки, иқбол анинг ёваридур,
Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур,
Ҳиммат дури фахр тожининг гавҳаридур,
Чун ҳиммати одам ўглининг сарваридур.

---

[1] *Жазо* – мукофот.
[2] *Хасмлиқ* – душманлик, адоват.
[3] *Фалаксой* – осмонўпар, баланд, юксак.
[4] *Кинавар* – кек сақловчи, душманлик қилувчи.
[5] *Кинарон* – душманлик келтирувчи.
[6] *Жаён* – даҳшатли, қўрқинчли, ғазабли.

* * *

Ҳирс аҳлиға ғайри неш сончилмас ҳеч,
Бағридин анинг бу неш ойрилмас ҳеч,
Бу маҳлака[1] ичра фикрини қилмас ҳеч,
Ҳирс они ҳалок этти, ул билмас ҳеч.

* * *

Ҳар кимсаки, ақл кўнғлидин зойилдур,
Қорун эса, оқил қошида сойилдур,
Юз ғанж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқтур анга фақру фоқаким оқилдур.

* * *

Фисқ аҳлига бўлмас киши қилмоқ ҳурмат –
Ким, эрмас анинг ҳолиға равнақ ҳурмат,
Фосиққа насиб этмади чун Ҳақ ҳурмат,
Хушроқтур ани тутмаса мутлақ ҳурмат.

* * *

Қисматда насиб хайр ё шарр бўлмиш,
Саъй этмайин ул санга муяссар бўлмиш,
Топмас тағайюр[2] улча мукаддар бўлмиш,
Етгай санга ҳар неки, муқаррар бўлмиш.

* * *

Ҳар кимки фалак зулму инодиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Чун бўлди сабур[3], Тенгри додига етар,
Собир[4] киши оқибат муродиға етар.

---

[1] *Маҳлака* – хавф-хатар, ҳалокат.
[2] *Тағайюр* – ўзгариш, бошқа тусга кириш.
[3] *Сабур* – сабрли, тоқатли.
[4] *Собир* – сабр қилувчи.

# «МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН»дан

Сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким[1], жомеъи маонийи жузв ва куллдур[2]. Андокки, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига соҳиби ихтисос василаси била ғузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатиға боқа интишор[3] ва иштиҳор[4] топар. Гавҳар қийматиға нечукки, маротиб асру кўпдур, ҳаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

* * *

Сўз гавҳаредурки, рутбасининг[5]
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз.

[1] *Мазҳар* – кўриниш, акс. Бирор нарсанинг зуҳур этадиган ери.
[2] *Жузв кулл* – кисм ва бутун.
[3] *Интишор* – ёйилиш, тарқалиш.
[4] *Иштиҳор* – машҳур бўлиш, довруғ таратиш.
[5] *Рутба* – маком, мартаба, даража.

# «ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО»дан

Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
«Шаҳнома»нинг[1] ул навъки, лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи[2] кўптур.

* * *

Кўргузмади бу жаҳони ғаддор,
Не яхшиға меҳр, не ёмонға.

* * *

Хизр умрин тиларлар аҳли хирад,
Ёр васлидурур ҳаёти абад.

* * *

Бесабр улус гарчи жаҳондин кетти,
Айюб[3] сабур доғи кетмай нетти.

* * *

Кишики қилди амал Тенгрининг ризоси била,
Ҳақ этти охиратин кому муддаоси била.

---

[1] *Шаҳнома* – Абулқосим Фирдавсий асари.

[2] *Вофи(й)* – тўлиқ, тугал, комил.

[3] *Айюб* – Айюб пайғамбар. У зот серфарзанд ва бой-бадавлат бўлган. Лекин бирин-кетин бошига фалокат тушади: мол-дунёсидан ажралади – қаноат қилади; етти ўғилу етти қизидан жудо бўлади – сабр айлайди; соғлиғи қўлдан кетади – шикоят этмайди. Бу сабру қаноатининг ажри сифатида Оллоҳ таоло унинг барча йўқотишларини қайтариб беради. Айюб – мумтоз шеъриятда сабр-қаноат тимсоли бўлиб келади.

* * *

Чекса душман сенинг салоҳингга тил,
Маҳзи афсад[1] бўлғусидур бил.

* * *

Тиламай жуд қил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.

* * *

Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,,
Икисининг суйиға бир маза бор.

* * *

Улус афъолидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афъолингдин эл панд.

* * *

Зарари борча элга ом ўлғай –
Ким, таом устида таом ўлғай.

* * *

Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.

[1] *Афсад* – ёмон, фосид.

## «АРБАЪИН»дан

Мўмин эрмастур улки, имондин
Рўзғорида юз сафо кўргай,
Токи қардошиға раво кўрмас –
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

* * *

Ким мусулмонлиғ айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурки, солимдур
Тилию илгидин мусулмонлар.

* * *

Мўмин эрсанг қилиб дурингни нисор,
Эл била равшан ўл нечукким шамъ.
Негаким, Тенгри ҳеч мўминда
Бухлу бадхўйлуқни қилмади жамъ.

* * *

Одамиға агарчи воқеъ эрур
Қариған сори барча ишда халал.
Икки феъли вале йигитрак[1] ўлур:
Бири ҳирсу бириси тули амал[2].

[1] *Йигитрак* – ёшрок.
[2] *Тули амал* – бекорчи хаёл, беҳуда умид.

* * *

Улки, Холиқға шукр дер, аввал
Шокир ўлмоқ керак халойиқдин.
Кимки, махлуқ шукрини демагай,
Демагай дағи шукр Холиқдин.

* * *

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ керак сен элга раҳим.
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими карим.

* * *

Раҳмат озодағаки, ул олмас
Даҳр динору[1] дирҳамин ғамға.
Лек лаънат анғаки, қул бўлғай
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.

* * *

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг, уйладурким дайн[2],
Фарздур қарзни адо қилмоқ.

* * *

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур.
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,
Ул амонатға бу хиёнатдур.

* * *

Мол базл ила суд агар тиласанг,
Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.
Асрағон қолур, улки базл эттинг,
Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.

[1] *Динор* – олтин танга.
[2] *Дайн* – карз, бурч.

* * *

Ҳирсдин кечгил, ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле –
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо.

* * *

Субҳ уйқусин улки айлар тарк,
Ризқу рўзин ўзига тўш кўргай.
Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ[1],
Бу шарафни магарки туш кўргай.

* * *

Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингға.
Негаким ул кишига офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингға.

* * *

Элга не келса айламас панд,
Улки, кўнглини қилди ғафлат банд.
Кимки панд олди элга тушғандин,
Они билким, эрур саодатманд.

* * *

Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти – фош этти.
Тоғ эшитғанни дер, гуноҳидин
Гўиё Тенгри они тош этти.

* * *

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ[2] андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

---

[1] *Навми сабуҳ* – тонг уйқуси.

[2] *Рафъ* – бу ерда: узоклаштириш, йўқ қилиш.

* * *

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
Тилу кўнглунгни қилиб якрўй[1],
Нукта сурсанг шукуфтау[2] хандон,
Зист[3] қилсанг кушодау хушрўй.

* * *

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин[4].
Худ жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

* * *

Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
Яхши юзлукдин иста бахшойиш.
Токи бахшойишидин аввалроқ
Кўрмагидин етушгай осойиш.

* * *

Бир-бирин дўстлар агар гаҳ-гаҳ,
Кўрсалар, дўстлуқ ўлур голиб.
Шавқдин ихтилот[5] ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб.

* * *

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила
Юз ҳунарвар[6] маротибин топқай.
Яъни ўз айби пардаси кўзига
Ўзга эл айби чеҳрасин ёпқай.

---

[1] *Якрўй* – тўғри сўзлик.
[2] *Шукуфта* – очилган.
[3] *Зист* – ҳаёт, тириклик.
[4] *Атия* – ҳадя, совға.
[5] *Ихтилот* – алоқа, аралашиш.
[6] *Ҳунарвар* – ҳунарманд, фазилатли одам.

* * *

Бойлиғ истар эсанг, эл илгидин
Ҳар на кўрсанг, боридин ўл навмид,
Бул ғино, баски, халқдин кечибон
Тутсанг уммид Ҳақдин-ўқ жовид.

* * *

Кимки ислом кўзгусида тилар
Ҳар замон ўзга бир сафо мавжуд,
Кечсун ул навъ борча ишдинким,
Тенгри рози эмас, улус – хушнуд.

* * *

Эмас ул паҳлавонки, ўз қадрин
Бош уза элтибон нигун қилгай.
Паҳлавон они билки, етса газаб,
Нафси амморани забун қилгай.

* * *

Бой эмас улки, мол касратидин
Кўрмагай фоқау талаб ранжин.
Они билким, Худой бермиш анга
Нафси аммора таркини ганжин.

* * *

Эй хирадманд олимеки, санга
Илмдин рўзи айлади сонеъ.
Киши ўрганса, қилмағил маҳрум,
Ёки нафъ олса, бўлмағил монеъ.

* * *

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Не учунким расул қавли билан
Яхши сўз бордур уйлаким садақа.

* * *

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

* * *

Кимки мўминдурур қачон чидағай,
Ким ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида гар кулочу хоҳи умоч.

## «ДЕВОНИ ФОНИЙ»дан

Ба пири, эй жавон, гар давлати айн ул-яқин хоҳи,
Ғубори роҳи пирон тўтиё кун дар жавониҳо.

Эй йигит, қариганда асл ҳақиқат гавҳарини топишни истасанг, ёшликда улуғлар изи тупроғини кўзингга тўтиё қил[1].

* * *

Баҳористони гетиро гуле эмин кужо ёби,
Ки набвад сарсари боди хазон андар камин ўро.

Кучли хазон ели эсиб турган дунё баҳористонида омон қолган гулни қаердан топасан?

* * *

Равшан нашавад шабҳо, бе моҳ зи кавкабҳо.

Ой бўлмаса, тунлар юлдузлардан ёришмайди.

* * *

Умр зоеъ шуд ба «лояъни» паи охир нафас,
Як нафас ҳам сарфа мекун баҳри истиғфорро.

Умр бемаъни ишлар билан зоеъ бўлди, лоақал сўнгги нафасингни гуноҳларингга тавба қилиш учун сарфла.

[1] Форсий ҳикматларни Эргаш Очилов таржима қилган.

* * *

Дар ин саҳро зи боди ҳодиса ҳар сўй чун лола
Ба хок афтода бин тожи ғурури комгоронро.

Бу саҳрода орзусига етишганлар ғурури тожининг ҳодиса елидан лола каби ҳар ёқда тупроққа қоришиб ётганини кўр.

* * *

Умрро як-ду замон дор ғанимат, ки чу умр
На сабот аст замонро, на бақо давронро.

Умрни бир-икки лаҳза ганимат бил, чунки умр каби на замоннинг вафоси бордиру на давроннинг бақоси.

* * *

Ба гули умр вафое чу наёбам, чи ажаб,
Гар чу булбул бирасонам ба фалак афғонро.

Умр гулида вафо топмагандан кейин булбул каби фиғонимни фалакка етказсам, сира ажабланадиган жойи йўқ.

* * *

Дар сирри ҳақиқат ба сухан роҳ набошад,
Жое нарасид ар чи басе рафт суханҳо.

Ҳақиқат моҳиятига қуруқ сўз билан етиб бўлмайди. Шунинг учун агарчи беҳадду ҳисоб сўзлар қалаштириб ташланган бўлсада, улар бирор жойга етган эмас.

* * *

Макаш ту доман агар доманат кашад хоре,
Ба хоки аҳли вафо чун фитад гузор туро.

Вафо аҳлининг хоки покига қадаминг етганида у ернинг тикани этагингга санчилганида ҳам сен этагингни тортма.

* * *

Анису ҳамдам агар ҳаст хуб, хубтар аст,
Ки дар жаҳон ба кас афтад анису ҳамдам хуб.

Ҳамдаму ҳамрозинг яхши бўлгани яхши, чунки дунёда кишига яхши ҳамдаму ҳамроз учраса яхши.

* * *

Агар хароб бувад хонаи жаҳон, чи ажаб,
Ки дид хона, ки обод монд бар сари об?

Агар олам уйи хароб бўлса, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, зеро уйнинг сув устида обод турганини ким кўрган?

* * *

Вафои аҳд мажў з-аҳли рўзгор, эй дил,
Ки дар жибиллати ин қавм нест аҳди дуруст.

Эй дил, замон аҳлидан аҳдига вафо қилишини истама, чунки сўзининг устидан чиқиш бу қавмнинг асли зотида йўқ.

* * *

Мард он набвад, ки орад чор зан андар никоҳ,
К-аз зану зансиратон бастан назар мардонагист.

Мардлик тўртта хотинни никоҳига киритиш эмас, балки хотинлару хотинчалишларга қарамасликдир.

* * *

Дар бодияи ишқ ба бози натавон рафт,
К-онжост басе садмату бисёр маҳобат.

Ишқ саҳросига ўйин билан бориб бўлмайди, чунки у ерда беҳисоб хавфу хатарлар бор.

* * *

Гар пора сохт теғи жафои фалак дилам,
К-ў дил, ки аз жафои фалак пора-пора нест.

Агар фалак жафоси менинг дилимни пора-пора қилган бўлса, бу дунёда фалак жафосидан пора-пора бўлмаган бирор дил борми?

* * *

Он к-ў матоъи ҳар ду жаҳон доду васл ёфт,
Гуфтан тавон, ки дурри самин ройгон гирифт.

Ҳар икки дунё бойлигини бериб, васлга етишган кишини қимматбаҳо гавҳарни текинга олди, деса бўлади.

* * *

Висоли каъбаи мақсуд агар ҳавас дори,
Ба қатъи бодияи ў на тез бошу на суст.

Мақсад Каъбаси висолига етишиш орзусида бўлсанг, унинг саҳросини босиб ўтишда шошилма ҳам, имиллама ҳам.

* * *

Кор чун кишта даравдан бувад, он шуд деҳқон,
Ки дар ин мазраъа жуз донаи инсоф накишт.

Иш экканни ўриш бўлар экан, бу экинзорга инсоф уруғидан бошқа нарса экмаган деҳқон ҳисобланади.

* * *

Золи гардун чи кунад жилвагари, з-атласи чарх,
Хуб аз ҳуллаву иксун нашавад шоҳиди зишт.

Фалак кампири чарх атласида ўзини кўз-кўз этиб нима қилади – хунук танноз шоҳию ипакка буркангани билан гўзал бўлиб колмайди.

* * *

Бин сўи пиразани ишвагари даҳр, ки чун
Рустаммонанд забунаш, чи ажойиб золест.

Дунё отлиғ нозу ишва қилувчи кампирга қара: Рустам каби паҳлавонларни мағлуб этган не ажойиб кампир экан-а?!

* * *

Хомаи қудрат чу тарҳи офариниш зад ракам,
Хуб дидан хуб бошад, зишт дидан ҳаст зишт.

Қудрат қалами яратилиш тарҳини чизганиданоқ яхши кўриш яхшию ёмон кўриш ёмондир.

* * *

Андарин мазраъ чу деҳқон ҳар чи корад бидравад,
Хуррам он, к-ў ҳеч гаҳ жуз донаи неки накишт.

Деҳқон каби ҳар ким экканини ўрадиган бу экинзорда яхшилик уруғидан бошқа нарсани экмаган киши бахтлидир.

* * *

Бо дили ғофил куништаст, ар ҳарам бошад мақом,
Дил чу бо ёраст хуштар аз ҳарам бошад куништ.

Ғофил кўнгил билан ўтирсанг, Каъбанинг ғайридинлар ибодатхонасидан фарқи йўқ. Дилинг ёр (яъни Ҳақ) билан экан, ғайридинлар ибодатхонаси ҳам Каъбадан яхширокдир.

* * *

Зери нўҳ токи фалак ғайри кажи кор кужост?
Рости дар хами ин гунбади даввор кужост?

Тўққиз қаватли фалак остида эгриликдан ўзга нарса йўқ. Бу айланувчи ғумбазнинг ўзи тўнтарилган бўлса, унда тўғрилик қаёқдан ҳам бўлсин?!

* * *

Гули бехор кужо, махзани бемор кужост?

Тикансиз гул қайдаю илонсиз хазина қайда?!

* * *

Оғози кори даҳр, ки донист, к-он чи буд,
То кас кунад қиёс, ки анжоми кор чист?

Дунё ишининг аввали нималигини ким билибдики, то киши қиёс қилиб кўрсин – ишнинг охири нима бўлади?

* * *

Аз рўзгор чун нарасад гайри тафриқа,
Будан асири тафриқаи рўзгор чист?

Дунёдан паришонликдан бошқа нарса етишмайди. Дунё паришонлигига гирифтор бўлишнинг нима ҳожати бор?

* * *

Нашкуфт чун зи гулшани дунё гули мурод,
Баргўй, булбул, ин ҳама афғону зор чист?

Бу дунё гулшанида ҳеч қачон мақсад гули очилган эмас. Шундай экан, эй булбул, мунча фигону зор чекишдан нима наф?

* * *

Жоҳу иқболи жаҳон жумла хаёласту намуд,
Буди ин силсилаи шўъбадасон, ин ҳама нест.

Дунёнинг барча давлату иқболи хаёл ва суратдан бошқа нарса эмас. Бу макру фириб силсиласининг бору йўғи ҳечдир.

* * *

Ин ҳама шефтаи шоҳиди пуришваи даҳр,
Ки шуди, эй дили шўрида, бидон, ин ҳама нест.

Эй бечора, билгилки, дунёнинг серишва гўзалига бўлган барча мубталолигинг ҳеч нимага арзимайди.

* * *

Ин давр, ба як чашм задан гашта дигаргун,
Эй умр, ба рафтан зи бари мо чи шитоб аст?

Бир кўз очиб-юмгунча замон бошқа тусга киради. Эй умр, бизнинг ёнимиздан мунча шитоб билан ўтасан?

* * *

Оқибат хоҳад шикаст аз марг шохи нахли умр,
Беҳ зи зўри дасти тақво нафсро додан шикаст.

Охир-оқибат ўлим умр дарахтининг шохини синдиради. Шундай экан, тақво қўлининг кучи билан нафсни синдирган яхшидир.

* * *

Барфикан аз рўи даст асбоби олам пеш аз он-к,
Надҳадат суде газидан аз таҳайюр пушти даст.

Сени дунё билан боғлаб турган ришталарни эсинг борида ўзинг узиб ташлаки, кейин афсус-надомат билан бармоғингни тишлашдан фойда йўқ.

* * *

Чун баландонро фитодан лозим омад, паст бош,
Нест мумкин уфтодан ҳеч гаҳ бар хоки паст.

Юксакка кўтарилганларнинг бир куни пастлаши ҳақ экан, сен пастда юравер, чунки тупроқда ётган кишининг йиқилиши мумкин эмас.

* * *

Жоҳи дунё чоҳ дон, жастан тавони аз сараш,
Чун дарафтоди дар ў, натвон зи қаъри чоҳ жаст.

Дунё давлатини бир чоҳ билиб, бошдаёқ ундан сакраб ўтишга ҳаракат қил, чунки унга тушган қайтиб чиқолмайди.

* * *

Пиразан шуд даҳр, агар марди, ба гирди ӯ магард,
Гарчи зан шуд, лек мард онро шумур, к-аз вай бираст.

Дунё бир қари кампирдир – мард бўлсанг, унинг атрофида айланма. Хотин бўлса ҳам, унинг тузогига тушмаганни мард деб бил.

* * *

Баҳри гулҳо хори гулзори жаҳон машмор саҳл,
З-он, ки ҳукми тир дорад чун даруни чашм ҳаст.

Гуллар туфайли жаҳон гулзори тикани санчилганини енгил деб ўйлама, чунки кўзга санчилган тикан ўқдан кам эмас.

* * *

Зи баҳри чарх ба киштии умр сад халал аст.

Фалак денгизидан умр кемасига юз зарба етади.

* * *

Умед қатъ кун, эй мурғи дил, зи гулшани даҳр,
Ки доми тоири қудси зи риштаи амал аст.

Эй кўнгил қуши, дунё гулшанидан умидингни уз, чунки умид риштаси бу илоҳий қуш учун тузоқдир.

* * *

Танҳо на ман ба хоки мазаллат фитодаам,
Ҳаргиз фалак бар аҳли вафо жуз ситам надошт.

Хорлик тупрогига йиқилган ёлгиз мен эмас – фалак вафо аҳлига ҳеч қачон жабру ситамдан бошқа иш қилмайди.

* * *

Маталаб нахли вафо аз чи, ки деҳқони қазо
Ҳаргиз ин тухми ажаб дар чамани даҳр накишт.

Вафо ниҳолини талаб қилмаки, қазо деҳқони бу ажойиб уруғни ҳеч қачон дунё боғига эккан эмас.

* * *

Хубу зиштии ту вобаста ба раддасту қабул,
Он чу махфист, чи дони, ки ки хубасту ки зишт?

Сенинг яхшию ёмонлигинг рад этишию қабул қилишига боғлиқ. Ким яхшию ким ёмонлиги номаълум, бас, уни сен қаердан биласан?

* * *

Афлок разлпарвару дар панжрўза умр
Гаштан забуни ў зи камоли разолат аст.

Фалак разилпарвардир, беш кунлик дунёда унга мағлуб бўлиш айни разолатнинг ўзидир.

* * *

Доман аз тардоманони даҳр чидан хуштар аст,
Рўяшон чун дидаи гирён надидан хуштар аст.

Чун ба зар поши сафо мумкин набошадшон, чу хок
Меҳрсон з-ин тирагон дури гузидан хуштар аст.

Аз тариқи мардуми бошанд чун деви рамон,
Чун пари аз одами з-эшон рамидан хуштар аст.

По кашад аз мардуми, чун сар ниҳи бар пояшон,
Аз чунин номардумон доман кашидан хуштар аст.

Ҳар вафоро сад жафо доранд, пас аҳли вафо,
З-ин жафокорон ба як кунже хазидан хуштар аст.

Ҳирсашон кор аст чун анқо муяссар гар шавад,
Қуллаи Қофи қаноатро газидан хуштар аст.

Бу дунё фосиқларидан қўл тортмоқ, йиғлоқи кўз каби юзларини кўрмаслик яхширокдир.

Устларидан зар сочсанг ҳам улар тупроқ каби пок бўлмайдилар, қуёш каби бу нопоклардан узоқ кетган яхшироқдир.

Инсонийлик мазҳабидан дев каби қўрқиб қочадилар. Пари одамлардан қочганидек, улардан қўрқиб қочиш яхшироқдир.

Оёқларига бош қўйсанг ҳам одамгарчиликдан оёқ тортадилар. Бундай нокаслардан этак силкимоқ яхшироқдир.

Ҳар вафога юз жафо қайтарадилар, шундай экан, вафо аҳли бу жафокорлардан бир хилватга бекинишлари афзал.

Ҳирслари шунчалик кучлики, агар Анқо муяссар бўлса, қаноат Қофининг чўққисини тишлаш яхшироқдир.

* * *

Раҳ ба маъни талаби, чашм зи сурат дарпўш!
К-аз сувар гашт бари он, ки маони донист.

Маънога йўл топмоқчи бўлсанг, суратдан кўз юм, чунки маънони билган киши суратдан фориғ бўлди.

* * *

Нафканад мурғи чаман чашм ба гулҳои баҳор,
Ки зи торожи дай, осеби хазони донист.

Қиш торожию куз хазонини билса, чаман қуши баҳор гулларига назар солмайди.

* * *

Бубин баландии чархи барину пастии хок,
Нигун шудан чу нахоҳи, бисоз худро паст.

Фалакнинг баландлигию заминнинг пастлигини кўр: фалакдек эгилишни истамасанг, заминдек паст бўл.

* * *

Коре бурун зи амри қазо нест, гар туро
Ранже расад, ба анжуму гардун итоб чист?

Қазо ҳукмидан ташқари иш йўқ, шундай экан, сенга ранж етса, нега осмондану юлдузлардан ўпкалайсан?

* * *

Нақди жон шуд як дирам, вобастагони симро,
Нест як жав ганжи Қорун, гар кунад озода харж.

Пул бандалари учун бир танга жон билан баробардир. Саховат аҳлининг сарф-харажати олдида Қорун хазинаси бир арпача эмас.

* * *

Дар шабистони фалак афтода ҳамчун соя бош,
З-он, ки тарки сар кунад чун шамъ он, к-ў сар кашид.

Бу фалак базмгоҳида ерга тушган соя каби бўл. Чунки бош кўтарган киши шам каби бошидан айрилади.

* * *

Ақл дар вазъи фалак пай набарад, бин, ки ҳаким
Ҳалли ин нукта ба андешаи бисёр чи кард?

Ақл фалак аҳволини англашдан ожиз. Қара, бу муаммони ҳал қилиш учун шунча кўп бош қотирган донишманд нимага эришди?

* * *

Бари комил жаҳону аҳли ўро вазни хас набвад,
Ғамину хушдил аз аҳволи дун жуз дун нахоҳад шуд.

Комил инсон учун дунё ва дунё аҳлининг хасчалик аҳамияти йўқ. Пастлардан бошқалар бу тубан дунёнинг ишларидан ғамгин ёки хуррам бўлмайдилар.

* * *

Савти булбул зи чи маъни набувад файзрасон,
Ки зи авроқи гули тоза китобе дорад.

Китоби янги очилган гул варақларидан бўлгач, булбул навоси нега файзбахш бўлмасин?

* * *

Дар талаби васл пеши ҳиммати ошиқ
Даҳру дар ў ҳар чи ҳаст, мухтасар ояд.

Висол орзусида бўлган ошиқ ҳиммати олдида дунё ва ундаги барча нарсаларнинг аҳамияти йўқ.

* * *

Ҳаёти нақд бувад муғтанам, ки чарх ба луъб
Фитода то зи ту нақди ҳаётро бибарад.

Тириклик давлати ганиматдир, чунки фалак макр билан сени мағлуб этиб, ҳаёт деб аталган неъматдан маҳрум этмоқчи.

* * *

Тамаъ мадор зи хубон вафо, ки Эзиди пок
Ба ҳар ки дод жамол, аз дилаш вафо бибарад.

Гўзаллардан вафо умид қилма, чунки пок Тангри ҳар кимгаки ҳусн берган бўлса, кўнглидан вафони олади.

* * *

Қазо нашуд мутағаййир, хуш он, ки дод ризо
Ба ҳар чи бар сари баргаштааш қазо овард.

Тақдирни ўзгартириб бўлмайди, шундай экан, бошига тақдирдан нима келса, рози бўлган киши бахтлидир.

* * *

Аз килки сунъ он чи рақам шуд, савоб дон,
Фикри хато бувад, ки хаёли хато кунанд.

Яратувчи қалами билан нимаики ёзилган бўлса, уни тўғри деб бил, чунки хато хаёл қилсалар, хато фикр бўлиб чиқади.

* * *

Шояд ар хубии анжом расад з-оғозаш,
Ҳар ки з-оғоз назар жониби анжом афканд.

Бошдан оқибатини ўйлаган кишининг иши яхшилик билан ниҳоясига етса, ажаб эмас.

* * *

Ҳазор гирья бувад абрсон зи дунболаш,
Чу барқ ҳар ки дар ў бо ҳавои дил хандид.

Кўнгил орзуси туфайли кимки чақмоқ каби бир кулган бўлса, ортида булут каби минг йиғи келади.

* * *

Чи хуш буди, ки зи аҳли замон наёзурди,
Ҳар он, ки ҳаст дар ин базмгаҳ замоне чанд.

Бу базмгоҳда бир муддат яшаган киши замон аҳлидан озор чекмаса, кандай яхши бўлар эди.

* * *

Муоширон зи чи хуш нестанд, чун ҳастанд,
Ба базми даҳр ду-се рўза меҳмоне чанд.

Дўстлар нега хурсанд бўлмасинларки, бу дунё базмида икки-уч кунлик меҳмондирлар.

* * *

Дилрабоён бедилонро дил ба душвори диҳанд,
Лек ҳар гоҳе, ки дил хоҳанд бурд, осон баранд.

Дилраболар ошиқларига қийинчилик билан кўнгил беради-лару қачонки кўнгил олмоқчи бўлсалар, осонлик билан оладилар.

* * *

Сарсари ишқ чу бар мазраъи офоқ гузашт,
Хирмани сабру шикебоии мо барҳам зад.

Ишқнинг кучли шамоли олам экинзоридан эсиб ўтгач, бизнинг сабру қарор хирмонимизни барбод қилди.

* * *

Ба роҳи ишқ касе по ниҳад, ки гар ба сараш
Ҳазор тег расад, жониби дигар наравад.

Ишқ йўлига қадам қўйган киши, агар бошига минг тиғ етсада, бошқага кетмайди.

* * *

Хабар зи ғарқаи баҳри фано наёмад боз,
Ба гўр кас паи овардани хабар наравад.

Фано денгизига ғарқ бўлгандан қайта хабар келмади – киши қабрга хабар келтириш учун бормайди.

* * *

Бад-он монад, ки Юсуфро ба сими қалб созад байъ,
Касе к-ў гавҳари маъни диҳад в-он гаҳ дирам гирад.

Кимки маъно гавҳарини пулга сотса, гўёки Юсуфни арзимаган қора чақага сотган бўлади.

* * *

Булбулон вақти саҳар аз паи наззораи гул,
Пардаи гунча ба сад баргу наво бикшоянд.

Булбуллар саҳарда гулни кўриш учун юз бир наво билан ғунча пардасини очадилар.

* * *

Саг вафодору жафожў ба жаҳон сагманишон,
Ман саги он касам, эй дил, ки вафое дорад.

Ит вафодору жафо қилувчи итдан ҳам баттардир. Эй кўнгил, мен вафоси бор кишининг итиман.

* * *

Ба ҳаёту жоҳи даҳрўза маноз, з-он ки ҳар ду
Чу хаёлу хоб на аслу на эътибор дорад.

Ҳаёт ва ўн кунлик давлатга ҳаволанмаки, иккаласининг ҳам уйқую хаёл каби на асоси, на эътибори бор.

* * *

Гар умри Нўҳ ёби, аз он як нафас чу монд,
Вақти шудан ба як нафас афтад шумори умр.

Нуҳ умрига етсангу ундан бир нафас қолса, кетар чоғида умр ҳисоби худди шу бир нафасгагина боғлиқ бўлиб қолади.

* * *

Фоний, ба коми гулшани гети мабанд дил,
Чу мурғи руҳ мепарад аз шохсори умр.

Эй Фоний, дунё гулшани орзусига кўнгил боғламаки, жон қуши умр дарахти шохини бир куни тарк этади.

* * *

Ғанимат аст баҳори жавони, аз паи айш,
Ки то баҳори жавони бувад чи жои баҳор.

Шодлиғу хурсандчилик учун ёшлик баҳори ғаниматдир. Токи ёшлик баҳори бор экан, баҳорга ҳам ҳожат йўқ.

* * *

Баҳори умр ғанимат шумор, эй Фоний,
Фанояш арчи, ки зудаст чун фанои баҳор.

Эй Фоний, баҳор каби тез ўтиб кетувчи бўлса ҳам умринг баҳорини ғанимат бил.

* * *

Булбул ар шефтаи гулшан гашт,
Дид дар ҳар гулаш аммо сад хор.

Булбул гулшанга ошиқ бўлди-ю, аммо ҳар гулида юз тикан кўрди.

* * *

Тожи Парвезаст лола, к-аш диҳад барбод чарх,
То намояд тождоронро зи баҳри эътибор.

Лола (Хусрав) Парвез тожига ўхшайди – тож аҳлига ибрат бўлсин деб фалак уни кўкка совуради.

* * *

Зарра моҳияти хуршед надонад маъзур.

Зарра қуёш моҳиятидан бехабар бўлса узрлидир.

* * *

Фоний, ту агар ошиқи, аз ишқ мазан дам,
Чун рост наояд сухани ишқ ба тақдир.

Эй Фоний, агар ошиқ бўлсанг, ишқдан дам урма, чунки ишқ сўзини баён этиб бўлмайди.

* * *

Туро чи ҳодиса дар жавфи чархи даввораст
Чу з-он бурун натвони шудан, аз ин магрез.

Бошингга тушадиган ҳар бир иш айланувчи фалакдандир: унисидан қутулолмайсанми, бунисидан ҳам қочма.

* * *

Аз фиреби золи чарх эмин мабош, ар Рустами,
З-он, ки шеронро зи макраш карда ожиз ин ажуз.

Рустам бўлсанг ҳам фалак ёсумани макрига бепарво бўлма, чунки бу кампир ҳийла билан шерларни ҳам маглуб этган.

* * *

Бас ажаб рамзест булбул ошиқу гул ғарқи хун,
Ар ғаробатҳои ишқ афтода беҳад ин румуз.

Булбулнинг ошигу гулнинг қонга ғарқ бўлиши ажойиб бир рамз бўлиб, ишқнинг ғаройиботларидан бўлган бундай рамзлар беҳадду ҳисобдир.

* * *

Дар ту ҳар айбе, ки пинҳон кард Ҳақ, зоҳир масоз,
Балки айби халқ ҳам чандон, ки битвони бипўш.

Ҳар айбингники, Ҳақ яширган бўлса, ўзинг фош қилма, балки қўлингдан келганича элнинг айбини ҳам яшир.

* * *

Мурғи дилро нест як соат ба гулрухсорае,
Ком ҳосил то ки фарёди ҳазоре набвадаш.

Кўнгил қуши минг бор фиғон чекмагунча бир соат гул юзли ёр висолидан баҳраманд бўлолмайди.

* * *

Аз фалак ҳар давлате к-ояд намонад барқарор,
З-он, ки аз сайри шабонрўзи қароре набвадаш.

Фалакдан келган бирор-бир давлат барқарор эмас, чунки унинг ўзида кеча-кундуз сайр қилиб қарор йўқ.

* * *

Чун жаҳон беэътибор омад бари арбоби фақр,
Ҳар нашоте, к-аз вай ояд, эътиборе набвадаш.

Фақр арбоби олдида дунёнинг қиммати йўқ. Ундан келган ҳар бир хурсандчилик ҳам бирор-бир аҳамиятга эга эмас.

* * *

Чигуна чарх кунад хор он азизеро,
Ки ишқ дар ҳарами васл кард муҳтарамаш.

Ишқ висол ҳарамида муҳтарам қилган азиз кишини чарх қандай қилиб хор қила олади?

* * *

Ризои Холиқу махлуқ агар ҳамехоҳи,
Чи оядат зи қазо, бар сари ризо мебош.

Агар Холиқу махлуқ ризосини тиласанг, қазодан бошингга нима келса, рози бўл.

* * *

Ба сайди тоири давлат магар ажзу ниёз ори,
Ба дому дона натвони, ки мебинам ажаб сураш.

Давлат қушини дому дон билан қўлга туширолмайсан, у бир ажойиб келинчакдирки, ёлворишу илтижо билан ром бўлади.

* * *

Эй, ки хоҳи к-аз суубатҳои олам ворахи,
Иттисоли ёр жў в-аз ҳарчи гайраш инқитоъ.

Олам ранжу машаққатларидан қутулмоқчи бўлсанг, бошқа ҳамма нарсадан узилиб, ёр билан бирга бўл.

* * *

Нест чун қисмат зиёду кам ба саъю коҳили,
Аз паи мақсум, нодонист бо мардум низоъ.

Саъю сусткашлик билан ризқинг кўпу кам бўлмас экан, азалдан белгиланган қисмат учун одамлар билан адоватда бўлиш нодонликдир.

* * *

Тиракони безабону нозукони нуктагўй,
Гар бувад яксон ба боги даҳр, чи булбул, чи зог.

Бу дунё боғида тилсиз нодонлару чуқур маъноли сўз айтувчи нозикфаҳмлар тенг бўлса, булбул билан зоғ орасида нима фарқ қолади?

* * *

Дили аҳли суол овар ба даст, албатта, эй мунъим,
Ба шукри он ки масъул ў нашуд дар даҳру ту соил.

Эй неъмат берувчи, бу дунёда гадо бўлиб қолмаганинг шукронаси учун ҳам албатта гадолар кўнглини овла.

* * *

Гар азизат кунад эҳсони касон,
Дар баробар бингар зилли суол.

Эҳсон этиш кишининг азизу тиланиш эса хор қилишини кўр.

* * *

Ба даҳр дил чи ниҳам, Фониё, ки гар сад қарн
Бимонам, охир афтад азимати сафарам.

Эй Фоний, агар юз аср яшасам ҳам, охир-оқибат сафар этар эканман, қандай қилиб бу дунёга кўнгил қўяй?

* * *

З-аҳли ин дайр чи бунёди вафо дорам чашм,
Нест маҳкам чу дар ин дайри куҳан бунёдам.

Бу кўҳна дунёда илдизим мустаҳкам бўлмагач, дунё аҳлидан қандай қилиб вафо кўз тутай?

* * *

Фониё, нест чу маълум, ки аз чист нажот,
Андар ин дайри куҳан ожизу ҳайрон з-инам.

Эй Фоний, бу кўҳна дунёда нажот нимаданлиги маълум эмас – шундан ожиз ва ҳайронман.

* * *

Кор бетақдир чун мумкин набошад, эй ҳаким,
Кай назар бар сайри чарху гардиши ахтар кунам?

Эй ҳаким, бирор иш тақдирдан ташқари бўлмас экан, фалакнинг айланишию юлдузлар ҳаракатига нега назар солай?

* * *

Зи бевафоии аҳли замон наёзорам,
Вафо, ки дид аз эшон, ки ман тамаъ дорам?

Замон аҳлининг бевафолигидан хафа эмасман, чунки улардан ким вафо кўрибдики, мен вафо умид қиламан?!

* * *

Махоҳ хостаи нафсу ҳарчи хоҳи кун.

Нима иш қилсанг қилу нафснинг хоҳлаганини қилма.

* * *

Рўзи муқаддар аст, нагардад зиёду кам,
Гар ту виқор варз ва гар изтироб кун.

Хоҳ ҳаракат қилу хоҳ изтироб чек – азалдан белгиланган ризқинг кўп ҳам, кам ҳам бўлмайди.

* * *

Муғтанам дон, ҳар дам аз умрат, ки як дамро аз ў,
Нест мумкин не Масиҳо, не Хизр, гаштан зимон.

Умрингнинг ҳар дамини ғанимат бил, чунки унинг бир лаҳзасига на Исо Масиҳу на Хизр кафил бўла олади.

* * *

Машав, фирефтаи зулфу холи шоҳиди даҳр,
Ки жаст тоири зирак зи дому донаи ў.

Дунё гўзалининг зулфу холига мубтало бўлмаки, зийрак куш бу дому дондан ўзини қутқара олади.

* * *

То чунон фориг шавад хотир зи хубу зишти даҳр,
К-аз тахайюл боз натвон ёфт бешу кам дар ў.

Кўнгил дунёнинг яхшию ёмонлигидан шунчалик фориғ бўлсинки, то ўйлаган билан ундан яна кўпу камни топа олмасин.

* * *

Бари неки талаби тухми бади афшонда,
Ҳосили кишти ту маълум шавад вақти дарав.

Ёмонлик уруғини экиб, яхшилик ҳосилини истайсан – нима ҳосил олишинг ўрим пайтида маълум бўлади.

* * *

Чаро ба рўзии нанҳода ғам хўрам каму беш,
Чу бешу кам нашавад з-он чи ҳаст қисмати ў.

Нима учун ҳали етмаган ризқимни кам ёки кўп деб ғам чекай, ахир, бу билан тақдир қилинган қисмат кўп ёки кам бўлмайди.

* * *

Беҳтар аз биму бало будаст будан дар бало.

Балонинг ичида бўлиш балонинг хавфидан кўра яхшироқдир.

* * *

Гар баҳри раҳмати ў ояд ба мавж ғам нест,
Гарчи зи дуди исён дорем рўсиёҳи.

Исён тутунидан юзимиз қора бўлса-да, Унинг раҳмати денгизи мавж урса, гам йўқ.

* * *

Ки н-ояд зи ҳар пашша фарри ҳумои.

Ҳумо қушининг шон-шавкати ҳар пашшада бўлавермайди.

* * *

Бар дўстии даҳр манеҳ дил, чаро, ки ту
Бас, дўсти заифию ў душмани қави.

Дунё дўстлигига кўнғил берма, чунки сен ожиз дўстсану у кучли душман.

* * *

Аз авоми тираи пурҳирси дуньё дур бош!
Гар ҳамехоҳи, ки гардад сад машаққат аз ту рафъ.
Дур будан беҳ зи ғавғои магас з-он рў, ки ҳаст
Беҳадат ранж зи ҳужумаш, лек не имкони нафъ.

Юз бир машаққат сендан узоқ бўлишини истасанг, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган очкўз оломондан узоқлаш. Чивин ғавғосидан узоқ бўлган яхши, чунки ҳеч бир нафи бўлмаган ҳолда, ҳужум қилиб, кишига ортиқча малол етказади.

* * *

Жавонмард аз карам муфлис нагардад,
Сахиро аз ато чин нест дар чеҳр.
Ба пошидан чи нукс ояд ба дарё,
Ба афшондан чи кам гардад зари меҳр.

Жавонмард ҳиммати туфайли камбағал бўлиб қолмайди, сахийнинг юзидаги ажинлар лутфу эҳсон қилгани сабабли пайдо бўлган эмас. Сепган билан дарёнинг суви озаядими? Сочган билан қуёшнинг нури камаядими?

* * *

Сер бар ҳар хўшае даст мазан!
Ки шавад мужиби сад ранжу фасод.

Қорнинг тўқ бўлса, ҳар нарсага қўл урма, чунки у юз ранжу фасодга сабаб бўлади.

* * *

Чу олим аз паи боло нишастан
Ба ҳар мажлис равад, хуш пойкўбон.
На олим, жоҳилаш дон в-он, ки ўро
Намояд хуш ба жуз болои хубон.

Агар олим ҳар бир мажлисга тўрга ўтириш мақсадида борадиган бўлса, ундан раққослар яхши. Уни олим эмас, жоҳил деб бил, чунки унга гўзалларнинг қоматидан бошқа нарсаси гўзал кўринмайди.

* * *

Сифла, к-озодаро нагўяд бад,
Ё, наёяд фарози хони касе.
На ба дарё расад забони саге,
Нанишонад ба суфра сагмагасе.

(Қани эди) нокас покиза одамни ёмонотлиқ қилмаса, ё бирор кишининг дастурхонига яқин келмаса. Итнинг огзи дарёга тегмаса-ю, итпашша дастурхонга қўнмаса.

* * *

Таваккул ҳар ки созад шеваи хеш,
Зи бори миннати мардум халос аст.
Ки набвад бори мардумро дар он базм,
Ки ў бар хони неъматҳои хос аст.

Кимнинг табиатида таваккул бўлса, одамларнинг миннати юкини кўтаришдан халос бўлади. Ҳақнинг ўзи берган неъматлар дастурхонида бошқаларнинг бирор нарсаси бўлмагани маъқул.

* * *

Чу иззат боядат, тарки тамаъ кун!
Гадоёнро аз ин маънист хори.

Агар иззат тиласанг, тамани тарк эт, гадоларнинг хорлиги тама туфайлидир.

* * *

Дило, ҳарчанд қоил рост бошад гуфтааш ҳам рост,
Зи ноқил кизб гардад з-он, ки ўро каж бувад поя.

Эй дил, сўзловчи қанчалик ростгўй бўлса, сўзи ҳам шунча рост бўлади, сўзловчининг ўзи эгри бўлса, сўзи ҳам ёлғон бўлади.

* * *

Нуктаи комил, ки дар сидқаш набошад иштибоҳ,
Дар дили қоил ба оини накў ояд фуруд.
Лекин андар хотири ноқобилон каж ло бараш,
Лаҳни Довуд ар бувад ояд ҳама хориж суруд.
Чун рухи некў, ки дар оина бинмояд накў,
Зишту каж бошад агар бини-ш дар шамшеру худ.

Етук сўз, агар унинг ростлигига шубҳа бўлмаса, сўзловчининг дилига жуда осон ўрнашади. Лекин ноқобил кишиларнинг дили

эгри бўлгани учун Довуднинг нағмасини ҳам улар хониш ўрнида кўрмайдилар. Гўзал юз кўзгуда ҳам гўзал кўринади, агар кўз эгри ва қийшиқ кўрадиган бўлса, унга ханжар (уриш) ҳожат эмас.

* * *

Сиҳат ар хоҳи макун майли таом,
Тӧ набошад иштиҳои ғолибат.
Лек бояд даст аз ӯ вақте каши,
Ки ба хӯрдан нафс бошад толибат.

Агар сиҳат тиласанг, иштаҳанг очилмай туриб, овқатга майл кўрсатма. Лекин (овқатга ўтирганингда) ҳам егинг келиб тургани ҳолда, ундан қўл тортган маъқул.

* * *

Душманат гар ҳасуд шуд, нек аст,
Ки ба ранж ояд зи феъли бадаш.
Феъли ӯ ёру душманат бошад,
Аз паи қасди жисму жони худаш.

Душманинг агар ҳасадгўй бўлса, бу – яхши, у ўзининг ёмон феълидан дилтанг бўлади. Унинг феъли ўзига ҳам дўсту ҳам душман бўлса, ўзининг жисму жонига қасд қилиш пайидан бўлади.

* * *

Ҳунари хешу айби кас диди,
Нести кўр, акси ин ҳам бин.

Ўзингнинг фазилатингни-ю, ўзгаларнинг айбини кўрасан, агар кўр бўлмасанг, бунинг аксини ҳам бир кўр!

* * *

Сахи аз ҳарчи дорад мекунад базл,
Зи камтар кам, вале аз бештар беш.
Зи дарё дур, зи кўза қатраи об
Бувад, ҳар як аз инҳо дархури хеш.

Сахий бор нарсасидан – камидан кам, кўпидан кўп: дарёдан – дур, кўзадан – бир қатра сув, (яъни) буларнинг ҳар биридан ўзига муносиб эҳсон қилади.

* * *

Сахо набвад, ки бошад жамъ кардан,
Ҳама кори бахили ҳилятандеш.
Сахи онро шумур, к-аз ҳарчи дорад
Сахо, бо ҳар ки пеш ояд барад пеш.

Мол-дунё тўплаш сахийлик эмас, бу барчаси ҳийлагар бахилнинг ишидир, қўлида борини дуч келган кишига бериб кетадиган одамни сахий ҳисобла.

* * *

Накўи бо бадон камтар кун, аммо
Ба некон бештар кун некии хеш.
Ба некў бад баробар гар куни лутф,
Фитад бо некўвон кам, бо бадон беш.

Ўз яхшилигингни ёмонларга камроқ, аммо яхшиларга кўпроқ қилгин. Агар яхшию ёмонга баробар лутф кўрсатсанг, яхшиларга кам, ёмонларга эса кўп яхшилик қилган бўлиб чиқасан.

* * *

Гар нахоҳи дод чизе бо касе, гуфтан ки чи?
Чунки гуфти: саъй кун албаттаву он гуфта деҳ.
Гуфта нододан на кори одами, дон зинҳор,
Гар тавон ногуфта деҳ, к-ин доданат ногуфта беҳ.

Агар бировга бир нарсани беришни хоҳламасанг, айтиб нима қиласан? Магар айтдингми, албатта ҳаракат қилу айтган ўша нарсангни бер. Шу нарсани яхши билки, айтиб туриб бермаслик одамийликдан эмас, қўлингдан келса, айтмай туриб бер, берганингни ҳам айтмаганинг яхши.

* * *

Чу фарзанди некўст аз марди нохуш,
Таҳайюр наёяд, таажжуб нашояд.
Зи хоро агар гавҳар ояд ажаб нест,
В-ар аз пайкари хорбун гул кушояд.

Қаттиқ тошдан гавҳар пайдо бўлиб, тикандан гул очилгани ажабланарли бўлмагани сингари ёмон одамдан яхши фарзанд туғилса ҳам ҳайрон бўлиб, таажжуб қилиш керак эмас.

* * *

Дило, дар даври гардун гўшае гир,
Ки аз гирдоб беҳ жустан каноре.
Канора гар муяссар нест, худро
Маяфкан андарин ғарқоб боре.

Эй дил, ҳар лаҳза ўзгариб турган бу замонда ўзингни бир чеккага ол, чунки гирдоб пайтида қиргоқни излаган яхши. Агар қирғоққа чиқиш муяссар бўлмаса, ўзингни батамом гирдоб ихтиёрига ҳам топширма.

* * *

Булбуло, машъуфи ишқи гул машав,
Ёд кун аз шиддати хори фироқ.
З-он, ки бандад бор гул дар панж рўз,
Соле афтад бар дилат бори фироқ.

Эй булбул, гул ишқига кўп ҳам масрур бўлма, айрилиқ тиканининг азоблари борлигини ҳам унутма. Чунки гул бор-йўғи беш кунгина очилиб туради, кейин бутун бир йил давомида айрилиқ дардини чекасан.

* * *

Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,
Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.
Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест,
Басе доранд ин неку ҳавасро.
Зи бад гар неки ў бошад зиёда,
Надид аз сад яке ин дастрасро.

Ҳеч кимнинг шеъри бошдан-оёқ бир хилда яхши бўлмайди, бу деярли мумкин эмас. Агар яхши-ю, ёмони баробар бўлса, бу – ёмон эмас, буни кўпчилик орзу қилади. Ёмонидан яхшисининг кўп бўлиши юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас.

* * *

Гар касе ёри мувофиқ дорад, эй дил, бок нест,
Гар зи даврони мухолиф жони зоре бошадаш.
Дарду ғам набвад касеро аз жафои даҳр агар,
Дардро ҳамдарду гамро ғамгусоре бошадаш.

Эй дил, агар кишининг мувофиқ ёри бўлса, бу ғаддор замондан кўнгли озор чекса ҳам зарари йўқ. Агар дардига ҳамдарду ғамига гамгусори бўлса, дунё ҳар қанча жафо қилса ҳам кишининг дарду ғами бўлмайди.

* * *

Сарои даҳр, ки ҳар лаҳза корвони диғар
Дар ў нузул кунад, баҳри хўрдану хуфтан.
Муқим ношуда табли раҳил кўбад боз.
Бад-ин жиҳат шавадаш корвонсаро гуфтан.

Дунё саройига ухлаш ва ейиш мақсадида ҳар лаҳза карвонлар келиб-кетиб туради. (Улар бу ерда) бир нафас турмасдан кўчиш ноғораси чалинади, шунинг учун ҳам уни карвонсарой дейдилар.

* * *

Олиму жоҳил агарчи ҳар ду жинси мардуманд.
Фарқ бошад дар миён аз осмон то хоки раҳ.
Дурру жола ҳар ду аз абранду дар ҳайъат шабеҳ,
Он равад бар тожи шаҳ, ин лек дар хоки сияҳ.

Олим ҳам, жоҳил ҳам инсон қавмидан бўлишига қарамай, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ бордир. Дур ҳам, дўл ҳам булутдан пайдо бўлиб, кўринишда бир-бирига ўхшасаларда, дур подшоҳ тожини безаб, дўл қора тупроққа сингади.

* * *

Эй ғани, аз мол базли аҳли истеҳқоқ кун,
Вақтро фурсат ғанимат дор аз баҳри карам.
Дар жавони барфишон ҳар сӯ дирамро, пеш аз он,
К-ӯ, фитад аз раъшаи дастат гаҳи пири дирам.

Эй давлатманд, молингдан фақирларга эҳсон қил, карам қилишда фурсатни ғанимат бил. Кексаликда қўлинг қалтираб, пулни ҳам тутолмай қолишинг мумкин, бинобарин, йигитликда ҳар томонга пулларингни соч!

* * *

Ҳар ки ӯ рост гашту равшандил,
Дар сияҳҷоли даҳр бадрӯзаст.
Шамъ, к-ӯро байтасту базмафрӯз,
То дами мурданаш ҳама сӯз аст.

Ким тўғри-ю, кўнгли покиза бўлса, дунёнинг қоронғи зиндонида унинг куни қорадир. Шамга боқ: хонадоннинг равшанию базмларнинг гули бўлса-да, сўнгги нафасигача қисмати куйишдан иборат.

* * *

Ҳар чиз расад зи аҳли даврон махурӯш,
В-аз қисми азал зиёдаро беш макӯш,
Барбанд зи ношундани рахнаи гӯш,
В-аз ҳарчи нагуфтани, забон дор хомӯш.

Замон аҳлидан (сенга) ҳар нимаки етмасин нолима, азалдан белгиланган тақдирингга рози бўлу уни ўзгартиришга беҳуда уринма. Эшитиш жоиз бўлмаган гап-сўзларга қулоғингни кар қил, айтиш лозим бўлмаган ҳар қандай гапдан тилингни тий.

* * *

Лоф аз дониш нест ба жуз нодони,
Донистани жаҳл илм шуд то дони,
Мушкил ба худат кор чаро гардони,
Чун бошад як нею ҳазор осони.

Илму маърифатдан лоф уриш нодонликдан бошқа нарса эмас, агар билсанг, нодонликни билишнинг ўзи илмдир. Нима учун ўз ишингни мушкиллаштирасан, чунки битта «йўқ»дан мингта осонлик юзага келади.

* * *

Дил, ки жўяд ком ҳар жониб зи гулзори дигар,
Фош гуфтам, то бубинад ҳар тараф хори дигар.

Дил ҳар томонга боқиб, ўзга гулзорлардан ўз мақсадини изласа, очиқ айтаманки, ҳар тарафда ўзга тиканларни кўради.

* * *

Берафиқон ба бог кун манзил,
То бубини жаҳим, вале ҳосил.

Дўстларсиз боққа борсанг, бог ўрнида жаҳаннамни кўрасан.

* * *

Тухми расвои диҳад бар донаи тасбеҳи зарқ,
Оре-оре, дона жинси хешро боровар аст.

Риё тасбеҳининг донасидан расволик уруғи унади. Зеро, уруғ ўз жинсига мансуб мева беради.

* * *

Жониби жавр ар бигирад аҳл бешак жоҳил аст,
Жоҳил ар ёбад халос аз жаҳл илмаш мазҳар аст.

Жабру жафо йўлини тутган эл шубҳасиз жоҳилдир. Жоҳил жаҳолатдан қутулибдими, демак, илм ҳосил қилибди.

* * *

Нуктаи нодон зи баҳри ришханди ў накўст,
Мўҳраи хар дархури тазйини афсори хар аст.

Эшакмунчоқ эшак нўхтасини безашга муносиб бўлганидек, нодоннинг сафсаталари ҳам фақат уни масхара қилишга арзийди.

* * *

Сифла гар мирад паи иксуну атлас дур нест,
Ҳаст аз баҳри кафан кирме, ки абрешимгар аст.

Агар тубан кимса шоҳию атлас кияй деб ўлса, бунга сира ажабланмаслик керак, ипак қурти ҳам ўзига ўзи ипакдан кафан тўқийди.

* * *

Дил зи беишқи сияҳ бошад, зи ишқ оташфишон,
Ҳаст аз сарди зуғол он к-ў зи гарми ахгар аст.

Совуқликдан кўмир, ҳароратдан олов ҳосил бўлганидек, ишқсизликдан кўнгил зимзиё бўлса, ишқ туфайли шуъла сочади.

* * *

Сифларо ҳар нақд, к-андар даст дорад боқи аст,
Ҳуфтаро ҳар айш, к-андар хоб бинад бовар аст.

Бахил қўлига кирган барча нарсани абадий деб ўйлайди. Уйқупараст тушида кўрган ҳар айшу ишратга ҳақиқат деб ишонади.

* * *

Бармакаш теғи забон ҳар дам, к-аз ин рў шамъро,
Сар буранд ар чи ба фарқ аз шўъла заррин миғфар аст.

Ҳадеб тил тиғини тортаверма, чунки шуъладан тилла кулоҳи бўлса ҳам, айни шунинг учун шамнинг бошини кесадилар.

* * *

Бегуноҳро сохтан озурда аз теғи забон,
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст.

Бегуноҳга тил тиғи билан озор етказиш соғлом томирга ништар уриб, уни майиб қилиш кабидир.

* * *

Дар туфулият чи омўзи ба пири аз бар аст.

Ёшлигингда нимани ўрганган бўлсанг, қариганингда ҳам ўша нарса ёдингда бўлади.

* * *

Мард аз зан кам на дар гавҳар чи гар бошад ҳақир,
Дур зи байза кам на дар қимат агарчи асғар аст.

Эркак азалдан ҳақир бўлса ҳам хотиндан паст эмас. Дур агарчи кўринишда тухумдан кичик бўлса ҳам қимматда ундан баланддир.

* * *

Меҳнати ифлоси муфрит дар гарони Қоф дон.

Ҳаддан зиёд камбағаллик азобини Қоф тоғидан ҳам оғир деб бил.

* * *

Аҳли ҳимматро зи ноҳамвории гардун чи бок,
Сайри анжумро чи ғам к-андар замин жўю жар аст.

Юлдузлар ҳаракат қилар экан, ердаги ариғу жарликларнинг гамини емаганидек, ҳиммат аҳли дунёнинг нотекислигига парво қилмайди.

* * *

Ишқ асфалро ба чашм аъло дарорад жилвагар,
Шамъро қомат бари парвона сарви Кашмар аст.

Ишқ тубан кишини кўзга олижаноб қилиб кўрсатади, парвонага шамнинг қомати Кашмир сарви каби туюлади.

* * *

Эй, басо нуқсон, ки дар зимнаш бувад як навъ суд.

Кўп қусурлар борки, ичида бир қадар фойдалар ҳам бўлади.

* * *

Жаҳонки, марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў мажўй иқомат, ки роҳи шоҳу гадост.

Дунё фано шоҳкўчасининг мўъжаз бир бекатидир, унда абадий яшашни ўйламаким, у шоҳу гадонинг ўтиб-қайтар йўлидир.

* * *

Ҳазор сол дар ин кўҳан дайр агар мони,
Ки муддаташ ба яке ламҳа гар ниҳи на сазост.

Бу кўҳна оламда минг йил яшасанг ҳам, бу муддат бир лаҳзага тенг бўлмайди.

* * *

Зи мўр агарчи ҳаме шарза шер дар ранж аст,
Чи суд, чунки худаш поймол дар таҳи пост.

Чумолининг ўзи оёқ остида бўлгач, ундан кучли шерларга озор етишининг нима фойдаси бор.

* * *

Ҳаво мумидди ҳаёт аст халкро, лекин,
Нигар, ки чун зи тааффун аз ў ба даҳр вабост.

Ҳаво – халқ тириклигининг манбаи, лекин у айниса, оламга вабо тарқалади.

* * *

Агарчи «ҳаст минал-маи кулла шайъин ҳай»,
Ғариқи ўро мавт аст, аз ў кужо эҳъёст.

Агарчи ҳамма нарса мавжудлигининг сабаби сув бўлса ҳам, унга ғарқ бўлганга нажот йўқ – у ўлади.

## МУНДАРИЖА

Ҳикмат бўстони (Эргаш Очилов) ..... 3

«Бадоеъ ул-бидоя»дан ..... 13
«Ғаройиб ус-сиғар»дан ..... 16
«Наводир уш-шабоб»дан ..... 67
«Бадоеъ ул-васат»дан ..... 110
«Фавойид ул-кибар»дан ..... 142
«Ҳайрат ул-аброр»дан ..... 181
«Фарҳод ва Ширин»дан ..... 225
«Лайли ва Мажнун»дан ..... 240
«Сабъаи сайёр»дан ..... 247
«Садди Искандарий»дан ..... 255
«Лисон ут-тайр»дан ..... 291
«Маҳбуб ул-кулуб»дан ..... 304
«Муншаот»дан ..... 341
«Вақфия»дан ..... 345
«Назм ул-жавоҳир»дан ..... 346
«Муҳокамат ул-луғатайн»дан ..... 366
«Тарихи анбиё ва ҳукамо»дан ..... 367
«Арбаъин»дан ..... 369
«Девони Фоний»дан ..... 375

**Алишер Навоий.**

Ҳикматлар / Алишер Навоий; тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар
Н 14 муаллифи Э.Очилов. – Т.: O‘zbekiston, 2011. – 408 б.

ISBN 978-9943-01-628-6

**УДК: 821**
**ББК 84 (5ў)1**

Адабий-бадиий нашр

***АЛИШЕР НАВОИЙ***

**ҲИКМАТЛАР**

Муҳаррир *А. Шеров*
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳлар *М. Исҳоқов, Ҳ. Жўраев*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашр.лиц. AI 158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 27.12.2010.
Бичими $60\times90^{1}/_{16}$. Офсет қоғози. Таймс гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табоғи 25,5. Нашр табоғи 11,86. Нусхаси 5000.
Буюртма № 10-339
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O’zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Тел.: (371) 244-87-55, 244-87-20. Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
*e-mail: iptduzbekistan@mail.ru*
*www.ppch-uzbekiston.uz*